

Шарк Калёзи

2001

Иккинчи фасл

70-йил чиқиши

Адабий-ижтимоий журнал

Муҳаррир
Омон МУХТОР

Таҳририят ҳайъати раҳбари
Ўткир ҲОШИМОВ

ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Хумоюн Акбаров
Асад Дилмурод
Бойназар Йўлдошев
Бахтиёр Карим
(муҳаррир ўринбосари)
Қосимжон Мамедов
Қуронбой Матризаев
Холмуҳаммад Нуруллаев

Абдулла Орипов
Икром Отамурод
Ботир Парпиев
Ихтиёр Ризо
Юсуф Файзулло
(масъул котиб)
Ислом Шоғуломов
Тўлепберген Қаипбергенов
Рустам Қосимов

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ



Армон

Меҳр кўп кўргуздим,
аммо меҳрибоне топмадим.

Алишер НАВОИЙ

Кўзи ёшли фарёд, эй соҳир нидо,
Юрагимни очдим, кел, унга санчил!
Ёмонлик шоҳ бўлган, яхшилик гадо
Замонлар бирдайин меҳрга камчил.

Бир ёнинг — шуҳратга мукка тушган шоҳ,
Бир ёнинг — кайф-сафо гаранг қилган дўст.
Бағрингни очасан, жонфидосан оҳ,
Сен унга меҳрингни берасан кам-кўст.


Бир ёнинг — чоҳ қазиб юрган хиёнат,
Бир ёнинг — йўлингга кўз тиккан игво.
Сен унга ҳам тилаб инсоф, диёнат,
Ўз меҳрингни дариф тутмайсан, асло.

Бир ёнинг — қўллари калта, нотавон,
Фуқаро — Худодан нажот кутган қул.
Сен унга қарайсан, кўксингда армон,
Меҳрингни тутасан унга йўлма-йўл.

Тўкилиб бординг, сен, заррама-зарра,
Меҳрингни қалбларга айладинг малҳам.
Топган шарофатинг — афсус минг қарра,
Кўрган марҳаматинг — надомат, алам.

Ғарибсан, бир макон топмабсанки то,
Кезасан саросар, ҳорғин, озор дил.
Кўзи ёшли фарёд, эй соҳир нидо,
Юрагимни очдим, кел, унга санчил!

Икром Отамурод



Иброҳим Ғафуров

Қаҳрамонимизни қаердан топамиз?

Уруш пайтининг қаттиқчиликлари, ярим очлик, ярим яланғочликларни куриб болаликдан қолган соф узбекча бир таассуротим борлигини айтмай. Куп узбек хонадонларини кузатганман. Бир ҳовлида икки туп урик дарахти ва бир туп тут булса, — узбек ҳовлиларининг кўпида аксаран тутлар жуда йирик ва бир ярим ой пишиқчилик қайфиятини бериб турарди, — шу ҳовли ҳеч қачон очликдан ўлмайди. Бир туп тут ва икки туп урик узбекка доим халоскор булади. Болаликда биринчи ўзим чиқарган хулосам шу эди. Балки уни катталардан эшитгандирман. Лекин кимдан эшитганим эсимда йўқ. Дарахтларни меҳнаткаш деб таниганман. Урик ва тут узбек учун алоҳида меҳнаткаш. Тирик жонзотлар ичида уларга фақат қўйгина ўхшайди. Қўйнинг одам тириклиги ва тирикчилиги учун биронта ҳам бефойда, бенаф жойи йўқ. Туғидан шохигача фойда келтиради. Урик ҳам шундай. Тут ҳам. Мен тутлар, уриклар устида ўсганман. Богзор маҳалламиз атрофидаги барча улкан урикларни яхши танирдим, ҳар шохида қуноқ булганман. Уриклар чаман булиб гуллаганда урик гуллари ичида дарахтнинг қир учи-га чиқиб утиришни севардим. Урикнинг меваси, данаги, ҳули, қуруги, шох-шаббаси, илдизи, япроқлари ва ҳатто данагининг пўчоғи ҳам тирикчиликда асқотади. Узбеклик ғояси ҳақида ўйлаганда шу икки туп урик ва бир туп тутдан ҳосил буладиган тириклик ҳикмати одамнинг ҳаёлини олиб қочади. Амир Темурнинг сон-саноксиз лашкарларига улкан дош қозонларда урик қайнатиб ичиргани ёдга тушади. Ҳар бир халқнинг дарахтдан ўз тимсоли бор. Русларнинг тимсоли оқ қайин, қарагай. Узбекларнинг тимсоли — урик. Канадаликлар ўзларини болутга, лубнонликлар кедрга қийёслайдилар. Қадим туркийлар шумтолни муқаддас тутганлар...

Дарахт, урик, тут, ҳовли, узбек... урикдек пишиқ ва ҳамиша фойдали меҳнат қилади. Унинг меҳнатидан тириклик ҳосил булади. Узбекнинг ғояси — фойдали меҳнат ғояси. Урик, тут — узбек эъозлайдиган тириклик, тинчлик, эминлик, фаровонлик, пишиқчилик рамзи. Ҳар бир урикнинг пишиқ, пухта: метиндай мустаҳкам ва лазиз танасидан бир узбек чиқиб келаётганга ўхшайди. Миллатимизнинг яшаш ғоялари бу азал тирикликка ғоятда уйғун, ғоятда содда ва ғоятда яшовчан. Лекин одам жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса. Урик, тут, ҳовли ва тириклик — ибтидо. Одамнинг эҳтиёжлари улар билангина битмайди. Одам энг оддий нарсалар: ризқу рўз дунёсидан энг мураккаб, тушуниш, англаш, билиш қийин руҳоният дунёси қадар кутарилиб боради. Мева еб очликдан сақланишни маймун ҳам биледи. Бироқ руҳоният ва маънавиятдан қанот боғлаб болу пар ясаб кўкларга парвоз қилиш қудрати фақат одамзод чекига тушди. Эркинлик ва парвоз орзуси одамзодни ерда фақат судралиб яшаш қисматидан халос этди.

Эркинлик ва парвоз орзуси бу — юксак маънавиятдан. Эркинлик ва парвоз истак-майлларини фақат бадиий адабиётгина тарбиялайди. Бадиий адабиётдан ҳам кенгроқ, устунроқ сўз тарбиялайди. Сўз орқали жон шаклланади. Жон бу — адабиётнинг қахрамонлари. Адабиёт уз жонбахш сўзи ва турфа қахрамонлари билан киши камолотига хизмат қилади. Бадиий адабиёт яхши ривожланмаган ва етарли кадрланмайдиган ерларда инсоннинг ўқиши, ўсиши, фаровонликка интилишлари ҳам унчалар қадр топмайди. Одамлар бундай ҳолларда ибтидоий, ута жўн интилишлар билан узларини овутиб юрадилар. Сўзнинг энг кучли тарбия воситаси эканлигини инсоният эсини танигандан бери жуда кучли ҳис қилади. Сўзни эъзозлайди. Ўзбек уриқ донасидай лазиз сўз, қилич дамидай уткир фикрни севади. Унинг бу қадар бой фольклор, ҳикматли сўз яратгани шу севги, муҳаббатидан дарак беради. Миллий ғоямизнинг бош фикри — камолот касб этиш. Юртни камолот даражасида туриб обод ва кучли қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ёшлар тарбиясига бағишланган чиқишларида уларнинг ватаний тарбиясига алоҳида урғу бермоқда, бу тарбияда устувор аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Ёшлар тарбиясида уларнинг характерлари ҳамда дунёқарашлари, эътиқодларини тобловчи асарлар яратиш, уларда ибратли қахрамонларнинг таъсирчан сиймоларини гавдалантириш жуда муҳим эстетик аҳамият касб этишини уқтирмоқда.

Ҳар бир тарихий даврнинг, ҳар бир миллатнинг узига хос ибратли қахрамонлари бор. Улар муайян-мамлакатдаги мавжуд маълум бир сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий вазият, талаб ва эҳтиёжларнинг юкини кутарадилар. Миллатга мансуб характерли интилишларни акс эттирадилар.

Ўтган совет ноэркин тузуми даврларида советча инқилобий қурилишларнинг узига хос қахрамонлари, узига хос қахрамонлик идеаллари яратилган эди. Ун йилларча ҳукмронлик даврларида совет қурилишининг вазифалари узғариб, мураккаблашиб боргани сайин совет мафкурасига мос қахрамонлар ҳам, уларга булган талаблар ҳам узғариб борди: улар инқилобчилар, коллективчилар, саноат қурилиши фидокорлари, уруш кишилари, бамчилар, қуриқ ерларни узлаштирувчилар, илғорлар ва қолоқлар эди. Аввало большевизм ва қолаверса, советизмга жон-жаҳди билан берилган бу ибратли қахрамонлар узларининг ута ғоявийлиги, онглилиги, совет тузумига садоқати билан ажралиб турар, асарларда ҳам, ҳаёт жабҳаларида ҳам худди социалистик ғоянинг юргизиб юборилган механизми каби ҳаракат қилардилар. Барча ҳолларда темир ирода ва коллектив темир оқим хусусиятлари ҳамда ҳукмларини ифода қилардилар. Ғоявийликда, иллюстративликда, сиёсий мақсадларни кузлашда ноёб бир адабиёт яратилган: чапаевлар, корчагинлар, мересьевлар, ёш гвардиячилар ва уларнинг миллий адабиётлардаги шарпалари идеал коммунистик ибрат намунаси тарзида талқин қилинар ва онларга сингдириларди. Ҳаққонийлик, ҳаётийлик, табиийлик реализм талаблари билан ижод қилишни истайдиган адибларга таъйиқлар кўрсатиларди, уларнинг яшаши, ижод қилиши қийин, мушкул шароитларга қўйиларди. Шунга қарамай реализм ва ҳаққонийликдан чекинмайдиган адиблар ҳам миллий адабиётларда оз эмас эди. Уларнинг асарлари таъқибларга қарамай севиб ўқиларди.

Эндиликда миллий адабиётлар тамомила озодликка эришди. Бугун энди ҳеч ким қандай булмасин, ғояга иллюстрация яратишни уйламайди. Зотан, коммунистик ғояларнинг қулларини яна тирилтириш ХХI асрда ута кулгили ва аянчли ҳол булур эди. Бундай уринишлар юз берган тақдирда ҳам улардан ҳеч нарса чиқмас эди. Чунки соғлом ақл соҳиби ҳеч қачон қуриган қудуққа челақ солишни ҳатто хаёлига келтирмайди.

Миллий истиқлол даврида одамлар энди бутунлай янги ижтимоий-эстетик вазифаларни бажарадилар, олдиларига янги олижаноб инсоний ижтимоий мақсадларни қўядилар.

Бизнинг ҳозирги миллий адабиётимиз тоталитаризм асоратларидан қутулиб бораётган, миллий ўзлик ва умуминсонийликни озод инсон дара-

жасидан туриб англаш, инсон ва унинг камолотга интилишларини тасвирлашни асосий мақсад қилиб қўйган, ҳаёт ва ижтимоий жараёнларни уларнинг бутун ранг-баранг мураккабликлари, товланишлари, кўринишларида қабул қиладиган, эркинлик ҳиссиётларни улуглайдиган адабиётдир. «Камол эт касб ким...» деб бошланадиган гоё бу адабиётнинг бош инсонпарварлик гоёси ва шу маънода у инсоният мумтоз адабиётларининг давомчиси дир. Мумтоз улчовлар бу адабиётнинг улчови, мумтоз ёндошувлар унинг ёндошувларидир.

Маърифат ва озодлик қаҳрамонлари бу адабиётнинг асил ибратли қаҳрамонларидир. Шу билан бирга бу адабиёт энг оддий одамлардан ҳам қаҳрамонлик хусусиятларини топа олади. Бу адабиётга гайриинсоний майллар ва қарашлар, ҳар қандай шаклдаги зуравонлик, инсон эркини бўғиш, экстремизм, фашизм, ирқпарастлик ва бошқа шу каби одамзодга оғир фожиалар келтирган разилликлар тамомила ёт-бегонадир.

Яшаш учун кураш улмайди. Лекин одамзодни емирилишдан, шахсни емирилишдан сақлайдиган курашгина узини оқлайди.

Баъзан диний адабиётларни қизиқиш билан қўлга оламан. Инсонни диёнатли, имонли куриш менга жуда ёқади. Дарвоқе, бу кимга ёқмайди? Уларда уз фикрини эҳтирос билан исботлаш майлларини кўриб одамнинг ҳаваси келади. Лекин бу диний адабиётлар куп ҳолларда бир томонлама ёзилган бўлади. Ҳар бир дин уз ақидаларининг афзаллиги ва устунлигини зур бериб ёқлаш, исботлашга берилиб кетади. Ҳолбуки, ҳар қандай диннинг асосий вазифаси одамларни ёмонликлардан қайтариш, яхши амаллар эгасига айлантириш, уларга Худо маърифатининг чексизлигини айтиш.

Фашизм уз ирқий афзаллигини уқтириб, неча миллионлаб бегуноҳларнинг қонини тукди.

Большевизм уз гоёларининг илғорлиги ва афзаллигини уқтира-уқтира бутун бир мамлакатни тиканли сим билан уралган зиндонхонага айлантирди, энг яхши одамларни уз гоёсининг қурбони қилди. Салб юришлари, катolikлар, протестантлар, мужтаҳидлар, ҳизбутчилар ва яна-яна аллакимлар бари уз афзаллигини исботлайман, деб ваҳшат ногорасини чалади. Уз гоёсини зуравонлик қуролига айлантиради.

Ҳозирги Фарб адабиёти, фалсафаси Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даҳшатларини уз кўзлари билан кўриб, уз бошидан кечиргач, эллигинчи йиллардан буюғига яшаш учун курашдан гоётда зерикди. Фарб фалсафаси, Фарбнинг бадий тафаккури Освенцимдан сунг худо улди деган хулосага келди. Чунки освенцимларни ҳам инсон боласи худди узига ухшаш инсон боласига қарши уйлаб топган, бу инсон бошига тушиши мумкин булган хор-зорлик, кулфат, азоб, фалокатларнинг энг сунгги чўққиси эди! Ҳолбуки Худо булса, бунга асло йул қўймаслиги керак эди, дейишди Фарб файласуфлари. Фарб узининг энг улуг файласуфлари, социологлари томонидан тан олинган шу хулосадан сунг тамомила таназзулга йул тутди. Унинг бош мавзуси инсон емирилиши, унинг ҳаётдан бешиши булиб қолди. Бу адабиёт тирикликни чек-чегарасиз азоб ва бутунлай маънодан маҳрум ҳодиса, тасодифотлар йигиндиси каби тасвирлашга зур берди. Инсон тоқат қилишига ақл бовар қилмайдиган жуда оғир, жуда шармандали сексуал инқилоблар ва фаҳший разолатларни бошидан кечира бошлади. Фаҳш эркин севги каби талқин қилинди. Одамнинг одамдан яширадиган ҳеч нарсаи бўлмаслиги керак деб яланғочлик тарғиб булди. Оммавий тус олган фаҳш куп миллий адабиётларнинг саҳифаларини бутунлай эгаллаб олди. Илм-техника беқиёс тараққиётга кўтарилган, технологиялар одамзоднинг энг ақл етмас хаёлий орзуларини рўёбга чиқаришга киришган, онг беқиёс даражада усган, рационализм ҳам, иррационализм ҳам бутун нозикликлари билан англанадиган, талқин қилинадиган бир шароитда одамларнинг гуруҳ-гуруҳ булиб ахлоқсизликларга берилишларини нима билан изоҳлаш мумкин? Худо улди, унинг қуёши ботди, инсоният шом қоронгулиги сари йул олди, сингари фикрлагандан сунг яна нима халоскорлик қолади оқил инсонга? Наҳот одамзод ҳаёти, умргузаронлигида

сексдан бошқа қизиқарли нарса қолмади? Бугунги жуда юксак бадий маҳорат билан яратилган купгина Фарб китобларини уқисангиз, аксаран ҳаётга қизиқишларини йўқотиб қуйган қаҳрамонларга дуч келасиз. Фаровонлик, эркинликнинг барча афсонавий неъматларига эришганларидан сўнг, улар мутлақ зеркиш остида қолганлар. Узларини узлари танимайдилар, узлари узларига бегона бўлиб кўринадилар. Одамлардан қочадилар. Дунё уларга ёт, улар дунёга ёт. Уртада сарсон ҳаёт. Минглаб саҳифаларни физиология ва метафизика эгаллаб ётади. Яқинда француз адиби Эмил Мишел Чораннинг кундалик дафтарларини уқидим. Фикр қайнаб, титраб, тирқираб, эзилиб, улкан ақл вайроналарида ётибди. Уқиб дилингиз вайрон булади. Инсонда шунчалар ақлий, гайри ақлий зиддиятлар булиши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Бугунги Фарб адабиётининг фожиали изланишларини тушунишга ёрдам берар деган фикрда Чораннинг айрим парчаларини таржима қилиб келтириш балки уринли булар:

«Менинг ҳар кунги асосий туйғуларим: уз-узимга ачиниш, нафрат, юракнинг хувиллаб ётиши, қўрқув, кўмсаш ва бошдан-оёқ емирилиш».

«Биронта ҳам тирик жонни қизиқтирмайдиган нарса яратиш. Мен бунга деярли эришдим».

«Мен узимни биламан. Шунинг учун узимга тоқат қилолмайман».

«Ҳаётга нафратим йўқ, улим истаги ҳам йўқ, бирдан-бир истагим — туғилиб дунёга келмаслик. Тирикликдан ҳам, улимдан ҳам, мен туғилмасликни афзал биламан. Туғилмаганликка ҳавас қиламан. Куп япаганим сари менда бу ҳавас ортиб борапти»...

«Мен ҳозиргина улгандай бўлиб яшайман».

Фақат Чорандагина эмас, бошқа купгина Европа адибларида фикр, туйғу, кечинмалар мана шундай чала улган илондай тинимсиз типирчилаб ётади. Фарб адабиёти худди тўхтамайдиган конвулсиялар ичида қолгандай ва йўқолиб бораётгандай.

Фарб адабиёти уз уртанишлари, уз ич-этини ейишлари, инсон ҳаёти ва унинг маъносига янги мезон, ўлчовлар қидириш ичида.

Миллий истиқлол ва озодлик адабиётимизнинг қаҳрамонларини қаердан топамиз? Ешлар ва катталарни гайриинсонийлик ва гайри ахлоқийликка қарши тоблайдиган юксак маънавий мезонлар, ҳодисаларни қаердан топамиз?

Бу савол қаршида тушкун утириш мумкин эмас. Гайриахлоқийлик қизиқарли ахлоқийлик қизиқарли эмасми? Разолат қизиқарли камолат қизиқарли эмасми? Фаҳш қизиқарли пок севги қизиқарли эмасми?

Шарқ ҳамиша инсон муносабатларида, адабиётларида юксак инсоний, ахлоқий андозаларга суянади. Бу томондан у Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетгандир. Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, яна неча унлаб но-сирлар, шоир ва шоираларимизни халқ нима учун севади? Улардаги юксак инсонийлик ва одамийлик ахлоқининг ёрқин тараннуми учун эмасми? Халқнинг урик данагидек мустаҳкам иродаси, ҳаёт ва тириклик тамаллари, гўзал маънавиятини тоза дурдона сўз билан тасвирлаганларида эмасми бу миллий озод адабиётнинг жозибаси ва унинг инсон тийнатини тоблантиргувчи қудрати!



Сабоҳат Сафоева,

фалсафа ва ҳуқуқ институти
катта илмий ходими

АЁЛ ОЛАМИ

Миллат келажаги — оналар қўлида.

О. Бальзак.

Не савдолар бошинга тушган,
Қамраёлмас ҳаттоки хаёл —
Аёл, сенга кўп бўлди душман,
Ҳамон учрар йўлингда, аёл! —
Лекин сени ҳеч ким енголмас...

(Бир ҳикоятдаги шеърдан)

Аёлларга муносабат умуминсоний ва миллий қадриятдир. Хотин-қизлар масаласи узок даврдан бери жамиятнинг илғор фикр юритувчи қисми томонидан ўрганилиб келинади. Жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, мафкуравий ҳолати шу жамиятда яшаётган аёллар муаммоларининг қай даражада ҳал этилгани ёки этилмаганлиги билан белгиланади.

Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби ва мутафаккири Жавоҳарлаъл Неру:

«Хотин-қизларнинг ташаббуси ва имкониятларини чеклаш миллатнинг ривожланишигагина эмас, балки бутун инсониятнинг тараққиётига тўсқинлик қилади», деб ёзган эди.

Хотин-қизлар муаммолари ҳақидаги маълумотларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, аёллар муаммосининг даражаси ҳар бир давлатнинг иқтисодий тараққиёти, демократик сиёсати, экологик аҳволи билан бирга, шу ҳудуддаги урф-одат, аънаналар ва давлат томонидан яратилган турли имкониятларга боғлиқдир. Бу айниқса, ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳаси, оналар ва болаларнинг ижтимоий ҳимояси учун ажратилган маблағларида кўринади.

Инсоният ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятларини, объектив талабларини ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тарихий шароити ва миллий хусусиятидан келиб чиқиб таҳлил этиш зарур бўлади. Ана шундай хосликлардан бири «олдинги» ва «ҳозирги» Ўзбекистоннинг хотин-қизларга муносабат масаласидир. Бу муаммо — диний, ижтимоий, сиёсий, тарихий босқичлардан ва хусусиятлардан иборат.

Нихояланган аср 20-йилларининг биринчи ярмида, Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаракати миллий ҳис-туйғуларини кўпол равишда бузмаган ҳолда, янгилик ва аънавийлик ўртасидаги мутаносибликни сақлаган ҳолда амалга оширилди. Айниқса, хотин-қизлар эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қарорларнинг чиқарилиши, уларнинг ҳуқуқий равишда эркаклар билан тенглаштирилиши, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини берилиши аҳамиятли иш эди. Мажбурий никоҳ, ёш қизларни қалин эвазига сотиш таъқиқланди. Булар ўз навбатида хотин-қизларнинг жамият тараққиётида иштирок этишлари учун имконият яратди. Лекин шу билан бирга, шахсга сизғиниш, мафкурада якка ҳокимликнинг ривожланиши оқибатида аёлларга муносабат масаласида салбий ҳолатлар юзага келди. Бу давр ўзбек хотин-қизларининг икки ўт орасида куйиб-ёнишларига сабаб бўлди. Минг йиллар давомида яратилган, халқимизнинг руҳига сингиб кетган маънавий дурдоналаримизга диний ва сиёсий тус берилди. Миллатнинг тарбиявий хазиналаридан иллат қидирилди. Бошқа дин, бошқа миллатнинг турмуш тарзини, халқимиз ҳаётига тазийқ орқали тадбиқ этилиши халқимиз онгида ва турмушида тўқнашувлар ҳамда зиддиятларни келтириб чиқарди. Маъмурий буйруқбозлик, зўрлик асосида амалга оширилган чоралар кўплаб қурбонларга сабаб бўлди. Ўзбекистонда 1928 йилнинг ўзидаёқ «очилган» аёлларга суиқасд қилиш ҳолатлари 226 маротаба содир этилган эди. Хотин-қизлар масаласида йўл қўйилган хато-лар жамият тараққиётига урилган зарба эканлиги ҳақиқатдир. Шўролар ҳукмронлиги даврида аёлни колхозчи, моҳир механизатор, ўнлаб станокни бошқарувчи рационализатор, она ва оила устуни деб «кўкларга» кўтарилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этила бориши натижасида улар масаласи мурраккаб ва долзарб муаммо сифатида намоён бўла бошлади.

Аёлларни доимий жисмоний меҳнатга банд этиш оилани барбод бўлишига, жисмонан чарчаган аёлнинг эр-хотин ва болалар муносабатида бегоналашишига олиб келади. Ўзида эса руҳий-асабий, саломатлик муаммоларини келтириб чиқаради. Ижтимоий тараққиётга зўрлик орқали «тезроқ жалб этиш»дан кўзланган мақсад мусулмончиликда азалдан мавжуд бўлиб келаётган миллий, диний урф-одатлар, тарихий маданиятни йўқ қилишга қаратилган эди.

Муслмон олами тарихида аёлларга муносабат энг нозик, энг жиддий муаммолар сифатида қаралган. Ислом дини аёлларнинг жинсини ҳисобга олиб асосий ишларни эркакларга юклади.

Аёллар ҳамма вақт оила доирасида эркаклар томонидан ҳимояда бўлиб келганлар. Қизлар ва аёллар ҳар бир оиланинг номуси ҳисобланган. Ҳамма даврларда аёллардан номусни сақлаш, поклик ва ўз қадрини поймол этмаслик талаб этилган.

Оила бўлиб яшаш, ўз навбатида миллатни, наслни айнимаслигида катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун аёлларнинг миллий урф-одатларга асосланиб яшашлари уларни соғлом, яхши ҳаёт кечиришларига имкон яратган. Демак, аёлларнинг нафақалари эрлар зиммасида эканлиги шариат қонунлари билан белгилаб қўйилган эди.

Ислом динида мавжуд бўлган азалий тузилишни йўқ қилиш, ўзбек аёлларини «замонавийлаштириш»даги хато ва камчиликлар шўро даврининг пухта ўйлаб олиб борган машъум сиёсати эди. Аёлларни ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш, мавжуд ишчи ўринларини хотин-қизлар ҳисобидан тўлдириш шўро сиёсатининг биринчи галдаги вазифаси эди. Ўзбек аёллари ишлаб чиқаришнинг энг оғир жабҳаларида токар, слесар, темир йўл ётқизувчиси, хайдовчи ва мураккаб станокларда меҳнат қилардилар.

Қишлоқ ҳўжалигида деярли, хотин-қизлар ишларди. Хотин-қизларга фақат ишчи кучи сифатида қараш уларнинг тақдирида ўз асоратини қолдирди. Оғир ишлар охир оқибатда аёлларни касалманд, ногирон қилиб, улардан мажрўх ва нимжон фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлди. Доимий иш билан бандлик ўз фарзанди билан шуғулланишга имкон бермади. Ўз фарзандига оналик меҳрини беролмаган, унинг тарбиясига вақт тополмаган она соғлом, баркамол фарзандни вояга еткази оладими?

Соғлом, баркамол фарзандлари бўлмаган жамият ва миллат инқирозга юз тутиши муқаррар эди. 1991 йилда рўёбга чиққан истиқлолимиз миллий ўзбек урф-одатлари, қадриятларини қайтадан тиклади.

Урф-одатларимиз мажбуран унуттирилиб, аънаналаримиз йўқола бошланишига, маънавий ҳаётимизга бегона халқ маданиятининг киритилиши учун имкон берган маъмурий буйруқбозликка асосланган тузум инқирозга юз тутди.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция»га қўшилди. Ўзбекистон Республикаси аёлларни камситмаслик сиёсатини ўтказиш мажбуриятини олди ва бу мақсадга эришиш учун аёлларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, таълим олиш, касб ўрганиш, мутахасссликка эга бўлиш, оналикка оид бир қатор қонунлар қабул қилди.

1995 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони эълон қилинди. Бу фармон хотин-қизларнинг обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ишида муҳим қадам бўлди. Бош вазирнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари янги лавозими жорий этилди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши тўғрисида Республика бўйича хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланадиган 400 аёл раҳбарлик лавозимига кўтарилди.

Мамлакатимиз ҳозирги демократия жиҳатидан юксалаётган, маънавий қиёфамиз ўзгараётган, миллий дунёқарашимиз ва сиёсий савиямиз ўсаётган пайтда, Республика таъриқиятининг ҳамма соҳаларида аёллар ролининг муҳим эканлигини англашимиз зарур.

Аёлларимиз тимсолида — оила тотувлиги, фарзанд ва унинг тарбияси ҳамда жамият истиқболли ётганини унутмаслигимиз лозим.

Совет давридаги иқтисодий таназул асоратлари ўтиш даврининг муаммолари билан қўшилиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий ролининг тақсимланишида, мавжуд бўлган муаммоларни чуқурлаштириди ва янгиларини келтириб чиқарди.

Хотин-қизларни давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимининг барбод бўлиши, «социализм» даврида хотин-қизлар масаласи бўйича эришилган ютуқлар пуч эканлигини кўрсатди.

Булар:

- ижтимоий таъминот тизимининг издан чиқиши;
- хотин-қизлар сиёсий фаоллиги даражасининг пасайиши;
- қишлоқлардаги аҳвол, хотин-қизлар меҳнатининг ҳаддан ташқари суистеъмом қилиниши;
- аёлларга ҳар томонлама зўравонлик;
- экологиянинг бузилиши каби ҳолатлардир.

Оилани боқиб каби қийинчиликлар кўп ҳолларда аёллар зиммасида эканлиги эндиликда сир бўлмай қолди. Аёллар оила ташвиши билан шаҳарлараро қатнашга, бозорларда эрталабдан кечга қадар савдо-сотик билан шуғулланишга, пул топиш учун ҳар қандай ишларга оммавий ёлланнишга мажбур бўлмоқдалар. Булар ўз навбатида аёллар саломатлигига, репродуктив ҳолатига хавф солиб турибди.

Дунёда ночор аҳволда яшаётган эркаклар сонидан аёллар сони кўчиликни ташкил этади.

Аёлнинг саводсизлиги ва ночорлиги, наслга ҳамда болалар саломатлигига таъсир этиши муқаррар. Агар аёлларга ҳар томонлама, жумладан, иқтисодий шарт-шароитлар яратилса, у ночорликдан қутулиш учун барча имкониятларни ишга солади. Кейинги пайтда, Республикаимизга хос бўлиб бораётган муаммолардан бири қизларимизни эрта никоҳга киритишдир. Ўз қадрини, ҳуқуқларини тушунмаган, жинсий тўлиқ шаклланмаган ёш қизларнинг турмушга узатилиши жамият учун ҳам, ота-она учун ҳам салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Ёш турмуш қурган эркакнинг ақл, заковати камол топмаган, у оила тебратишга ожизлик

қилади. Ироданинг тўлиқ шаклланмагани кўпинча оиланинг бузилишига олиб келади. Ўсмирлик даври мажбурий «тўхтатилган» ёш келинда, бу ниҳоятда, оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

- кўпроқ фарзандсизликни келтириб чиқаради;
- фарзанд дунёга келса ҳам заиф ва камқувват бўлиб узоқ яшамаслиги мумкин;
- ёш аёл ҳомиладор бўлиб қолса, ёшлиги туфайли кучсизланиб соғлигини йўқотиши мумкин.

Зурриётни дунёга келтириш, уни вояга етказишдек ўта мураккаб вазифа аёлдан жуда катта меҳнат ва малакани талаб этади. Чунки одам боласининг гўдаклик даври нозик парваришни, ҳис-туйғуларни, эътиборни талаб этади. Аёл оналик вазифасини бажариш учун моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлади. Шунинг учун ҳам қадимдан қизларни билимли бўлишлари маъқулланган. Билим қизларнинг бўлажак она сифатидаги мақомида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрашимиз.

«Биз фарзандларимизни яхши хулқ эгалари этиб тарбиялашимиз лозим, яъни, шундай қилишимиз керакки, фарзандларимиз иймонли, фидокор, ғайратли бўлиб улғайиб, дин ва диндошларини ҳалоқат ва харобалик жарлигидан қутқарсинлар. Бу матлабга эришиш учун хотинларимиз ва қизларимиз миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим. Ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда, хотинларимиз эркаклардан ҳам кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан, болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик осон ўсади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чиқмайди».

Буюк мутафаккир олим Фитратнинг бу қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, тажрибалар шуни кўрсатадики, аёлга таълим бериш бутун оилага таълим бериш билан баробар. Фарзандларни тарбиялаш, билимли қилишда она асосий ролни ўйнайди. Билимсиз онанинг фаолияти фарзандини қашшоқликка ва хасталикка бошлайди. Миллатнинг маданияти ва динидан қатъий назар ҳозирги кунда асосий муаммо бўлган туғилишлар сонини фақат таълим орқали камайтириш мумкин. Шунинг учун қизларга таълим бериш бутун дунёда биринчи даражали масала бўлиб қолмоқда.

Аёл қадрини кўтариш учун ҳаракат асосий дастур бўлмоғи лозим. Бунинг учун:

- маънавий қадриятларни ҳисобга олиш;
- инсонлар (жинслар)ни табиий биологик ҳолатига эътибор бериш;
- оила аъзолари ўртасидаги бирдамлик;
- аёл ва эркакни бир-бирига маданий муносабатини кучайтириш каби умуминсоний қадриятларга эътибор бериш талаб этилади.

Тараққиёт ва инсоният доимо бирга олға интилар экан, аёллар масаласига бўлган ҳар қандай муносабатимиз, муаммоларни ҳал этиш учун ёндашишимиз, маданият, тарих, тараққиёт, маънавият ўртасидаги фарқ ва умумийликка асосланган бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, биргина қадриятларимизга боғланиб қолишга, мослашишга ўрганиб қолмаслигимиз ҳам талаб этилади.

Бир хилликка интилиш ва қолипга солиш ҳаракати «совет аёллари» тақдирида қандай салбий из қолдирганини, унинг ачиқ сабоқларини ҳали бери унутолмасак керак. Бу тарихий фожеа — эркаклар фикрини қамраб олган «хотин киши» деган бемаъни қараш, уларда миллат равнақи аёллар кўлида эканлигини унутишга олиб келди.

Донишмандларимиз таъкидлагандек: «Адолат заифага иззатдан бошланади. Токи кўзи нам, боши ҳам бир заифа бор экан, адолат ҳақидаги сўзлар ҳавойи бўлиб қолаверади».

Ривожланган Ғарб мамлакатлари хотин-қизларни парламент, ҳокимият ижроия органлари ва жамоатчилик ташкилотларига тавсия этишга катта эътибор беришлари бизга маълум. Шу боис, давлатимиз раҳбари доимо шундай тараққий этган демократик стандартларга яқинлашиш зарурлигини уқтиради. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнгги демократик ўзгаришлар ва ўз моделимиздан келиб чиққан бозор иқтисодиёти ўзгаришлари асосида, аёлларнинг фуқоралик ролини ошириш учун қуйидаги шартларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— Аёлларни оила доирасида чеклаб қўймаслик, уларнинг шахс сифатида ўсиш ва ривожланиш имкониятини яратиш;

— аёллар ўзларининг аҳволлари, эҳтиёжлари ва талабларини ўзлари англаб етишлари, тараққиёт билан аёллар фаолияти доирасини тенглаштириш, турли ноанъанавий касбларни эгаллашларига имконият яратиш;

— аёлларни ўз истаклари ва мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ аёлларининг иш шaroитларини яхшилаш, аёлларни эркаклар билан баравар иш ҳақи олиш ва қисқартирилган иш соатларига эришиш;


— аёлларни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳимоя қилишни яхшилаш;

— қизларнинг таълим, тарбиясига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

— аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли шахс сифатида тегишли давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинишида иштирокларини таъминлаш;

— аёлларни ишонч билан жамоат ва давлат ташкилотларига раҳбарликка кўтариш.

Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий макomini кўтариш давлатни бошқаришнинг ютуғи ва ҳаётнинг барча соҳаларида барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилдир.



Дониёр Бегимқулов

САМИМИЯТИ ЁҒДУЛАРИ

**Юзлаб шоир ётган шу альбом ичра
Мен ҳам қалбим учун қабр қазаман.
Ҳали из тушмаган оппоқ вараққа
Мен ҳам ўз дардимни ёзаман...
Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам
Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!**

Бу хитоблар шеърят остонасига энди-энди қадам қўяётган ёш шоирнинг ўзига хос «дастури» эди. Қарийб қирқ йилдан кейин сарҳисоб пайти келиб, Абдулла Ориповнинг бутун ижодини кўз олдимишга келтирар эканмиз, шоир ўз ақидасига содиқ қолиб, «қалбига доир» сўзлаганлигининг, халқ орзу-армонлари, интилишлари ифодачиси бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Йигирманчи аср иккинчи ярми ўзбек адабиётида ногаҳон порлаган машъаладек оловли шуълалари билан юракларга ўт солган Абулла Ориповнинг ижодий йўли халқимизнинг, шеърят муҳибларининг кўз ўнгида кечди. «Биз XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Ойбек каби мумтоз адибларсиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, — маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимишга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда». Дарҳақиқат, ҳали тўлалигича англаб етилмаган бу ўзига хос адабий ҳодисанинг сиру синоати, кўламию аҳамияти, адабиёт ва миллат тарихида тутган ўрни келажақда талай талқину тадқиқотлар мавзуси бўлиши тайин.

Бу ижод йўлининг айрим қирралари тўғрисида сўз борар экан, миллат манглайида ярқираган ҳар бир катта шоир сингари унинг ҳам илк қадамларидан тортиб то юрт қарамлиги авж нуқталарига чиққан пайтларгача бўлган ижод йўли теп-текис, равон кечмаганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Шиддатли парвозга чоғланган ёш қалам соҳиби қаршисида дастлабки пайтлардан бошлаб турли-туман тўсиқлар кўнгдаланг бўлди. Бироқ юксакларни кўзлаган шеър йўлидаги «тушовлар» қанчалик «устакорлик» билан эшилган, «ўнқир-чўнқирлар» кўнгулни ғаш қилар даражада ғадир-будир, тайғоқ ва илтифотсиз бўлмасин, уни ўзанидан буриб юбора олмади, у мудом илгарилаб боришда давом этди. Алаш-оқибат мукамал ва яхлит шукўхли шеърятга айланди, донғи фақат «икки дарё ораллигида» қолиб кетмай, йироқ-йироқларда ҳам юксак шаън таратди.

Абдулла Орипов шеърятининг бугунги қамоли ҳақида ўйлаганда, бу шеърят куп-қуруқ ялангликда пайдо бўлмаганлигини унутмаслик лозим. Аънаналарга бой мумтоз шеърятимизнинг ранг-баранг жилоларидан баҳраманд бўлиш, Пушкин, Лермонтов, Ҳусайн Жовид каби сиймослар ижодини чуқур идрок қилиш, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор шеърятига хос кўламлилиқ, лиризм, фалсафийлик ёш шоир ижоди учун бамисоли бир пиллапоя бўлганлигини, юксакликлар сари ундаганлигини, аср бошида янги ўзбек шеърятини бошлаб берган Чўлпон, Усмон Носирлар ижодини чуқур истифода этиб, бамисоли улар кўлидан тушган қаламни қайтадан қўлга олиб эрк, миллий истиқлол гоёларига эш бўлганлигини кузатиш мумкин. Эллигинчи йиллар ўрталаридан бошлаб собиқ иттифоқнинг «тўрт девор ораси»даги муҳитида «музлар эриб» ҳаётбахш шабадалар эса бошлаганлиги, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Булат Окуджава каби шоирларнинг овози минбарларга чиқиб, инсон кўнгулга бир қадар яқинлаша бошлаганлиги, ўзимизнинг шеърятимизда Эркин Воҳидов, Хусниддин Шарипов, Хайридин Салоҳ каби ёш шоирлар ижодидан янгилашни куртаклари кўрина бошлаганлиги ҳам

Ўзига хос шеърят парвозига замин бўлган омиллардан бўлганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмади, албатта.

Шоир ҳеч бир ўринда баъзи бир қайдларни ҳисобга олмаганда, кимлардан ўқиб-ўргангани, ўзи «симирган» сарчашмалар ҳақида ёйилиб сўзламайди, бироқ ижодда бундай мукамалликка, халқчилликка, миллийликка ўтган буюк салафларнинг бадий оламини инкишоф этиш баробарида халқ ижоди баҳрларидан озикланмай эришиш қийинлиги аён гап. Нафсиламбирини айтганда, «шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир» эди «бундай буюқларнинг қақшонида». Юракка илоҳий руҳ билан кирган шеър ишқи ва қадрини юксак сақлаб, унга қалб кўрини бағишлаш тўфайлигина шеърят бўстонида из қолдириш мумкин эди.

**Шоир дилига қилма ҳавас, бут эса бағринг,
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман.**

Ҳақиқий шеърятга хос айрим учқунлар намоеън бўла бошлаган бўлса ҳам адабиётимиздаги янгиланишинг яхлитлик касб этиши Абдулла Орипов номи билан боғлиқдир. Чунки адабиётимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўттизинчи йиллар охиридан то олтмишинчи йиллар бошларигача ахён-ахёнда зулмат пардасини йиртиб чиқиб ялт этган баъзи бир шуълаларни (Ғафур Ғулومнинг айрим шеърлари, Миртемир, Зулфия лирикаси ва бошқаларни) ҳисобга олмаганда, шеърят учун шиорбозлик, яъни, аравани қуруқ олиб қочиш асосий урфа айланган эди. Давр, коммунистик зуғум уни ана шундай забун ҳолга солиб қўйган эди. Бу биқик муҳитни ёриб чиқиш учун тарих инъом этган имконият Абдулла Ориповни майдонга келтириб чиқарди.

Оғир сукунатни титратиб юборган момақалдиروقдек янграган, ўзбек шеърятда кўпдан қутилган «янги нафас» (Абдулла Қаҳҳор ибораси) қалами остидан тўқилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Ўзбекистон», «Ўзбекистонда куз», «Баҳор», «Она тилимга», «Тилла балиқча», «Муножот»ни тинглар», «Уйку», «Темир одам», «Сароб», «Авлодларга мактуб», «Онажон», «Она сайёра», «Арманистон» каби шеърларнинг ҳар бири адабиётимизда воқеа бўлди, халқ қалбда акс-садо берди.

Беназир истеъдод томонидан етмишинчи, саксонинчи, тўқсонинчи йилларда битилган «Генетика», «Бир танишим ҳақида баллада», «Маломат тошлари», «Кўриқхона», «Оломонга», «Учинчи одам», «Хайрлашув», «Узлат», «Бир қарасам...» сингари турфа мавзулардаги шеърларда инсон қалби манзаралари ўзгалардан «қарз олинмаган» туйғулар оҳангида ўзига хос йўсинда чизиб берилди, мангулик ва ўлим, ҳаёт ва кураш ҳақидаги бамисоли юракдан отилиб чиқиб, юракларга бориб етадиган бу тизмаларда инсонга хос ботинан ниҳон кечинмалар санъаткорона инкишоф этилди.

Абдулла Орипов ижодида Имон, Виждон, Инсоф, Диёнат, Савоб излаб ўзликни англаш сари қадам-бақадам илгарилаб борган исёнкорона руҳдаги, инсон қалб тўлғонишлари чуқур очиб берилган, фалсафийлик ва лиризм, туйғу ва фикр ажойиб тарзда қоришган, бири-бирини тўлдирган, хуллас, «шеър архитектураси» гоят мукамал шеърятнинг ажойиб намунасини кўриш мумкин.

Шоир шеърятини анвоий ва нафис гуллардан терилган гўзал шеър чаманзорига менгаш мумкин. Бу гулзордан ҳар ким ўзига ёққан, кўнгулга яқин гулни ахтариб топади, унинг муаттар бўйларидан баҳраманд бўлади, юрак чанқоғини қондиради. Юракнинг энг теран қатламларидан сизиб чиқиб мингларнинг, миллионларнинг муҳаббатига сазовор бўлган, кўнгулдан жой олган умри узун шеърлар Абдулла Орипов шеърятда беҳисоб.

Бу шеърят ажойиб тимсолларга, ҳайратланарли даражада юксак образли ўхшатишларга ниҳоятда бой.

**Ўлим бу — нишонга бориб теккан ўқ.
Туйғилиш — шиддат-ла тортилган камон.**

Ёки:

**Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи,
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.**

**Минорлар эмас бу — фалакка қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.**

Гарчи унинг ижодида миллийлик, миллат шаънини улуғлаш айрича бир кўринишда бўртиб турса ҳам, миллий биқиклик унинг учун мутлақо бегона. «Яхшию ёмонни елкасига ортган» она сайёранинг муаммолари, инсоний дард тўлғонишларидан бунёд бўлган шеърят бу.

Бошқа бирор соҳада «ура-ура» қилиб, бўлмагани бўлдириш ҳам мумкин, балким. Лекин шеърятда-чи? Минг урининг мағзи пуч мисраларни бировга ийдириш қийин. Шеърят ва шеър ўқувчиси ўртасидаги муносабатда чуқур демократизм мавжуд. Бир хил шеърлар бир-икки йил, балким, бирор ўн йил эътиборда бўлиши, шарҳларда саналиб юрилиши мумкин, бироқ зўрма-зўракилик охир барҳам топади. Ўқувчига маъқул бўлмаган асар, шеър бир четда чанг босиб ётаверади.

Мустақиллик, истиқлол йилларида шоир ижоди янги поғонага кўтарилди, халқ ва юрт ташвиши ҳақидаги ўйлар янада теранлашди. «Шоир қалби» шеърда шоир ўзи бир умр севиб куйлаган она диёримизга бўлган теран туйғуларини қуйидагича изҳор этади:

**Юртда не муборак ишлар бўлгувси,
Ундан шоир қалби шавққа тўлгувси...**

**Унинг ҳар гўшаси жаҳондир менга.
Тошлоқ йўллари ҳам равондир менга.
Мавжига ногаҳон кимдир тош отгай,
Зарби юрагимнинг тубига бутгай...
Гар сен дарё бўлсанг — ирмогингдирман,
Лат есанг, огрикли бармогингдирман.**

«Хикмат садолари», «Ҳаж дафтари», Женева дафтари»га кирган туркум шеърларда, «Халқ», «Ватан», «Туркистон болалари», «Ўзбек бойининг баёноти», «Бедорлик», «Олий неъмат», «Ўзбекистон асри» каби шеърларда Ватан мавзусининг янги қирралари очиб берилди, юртнинг қорига яраган эзгу фазилатли инсонлар образи яратилди. Бу шеърларнинг мазмун-мундарижасини Ватан ва халқ шаънига мадҳия айтиш, мавжуд реалликни шунчаки таъкидлаш ташкил этмайди. Уларда жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган қадим юртнинг, «жонида бир гавҳар бор», қонида «иймон нури доимо оқиб турган», «қаттақон йўлга чиққан» халқ кечмиши ва истиқболи манзаралари чизилади, масъулиятли бугунга хос хусусиятлар бадиий гавдалантирилади, инсон ва жамият, инсон ва табиат мавзусидаги азалий ўйлар давом эттирилади. Истиқлолнинг қадрига етиш, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, ўтмиш сабоқларидан қатъий ҳулоса чиқариб, ниҳоят «оломонлик» психологиясини итқитиб ташлаб ҳақ-ҳуқуқини, жаҳонро қадрини таниган халқ бўлишга даъват, келажаги буюк Ўзбекистоннинг саодати унинг фарзандларининг яққаламлигида эканлиги ҳиссий-образли йўсинда ифодалаб берилади.

**Виждондан айрилиб қолган фурсатда
Бошланар тож-тахтга ружу дафъатан.
Не-не зукко халқлар қолиб гафлатда
Тўзғиб кетажакдир бутун бир Ватан...**

каби мисраларда орзиқиб қутилган истиқлолни мустаҳкамлашга, яқдилликка, огохликка, ўзликни танишга, «урфони зўр миллат бўлиш»га, ўткинчи зеб-зийнатларга муккасидан кетишдан баланд туриб, «юрақ жавҳари»ни асрашга, юксак маънавият эгаси бўлишга даъват янграйди, она-юртнинг қамоли учун юракдан куйинган бедор қалб ўртанишлари кечинмалар, чуқур умумлашмалар тарзида берилади.

Чуқур фалсафийлик, бутун бир шеърнинг вақт ва замон, инсон ва табиат муносабатлари замирига қурилиши, ҳар бир сатрда чатнаб турган тафаккур ёғдулари сингари шоирнинг бутун ижодига хос хусусиятлар тўксонинчи йилларда ёзилган «Майна», «Буюклик», «Армон эмасми?», «Адолат», «Дунё» каби шеърларда изчил давом эттирилди.

Олис тарихнинг қайси бир даврини ёки юз йиллигини олмайлик, асрлардан ўтиб келаётган шеърятимиз борлигидан ғурурланамиз, улар ғазал мулкининг султони Навоий бобомиз етакчилигида мана мен деб ўзлигини намоян қилиб турадилар. Не ажабким, ўтган аср ҳам бундан мустасно бўлмади. Такдир Чўлпону Ойбек, Абдулла Қодирийю Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби адабий сиймоларимиз қатори Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда «давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик» Абдулла Ориповдек улкан ва ўзига хос истеъдод билан халқимизни сийлаганлиги ниҳоятда қувонарли ҳолдир.

Ўтган йил ёзилган «Шоир юраги» шеърида ижодкор қалби оламда юз бераётган барча ҳодисалар бир-бир ўтадиган кўприкка қиёсланади. Бу кўприқдан соғлар ҳам, беморлар ҳам, султонлар ҳам, қўллар ҳам, суйишганлар ҳам, бир-бирига ғанимлар ҳам, нур билан зулмат, ўлим ва ҳаёт бир-бир ўтади. Шеърга ҳар бир чинакам шоир «инсоният кўприги»дан галмагал ўтаётган одамлар дилидан кечаётган ҳис-туйғуларни муҳрлашга масъулдир деган ғоя сингдирилган.

Абдулла Орипов истеъдодининг мўъжизавий қирралари, ўтган аср ўзбек шеърятининг бўй-бастини белгилаб, уни янги ўзанларга буриб юборганлиги, ўзига хос «феномени», кашфиётларга бойлиги, инсон кўнгулини ёрқин рангларда очиб берганлиги, даврнинг юрак «зарб»ларини ниҳоятда аниқ ҳис қилганлиги ҳақида мунаққидлар кўп ёзишган. Булар ҳаммаси шоир шеърятининг тўғри илғаб олинган нуқталари. Лекин шундай бўлса-да, шеърятнинг асл миссиясидан келиб чиқиб бу шеър оламини бунчалар муқаррам этган фазилатлар ҳақида мулоҳазаларга чўмганда, энг аввало, Абдулла Орипов шеърятни парвозини тайинлаган жиҳатлардан бири, балким энг асосийси — бу самимиятдир деган ўй устунлик қилади.

Чунки мавзу қанчалик долзарб, муҳим ёкинки санъаткорнинг маҳорати қанчалик юксак бўлмасин, замонасозлик руҳида битилган тумтароқ «тизмалар» бир кун келиб назардан қолиши аён гап.

Абдулла Орипов шеърятни учун аввал бошдаёқ самимият, ростгўйлик хосдир. Шеър қайси мавзуда — Ватан, Ўзбекистон, унинг тарихи, буюк аждодларимиз ёки табиат, инсон умрининг ёрқин, нурли саҳифалари-ю унинг тошдек зил, ғуссаларга тўла қайғули онлари, турли хил қайфиятдаги ҳолатлари, муҳаббат изтироблари тўғрисида бўлмасин бари-баридан — мана шу самимият, рост сўз бўртиб туради, соф кўнгулдан тўкилган мисралар кўнгулларнинг мулкига айланади.

Мана шу самимият боис оддийгина гапдек туюлган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган сўзлар Ватан шаънига айтилган мадҳиядек янграйди. Чунки сўзларнинг ич-ичида, томир-томирида ёлгон аралашмаган самимият, она юртга буюк муҳаббат туйғулари чатнаб туради.

Мана шу самимият, юракларнинг қаъридан отилиб чиққан рост сўз туфайли Абдулла Орипов олтиминчи йилларда мудроқ вужудларни уйқудан уйғотиб бугунги кунга келиб ўзбекнинг миллий шоирига айланди.



Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳамма гап — шунда

*Ёшинг олтидами ёки олтмишда,
Балки қай иш билан машғулсан, бандсан.
Қайси кенгликдасан, қай муюлишда,
Барибир Ватанга фарзандсан!*

*Барчага бағрини очар шу Ватан,
Мунаввар кундузми, қоронғи тунда.
У сени фарзанд деб олгаймикан тан,
Ҳамма гап — шунда!*

Мураббий

*Куллуг айта билиш мумкинми Сизга,
Тойилган чоғимда тутган, эй одам?!
Балки, акамдирсиз, балки сиз ўзга,
Балки, сиз хайрихоҳ бутун бир олам.*

*Балки, мўъжазгина меним ҳаётим
Тушди бошингизга оқ тола бўлиб.
Рози бўлур эдим бир умр токим,
Шу ойдин шуълага кетсам йўғрилиб.*

*Мен ҳам англайдурман, ҳаёт бу нима,
Яхшилик, разолат, ўкинч ҳам савоб.
Хайхот, бу оламда камдир биргина
Яхшилик аталган туйғу бир ноёб.*

*Сокин кўчаларда кезаман шодон.
Хушбахтман, билмайман кимдан? Ва нега?
Оҳ, нечоғ фараҳли экан бу осмон,
Инсонман, раҳматим айтурман Сизга!*

Андижон

Доимо етукликни кўзлаган Андижонсан,
Навоий лаҳжасида сўзлаган Андижонсан.

Дунёга доврўғ солдинг, доим нозик таъб бўлиб,
Бобурингни изладинг, Зокиржон Машраб бўлиб.

Муҳаммад Қодир бўлиб курашмоққа қасд қилдинг,
Сиднейда голиб чиқиб, рақибларни паст қилдинг.

Ўзбекни билай десанг, Андижонга аввал бок,
Номард билан гаплашмас, у мард билан чин ўртоқ.

Меҳнату маърифат ҳам Андижонга ярашгай,
Сир эмас, кўплар унга ҳавас билан қарашгай.

Водий олтин соз бўлса, овозидир Андижон,
Бу кун пахта илмининг устозидир Андижон.

Андижон машинасин руллари қўлларида,
Кезади танти ўзбек жаҳоннинг йўлларида.

Пахтакор бўл, майли, ё алломаи замон бўл,
Чўлпондай зотни берган Андижоним, омон бўл.

Ахир, кўқдан тушмаган шунчалик обрў бари,
Аслида Андижоннинг қобилдир фарзандлари.

Андижоннинг ҳамиша юраги ўтлуғ бўлсин,
Юртбошимнинг муборақ назари қутлуғ бўлсин.

Андижонга меҳримни қалбимга солиб келдим,
Ушбу шеърни атайлаб Тошкентдан олиб келдим.





Руйиддин Раҳимов

ҲАЁТИ ҲИКОЯЛАРИ

Метар бобо

Маҳалламизда жуссаси кичиклиги ва тиниб-тинчимаслиги учун ҳам «Метар» лақабини олган бир киши яшарди. Қариб, нафақага чиққанларида ҳам уйда бекор утирмай йул устида писта, яна қандайдир майда-чуйда нарсалар сотиб утирарди. Метар бобо ёшлигидан туй-томошаларда сурнай чалар, унинг ёққа пишгандек қип-қизил чиройли сурнайи буларди. Метар бобо одамларга, сурнайим отамнинг отаси, катта бобомдан қолган, деб мақтаниб юрарди ва уни ниҳоятда авайлаб-асрар, узга қулга ҳеч бермас эди. Мен биргина чалиб қурай, деб неча бор ялинганимда ҳам, Метар бобо сурнайини бермаганлар.

Ота-онам Қарши шаҳрининг «Йулим шайхим» маҳалласида яшардилар, биз кейинчалик ҳовли-жой қилиб, янги маҳаллага кучиб кетдик. Бир куни онам билан «Йулим шайхим»даги эски утиришимизда қолган қариндош-уруғларни қургани бораётиб, йулда тасодифан ҳамён топиб олдим. Уни ердан шундай усталик билан қиялатиб олдимки, ҳатто онам ҳам сезмай қолдилар. Ҳамёнини шоша-пиша куйнимга урдим.

Ойдин холамникига эндигина етиб бориб, қариндош-уруғлар билан чойхурлик қилиб тургандик, дарвоза тақиллаб қолди ва қалтираб, ранги-қути учган Метар бобо кириб келди.

— Ҳамёнимни йуқотиб куйдим, азизлар. Улимлигимга, деб пул йиққандим. Шу кучада йуқотганим аниқ. Уйма-уй суриштириб юрибман, — деди. — Барака топкурлар, карнай-сурнай қилиб, ул-бул сотиб туллаган пулим эди.

Метар бобога ҳамёнини мен топиб олганимни айтдим ва қулига уни тутқаздим. Унинг юзи бирданига куёшдай ёришиб кетди, хурсандчилигининг чеки йуқ эди. «Бошқа топиб олганда нима буларди», дея, менга суюнчисига ун сўм пул узатди. Мен шошиб-пишиб, пулингиз керак эмас, сурнайингизни менга сотинг, деб юборибман.

— Бунни сенга сотолмайман, совга ҳам қилолмайман, углим, — дея бироз маъюс тортди Метар бобо. — Хоҳласанг, сенга чалишни ургатиб қуяман.

Хуллас, мен уша ҳамён туфайли Метар бободан сурнай чалишни урганиб олганман.

Ўроқ оқсоқол

Раҳматли бобомиз Ўроқ оқсоқол ҳар ёзда далада эрта пишар ҳандалак экиб, тирикчилик қиларди.

Бир куни бобом билан куёш тиккага келганда учрашиб қолдик.

Ушанда ҳандалаклар энди ранга кираётган эди.

— Мен бирпас уйга бориб дам олиб келайин, сен полиздаги ҳандалакларни қуриқлаб тур, — деб топшириқ бериб қолдилар бобом қатъий оҳангда.

Бобомни кузатиб, орқасидан мен ҳам шоша-пиша йулга чиқдим, мақсадим маҳалламиздан Жалил, Аҳмад, Холмурод, Собир ва Даврон деган бирга уйнаб юрадиган жураларимни полизга бошлаб келиб ҳотамтойлик қилиш, яъни уларни бир хурсанд қилиб ҳандалак билан сийлаш эди.

Маҳалламизда нонвойлар яшарди. Йулда кетаётиб, улар кучага тукиб қуйган тизза буйи қуламса оловга тушиб кетдим. Икки оёгим ҳам қип-қизил бўлиб куйди-қолди. Тумонат одам йигилди, қий-чув бошланди. Хотин-халаждан кимдир бурун буки суркаш керак, деса, иккинчи бир овозлар сигирнинг янги ахлатини олиб келингллар, деб қичқирарди, уларнинг ҳаммасини куйиб қолган оёқларимга босишди.

Ҳатто ёш болаларни оёгимга тикка туриб пешоб ҳам қилдиришди. Хуллас, халқ табобати асосида оломон шу ернинг узидак мени тезкорлик билан даволаб булишди, куюкларим енгил тортиб бирпас тин олдим, оғрик ҳам босилди.

Бироз узимга келдим. Шу пайт менга яқинлашаётган Ўроқ оқсоқолга қузим тушди, уялганим-

дан куюкларим баттар ачишгандек булиб кетди. Лекин бобом мендан «нега полизни ташлаб келиб, бундай аянчли аҳволга тушиб қолдинг?» деб сурамадилар.

Вақтлар утди, қарангки, қип-қизил булиб куйган оёкларим бирорта ҳам куйик изи қолмай тузалиб кетди. Мана, шу кунгилсиз воқеани бот-бот эслаганимда, биринчи галда оқ яктак кийган нуроний бобом Уроқ оқсоқолнинг менга қараб турган ташвишли чехраси куз олдимга келаверади. Бобом ниҳоятда танги инсон эдилар.

Хуроз палов

«Йулим-шайхим»да Абди бобонинг уйида туй бошланди. Маҳалладаги катта-кичик туйга отла-нишяпти. Ҳар доим туйларга мени узи билан олиб борадиган Зиёда момом бу гал онамни ва раҳматли Одина янгамни етаклади ва менга қараб:

— Уғлим, бу туйга хотин-қизларгина айтилган, холос. Болалар бормаслиги керак, — деди қатъий оҳангда. Кейин билсам, хотин-қизлар узлари йигилишиб олиб, базм қилишадиган ош-гурун-лар ҳам тез-тез булиб тураркан.

Хуллас, улар мен билан Холмуродни уйга пойлоқчи қилиб қолдириб кетишди.

— Обормасанглар, оборманглар, — дея алам билан қичқириб юбордим уларнинг ортидан, — биз бу ерда узимиз туй қиламиз! Мана, кўрасизлар.

Улар жунаб кетгандан сунг Холмурод жиянимга карата:

— Собир билан Давронни тезда чақир, биз ҳам ош қиламиз, — деб буйруқ бердим.

Муштдек бола қандай қилиб ош қилиши мумкинлиги эса хаёлимга келмабди. Шашт билан товуқхонага равона булдим. Товуқхонамизда беш-олтита товуқ билан битта даканг хуроз бор. Шартта хурозни тутиб, ошхонадан личоқни олиб чиқиб, буйинни узиб ташладим. Калласи танасидан жудо қилинган хуроз тапиллаб жунаб қолди, тепага бир кутарилиб яна бир паस्ता тушди ва бу ҳолат бир неча бор такрорлангач, типирчилаб жон берди. Биров хурознинг патини юлишни ургатмаган, қорнидан пичоқ суқиб бир бало қилиб пустини ажратдим.

Ошга уннадик: Собир сабази тургади, Холмурод қозонни ювиб оловни ёқиб юборди. Хурознинг гуштини турт булиб (шошдик, майдалашга вақт қайда, дейсиз) қозонга солдик. Сабзи, сув, пиёз ва бир даста қалампирни ҳам солиб юбордик. Қозон биқиллаб қайнай бошлади. олов шашт билан ёнапти, кичкинтойлар қозонга термулиб утирибмиз. Бирпасда гуруччи ҳам солиб юбордик. Тусатдан Даврон қичқириб қолди:

— Эҳ, ёғ солмабмиз-ку!

Шошиб-пишиб данкада турган турт-беш кило ёғни ҳам қозонга ағдардик. Оловни сусайтириб, паловнинг устини ёпиб қуйдик. Узимиз дастурхон бегазан булдик. Куни-кушни оғайнилар Панжи, Жалилларни ҳам чақириб чиқдик. Хуллас, болаликдаги илк улфатчилигимиз хуроз палов атрофида бошланган эди. Палов эмас, шовла булиб кетибди. Аччик, қалампир ҳам уз ишини қилган. Шовламиз огизни куйдириб юборса ҳам едик.

Онам туйдан келдилар, мен пешвоз чиқиб:

— Мана, биз ҳам ош қилдик, — дедим.

Онамнинг олдига шовладан олиб келиб қуйдим.

— Еб булмайти-ку, болам, — деди онам кузидан ёш чиқиб. — Ҳе, аттанг, товуқларнинг хужайинини йуқ қилибсан-да!

Дадам ҳам уша куни ишдан кеч қайтди. Хурозни суйиб, еб булмайдиган аччик шовла қилган-лигимдан хабардор булиб:

— Товуқлар эгасиз қолибди-да. Энди улар жужа очмайдилар, — деди.

Кейин билсам, уша йуқчилик замонида хуроз топиш анча муаммо экан. Шунда ёлғиз момомгина мени химоя қилгандай булиб шундай деганлари ҳали ҳам қулгоим тагида жаранглайди:

— Катта булса, абжиргина бола булади. Ҳеч қиси йуқ, хуроз топилар!

Шундай қилиб, уч-турт ёшда товуқларнинг хужайини хурозвойни қурбон қилиб, илк бор мустақил элу халқ булган — ошна-оғайниларга ош-шовла тортган эдим.

Уста Усмон

Эски «Йулим-шайхим» маҳалласида яшаган тadbиркор уста Усмон бобо ҳамон куз олдимда туради. У 50-йилларнинг бошидаёқ узининг қули гул устачилик хунари ва устамонлиги билан эл оғзига тушган эди.

Уста Усмон, асосан, дегрезчилик қиларди, ангиш куйдириб олар, темирни эритиб, омочга тиш ясар, офтоба, қумгон ва бошқа буюмлар қулидан чиқар эди. Айниқса, шанба-якшанба кунлари унинг хонадонида жойлашган устахонаси одамлар билан гавжум буларди. Барча хили-хеш, оғайнилари келиб ҳашар қилишиб, устани қуллаб юборишарди. Уша кунлари эргалабдан нон ёпилар, қуй суйилиб, катта дош қозонда ош пишириларди, аччиқ-аччиқ кук чой дамланарди.

Урушдан кейинги йиллар озик-овқат танқис эди. Мен эндигина 8—9 ёшга кирган бола эдим. Буш қолдим дегунча бир чексада темирчи бобомизнинг ангиш олиш ва омочга тиш ясаш каби эпчил ҳаракатларини соатлаб кузатиб утирардим.

Бир томони Керки, бир томони Каттақурғону Регардан устанинг молига харидорлар келар, улар уста ясаган ноёб буюмлардан харид қилишар, купинча пул урнида узлари олиб келган маҳсулотлардан беришарди. Керкиликлар тамаки талқони, регарликлар яхши гуруч, чироқчиликлар эса қоп-қоп янтоқ шакар олиб келишарди. Мени айниқса, улар олиб келган сап-сарик тиканли янтоқ шакар купроқ маҳлиё қиларди. Уста шакарни одатда ҳеч кимга бермасдан, нишолдачиларга пулларди.

Бир куни оғайниларим билан бирга «Янтоқ шакар операцияси»ни ишлаб чиқдик. Собир ва Холмуродлар том устидаги туйнукдан мени аста уйга киритиб юборишди, шакарни белқарсга тугиб олиб чиқдим ва уччаламиз ясаб олган махсус чайлачага бориб, чойга солиб маза қилиб ичдик. Кейинчалик бу ҳолат куп мартабалаб такрорланиб турди.

Уста Усмон шакар тез-тез камайиб қолаётганини сезар ва чамамда, биз, болаларнинг шумликларини билиб, билмасликка оларди.

Бу «операция»ни гоҳ-гоҳ эсга олиб турамыз. Эндиликда даштларда ҳам экология бузилганиданми, янтоқ шакар битмайдиган бўлиб кетди.

Уста Усмон етмиш саккиз ёшида оламдан утдилар. У киши умрининг охиригача талбиркорликни қўлдан қўймадилар, кейинги йилларда бир неча маротаба 30—40 тонна оҳак тошни кумбуз шаклида пишириб, аъло оҳак қилиб сотардилар. Уста бошлаб берган бу анъаналар Қарши туманининг Ҳилол кишлоғида ҳозиргача ҳам давом этиб келмоқда.

Туш

60-йиллар Қарши Давлат педагогика институти талабалари пахта йигим-теримига жунаб кетдик. Факультетимиз декани тусатдан мени шийпондаги «пахта штаби»га чакириб қолди. Бордим. «Ғолиб деган дустинг пахтага келмади, сабабини билиш учун тезликда Қаршига жунайсан», деди. Уша куни кечкурун шоша-пиша уйга етиб келиб, ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Тушимда уртоғим машинаси билан киракашлик қилиб, пул ишлаб юрганмиш. Иккимиз унинг машинасига утириб, кино кўргани борибмиз. Қайтиб чиқсак, машина йўқ. Уғирланган. Милиционерлар эса гув-гув қатнаб турганмиш тушимда.

Эрталаб уйқудан уйғониб уртоғимни топдим. Нега пахтага бормадинг, деб сурадим. У, отамнинг мазаси йўқ, аварияга учрабди, шифохонада узоқ даволаниб, уйга келдилар, уларга қарашим керак, дея ҳасрат қилди.

Нима ҳам дердим. Ғолиб дабдурустдан, бир кинога тушайлик, дустим, деб илтимос қилиб қолди. Уша тушимга кирган кинотеатрга бориб, «Мозандарон йулбарси» деган фильмни кўрдик. Кинога тушишда мен унга кечаги тушимни айтиб, огоҳлантирдим.

Кино тамом бўлди, ташқарига чиқсак, Ғолибнинг машинаси жойида йўқ. Ҳақиқатан машинани уғирлаб кетишибди. Машина бир ҳафтадан кейин ҳозирги «Ҳилол» жамоа-ширкат ҳужалиги худудидан топилди. Ҳамма жойи бут, фақат аккумулятори утириб қолган экан...

80-йил. Раҳматли Ҳолмурод жияним углини суннат туйи қилди. Тоғам Фарҳод Қиличев, туйда меҳмонларни кутиб чарчадим, Қашқадарёда, Ҳилол куприги тағида чумилиб дам олиб келамиз, деб қолдилар. Бордик, жияним Баҳром билан Фарҳод узоққа сузиб кетишди. Мен куприк тағидаги салқин жойда бироз тин олдим. Кузим илинибди. Тушимда Фарҳод чуқаётган эмиш. Бақириб юбориб, кузимни очсам, хайрият, тушим экан...

Орадан бир ҳафта утди. Кечаси дарвоза қаттиқ тақиллади. Чиқсам, Файзулла булам, қаттиқ ҳаяжонда. «Тез кийиниб чиқинг, Фарҳод акам сувга чуқиб кетибди», дея йиглаб юборди...

Онам Нарзи Худойберди қизи Худойзод маҳалласида, 1928 йил апрелида талбиркор ва ишбилармон Урок Худойберди хонадонида таваллуд топганлар. Кунлардан бир кун қаттиқ касал бўлиб ётиб қолдилар. Уша кунлари бир туш кўрдим, ҳамма қуни-қушнилари бизнинг ҳовлимизда парвона эмишлар. Бир автобус одам онамни уйига қараб туша бошлади. Мен улардан нега келдинглар, деб сурадим. Улар, онамнинг соғлигини тиклаш учун олиб кетмоқчимиз, дейишди. Мен, онам сопа-соғ-ку, нега олиб кетасизлар, дея қўлимга катта гулдастани олиб, ҳовлидаги ҳамма одамларни ҳайдай бошладим. Югуриб келиб онамга, сиз узингизни қўлга олинг, онажон, барибир мен сизни ҳеч кимга бермайман, деб қучоқлаб олдим. Қарасам, ҳовлимиздаги одамлар бир думалаб қабутарга айланишди ва мана бўлмаса, тинч қўйдик, дея аразлашиб кетиб қолишди. Худога минг қатла шукрки, онам соғайиб кетдилар. Ушандан кейин қайта касал бўлмадилар.

Бингак ҳангомаси

Қадимий Қарши шаҳрида қабристонлар куплиги «Бобурнома»да тилга олиб утилгани бежиз эмас. Қаршининг ҳар бир маҳалласида булгани каби маҳалламизда ҳам катта қабристон бўлиб, у шайх-авлиёлар қабристони, деб аталарди. Маҳалламизнинг «Йулим-шайхим» деб аталиши ҳам шу қабристон билан боғлиқ бўлса керак.

Маҳалламиздан утадиган Бешкент ариги ёқасида катта чойхона ҳам буларди. Бу ерда Чули ота, Раҳим Турақулов, Умар ака Расулов каби замонасининг машҳур кишилари тез-тез келиб ошхурлик қилишар, чақчақлашишарди. Баъзида гурунглар тонг-сахаргача давом этарди. Чойхона яқинида кудук бўлиб, утган-қайтганлар, айниқса бозорчилар кудукдаги сувни симириб-маза қилишиб, ҳордик чиқарардилар. Уша маҳалларда Музаффар аканинг отаси Маҳмуд ака чойхоначи эди. Албатта, бундай чойхоналар Чақар, Бузработ, Қарлуқхона маҳаллаларида ҳам бор эди. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси «Йулим-шайхим»даги чойхона билан тенглашолмасди.

Ташқари ҳовлимизда болохона, унинг ёнида нонвойхонанинг кумирхонаси бор эди. Уша ердаги кичик майдончада эса биз, болалар тез-тез туп тепишиб турардик. Бир куни, энди уйин қизигандан қизиб турган бир пайтда тупимиз кумирхонага тушиб кетди. Кумирхонанинг тепасидан ту-

шиб, тупни олиб чиқадиған мард йүк. Сабоби, у ерга минглаб бингаклар уя қурған. Кумирчи амақидан қалитни сурашға эса ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Узоқ кенгашиб, ахийри мен туйнукдан кириб тупни олиб чиқадиған булдим. Барча болалар бир овоздан, сен довораксан, деб туриб олғандан кейин, илож қанча! Болалар оғимдан кутаришиб, мени туйнукка тикиб юборишди. Қарасам, замбурлар ҳужумга шай булиб туришибди. Энди тупни олғанымни биламан, уларнинг даҳшатли ҳужуми бошланди. Кумир халқаларини олиб, мудофаага утдим, юзлаб бингаклар шиддат билан учиб келишиб, мени қақиб-талай бошлашди.

Дод-вой кутарилған. Одамлар онамни қақиршған. Кейин турт барзанги йигитни топиб келишиб, мени туйнукдан тортиб олишди. Афти-башарам қоп-қора кумир, күз, кулоқларим шишиб кетған. Тоғорага солиб чумилтиришди. Духтирга одам юборишди. Уша даврда, «тез ёрдам» кунка аравада келарди. Тоқат билан күтдик. Хуллас, духтирлар 100 дан ортқ нишни баданимдан сугуриб олиб ташлашди ва зурга омон қолдим. Нега улмай қолғанымга ҳозир ҳам ҳайрон буламан. Ахир, одамлар бир бингак отни қақса, улдиради, дейишади, мен эса тирик қолдим.

Шу-шу, кейинчалик асаларига «ишқим тушған».

Энди қаймоқ йүк

1954 йилнинг ёзи. Мен ушанда олти ёшда эдим. Тоғам, раҳматли Хурсанд ака эндигина армия сафидан қайтған, меҳмонхонамизда оғайнилари билан шахмат уйнаб утирарди.

Мен тоғамнинг елкасига осилиб, мени уйинга қушишларини сураб, хархаша қила бошладим.

— Нега индамайси? Рози буласизми-йүкми?!

Тоқати тоқ булған тоғам ушқириб берди:

— Нари қоч, катта булсанг уйнайверасан!

Катталар ён бермаслигига күзим етгач, уйдан чиқиб кета туриб, уларга бақирдим:

— Шошмай турларинг, сенларни бир бошлайки...

Кучага чиқдим, икки юзим ловуллаб ёнарди. Уларни даҳшатга соладиган нимадир қилишим керак! Қарасам, меҳмонхонанинг орқасида утған йилги чириган янтоқ хирмон булиб турибди, шоша-пиша олов бериб юборибман. Қуриб ётған янтоқ тахламлари ловуллаб ёна бошлаб, қурқинчли бир гўлханга айланди.

Уйимизнинг орқасига Қарим тоғанинг болохонаси туташған эди. Олов бирпасда болохонани қуршаб олди, у галлага тула экан, бугдойи ҳам ёна бошлади.

Энди узим даҳшатга туша бошладим. Қаттиқ қурққанымдан, уйимизнинг ёнидаги колхоз боғига ура қочиб, тут устига чиқиб олдим. Тутнинг пастки томонини чирмовук шунчалик қалин ураб олған эдики, бу ерда бемалол ётиб олса буларди. Бемаъни иш булғанини ҳис этиб, қалт-қалт титрардим. Ҳамма қариндош-уруғлар чопиб чиқиб, оловни учира бошлашди.

Уйимиз ёнидан Роғузор маҳалласига қараб Бешкент ариги оқиб утарди. Ёнимизда отжувоз буларди.

Сувнинг яқинлиги, одамларнинг куплиги иш берди чоғи, ёнгинни турт-беш соатда учуриб олишди, тоғам раҳматлик мени қидириб юрибди, тутиб олсам, улдираман, деб қуяди.

Мен эса дарахтнинг устида утириб, ҳаммасини қуриб турибман.

Шунда дадам раҳматли секин чакалакзорга кириб келди, у биз болалар уйнайдиган жойни яхши биларди.

— Дарахтнинг тепасида ухлаб қолдингми, туш пастга, — деди.

— Тушмайман, урасиз, — дейман юқорида туриб.

— Туш, урмайман.

— Булмаса, тоғам ушлаб уради-да!

— Буюгини расво қилибсан, уғлим, ҳа, майли, булар иш булди; — дейди отам хурсиниб. — Бобонинг сигирлари нима ёйди энди?!

— Керак булса, узим янтоғини чопиб келтириб бераман, — дейман синиқ овозда. — Ахир, мени уйинга қўша нима қиларди, менам биламан-ку...

Ниҳоят, дадам алдаб-сулдаб мени дарахтдан тушириб, бобомниқига олиб борди.

Бобом отамга қарата: «Дарахтдан мева оламан, десанг, ниҳолигидан парвариш қил», — дея, менга утирилди. Уришмади, ўзи-ўзига сузлагандек паст овозда деди: — Ҳе, аттанг, сигирлар оч қоладиган булди-да. Сенга эса энди қаймоқ йүк...

Омон Мухтор

Сўзнинг машаққатли йўли

Руйиддиннинг ҳикоялари нашрга тайёрланған эди. Қуйидаги кириш сўзини ҳам ёзған эдим:

«Кичик-кичик ҳикоялар. Кимнидир хотирлаш. Кимнингдир эзгу бир ишидан ҳайратланиш. Қайсидир воқеадан ўзингча сабоқ олиш.

Руйиддин Раҳимов ёзувчиликка ихлоси баланд киши. Ҳаётнинг ўзи уни

сўзлатган. Кўлига қалам тутқазган. У кўрган-кечирганини шунчаки дўстлар даврасида гапириб юриб, ниҳоят, уларни қоғозга кўчирган, холос. Лекин Адабиёт аслида шундай яралади. Бошни қашлаб ёки бармоқ тишлаб, энди нимани ёзсам экан, деб ўтиришдан Худо асрасин!

Хикоялар содда, самимий. Аниқ манзара, аниқ ҳолатлар кўринади. Нозик бир чизгилар кўзга ташланади. Одамлар қиёфаси билан бирга, Руйиддин уларнинг тили ҳам табиий бўлишига алоҳида эътибор беради. У ўз атрофидаги кишиларни яхши билгани, кузатгани сезилиб туради.

Баъзан оддийлик жўнликка айланиши мумкин. Хикоя тили устида ҳам бироз ишлашга тўғри келади. Руйиддин буларни аста-секин ўзлаштириб боради, деб ўйлайман. Унга ижодий зафарлар тилайман.»

Бу (хикоялар ва сўз) одатдаги тартибда босилиши керак эди, кутилмаганда Қашқадарёга боришимизга тўғри келиб қолди.

Журналимиз Назм бўлими мудири, истеъдодли шоир Икром Отамурод 50 ёшга тўлди. Биз унинг юртида бу санани нишонлаш учун сафарга чиқдик.

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева, таниқли шоир ва ёзувчилар Асад Дилмурод, Асқар Маҳкам, Урол Ўтаев, Салим Ашур, Сирожиддин Рауф Икромжонни бошлаб Қашқадарё воҳасида айландик. Бизга сирдарёлик ижодкор дўстларимиз Рустам Эмин, Хайрулла Сулаймон, Илҳом Ботир, Йўлдош Каримлар келиб қўшилишди. Воҳанинг ўзида яшаб ижод қилаётган шоирлар ва олимлар — оқсоқол адиб Сувон Соқий, Абдусалом Ўроқов, Поён Равшанов, Убайдулла Икромов, Бойназар Йўлдошев, Исмоил Тўхтамишев, Амир Худойберди, Илҳом Каром, Даврон Султон, Тўракул Хўжақулов, Баҳодир Абдураззоқ, Қурбон Фарҳод Қарлиқий, Олим Шарипов, Жумакул Ражабов бизга ҳамроҳ бўлишди. Аввал Қаршида, кейин катта саннат маскани Муборакда, халқимизнинг буюк момоларидан Бибиҳоним таваллуд топган Занжирсаройда, шоиримиз туғилган Касби туманида адабиёт мухлислари билан қатор учрашувлар ўтказилди. Азиз ва табаррук Султон Мирҳайдар қабри зиёрат қилинди.

Икромжонга

*Туғилган масканин ҳар кун кўрар туш,
Хаёли чарх уриб дунёни кезар.
Олис-олисларга термулиб хомуш,
Тўрғайли манзиллар расмини чизар.*

*Келганда аямас гапнинг жўяси,
Юракда борини ёниблар айтар.
Нигоҳин тартади Лайлак уяси,
Рухига мададкор Султон Мирҳайдар.*

*Сигиниб яшайди — виждон, иймонга,
Яйраблар кетади — юз очса баҳор.
Меҳр қўймаган у шуҳратга, шонга,
Ўнлаб шогирдлари бўй чўзмиш қатор.*

*Энтикиб битади достону ғазал,
Икром шеърга солар соғинч, дардини.
Келганда Муборак, Касбининг ҳар гал —
Ватан, деб кўзига суртар гардини.*

Исмоил Тўхтамишев

Касби тумани Комилон қишлоғидаги мактабда, фақат ўқувчилар ва муаллимлар эмас, Икромжоннинг синфдошлари, бутун туман аҳолиси билан учрашув айниқса таъсирли ўтди. Бу учрашувда шоирнинг волидаси, улуғ ёшдаги онахонимиз Саломат биби иштирок этдилар. Яқин кишилар, оила аъзолари қатнашдилар. Икромга биринчи синфдан тўртинчи синфгача дарс берган,

ҳозир кексайиб, хасталаниб қолган Очил Аслоновни бориб кўриб, бу ажойиб, азиз инсонга ҳурмат бажо келтирилди.

Адабиётга ташна ва ошна Қашқадарё ўз фарзандига нисбатан меҳри, эътибори билан бизни лол қолдирди. Мен олдин ҳам айтганман, яна бир қара ҳис этдимки, Қашқадарё ўз ижодкорлари, олимлари, чинакам меҳнат килилари билан фахрланишни билади. Фахрлана олади! Бунга доим менинг ҳавасим келади! Биз бўлган кўпдаврларда кечагина Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан учрашувлар ўтказилгани эсланди. Мен, Абдуллажон Қашқадраёдан чиққани бежиз эмас экан, деган халқ бориб, бунга кўнглимда қаноат ҳосил қилдим. Яна, Қашқадарё вилояти раҳбарлари, туманлардаги раҳбарларга адабиётга, санъатга эҳтиромлари ва қуюнчак муносабатлари учун шу ўринда чексиз миннатдорлик билдиришга ўзимни бурчли сезганимни айтишим зарур.

«Шарқ юлдузи» журнаlining буюк адиблар қадами теккан, нафаси сингиган муқаддас даргоҳида Икромжон роппа-роса 26 йилдан буён хизмат қилади. Журнал саҳифаларида адабиётимиз имкон қадар муқаммал ва ҳаққоний акс этиб келаётганига унинг қўшаётган ҳиссаси улкан. Лекин бошқа адиблар сингари биз, журнал таҳририяти вакиллари Қашқадарёда Икромни янгидан кашф этдик. Унинг шу Ватан, шу халққа қанчалик фидойи эканлиги, бу ҳар бир сатрида чақнаб тургани, шу боисдан ҳам, ҳатто адабиётдан анча узоқ одамлар уни яхши кўриши гувоҳи бўлди. Учрашувлардан биронтасида расмий, шунчаки ўз вазифасини бажаргандек ҳолат кўрингани йўқ. Ҳар қадамда самимият порлаб турди! Қашқадарёда бизнинг айрим баҳсларимиз, тортишувларимизда ҳам шу самимият барқ ургани, жилолангани, қалбимиздаги ёрқин бир туйғулур юзага қалқиганини айтмоқчиман.

Бутун сафар давомида «Сўзнинг машаққатли йўли» деган гап менинг хаёлимдан кетмади. Қизгин, суюнчли учрашувлар билан ёнма-ён бу гапнинг келишида маъно қарда?! Биз, Икромжоннинг катта-кичик дўстлари, болаликда, урушдан кейинги оғир йиллар у ҳаётда чеккан озорларни беихтиёр эсладик. Икром отадан ёш айрилгани, ярим етим ҳолатида вояга етганини эсладик. Унинг неча бора жаҳолат билан очиқ юзлашганини ҳам эсладик. Сўнг, қўли қисқа аҳволдаги талабалик йиллари, хасталик, ҳаётга чирмашиб, одам бўлай деб торган азиятлар. Ва яна, у таёқдек тўғри одам эканлигидан, ҳамон баъзан тортадиган азиятлар. Ниҳоят, бир сатр шеър топай, деб гоҳ кун, гоҳ тун кўчаларда азобланиб кезишлар азоби... Қатор учрашувлардан кейин, тор ўз даврамизда, Икромга элдошлари, ҳамқишлоқлари кўрсатаётган бу кунги ҳурмат ўша, изтироблар учун ҳаётнинг «ўз қарзи»ни узиши, мукофоти, деган фикр бот-бот ўртага ташланди. Биз, шоирнинг 50 ёшлигида, у ҳозиргача ўз иқтидорига яраша баҳо олмаганини ҳам хаёлимиздан кечирдик...

Эҳтимолки, буларга батафсил тўхталиб, бор таассуротни ёзмасдим. Ёзолмас эдим. Руйиддин ҳақидаги сўз билан нифояланар эдим.

Бир даврамизга Бекзод деган болани бошлаб келишди. Ўн икки ёшда, 5-синф ўқувчиси экан. Шеър ёзади, эшитасизларми, дейишди. Биз, шеър ёзаман деган одамни кўпкўрганмиз. Ростини, болалар орасида ҳам улар етарли. Бизни ажаблантириш қийин! Майли, ўқисин — шунчаки бош силкидик.

Лекин бола шеър ўқий бошлагач, унинг иқтидори борлигини сездик. Мана, энди унга ҳайрат билан қарадик.

Ортиқча мақтов, айниқса шуҳрат ва бунинг устига, шоирлик шуҳрати ҳар қандай болага оғирлик қилади, уни ҳатто мажруҳ қилиб қўйиши мумкин, деган фикр юради. Бу тўғри фикр, бунга мисол қанча! Шунинг баробарида, биринчидан, шеър яхши бўлса, нега эълон қилмаслик керак. Ёши йигирмага етсин, ўттизга етсин деб юрамизми?! Иккинчидан, Икром Отамуроднинг тўйи устига бу йигит (бола эмас, атай шундай дедим!) кириб келишида биз рамзий бир маънони кўргандек бўлдик. Одам бўлишни, шоир бўлишни истаса, Бекзод ҳеч қачон Сўзнинг Йўли Машаққатли эканлигини унутмаслиги керак!

Шу умид билан унинг шеърларини журналда босишга қарор қилдик.



Бекзод Нормуроод ӯгли

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

*Юрт қайғуси доим шошиб келади —
Менинг қайғум билан қўшилиб бирга.
Шундай пайтда илҳом тошиб келади,
Армон-армон бўлиб йиғлайди унга.*

*Майли, армон бўлсин, майли, йиғласин,
Юрагимда қолар фақат битта қасд:
Юрт бахтини ўйлаб, ўйларим толсин,
Аммо кимки душман, биздан келсин паст.*

ДУНЁ

*Азизлар, дунёнинг ғами ҳам кўпдир,
Сизу биз билмаган ками ҳам кўпдир.
Бу шундай бир қаср, шундай мактабки,
Фиштининг пишиғи, хоми ҳам кўпдир...*

* * *

*Тоғларини қоплаб ётар оппоқ қор,
Яқин келиб қолган гўё осмон-тоғ.
Қишлари қаърида яшаган баҳор —
Бу қишлоқнинг номи Майманоқ.*

МЕҲР ҚОЛУР

*Меҳр ўртанади, меҳр ёнади,
Меҳр тўлғонади, меҳр тўлади.
Меҳрга зор одамга меҳр ёқади,
Меҳр қолур. Ўзгасидан вафо йўқ.*

*Оҳим етсин, десанг агар Оллоҳга,
Кўл урмоқчи бўлсанг ҳақ иш, зиёга,
Майли, бормасанг ҳам Маккатуллоҳга,
Меҳр қолур. Ўзгасидан вафо йўқ.*

*Менга меҳрингиздан беринг бир ҳовуч,
Ҳа, фақат бир ҳовуч. Ортиғи ортиқ.
Юрагимни ўйиб, қиламан тортиқ!
Меҳр қолур. Ўзгасидан вафо йўқ...*





Абдунаби Абдиев

ТИЛСИМ

Қисса

**Бешумор яшашдан топмадим маъно,
Кўзимга санчилди қоронғу зулмат,
Дайр кemasида бемақсуд суздим...**

Тавба, умри бино булиб бунақа тилсим сувратга дуч келмаганди, уни курди-ю, «хаёлот булса-чи», деган шубҳа ич-этини кемирди, санаб адогига етиш мушкул игналар учиди ётгандек ҳолга тушди, беихтиёр илтижо қилди: «Эй, Яратган эгам, сенинг қодирлигинга ҳеч иккиланганмидим, иймонимни минг бора синов чигиригидан утказишингга не ҳожат бор эди, муъжизавий ихтироларингни нега бу қадар жозибадор ва мафтункор этиб яратгансан, алҳола, уни ҳам йўқотиб қўйсам хаста юрагим кутарармикин бу айрилиқни, нега сочга оқ оралаганда ҳолимни забун этдинг?...» Уша кундан буён уйлаб уйига етолмайди, таваккалга эса кўрқув, йўқ, ожизликдан тизза қалтираши эмас, эндигина кашф этган руесини қайта йўқотишдан даҳшатга тушиш йўл бермайди. Узи у ХОНАсига қаердан, не йўл билан келиб қолди, бошда унинг сирли шивирини эшитган булса-да, қиёфасини тасаввур этишга ожизлик қилганди, аслида унга назари тушмагани, фасоҳат гулшанига етаклаган ҳурмонанд жуссани кўрмагани мингбора мақбул эди, ахир, шусиз ҳам ХОНА тор, гоҳ-гоҳ назик бир туйғу билан унда зур-базур жой тутаётганини англаб, ундан олис-олисларга, дилида фаҳш уя қурган Одамота зурриётлари қадами тегмас манзилгача қочишга чоғланарди-ю, мажолли етмас, мадори қурир, узини, узлигини шу ҳувуллаган ХОНАсиз тасаввур етолмас, вужудининг ажралмас булагидан воз кечишнинг-да йўлини тополмас, чиркин фано уйинларидан чарчаган дамлари кўҳна оламга қўл силтаб шу ХОНАга, елғизлик домига узини отсагина таскин топгандек булар, теграсидаги борлик йўқолган-у, зулумот, сукунат, ХОНА ва ўзигина тасодиф туфайли Нуҳ кemasига илашиб қиёмат уққонидан омон қолганга ухшар, узга жамики нимарсани унутар эди. Елғиз кишиларнинг ҳар бири узича бахтсиз, аммо у оламда фақат елғизликдангина фараҳ оларди. Ажаб, ким биландир сўхбатлашишни кунгли тусамаса, дилочар давралар, май дарёси тошган базмлар узига тортмаса, руҳиятига ҳеч нарса енгиллик бағишламаса, устма-уст, босиб-босиб чекилган сигаретлар жуссасини зимдан емирсада, сарҳушлик бермаса, узи у яшайпти-

РУҲИЙ ОГРИҚЛАР ГИРДОБИДА

Истеъдод уз ботинида яшайди, шунинг учун ҳам у билан танишув қутилмаганда юз беради. Ҳали адабий жамоага номаълум Абдунаби Абдиев қаламига хос ёлқин тафтини туйганимда борлигимни фахр ҳисси чулғаб олгани бежиз булмас керак. Шақлан ихчам булган «Тилсим» қиссасини эса ишонқирамай қўлга олганимни яшириб утирмайман. Дастлабки саҳифаларни уқидим-у, шубҳаларим тарқадди, мутолаани якунлаганимда эса, кунглимда ажиб ориқиш ва изтироб ҳукмирон эди.

Табриклаш керак: Абдунаби Абдиев уз оламида алангаланган меҳру муҳаббат, азобланишу роҳатланиш сурурини, хокисорлик билан омухта гурур ва уқтамлик назокатини уқувчига юқтириш — дилда кайфият ва ҳолат уйғотиш маҳоратини эгаллаб улгурибди. Суз санъаткорининг диди тоблана боришида бу фазилат муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Эркин ижод ҳар қанақа қолипга сигмаганидек, руҳият драмаси тайёр қошдалар узанидан оқишни хушламайди. «Тилсим»да Абдунаби Абдиев шуур ва кунгил иқлимда бемалол ҳаракат қилади, яъни, сербуёқ тасвирлар воситасида руҳиятнинг сирли, жозиб, тугёнли манзараларини яратишга интилади. Серзавқ, серзахмат журъати эвазига ногаҳон тугилган, манфаат ва хиёнатдан йироқ муҳаббат фалсафасининг бетакрор жозибасини кашф этишга эришади.

микин, бу тахлит ҳаёт кимга керак ва неча пуллик қиймати бор? Ортада қолган умрини хотиралар гирдобида титкилаб жон асрашга бирон хас топмагач, узига устун яратиш, мазмунсиз ҳаётга янгилик бахш этиш, турмуш тарзини узгартиришга чоғланарди. Аммо бу ҳаракати ҳам ҳар гал қиш қаҳратонини чекинтиришга уринган эрта баҳор насимидек ҳолсизгина исёндан сунг ортага тисланарди, ожизлик руҳиясини емириб, кўксини тарс ёраётгандек, пажмурда юрагини суғуриб олиб тулпроққа отгудек буларди, хуллас, ХОНАсини чарогон этиб, тилсим суврат ҳаётга кириб келмаганида, у уз-узини шак-шубҳасиз ҳалокат жарига итариб ташлармиди, сунг бор бир муддат овунгани имкон топармиди?..

2

**Билсанг эди мен сени ҳатто,
Қизғонишим ўз-ўзимдан ҳам!**

Очиги, ХОНА қачонлардир кенгликда анча мул-қулгина эди, кенг булганда ҳам яхши-ёмонга ланг очик эшигидан кимлардир қаршиликсиз кириб, ҳадиксиз чиқиб юарди. ХОНА узини тимсол деб билганларга «тирикликдан устивор бахт йўқ» деб уқтиришдан чарчамасди, аслида, турли тоифадаги, турфа фазилатли жамики инсониятни бирлаштирувчи ягона умумийлик мавжуд, бу улимдан қурқиш ҳиссидир, магар, улимнинг шакли булса, унда одамлар ул нарса қошида қанчалар даҳшатга тушишларини кўриш, ҳатто юзларидан афсус туйғуларини уқиб олиш осонлашар эди. У улимдан васвасаланиш ҳиссини йўқотган оз сонли кишилардан бири эди, шу боис икир-чикирлардан устивор яшарди, илк бор миш-мишларга нишон булганида «меваги дарахтга тош отишади» дея узини алдагани; сеvimли китобий қаҳрамонлари янглиг бир хил ҳаётни уярлик билан рад этар, ҳар босган қадамини кимлардир қоронғу бурқакдан пойлаётгани, пистирмадан пахтавон уқлар отишаётгани мағрурлигини ун чандон оширар, тирикчилик аталмиш инсон зотини турфа қиефага киритгувчи қобикдан узини юқори тутар, атрофига узидек нотабий турмуш ишқибозларини жамлашга интилар эди; шахсий тажрибаларига шу даражада киришиб кетгандики, ҳатто узи атрофидагилар учун тирикчилик утказиш қуролига айланиб бораётганини англамай қолганди. Хайрият, бу дунёи-дунда мавжуд булган ҳамма нарса, жумладан, ишонч ва интилишнинг ҳам умри омонат, ногоҳ, дуст билганлари, юзида тилидан бол томиб, сиртида гийбатини қилиб, ХОНАсини ёбонга, заъфарон кузги боққа дундиргач, эшик-туйнукларни тақа-тақ беркитиб олди-ю, танҳолигини, ХОНАси нақадар тор, ҳазинлигини сездди. Энди у ХОНАсига ҳеч кимнинг пойқадамини тегдирмас, ҳатто уни узидан ҳам кизғонар, кимнидир йўлатса, вақти-соати етиб, биргина овунчига эгалик ҳуқуқини даъво этиб қолишидан, қора бошини урарга манзил тополмай сарсон бўлишдан қурқиб даҳшатга тушар эди. Нима булганида ҳам тимсолларини йўқотган бемақсуд ҳаётидаги аянчли бир хилликни саҳронинг тизгинсиз, дайди елларидек шафқатсиз тузгитганча ХОНАсига кутилмаган меҳмон таширф буюрди. Дастлаб у: «Ўлғизлик Холиққагина хос, мен эса бор-йўғи бир оддий-одатий инсонман, холос, қайтага, сирли булса-да, дардларимни дастурхон этадиган, эзгу ҳисларимни ишонадиган кимсага етишдим-ку», деб сеvinди. Аммо, ҳали у оламда ўлғизликдан ҳам улкан бахтсизликлар мавжудлигини, ҳар доим ҳам узатган қулларинг истаган нарсанга етавермаслигини, қалб бандилиги тан асирлигидан минг баҳа оғирлигини, бу тилсимот ҳам фано-манзилдаги узига ҳозирланган навабдаги, балки бутун бошли ҳаётидаги энг улкан синовлигини ҳис этганича йўқ эди. Начора...

3

**Қақраган томоғим қиради савол:
— Сен нима, саробми ёки ҳақиқат?
Ёхуд алаҳсирашингми ўртаниб беҳол
Сочлари оқарган, ажиндор тоқат?**

Ўлғизликни одат қилиб олгач, қаламни эзгу сирлари доясига, қоғозни сунг манзил — мозорига айлантирганди, хуллас, шу икки нарса унинг ҳам овунчи, ҳам сеvinчи эди.

Шу жиҳатдан қараганда, «Тилсим» яшаш ва яхшиликдан умидини узган, ўлғизликни абадий қисмат деб билган, мискинлик қурбонига айланаётган одамнинг АЕЛ эътиқоди ва садоқати тўғайли узи-узлигини таниши — иймон ва бахт нуридан баҳраманд бўлиши ҳақидаги эзгин ва эзгу қушиқдир. У романтик бўёқларга бойлиги, тиниқ кечинмаларга йўғрилган умумлашма-бадий хулосалари билан мухлислар эътиборини қозониши, уларда илиқ таассурот уйғотишига ишонаман.

Сезиладики, Абдунаби Абдиев чайқалиб турган уммон сирти буйлаб сузишни эп билмайди, аксинча, сермавж уммон тубига — гузаллик моҳияти мағзини чақшига хизмат қилувчи омиллар бағрига шўнғишдан чучмайди. Изланувчан ёзувчи суврат ва сийрат бир бутун нарса эканига имон утиради, ҳаёт ва кураш зиддиятларини тан ва руҳ ягоналигида, ҷнаям аниқроғи, жон ва вужудда кечадиган қийноқларда куради.

Ижод азобларидан лаззат топаётган Абдунаби Абдиев ҳали катта йўл бошида эканини унутмаслиги керак. Олдинда истеъдодли укамизни жиддий синовлар кутиб турибди. Биз ундан «Тилсим»га ухшаш мағзи тук, бадий баркамол, дид ёрилишлари билан тўйинган купдан-куп асарлар кутиб қоламиз. Завқли изланиш, қайнок илҳом ҳамиша ёр бўлсин қаламингизга, Абдунаби!

Асад Дилмурод

— Мен-чи, — шивирлади тун ярмида қоронгу бурчакдан дилхаста, майин овоз, бир овозки ундан ҳам лаззатланасан гуё тонг шабадасида штирлаётган баргдан таралган оҳангдан хузур қилган каби, ҳам даҳшатга тушасан қиш буронининг совуқ шувуллашини тинглаётгандек.

Сесканиб тушди, ахир у ХОНАсида беқарор руҳи билан юзма-юз қолганди-ку, унда шивирлаётган ким, ким дил дунёсига тажовуз солаяпти? Тўрт деворга хавотирли аланглади, кимираган шарпа кўзига ташланмади. «Балки ҳеч қандай довуш булмагандир, чарчок руҳимга шундай туюлгандир?» — узига-узи тасалли бермоқчи бўлди.

— Уйларинг бекор, узингни алдаб яшашдан муджишроқ азоб йуқ, дилингни овутишга, мени саробга чиқаришга уринма, воқеликман, ХОНАнга суроқсиз кириб олганман, балки мени истилочи деб айбларсан, аслида рухсатинг ва даъватингга ҳожат қолмаган, барибир қалб излагани, истагани, йулларига куз тикканини эртами, кечми топарди, — шивирлади сирли овоз унинг хаёлидан утганларни уққандек.

Вожаб, бу довуш соҳибаси унинг оломон ичра ёлғизлиги, узгалар билан онда-сонда курадиган мулоқоти узини алдаш, овутиш учун эканлигини, лабидаги табассум муз қотгану қалбида ҳануз фарёд ҳукмронлигини қандай англади, сархуш онлари умрнинг уткинчилиги, Оллоҳ яратган энг тилсим мавжудот — инсон киефа жиҳатдан беқусур, манфаатлар қобиғига чулғонса ваҳшийликнинг олий тимсоли эканлиги, чунки юксак онг маҳсули булмиш режалаштирилган ёвузлик ҳар қандай қабоҳатга қодир кучлиги тўғрисидаги узундан-узоқ, алмойи-алжойи вайсақилигини ҳисобга олмаганда, бировга дил очмаганди, вайсашларини эса аксарият шишадешлари худбинлик ва алаҳсирашга йўйишарди.

— Сен кимсан, ёлғизлик сеvimли машғулотим эканлигини қаердан биласан, нега гапира-сану куриниш берай демайсан? Билиб қуй, қурқитишга чоғланган булсанг, умидингни уза-вер, мен инсонга хос ҳис-туйғулардан аллақачон мосуво булганман, яхшиси тан ол, инсми-сан-жинсми-сан?

— Мени гумроҳ деб уйласанг адашасан, ахир ХОНАнга киришдан олдин сени қанча кузатганим якто узимгаю Оллоҳгагина аён. Тўғри, қурқиш ҳиссидан маҳрумсан, аммо қалбинг тошқинига банд босолмайсан, ҳали мени хаёлот деб уйлаганинг ноурин эканини тан оласан, наҳот гапирибгина қолмай нафас ҳам олаётганимни сезмаётган булсанг?

У бутун вужудини кулоққа айлантирди-ю, кимнингдир юраги дук-дук уриб, кўкрак қафасини тўддириб нафас олаётганини руй-рост пайқали. Қизиқ, ХОНАсида ҳатто игна яширадиган хилватгоҳ булмаса, овоз соҳибаси қаерда қуним топган? Қайта синчков назар ташлашга зарурат сезмади, ХОНА, торлиги билан бир вақтда, гариб, кип-яланғоч ҳам эди.

— Нега талмовсираялсан? Мени шунча суҳбатдан кейин ҳам кўрмаётганингга ҳайронман.

— Балки куринмас мавжудотдирсан?

— Қалб кузингни оч, шунда курасан...

4

Юлдузларнинг жимиридан садақа сўрдим,
Ой нуридан олиб мен рағбат,
Кўёшнинг чиққини истамай қўйдим.

Сирли шивир соҳибаси бошқа гап қушмади, унинг эса юраги бетоқат урар, вужудини нимадир бетухтов эзгилар, дил тугёни босилмас, буғзини недир йиртишга шайланарди. Қалбининг туб-тубидан ситилаётган сузлар оқ қоғознинг сийнасини куйдириб, мисраларга тизила бошлади, тонгга яқин эҳтирослар, изтироблар мажмуи бўлиб, сирли суҳбатдошига аталган илк битиги тугилди, уйқусизликдан киртайиб, нури сунган кўзларини қўллари билан ишкалаб, мисраларни сунг бор таҳрир қилаётганида тагин сокин ХОНАга сирли шивир таралди:

— Тунни бедор утказиб нима битдинг?

У мисралар битилган варақни шоша-пиша яширди.

— Ҳеч нарса, узим шунчаки.

— Ҳали тузук-куруқ танишмасдан туриб мени алдамоқчимисан? Ростини, сендан буни кутмагандим, очикчасига утавер, бирон ҳаракатингни назардан қочирмадим, шунчаки эрмак учун қоғоз қоралаган одамнинг руҳиятида мавжланиш, тушишлар булмайди. Сенда эса айнан юқоридаги ҳолатни кузатдим. Яхшиси келишиб олайлик, шу соатдан бошлаб бир-биримиздан сир яширмайлик, ҳар иккаламиз учун ҳам мақбул йул шу.

Нима деярини билмай тараддудга тушди, бало-ку бу ҳамхонаси, мабодо уқиса-да, ёзганлари нафсониятига тегса, тагин ёлғизликми?

— Юрагингдаги ҳадик, иккиланишларни ҳайда, сенинг битикларингдан сира ранжмайман.

Чекиниш йуллари беркилди, рўкач қиларга баҳона қолмади, ХОНАга унинг шароб ва тамаки хуружидан қирилган довуши ейилди:

*Симобий ёруғлик тарар тулин ой,
Дилдираб эшигим чертар бир шарпа.*

Қоронгу бурчакдан тутиб муқим жой,
Уйлайман: «Ким экан тунги қуланка».
Ширин бир қурқувдан тортаман азоб,
Кутилмаган меҳмон кетмас эшикдан,
На дардин очади, на берар хитоб,
Қалбимга нур янглиг энар тирқишдан.
— Қоч, менга епишма афтода арвох,
Пажмурда дилимга солмагин титроқ.
Ахир сен саробсан, инонмам, эвоҳ,
Саробга ҳеч қачон берилмас суроқ.
Орада бошланиб забонсиз синов,
Ногоҳ ҳиссиз шарпа киради тилга:
«Узлигинг танимоқ шунча қийинмов,
Ахир, мен узингман, билмайсан нега?»
Бирдан қурқув тандан чекиниб орта,
Урнини эгаллар ҳузурбахш суюнч,
Дайди руҳга дилдан қилиб мен сажда
Совуқ лабларидан оларман упуңч.

ХОНАга сукунат чуқди, уни икки юракнинг бетоқат дупури бузарди, ташаббусни яна сирли шивир соҳибаси қўлга олди:

— Куз тегмасин, бинойидек шойир экансан, илгарилари ҳам ёзиб турармидинг, қаламинг чархланиб қолибди.

— Қачонлардир ёзганман, бир-икки газетда ҳам чиққан, кўнглим тўлмагач қўл силтагандим.

— Булмаса буни нега ёздинг?

— Узимам ҳайронман, шивирингни эшитдим у дилимни нимадир қитиқлади, ёзмасдан туролмадим.

— Ҳаммаси яхши, аммо кимни, нега «афтода арвох» деб атадинг?

Жавоб қилолмай чуқур хўрсинди, галати сўхбатдоши тасалли берган бўлди:

— Уқсинма, нима булганида ҳам сенинг битигингда ҳалигача ўқиганларимдан узгача оҳанг кашф этдим, яна ёз, майлими?

Олқишлардан рағбат олиб дувва қизарган юзлари энди доқадай оқарди, бу сўзлар ҳаётида эшитган жамики таҳсинлардан аълодек туюлди...

5

Телбавор кичрайиб боради замин,
Оёғим узишган тупроқ устидан,
Энди қайга қўяман қадам?..

Илк мулоқотдан сўнг кўнлар утди, беором, бесаранжом кўнларга эргашиб, умид беланчагига беланган, тиқ этган товушга интиқ тўнлар утди. Бироқ сирли шивир вужудига ором бағишлаб, қайта янграши оғир кўчди. Энди у қуруқ жуссага дунган, дайди руҳи тутқич бермас, узи эса ҳис-туйғудан маҳрум жасаднинг қули бўлиб қолганди. У бу кунидан ҳар қандай камситишлар, вужудини оёқости қилиб топташларга ризо эди, фақат ҳузурбахш довуш қўлогига чалинса бас, шу боис бутун борлигини қўлоққа айлантирди, хайрият, умид-илинжлари бенишон қолмади, тилсим сўхбатдоши фано-манзилдаги умрини поёнига етаклаётган сўқмоқда йулдош булган бечоралар сингари хиёнат қилмади, уни бешумор оламда ёлғиз ташлаб қўймади. Энди у булутли, буғиқ, рутубатли ҳаводек мудҳиш ХОНАда танҳо узи эмаслигини аниқ-тиниқ билар, бироқ ХОНАни қаричма-қарич, такрор-такрор титкилаб чиқса-да, сирли шивир соҳибасининг қўналғисини тополмасди. Аввал онда-сонда таралган шивир бора-бора, тиним нелигини билмай, кўн сайин ХОНАни забт этиб борар, бутун борлиқ шивирдан тортиб нолағисига унинг довушига айланган, узи ҳам минг йилдирки, аҳвол-руҳиясини англайдиган, синиқ дилига енгиллик бағишлайдиган кимсага муҳтож — гадо эди шекилли, сирли мулоқотчисига нафақат кўниккан, балки, кўз ажратолмайдиган нафис ришталар билан боғланиб қолганди. Охир-оқибат сирли шивир қўлогига қўрошини янглиғ қўйиладиган, шууридан оламдаги жамики довушларни ҳайдаб соладиган, соҳибаси тимсолига интизорлик туфайли кенг оқунни қўзига бешумор курсатадиган бўлди. У бирон тун эшитилмаса узини қўйишга жой топмас, юрак оғриги хуружи ортиб, мисоли сон-саногги йўқ тулпорлар туёғи остида эзгиланаётган тупроққа дунарди. Ҳа, узи англамаган ҳолда сирли шивирнинг боши берк кўчадаги асирга айланиб борар, маҳкумлиқ асорати тиниб-тинчиш нималигини билмай уни қуринмас турлар билан қўршаб олаётганди. Ҳаётидаги бир хиллик барҳам топгач, ишга ҳам номигагина чиқадаган, қош қорайишини сабрсизлик билан қутадаган, иш вақти тугагач илгаригидек сархуш давраларга эмас, айни пайтда кенгайиб бораётган ХОНАсига қўшиладиган одат чиқарди. Тун қандай поёнига етганини сезмас, кўн-дўзининг эса оёқлари сингандек имилларди.

ХОНАга қамалиб олгач ҳеч кимни, ҳатто отамлашай деб келганларнида ичкарига йўлат-

мас, сирли шивирни одамдан, оламдан, баъзан уз-узидан ҳам қизганарди. Кимдир хабар топса миш-мишлар болалаб, сирли суҳбатдоши ХОНАни тарк этиши, бошқа ХОНАга жунаб қолишидан қурқарди. Дунёнинг ишлари қизиқ, инсон зоти умумийлик тилсимлари оламига шошилади, лекин ҳеч нарсага эга бўлмасликдек қурғиликка ҳам қуникавереди, агар нима-нидир топса борми, дилига утиришган, гузал деб билган жамики нарсасининг ягона ҳукмдори бўлишни истайди, эга бўлганидан сунг ё шукур қилади, ёки... Купинча ушбу гузаллик қадрига етмас, уни аксинча топмайди, булғайди, ҳазон этади. Инсон уз худбинлиги билан узига хизмат қиладиган жамики мавжудотни емиради, у борлиқнинг авра-астарини чиқариш учун яралгандек...

**Шудринг босган ўтлоқ.
Нима у олов?
Юрагим тушибди бу ерга қачон?**

Кунлардан бир кун, у сирли шивир соҳибасининг узига маҳзун, ҳа, ҳа, узгача булишини тасаввур этолмасди шекилли, маҳзун ва маънос термулиб турган жуфт чарос кузларини но-зик бир туйғу билан ҳис этди. Йўқ, у, куп, айтиш мумкинки, минглаб, юз минглаб кузларни курганди, биридан алдамчилик ва риёни англаса, узгасида қувлик ва шумликни кашф этганди, аммо уларнинг ҳеч бирида бу қадар меҳр ҳам қаҳр мажмуини учратмаганди; гуё торгина ХОНА бир жуфт кузга дунганди, балки унинг шивирини эшитмай қолишдан хавотирланиб нафасини ичга ютгани, ХОНАсидаги соқинлик боис шундай туюлгандир. Наҳот кузининг қурмаган нарсани қалбан илғаш, узинини кузатаётган нигоҳни ҳис этиш мумкин бўлса, балки сирли шивир соҳибаси «қалб кузинини оч, шунда курасан» деганида шунга ишора қилгандир. Унинг узидан-да сирли нигоҳи қачонгача мафтун этиб, ҳоргинликдан гижим тортган қалбини бешбаттар азобга соларкин, шусиз дард-огриқлари озмиди?

— Нега кун сайин одамови, дарвешфеъл бўлиб боряпсан, оламнинг огриқлари фақат сенга қолганми, неча кундирки, ёйилиб қулишинг у ёқда турсин, очиқ чеҳранга муш-тоқман, тегранга боқ, наҳот қувонч, бахт деган неъматлар мавжудлигини билмасанг, — сирли шивир мулозамат қилиб турмай таъқиб этишга киришди.

Бирданига ХОНАнинг тит-питини чиқаргиси, сирли шивир соҳибасини бекиниб ётган маконидан тортиб олгиси, ёқасига чанг солиб: «Бари-барисига ёлғиз сен айбдорсан, нега узганинг эмас, менинг ХОНАмга кириб олдинг, унинг деворлари нураб, устуналари хароб ҳолга тушмагунча қайларда эдинг?» — деб зугум утказгиси келди. Шу тоб, узининг бадбахтлиги учун ғалати суҳбатдоши айбдордек, кузлари қонталаш тусга кирди, оғзи купирганча бақириб-чақирса дардларидан форигланадигандек туюлди.

— Дилингни огритган бўлсам кечир, дол-вой солганингни не фойда, қунглингни кенг тут, барибир ХОНАнг ҳазонлаган бог, кимсасиз саҳро мисол хувуллаб ётганди-ку, шу бушлиқни тўлдирсам нимаси ёмон?

У узича таҳликага тушди: «Астогфуруллох, узи куринмайди, лекин дилимдагини топиб гапириши нимаси, энди уйлашга ҳам ижозат сурайман чоги ёки булар ҳаммаси алаҳсираш, жинни булаётганим белгисимикин?»

Сирли шивир соҳибаси илк бора хандон отиб қулди:

— Жинни булишдан шунчалик қурқасанми? Қайтанга яхши-ку, арзимаган икир-чикирлар сабаб бош қотириб юрмайсан. Сенинг ХОНАнда қуним топгандан буён ҳатто мен, узгар наздидаги сирли мавжудот ҳам савдойиликни орзулаяпман.

— Не боис?

— Менинг ХОНАм ҳам сеники каби ҳувиллаб ётганди, энди узимга лойиқ кимсани топганимни ичимга сигдиролмаяпман. Айтишларича, инсон савдойиликка қутилмаган бахт ёхуд оғир ғамдан чалинармиш.

— Ҳеч уйлаб курдингми, балки биз иккаламиз ягона, яхлит бир вужуддирмиз?

— Жисман билмадим у руҳан...

— Наҳот биз яхлит вужудга айланолмасак?

— Бунинг сира иложи йўқ.

— Нега?

— Мен нотабиий мавжудот, сен эса табиийсан.

— Сени билмадим мен ташрифингдан буён бус-бутун бўлиб қолгандекман.

— Гапинг рост бўлса, таҳсинларимни қабул эт, бундай эътирофинг билан дил яраларимга малҳам қуйдинг.

— Эҳ-ҳе, ҳали дил яранг ҳам борми? Унда баён эт!

— Ҳали дардлашишга фурсат топамиз, ҳозирча дилимни қийнаган, шу ерга келгунимча минг бир истиҳолога бошлаган воқеликни айтаман. Билсанг, мен орага раҳна солгунчи, гий-бату бухтонни болалатгунчи, ҳеч бўлмаганда уз иштироки билан ширин суҳбатга дилсиёҳлик аралаштиргунчи учинчи одамга айланишдан қурқаман. Яхлитлик ҳақидаги изҳоринг шубҳамни тумандек тарқатди, инондим, мен эмас, атрофингда уралашаётганлар қалбингга бегона экан.

— Бас, бу хусусда ортиқча сўз урма, бизнинг уртаимзда бегонага урин йўқ.

- Ягона қарорга келгунча менинг чехрамни кўр, балки қўрқувдан даҳшатга тушарсан, ахир мен хунукларнинг хунутиман.
- Алдама, бунчалик майин овоз, соф дил соҳибасига хунук чехра ато этилмагай...
- Ишончинг комилми?
- Ҳа, қолаверса мени тан эмас, қалб жозибаси кўпроқ мафтун этади.
- Тухта, тухта, нега ҳадеб менинг фикримни узлаштириб олаяпсан? Эндигина шу мулоҳазани билдириш тадоригини кураётгандим.
- Узинг-чи, мен гапириб улгурмасдан дилимдан утганини ҳам ошкор айтаяпсан-ку.
- Менинг йуригим бошқа, мен тилсим сувратман.
- Суврат булсанг нега қуриниш бермаяпсан? Мен сени жисмидан адашган руҳ деб юрибман.
- Ҳар кунни юз бор кузинг тушадиган жойда турибман, узинг ажратиб ололмасанг менда не айб?
- Ке, қўй, бекинмачоқ уйнашни бас қилайлик, жамолингни курсат!
- Айтдим-ку, қалб кузингни ишга тушир, висол онлари яқин, ҳозир эса ётиб ҳордик чиқар, ҳадемай тонг отади, мен сенинг осойишингни қуриқлайман.
- Аразладингми? Майли, қуринмасанг ҳам розиман, фақат мени тарк этма, жодугар тун билан ёлғиз қолдирма, тагин озроқ суҳбат курайлик.

— ...
 Шу тоб у сирли овоз соҳибаси қошида янаям ялиниб-ёлвориш, тиз чукишга ризо, аммо, юрак амрини рўёбга чиқариши осон эмаслиги аён...

7

**Хайрлашдик, тўхтади соат мили,
 Қайта юрди сени кўргандан
 Тизгинингдан чиқар вақтимни.**

Ишдан қайтиб, ХОНАсига кирди-ю, дастлаб қарс чалинганини, сўнгра сирли шивирни эшитди:

- Баракалла, кеча хайрлашганимиздан кейин ёзган шеъринг зур чиқибди.
- Қай бири?
- Ёлғизлик ҳақидагиси.
- Уни сенга ким ўқиб берди?
- Узим ўқидим. Кун буйи битикларингни титкилашдан бошқа нима билан овунардим?
- Нега рухсатимсиз қоғозларга қул урдинг?
- Эсингдан чиқдим, сир яширмасликка келишгандик.
- Балки бу оқшом ўқиб бермоқчи бўлгандирман.
- Дафтаринг тулай деб қолибди, узим титкиламасам қай бирини ўқиб берардинг.
- ...
- Айт-чи, шеърларингни биров ўқиганда ҳеч тинглаганмисан?
- Ахир уларни бошқалардан сир тутаман-ку.
- Булмаса тингла, ёд олганман:

*Дил снѐх, қалб ярим, яшайсан интиқ,
 Ғуж юрган сафларга нигоҳинг тикиб.
 Дунѐда жамики ҳислардан кемтик,
 Ёлғизлик бағрингни уртайди титиб.*

*Саросар кезасан боғларни такрор,
 Ҳазин юзларингни мезонлар чалиб.
 Яктолик измида бош эгиб иқрор,
 Ғусса-андуҳлардан иморат солиб.*

*Ногоҳ бир шуълани қоласан илғаб,
 Вужуддан отилар ҳайқирик: «Топдим!»
 Гар рўѐ булмаса топганинг излаб,
 Руҳинг қай маконда топаркин қуним.*

*Йўқотиш оғирдир зурга топганинг,
 Тилингда тугенинг муз қотар бир дам.
 Оғир бир синовга чидарми жисминг,
 Ёлғизлик қўйнида ғамбода одам.*

У қулоғи остида мўъжизакор қушиқ янграгандек лол қотди: «Анча тузук-ку!» Ғалати, узи товушсиз ўқиганда уртамиёнадек туюлган эди, йўқ, бинойидек экан, сирли шивир соҳибасининг мафтункор овози гузаллик бағишлади-да!

- Мана, мен борман-ку. Нега тагин ёлғизлик ҳақида ёздинг. Ўтирофинг сохта элими?
- Йўқ, бироқ негадир бир дақиқа довушингни эшитмасам, Қайс юрган саҳрога тушган-

дек, ёлғизликдан юрагим тарс ёрилгудек булаверади, фақат интизорлик мени бу оламда сараб тургандек.

— Энди туннинг сочи оқаргунча сени тарк этмайман, толиқиб қолмасанг булди.

— Сира, қайтага руҳим тетиклашади, қушдек энгил тортаман. Агар ваъданга турсанг ёлғизлик ҳақида қайтиб ёзмайман. Охиргиси шу!..

8

**Тентираган руҳим ором истади,
Фанога сифмади, бақога кўчмас,
Уни дафн этдим сенинг қалбингга!..**

Сирли шивир соҳибасини қутилмаганда куриб қолди, узига ишонмади, кузларини юмиб очди, баданини чимчилади, йўқ, туши эмас, руё ҳам эмас, қачонлардир ХОНА деворига осиб ташланган сувратлар орасида кузи илк бор тушгани, қаердан келиб қолгани номаълум тасвирдаги аёл лабларини сезилар-сезилмас қимирлатиб, майингина шивирлади:

— Ниҳоят топдинг-а, бахтиёрмисан? Нега гура егандек афтингни бужмайтириб олдинг? Оддий суврат экан, деб ҳафсаланг пир булдимиз? Боқ-чи, қай бир тасвирдаги киши мендек гапиряпти?

У узга тасвирлардаги таниш-нотаниш қиёфаларни тилсим сувратдаги аёл билан таққослаб кўрди. Маъносиз тош қотган кузлар, ифодасиз чехралар, аниқроғи, расмлардан гижинарди. Энг ёмон курган машғулотги ҳам сувратга тушиш эди. Одамларни кузатиб ҳайрон қоларди: бошқа иш топмагандек сувратхона танлашади, турли куринишларда қиёфаларини қогозларга муҳрлатишади, кейин эса орқасига аллаббалоларни чатиб, бир-бирларига тортиқ этишади. Эсдалик эмиш, «Мона Лиза»ни шунақа деб атаса арзир лекин... Ҳа, исломда инсон қиёфасини тасвирлаш таъқиқлангани — ягона тўғри йўл, ахир, тафаккури чекланиб, сумбати муз қотган инсоннинг бошқа жонзотлар шаклидан нима ортиқ жойи бор, лекин мана бу суврат — беқиёс муъжиза экан, қолип-чорчўпни таслим айлаб, шодлана биларкан.

— Кўрдим, бинойигина гапирясан, мулоҳазакорлигинга аллақачон тан берганман, нега беқиёс қалб, бетакрор чехра эгаси булатуриб, жонсиз тасвирга кириб олдинг?

— Чархи дун. қилиқларидан безиб, осойиш топган қуналган шу. Балки бу ерни жой тутганимдан буён минг йил утгандир, умримнинг маълум қисмида алдандим, эхтиросларимни инобатга олишмади, дил туғенимни топташди, қалбимни синдириб эрмак қилишди, беаёв алдовга нишон айланди. Сенинг бир битигингда ўқиганим бор: «Хато қилдим, ўзлимни ҳиссизларга ато қилдим, аямай вужудимни топтаб утишди, синдириб дилимни йўлга отишди. Уқинмадим, териб қалбим синиқларини, бағримга яшириб хилватга қочдим». Билсанг, ХОНАнга мени шу сатрларинг, кайфиятимиздаги ўхшашлик бошлаб келди, булмаса одами-ят аталмиш тудани тобад тарк этгандим. Уйлаб кўр: одамлар нақадар жирканч ишларга қўл уришмайди, муддаосига эришиш учун кузингга тик боқиб, ёлғон сузлашдан қайтмайдигани нечта?! Дастлаб «гузалсан» дейишди, билмадим, кузгудаги чехрам жозибасига мафтун эдим шекилли, инондим, «Сенсиз яшолмайман», деб шивирлади қай бири қулоғим остида, гуё шивирли меҳрдан яралгандек туюлди, қаршимда тиз чўққанида риекорлигини сезмадим, даврасига қушилдим. Эҳ, бу катта-кичик давраларда гувоҳи бўлганларим, бошдан кечирганларимни мен айтмай, сен эшитма, тагин сеплашга утиб олганимдан хафа эмасмисан?

— Сиз орадаги чоҳ, сен яқинлик белгиси, аксинча атаганинда тилёғламаликка менгзардим, давом этавер.

— Яна фикримиз бир ердан чиқди, севинчим беқиёс, майли, сир қолдирмай. Хуллас, улар учун аёл зоти кўнгил хушлиги учунгина яратилган, ўзингга яқин тутсанг билагиндан тортишни кузлайди, разм эт — қалдирғоч жуфтини пийнаслайди, турна сафидан адашганини чорлайди, мўрча чарчаганини қувватлайди, инсон эса ёлғон, рие, қабоҳатга маҳкум!.. Шундай қилиб, кун-кундан бу давралар сен каби менга ҳам бегоналашди, охир-оқибат ором топган жойим шу тасвир булди: кўзим кўр, қулоғим тош қотган.

Тилсим сувратнинг майин шивирли фарёдаги айраниб борарди, унда уқинч, армон, айрилик, ҳасрат ҳукмрон эди, бу аянчли ҳукмронлик деворини унинг ХОНАсига оғир юк бўлиб ағдариларди:

— Изҳор этмаганинга ҳам сенинг ҳаётингда илгари кимдир булганини, юрагингда зардоб дуниб қотганини илк мулоқотимиздаёқ довушингдаги оҳангдан англагандим. Ҳис этиясанми, иккаламизнинг қисматимизда ўхшашлик бор, сенинг қалбни муҳаббатдан, меники хиёнатдан яраланган. Айт-чи, турмушингни губорга қўмган уша кимсани унутолмаяпсанми? Тўғри, муҳаббат дарди оғир, унга бир чалингандан сўнг халос бўлиш мушқул, ўзингни минг қийнаганингдан не фойда, барибир ҳаётни изига қайтариш, бевафони олдиндан кўра билиш имкони йўқ. Аммо муҳаббат дардининг малҳами бор, дилингни топтаган ўзинг учун энг азиз кимсани хотирага айлантир, токим у кўнглингни энг бебаҳо бойлиги бўлиб қолсин, шунда ҳар қанақа таъқибдан қутилсан.

— Билмадим, унутай дейману...

— Ҳеч уйлаб кўрганмисан, уша ҳис-туйғудан мосуво, қуруқ савлат сенинг изтиробларингга, сездирмай ич-этингни кемириб, дилдан оҳ тортишингга арзийдимиз, беадад куйинчларингни раво кўрсанг буладимиз унга? Асло, кимгадир жисман эмас, руҳан талпинган киши ҳеч қачон хиёнатга қўл уролмайди, хиёнат-эхтиросларга бегона, сўқир қалб маҳсули, шундай

экан, утмишни эслашинг, яраларни янгилашингга сира ҳожат йўқ. Тақдирдош сифатида маслаҳатимни олсанг, сен қуруқ гавдага қўл булиб қолганлардан қулиб яша, ҳаётда интиладиган манзили, талпинадиган тимсоли йўқлар устидан ошқор қаҳ-қаҳа от, уларни уз дунёндан қувла, мағрурлигинг, гийбатлардан устиворлигинг сенга хиёнат этганларни гирдобга отсин, алангасида куйдириб, жизғинагини чиқарсин, вақт утиб сенга сажда қилаётганини сезмай қолсин.

— Раҳмат.

— Малол келмаса яна бир саволим бор.

— Сура.

— Инсон ҳақида шунчалар бой тасаввуринг билан узингни такрор бу тўдага уришдан мақсадинг нима?

— Мен узимни тўдага эмас, тўдадан ажралиб, сўққабош қолган кимса ХОНАсига уряяпман.

— Сени илгари ҳеч учратмагандим, бетутуриқ умрим давомида дарбадар кезиб топмагандим, балки сен ҳам шундайдирсан, ростин де, менинг ХОНАмнинг нимаси жалб этди сени?

— Мискинлиги.

— Энди буткул қоласанми?

— Ҳа, бадбахтлик юкини бирга кутарамиз, сен ҳам узингга кимнидир сирдош тутишга ҳақсан, фақат тинимсиз уф-ф тортаётганингдан хавотирдаман.

— Довушингни эшитиб қулогим қонди, сувратингни куриб қузим туйди, бироқ йиллар силсиласида зир югуриб излаганим, интилганим, йўлларига қўз тикканим оддий тасвир булиб чиққанидан азобланапман.

— Гапирсам, оқ-қорани, аччиқ-чучукни сен билан баҳам кўрсам, тагин нимани истайсан?

— Истаган пайтим суҳбатингга тўйолмасам, сени ўзлигим деб бағримга босолмасам, буйбастингга ошқор қувонолмасам, қузинг денгизига гарқ булолмасам, бу топилдигимдан не фойда?

— Куник, ношукур банда, илгари шу ҳам йўқ эди-ку.

— Куникмай иложим қанча, шундоқ ҳам вужудимнинг ажралмас булагига утрилдинг.

— Ана бу бошқа гап, майли, мени узинг, ўзлигингни қандай англасанг шундай қабул қилавер.

— Ҳеч булмаса исмингни айт, сени ким деб атай, қай номни дилимда дoston этай, ҳарфларини қузимга суртай?!

— Узингга ёққан, қалбингга ўтиришган номни қўйиб ол, мен қарши эмасман, сен адашмайсан.

У бир зум тасвирга, унинг сокин шивирига мос ном излаб, фикр уммонига чўкли; бошига тангилган оппоқ румол остидан чиқиб, пешонасига ёйилган тимқора соч, бир оз масъум, бироқ чиройли балқиб турган мазмундор қўзлар, миттигина оғиз, маъюс чеҳра... Бу чеҳрадан нигоҳини айирмоқчи бўлди, журъати етмади, жоду домига илингандек бир ҳолга тушди, термулгани сайин ёлғиз шу чеҳрагагина хос янгидан-янги гузалликларни кашф этаверди. Шу суврат таърифинда нимадир ёзмоқчи буларкан, олдинлари сеҳрар қўлидаги таёқча, морбоз жодусидаги илондек, юз мақомга йўргалайдиган қалам узига бегона, гапиришни истасада, тили лол эканини, вужуди бамисли тош қалъа тутқунига айланиб қолганини ҳис қилди. Жисм маҳкумлигига куникарди, қачонлардир куниккан ҳам, бироқ қалб тутқунлиги — таърифсиз азоб, парвозни орзулаган мажруҳ лочин янглиг тасвирга сажда этар, жасадини тарк қилган руҳини тилсим суврат аллақачон ўзиникига айлантирган, ҳар қанча амридан наф топмас, итоатгўйлик дилига фараҳ бағишларди. Бир муддат яна ҳуши бошидан учди, доимий ҳамроҳига утрилган ёлғизлик узидан юз бурганини, тилсим суврат билан ширин суҳбат куриб утказган дамлари файзсиз ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларига дунаётганини, сирли шивир соҳибаси юрагида милтираганча сўнишга ҳозир умид шамини қайта баралла алангалагганини, энди уснз ҳаёти қоронғу зулматга чулғанишини англади, англади-ю, тасвирга мос ном излаётганини эслади...

9

Дилим синди,

Беҳис кўзуга дўнди,

Синиқлари сенинг қалбингда унди!..

— Кечирасан, сени Ёвуз Латофат деб атасам ранжимайсанми?

— Инкор этишга ҳаддим сигмаяпти-ю, нега ҳам ранжий, ёвузликда устозим узинг булсанг, асл исми эҳтимол шудир, фақат ягона хатоинг бор: олдига Ажралмас деб қўшиб қўй. Шуни англа, қанчалик уринма, вужудингни чор тарафга уриб талпинма, яна такрор айтаман — мени узингдан, ўзлигингдан ажратиб ташлолмайсан, нафақат ҳушингни, ҳали тушингни ҳам забт этаман, ҳаётинг менсиз гузаллигини, файзини батамом йўқотади. Биргина мен қийналишим, изтироб оғушида тўлғонимши адолатданми? Сенинг ҳам юрагинг тизгинсиз туйғу алангасида қовурилсин, мен билан боғлиқ воқеликни хотирангдан учиролмай талвасага туш, узлат ҳам дил яраларингга шифо қўйолмасин, шунда мен бекиёс шодланаман,

негаки узинг баҳолаганингдек Ёвуз Латофатман, фақат ажралмайдиган, АЖРАЛМАС ЁВУЗ ЛАТОФАТ.

— Қисқартмаси АЁЛ буларкан. Ҳазилни йиғиштир, ҳазил мендек сенга ҳам ярашмас экан, шунчалик узун ном буладими?

— Уйлаб қур-чи, менга узга ном ярашадими?

— Билсанг, сенга ном излаб ақл тарозусидан қанча ноёб исмларни утказмадим, бириси чеҳранга ярашса, руҳияннга мос тушмади, бошқаси... Хуллас, сен гузаллар гузали ва ёвузлар ёвузисан, ташрифинг билан ХОНАмни нурга тулдириб кенгайтирдинг, кенг дунёмни эса тораитирдинг. Мана нега сени шундай атагим келди.

— Ҳар иккаламиз адашмабмиз, Дарвеш...

— Дарвеш деб кимни атаяпсан?

— Сени-да, мен ҳам уз суҳбатдошимни бирон ном билан чақиришим керакми?

— Розиман.

— Энди бошқа мавзуларда гаплашайлик. Хафа булмасанг, бир савол берсам: рангинг заҳиллашиб, пешонанга ажин тошгани, томирларинг буртиб бораётгани боиси нима?

— Раҳминг келаяптими?

— Менда раҳм-шафқат нима қилсин? Узингдан қиёс ол, бирон маротаба шу ҳам суврат булса-да гапиряпти, дардини очаяпти, ҳайдаб солсам ҳам ХОНАмдан кетгиси йуқ, нега шундай деб уйладингми? Агар менинг аҳвол-руҳиямни англаган булсанг, демак, орамиздаги тусиқлардан сенингда ёлғиз узинг азобланаяпсан-да?

— ...

— Майли, масала талашини қуйиб турайлик, жавобдан қочма, сени нима бунчалик эзаяпти, нима ич-этингни кемириб борапти?

— Рухим асирлиги қийнаяпти, жоним азобланаяпти.

— Уйинни қуятур, жонни барчамизга Оллоҳ ато этган, уни узимиздан узга биров маҳкумликка ҳукм этолмайди, унга буйруқ беролмайди.

— Сен узингнинг мавжудлигингни унутиб қуйдинг шекилли?

— ...

— Айт-чи, жисм огригидан ҳеч лаззатланганмисан?

— Огрикдан лаззат олиш нимаси, жиннимисан?

— Инонмайсанми? Сен ХОНАмда пайдо булганингдан буён ҳушимга эга булиш учун тинимсиз жисмимни азоблайман, ажаб огрик зарбидан ҳамма нарсани унутиш ўрнига лаззат оламан: сенинг эътиборингни тортганимдан севинаман.

АЁЛ унинг гапини булди:

— Тасвирдан чиқиб, ёнингга тушишимни истайсанми?

— Қанийди?! — Дарвешнинг сўз уриш оҳангидан ишонқирамаётгани сезилиб турарди.

— Боряпман, кутиб ол.

Дастлаб тасвирни тусиб турган ойна чил-парчин синди, сунгра бош-оёқ оппоқ либосга уралган жусса сирғалиб тушди, унинг қулидаги янги жароҳатдан оқаётган қон ерга томчилади.

— Қулингга нима қилди, ярангни боғлаб қуяйми?

— Эътибор берма, тасвирдан чиқаётганимда ойна тилди.

— Куп қон оқса ёмон-да.

— Майли, оқаверсин, заминни буясин, фақат менга ҳалақит берма, жисм огригидан ёлғиз сен лаззатланишинг керакми?..

10

Масофа яқиндир, масофа йироқ,

Кўлим чўзсам етар елканга,

Аммо ҳаққим борми сени кучмоққа?

Энди у ишдан қайтиши биланоқ АЁЛ секингина сирғалиб тасвирдан чиқар, иккаласи бутун борлиқни унутиб суҳбат қуради, ораларида қарашлар савашни давом этарди:

— Сени жуда-жуда соғиндим, — дерди Дарвешнинг қузлари.

— Мен ҳам, йулингга қарайвериб сарғайиб кетдим.

— Сенга дуч келдиму инсоннинг нақадар аянчли қисмат соҳиби эканлигига имон утирдим.

— Мен ҳам билсам буладими?

— Эслаб қол, инсоннинг кучи, ожизлиги, ҳатто фожиаси ҳам Оллоҳ томонидан ёлғиз унгагина қалб ато этилганида экан.

— Нега, қалбинг булса ёмонми? Мен ҳар доим туйғусиз жонзотларга ачинаман.

— Ачинма, ҳавас қил, қанийди ҳис-туйғудан мосуво булиб қолсам. Биласанми, ҳаётни рақат эҳтиёжларни қондириш манзили деб уйлайдиганларга рости ҳавасим келади. Уларга наза, узгалар ғам-ташвиши, севиш-севилиш уларга бегона. Мен нега қалб азоб манбаи деяпман? Жамики жонзотга амр этиш, истаган майлингни бажартиришинг мумкин. Аммо қалбга буюриб, йул курсатиб булмайди ва мен ҳам эҳтиросли кимсалар каби кунгил мулкининг асирига айландим. Қалбим ҳукмдори йуқ эди, шу боис ёлғизликни ихтиёр этгандим, ушлаб

кишилар уртасида ҳам узим билан узим қола билардим, бугун эса шафқатсиз ҳукмдорга дуч келдим, бу сенсан. Мен сени уз дунёни асрагандай ардоқлашга, узимни севгандек меҳр-муҳаббатга чулғашга лойиқ санадим ва, нима деб уйлама, дилимнинг туб-тубида асраладиган эъозли фармонбардор булиб қолдинг.

— Мен учун эса сен ҳукмдорсан.

Афсус, бу кузлар изҳори эди, уни тилга кучиришга иккала девонафёъл ҳамхона ожизлик қиларди ва ниҳоят уша кун Дарвеш биринчи бор АЕЛ қулларини ушлади, юзини қафтлари орасига олиб, кузларнинг туб-тубига тикиларкан, суҳбатдошининг суз уриш оҳангига мослаб шивирлади:

— Мен сени севаман!

АЕЛнинг очик ёқасидан кўриниб турган оппоқ сийнаси кутарилиб тушди, танига титроқ аралашди. Дарвешнинг қалтироқ қулларини итариб ташлади:

— Сен ҳам эски газални бошладингми?

— Кечир, газабинг кўзишини билмабман, дилим буюрганини тилимга кучиргандим, қанийди имконим булса юрагимни поралаб кўрсатсам, мени тушун, энди сенсиз ҳаётни сира тасаввур этолмайман.

— Муҳаббат севиш, севилиш, жар солиш билан устиворми, белдан кучиш, лабдан буса олиш билан белгиладими? Йўқ, мен бундай ҳолатларни тан олмайман. Узинг учун жон қадар азиз инсон олдида шаҳвоний нафсингни жиловлай олсанг, унинг гузаллигини тимсол деб билсанг ва бу гузалликнинг сергак посбонига айлансанг — мана менинг назаримда муҳаббат нима?

Дарвеш, АЕЛ мулоҳазасини тинглар экан, улар муҳаббат улчамлари тўғрисидаги йиллар давомида уз қалбида шаклланган, яшаган, ривожланган фикрларга мослигини кўрди. Худбинлик қилганидан ларзага тушди. Хом сут эмган банда, қаерда адашди, хато қилди? Беихтиёр яқинда қайсидир журналда ўқигани — ен дафтарига кучириб олган сатрларни эслади: «...Гузал нарсаларнинг ҳаммаси ҳалокатдир, ҳар қандай гузаллик ортида ваҳшийлик яширинган булади, гузаллик ваҳшийликнинг ювош кўринишидир. Ана у аёл сулув, деб айтишимиз билан ҳар қандай одамда уша аёлга нисбатан интилиш ҳисси уйғонади. Мана бу гул қандай нафис дейишингиз билан кўнглингизда шу гулни узиб олиш истаги пайдо булади. Гузалликка эришиш учун ваҳшийлик қилишингиз шарт...» Ибботга ҳожат йўқ, мана, узидан қиёс, дилида тилсим сувратга нисбатан сира гаюрлик уйғонмагани, оқ либос ичида тулганиб турган нозик жуссани кўрди-ю, узини тутиб туролмади, унга осонгина эришишни кўзлади. Наҳот у ҳам сон-саногой йўқ худбинларнинг бири булса, наҳот йиллар давомида асраган эзгу ҳислари уз ёвузлигини пардалаш, хаспушлашга хизмат қилган булса? Ахир, у одамлардаги шу жаҳолат, фаҳш-истаклардан жунбушга тушиб, узини узлатга чоғлаганди-ку, ниқоби олинган гузаллик, сирлари очилган тилсим мафтункорлигини йўқотар, деган қатъий қарорга келганди-ку, нега бугун уз қарашларига қарши чиқди?

— Хайр, — шивирлади нозиккина жуссаси сирғалиб тасвирга сингаётган АЕЛ, — сен уз ХОНАнгни фаҳш-истаклар ва таназулдан батамом тозалаб олмагунингча мени излаб овора булма. Унутма, мен барибир сени етуклик тимсоли сифатида дилимда асрайман.

Сирли суҳбатдоши уни дарз кетган ХОНАсида, тум-тарақай хаёллар оғушида якто қолдириб, тасвирдан жой олди, қисқа фурсат тасвирга мўъжизавий эврилиш, эмраниш содир булиб, ундаги жозибаторлик йўқолди, тилсим сувратнинг кўзларидаги мазмундорлик, меҳр ҳам қаҳр белгилари суниб, юзлаб, минглаб узга расмлардаги маъносиз, тош қотган кўзлардан бирига айланди. Энди у қанча изламасин бу кўзлардан мунг ва ҳаёни тополмади. «О, Қодир эгам, — тили санага келди, — нега бир умр жисминни, нафақат жисмим, балки жонимни синовлардан айирмадинг, сенга қилган саждам, руҳимни соф тутишга интилимни, ҳаромдан нафратим, ҳалолга талпинганим сийловими бу?...»

11

Бу нигоҳ боқмайди «севаман» дея,
Бу қалб талпинмайди мен сари сира,
Туйғусиз танага қолдимни куним...

Чархи-кажрафтор — паст-баланддан иборат; Оллоҳ инсонни беқусур яратмоқчи эди, жаннатнинг якто соҳиби булар деб уйлаганди, машғум хатолик бу режани барбод этди. Беҳишт олмасига Момо Ҳаво қул чузганидаёқ ёвузлик ҳам риё тугилди, инсон «бейб Парвардигор» деб узини овулди, аммо узининг яратилиши янглиш эканини тан олгиси келмади. Фусункор мева узилиши, илк эгри ташланган қадам сунгги жамики разолатлар дояси булиб, уларга Оллоҳ фатвоси йўқ эдими? Нега кимдир дилини шаҳватдан софлаб дунёвий муҳаббат асирга айланади-ю, унинг ёнгинасида юрган, бир хил ҳаводан туйиб-туйиб симираётган бошқаси қабихликлардан рағбат олади? Сирли шивир соҳибаси ХОНАсида совиб, қуруқ тасвирга дунганига уч кун булибдирки, олам кўзларига бешумор кўринган Дарвеш на ишга чиқади, на ташқи олам билан мулоқотга киради; умидвор нигоҳини ҳиссиз сувратдан айиролмайди, узини таъқиб этаётган саволлар олдида ожизликдан тамаки ва шаробга ружу қуйиб юборди. АЕЛ унга, ХОНАнгни сира-сира тарк этмайман, деганди-ку, ваъдалари сохта эдими, ягона хатосини кечириниш шунчалик мушкулотми? Лаззат оғушида утган қисқа фур-

сатда узи ва АЕЛ орасида булган мулоқотларни, ҳар бир ҳаракатни қайта-қайта синчков хотира кузгусидан утказар экан, ужаллик билан узини хатолардан соқит этиб борар, барча гуноҳни АЕЛга ағдарарди. Охир-оқибат узини жазавага тушишдан асрай олмади:

— Сен Ажралмас эмас, Алдамчи Ёвуз Латофат экансан, мана сенга, мана сенга, қилмишинга яраша муқофотингни олиб қол, мана буниси мудроқ қалбимни уйғотганинг учун, буниси устимдан кулиб мазах қилганинг учун, буниси...

АЕЛ ҳаля этган ҳижронни куйлашга чоғланган қалам тасвир юзида бетиним айланар, тугри, қийшиқ чизиклар тортилаётган қоғоздаги сиймони ажратиб олиш тобора қийинлашарди. Дил тугенини босиб, аламдан чиқиб улгурганида АЕЛнинг жуфт чарос кузларигина қандайдир муъжиза оқибатида тамгадан холи қолганини кўрди ва қўллари қалби буюрган ёзувни суврат устига битди:

— БАРИБИР СЕНИ СЕВАМАН!

Ғалат, тасвирда узғариш, жонданиш содир булайптими, унинг боқишидаги ҳиссизлик урнини қаҳр ва меҳр эгаллаяптими? Севинчдан юраги ҳаприқиб кетган Дарвеш суврат поёнига муккасидан йиқилди...

12

Йўқ, ҳаловат истамам сира,
Соқинликни тан олмас вужуд,
Қаерда мен топайин кўним?..

Юзини силаётган меҳрибон қул тафтидан эрқаланиб кузларини очганда тун ярмидан оққан, ХОНА зулматини аритиб, ғаройиб нур тараларди.

— Ҳа, Дарвеш, сенга нима бўлди, муҳаббатинг сингари нафратинг ҳам шунчалик кучли эдимиз? Агар кузларимни ҳам буюганингда борми, қолган умрим давомида батамом тасвир тутқунига айланардим.

Бошига ҳуш ёққан пардек момик нарса АЕЛ тиззалари, илиқ оғуши эканлигини англаб, кипригига шашқатор ёш энди, уни яширмақ истаб юзтубан ётди-да, сирли суҳбатдошидан таралаётган хушбуйни туйиб-туйиб ҳидлади. Бир оз узини босиб олгач, тагин унглиниб, унинг мафтункор кузларига тикилди, ёниқ лаблари узига чорлаётгандек туюлди, дардларини буса билан ювгиси келди. Истакларини зурга жиловлаб, АЕЛга мурожаат этди:

— Демак, сен ҳам севар экансан-да?

— Мени туйғусиз тана деб уйлабмидинг? Фақат яланғоч изҳоринг мени ранжитганди, ахир бунга сира ҳожат йўқ, сенинг изҳорингни аллақачон кузларингдан уқиб олгандим. Энди турақол, ҳалиям ғафлатдан қутилдинг, булмаса қайта юз куришмаган булармидик.

— Нега?

— Узим шунчаки айтдим-қўйдим.

— Алдама, нима содир бўлди?

— Мени, мени сенинг ХОНАнгдан угирлашга уринишди.

— Кимлар? Бу ерга сендан узганинг қадамини йўлатмаяпман-ку.

— Билмадим, сен ҳушингдан кетишинг билан аллақандай шарпалар бостириб киришди, тасвиримни девордан юлиб ташлашга ҳаракат қилишди, тажовузларига зурба-зур дош бердим.

Дарвеш алланиманинг фаҳмига етгандек бамайлихотир гапирди:

— Англадим, анови буюмлардир-да?

— Қанақасига буюм булсин, икки оёқ, икки қўли бор, сен ва менга ухшаган инсон улар.

— Йўқ, улар буюм.

— Узинг қатори инсонларни буюм деб шаънини ерга ургани нима ҳаққинг бор, уялмайсанми?

— Олдин мени эшит, айблашга ҳали эрта.

— Хуп, гапиралоқол.

— Узларини минг катга бозорга солишса, тап тортмай оқни қора дейишса, виждонларини арзон-гаровга пуллашса, узларидан ҳукми зурнинг бир имосидан турфа қиёфага киришса, сенингча буюм булмай нима улар?

— ...

— Жавоб бер, ҳали тилинг бурро эди-ку, бошда дилимни титасан-у, сунгра, ҳеч нарса булмагандек, узингни четга тортасан. Мен сенга тажриба майдоними, хаёлинг тусаганда миямни эғовлаб, инсон бардоши наларга қодирлигини имтиҳон этаверадиган?

Тилсим суҳбатдошининг ҳолатини англади:

— Густоҳлигим учун кечир, билмай дил ярангни тирнабман. Фақат барибир қўрқаяпман, бир қуни ХОНАнгдан юлиб отишмаса мени.

— Парво қилма, мени ҳам «жинни» деб миш-миш тарқатишяпти улар, тун қоронғусида, кимсасиз ХОНАда ёлғиз узим алаҳсираб чиқармишман, у бечоралар танҳо эмаслигимни қайдан билишсин...

Муҳаббатнинг оёғи синиқ,
Хиёнатнинг умри омонат,
Бу дунёда нима бор боқий?..

Негадир навбатдаги кун таҳликали утди, дилидан безовталиқ аримади, ички туйғу унга ХОНАда нимадир рўй бераётганини уқтирар, аммо иш жойини эртaroқ тарк этиш иложини тополмади. Соат кечки олтига занг урганида елкасини босиб тушган гафлат юки қулагандек бўлди, иш урнини тартибга солишга ҳам сабри чидамай кучага отилди. Хиебон буйлаб дево-надек елар, йулни шошилинч кесиб утаётганида машиналарга туртиниб кетар, баъзида йиқилиб тушса-да, тезгина урнидан туриб оларди. Йулочилар бу галати кимсани қизиқар-ли томоша кураётгандек кузатишар, кузларидан йуқолгунича изидан қараб қолишарди. Яна озгина чидаса бас, манзилга етиб олади. Мана ХОНАси, туртиниб-суртиниб қалтироқ қўлла-ри билан эшикка калит солди, ниҳоят қулф калитга буйсунди. ХОНАга кирди ва дафъатан иллагани — сирли сувратнинг бушаб турган урнию илгарилари панжараларда беҳис қотиб ту-радиган узга тасвирлардаги қувлик балқийтган кузлар бўлди. Улар: «Энди ҳолинг қалай?» — деб хиринглашаётгандек эди.

— Ҳали сенлар мени мазах қилмоқчимисизлар?

У сочлари тузғиб, мажнун қиёфасига кирди, кузлари бежоланиб, ХОНАдаги суврат-ларни юлиб ота бошлади. Бундан ҳам кўнгли тулмади шекилли, ер билан битта булиб ётган расмларни йиртиб, оёғи остида эзгилади, сунгра бошини чангаллаб, баралла хунграб юборди.

— Не учун мени гамбода ташлаб кетдинг. Аввалига нечун дилим дунёсида макон тут-динг? Умрим буйи излаганим, интилганим ва энг азиз топганим булатуриб, энг аянчли йуқотишимга айланмоқчимисан?

ХОНА жим, ХОНА лол, елғиз узининггина хурсиниши совуқ сукунатни бузарди, кузла-ри қонга тўлиб урнидан қўзгалди.

— Лаънат сендек ХОНАга, суф сендек ХОНАга!..

У эшикни тепиб очди-да, кимсасиз, зимистон кучага отилди, энди унинг ягона истаги гариб, мудҳиш ХОНА билан орани очик қилиш, хувиллаган вужудини нимагадир уриб чил-парчин этиш эди.

Қизиқ, нега ХОНАнинг ундан ажралгуси келмаяпти, нега ортидан соядек эргашяпти, унинг бум-буш, хунук деворларига зорми, АЕЛсиз ХОНАни бошига урадимиз? Ие, ХОНА унинг вужудига сингаёптими? Анови ким? АЕЛми? ХОНА, хонага қўшилиб АЕЛ жисмига қоришиб боряпти. У оғриқ нелигини сезмас, аксинча, танига қандайдир ҳузурланиш оралар-ди. У энгил нафас олди; энди ХОНАни ҳам, АЕЛни ҳам ундан ҳеч ким тортиб ололмайди. Бағрини ёриб, уларни гап етмас, қўл етмас масканга абадул-абад яширди, вужудининг ажрал-мас булагига айлантирди. Энди Дарвеш фарахбахш энгиллик оғушида момик, парку булут-лар оралаб қанот қоқаятгандек эди...

Дилим очсам телба дедилар,
Дарвешга йўйдилар сир сақлашимни,
Елғиз чора тошга дўнмоқлик...

ХОНА тор, ХОНА муъжаз, йўқса унинг якто қўноғи ва ҳукмдори — АЕЛ Дарвешнинг миқтигина жуссасига сингиб кетармиди?..

Баҳористон, 1997





Охунжон Ҳаким

БУ КЎНГУЛНИ ЯШНАТИМ...

Асли асл

*Ўзбек эли зеболарин асли асл, насли асл,
Ҳаёда бебаҳоларин асли асл, насли асл.*

*Азал-азал малакларин тоза эрур палаклари,
Тумарисдек момоларин асли асл, насли асл.*

*Дилда номус-орлари бор, Алпомишдек ёрлари бор,
Сулув Барчиннамоларин асли асл, насли асл.*

*Қизил юзлар тарам-тарам, фақат мардга қилар карам,
Ширинлару Лайлоларин асли асл, насли асл.*

*Кўрганларни шайдо қилар, кўксингда ишқ пайдо қилар,
Дилбари пур хаёлларин асли асл, насли асл.*

*Удумлари ўша-ўша, ўғил-қизлар кўша-кўша,
Фотимаю Зухроларин асли асл, насли асл.*

*Нор йигитлар ҳазор-ҳазор, бири бургут, бири шунқор,
Чунки келинпошшоларин асли асл, насли асл.*

Жаҳоннинг лаззатин топдим...

*Умидим кўп эди дўстлар, ҳаёт роҳи равонидан,
Вале, ўтдим унинг доим укубатли довонидан.*

*Гоҳи йиғлаб, гоҳи сиқтаб, гоҳида қарғаб қисматни
Ўтиб боргуси ҳар инсон замона имтиҳонидан.*

*Ўшал эрдир, ўшал шердир ким диёнат йўлин тутса,
Ҳақиқат тушмаса ҳаргиз дили бирла забонидан.*

*Фаришта сувратинда гоҳи маккорни-да кўрдим.
Ногоҳон фарқ этиш душвор яхши касни ёмонидан.*

*Умр бир кун сўнар шамдир, ҳаётинг эрса гардқамдир,
Не тонг, хоқонни-да қисмат аюрса хонумонидан.*

*Ўтар дунёнинг эй дўстлар, заридан қўлни силтарман,
Бўлса басдир бир парирў жунун шоирнинг ёнида.*

Охунжон бир умр излаб жаҳоннинг лаззатин топди,
Малаклар жилваси била шароби арғувонидан.

Ёр қадрини билмаганга

Ёр қадрига етмаганга дилдор на даркор.
Кулоғи том битганларга дугор на даркор?

Гул атридан алаф исин фарқ этмаганга,
Чаманлардан эсиб турган ифор на даркор?

Булбул билан зог овозин тенг билганларга
Кую кўшиқ нечун керак? Алёр на даркор?

Гапларингни уққанларга гапир,эй рафик,
Кўнгли сўник ошноларга изҳор на даркор?

Манманликни зийнат билар баъзи кимсалар,
Инсон учун кибр ила виқор на даркор?

Ошингни еб, бошингни ҳам егувчилар бор,
Шул ошнолар омон бўлса, ағёр на даркор?

Олам турфа, одамзод ҳам турфа, Охунжон,
Харни дулдул деганларга тулпор на даркор?

Ташрифингиз

Бу кўнгулни яшнатиб, гулзор этар ташрифингиз,
Дилгинамда бир жаҳон завқ уйғотар ташрифингиз.

Гар тараблар келсангиз райҳону жамбил бўйларин,
Қанду новвотлар надир, болдек тотар ташрифингиз.

Хуснингизга суқ ила боқмоқ истарман вале,
Бизни доғда қолдириб елдек ўтар ташрифингиз.

Оймисолсиз, ой юзингиз абр ичинда ёширин,
Бир боёқиш ўртаниб ҳар кун кутар ташрифингиз.

Битта жонга бир рақиб... Биз томон қайрилсангиз,
Қайси бир бадхоҳ учун тиғдек ботар ташрифингиз.

Аҳли фосиқ, бадгумонлар фитнасидан ғам еманг.
Ки, камина елданам пинҳон тутар ташрифингиз.

Андалиблар субҳи содиқ чоғи шодон сайрагай,
Булбулимсиз, ҳар сабоҳ бўлса нетар ташрифингиз?

Васлингизга зор Охунжон муддаосин сўзласа,
Мен учун бўлса нетар то тонг отар ташрифингиз?

Хўб кўрдим

Дўстлар, ёруғ дунёни доим талотўм кўрдим,
Хотамини камроғу муттаҳамин кўп кўрдим.

Беғараз дўст бўлай деб, кўпларга кўнгул очсам,
Во дариғо, беҳисоб юракларни қулф кўрдим.

Гадо душмани гадо, дерлар дунё кўрганлар.
Бир яхшининг бошида ўн ёмонни тўп кўрдим.

Иймону диёнатдан ваъз айтгувчи зотларнинг
Лабларида табассум, қўлларида чўп кўрдим...

Фарёд этиб бу ҳолдан, қаламдан олдим алам
Ва ўзимча ашъорда деяримни деб кўрдим...

Бул саҳвни, Охунжон, тузатгай ёлғиз Эгам,
Мен эрса, овлоқ-овлоқ гўшаларни хўб кўрдим.

Телбаки, нарёғи йўқ...

Гарчи олам пурсаховат, мен учун ардоғи йўқ,
Кас эрурман на кувонган, на суюнган тоғи йўқ.

Бу жаҳоннинг олтину дуррига боққум беписанд,
Ки, дилимнинг битта маҳвашдан бўлак сўроғи йўқ.

У мени кўйида ёқди, гарчи этдим жон нисор,
Васли-чун бир телбадирман, телбаки нарёғи йўқ...

Ёр учун кечиб жаҳондин, тарки жон айлай десам,
Во ажаб, дўстлар мени ўлдурадургон оғу йўқ.

Бу жунун деб ҳолима аҳли тамизлар кулдилар,
Англағайми ҳолими кўксида ҳижрон доғи йўқ?

Ишқи йўқ зоҳиднамолар, панд-ўғитни бас қилинг.
Ошиқ аҳли бори телба, сизга ўхшаш соғи йўқ.

Ёр қадрин билмагай, унга тавалло қилмагай,
Зари бирла зўри бору белида белбоғи йўқ.

Майпараст бўлса Охунжон, ошнолар, ранжиманг,
Дунёи кажда унинг ҳушёр юрарга чоғи йўқ.

Алёру олқишларинг

Ўнгидан келмиш, элим, хумо ҳақинда тушларинг,
Бошгинангга кўндилар бу кун ўшал бахт қушларинг.

Эрк деган эллар сенинг толеларингдан қувнади,
Қувнади борлиқ жаҳонда ёру дўсту ҳешларинг.

Илму урфон кўкида сен порлағувчи моҳ эдинг,
Энди худди офтобдек бўлғуси болқишларинг.

Сен жаҳоннинг саҳнида кўксингни керсанг, не ажаб,
Бир жаҳонга тенг, ахир, тарихда илғор ишларинг.

Одамий ҳам, хотамий ҳам сен ўзингдирсан, элим,
Чунки шарқона тафаккур бирла чиқмиш тишларинг.

Моҳир элсан, соҳир элсан тупроғин гул айлаган,
Шул сабаб қор остинда ризқингни уйлар қишларинг.

Роҳи ростсан, кўнглу ёзсан, каж хаёллар сенга ёт,
Барча элларга омонлик, яхшилиқ хоҳишларинг.

Уй қурарсан, тўй қиларсан, томда карнайлар чалиб,
Доимо шундоқ ширин бўлсин сенинг ташвишларинг.

Ифтихор айла, Охунжон, шундайин юрт ўғлисан,
Тўхфалар айла Ватанга алёру олқишларинг.



Жамшид

...ДИЛ ОИДИНИ ИШҚ НАСИМИГА...

Сўроринг талх хаёл бўлди

*Сен ишқдан айро тушдингму, аё, ошиқ, не ҳол бўлди?
Кўроринг ранги зардингу сўроринг талх хаёл бўлди?*

*Муҳаббатга фидодирсан то умринг борича, лекин,
Сенга ошифталар базми нечун ёт ҳам малол бўлди?*

*Ичиб оби ҳаётдан, ўзинг кулликка шайловдинг,
Вале, инкор этиб маҳру, сенга бу су завол бўлди.*

*Куюк бағрингни сийпар деб, дил очдинг ишқ насимига,
Кима у боди райхону сенга сўзон шамол бўлди?!*

*Бу нотинч давру давронда муножотингга ғамнок йўқ,
Нидонг, эй қалб, само кезгай, жавобсиз бир савол бўлди.*

*Қилиб туфроқ жону жисминг ниҳол янглиғким ўстирдинг,
Ваҳки, ишқ япроқ очарда не ҳолдурким, увол бўлди?*

Гулим, сиз ҳам меҳрсизми?

*Меҳрсиз издиҳом ичра,
гулим, сиз ҳам меҳрсизми,
Бу не рафторки, ҳажримда
куйиб кетсин у дерсизми?
Қани шафқат, ниғаҳбонлик,
увоқ янглиғ бу жонимга,
Узай деб дил, узолмасман,
вужуди ё сеҳрсизми?
Дилим озорланиб, ўртар
фаросатсиз киборлардан,
Раво кўрган менга жабрин,
ахир, ўйлангки бир сизми?
Худойим асрасин дейман
мудом бадлик, маломатдан,
Вале, сизга фидо жон шу
қадрли ҳам қадрсизми?
Муҳаббат аҳли уқтиргай:
азоб чекмай висол қайда,
Жами ошиққа бу қисматми
ё бир мен сабрсизми?
Дедим: ошуфта дилларга
меҳр ёмғирлари ёғсин,
Овозим синдириб, тўлқин
урувчи ё баҳрсизми?*

Сенга у ҳамдам бўлар

Дардни сен дардлига айтким, оғрисанг малҳам бўлар,
Уйлари ўйинг-ла пайваст, сенга у ҳамдам бўлар.

Чашми гирённи кўриб, қўл силтаб ўтган кимсалар,
Қалбида шафқат топилмас ва на зарра ғам бўлар.

Учраганин дўст атаб, ҳеч очма дил асрорини,
Бошга гар тушганда мушкул даст берувчи кам бўлар.

Шод кунинг гирдингдадур, то сийму зар илкингдадур,
Бок, сияҳ онлар рафиқинг, хокисоринг шам бўлар.

Сен мадад кутма бировдан, ҳасратингдан шод фаним,
Дўстларинг султони куйгай, кўзларида нам бўлар.

Не керак, Жамшид, жаҳонда ёри содиқдан бўлак,
Йўқ у деб қайғурма зинҳор, сенга шу шеър ҳам бўлар.

Сўздан гуҳар топдим

Не топдинг, деб сўроғ этдинг, дегум: сўздан гуҳар топдим,
Бу қийноқлар асал менга, азоблардан шакар топдим.
Кибр, давлат ва савлатлар учиб кетмиш бўронларда,
Жаҳолатга кўнгул бермай, ҳаётимдан самар топдим.
Ғазал уммонига шўнғиб, бўлиб жон-ла мулоқотда,
Кунида хуршиди тобон, тунӣ нурпош қамар топдим.
Менга мулки не ҳожатдир, умри поким — саховатдир,
Машаққат, меҳнатим боис, баҳосиз сийму зар топдим.
Менинг ошкор хазинам — шеър, бўлак заррин саройим йўқ,
Вале, ошуфталар қурган қиёссиз бир шаҳар топдим.
Сен, эй Жамшид, ҳар онингни совурма ҳой-ҳавасларга,
Бутун умримни тикмак-чун шу халқимга, ҳунар топдим.



Муҳаммад Исмоил

КЎЗЛАРИНИНГДАН ЎЗГАЛ ҲУСН ЙЎҚ

Бир хушбўй, муаттар, ҳам истарали,
Ҳам гулрўй, мунаввар, чироқ сингари,
О, қалб! Ҳаётимнинг эй фариштаси
Сўлдингми, ярқираб, ёнмас ҳисларинг?!

Сўлмагин! Юракда ишқ мўмиёсин,
Ҳофиз кўнгулларга тўлдириб сунгин.
Келтиргин фалақдан аршнинг зиёсин,
Ҳисларда жаннатий озодлик унсин.

О, қалб! Ҳаётимнинг эй фариштаси,
Оллоҳ нури билан мангусан, ўлмас.
Ҳаётнинг шу қадар буюк ишваси,
Мингта шоир бўлиб, севмасдан бўлмас.

Ҳаёт минг бор гўзал мен кўрганимдан,
Мен қадр қилгандан минг бор қадрдон.
Меҳр ялов бўлган қудратим билан
Қалб, минг бор ўтлироқ, фидойироқ ён!

Шаънингга кўп бора шеърлар битилган,
Тинглагансан кўнгул изҳорларини.
Мен интилган йўллар босиб ўтилган,
Мен бир соясиман агёрларимнинг.

Кўзларингга мендан олдин тикилган
Мен айтган сўзларни айтган яхшироқ.
Пойингга ожизроқ бўлиб тўкилган,
Лабларингни ўпган мендан бахтлироқ.

Энди сўнги тўхтамага келдим,
Энди сендан кетаётирман.
Қайдан куйиб шунчалар севдим,
Ўз бошимга етаётирман?!

Не ҳам дейин кетар маҳали,
Кечир мени севганим учун.
Йўл тополмай бадар кетгали,
Шафқат сўраб келганим учун.

Кетма, десанг тамом бўламан,
Кетма, десанг уйим куяди.

Шу умид севгимга берган эди зеб,
Шу илинж берганди шавқу саодат,
Кўлларингни ўпдим, муҳаббатми деб,
Лекин дучор бўлди хузур ҳаловат.

Мен сарсон изладим, кездим саргардон,
Ҳеч қачон эмасдим ундай саботли.

Кел, кўнгул учун ҳам яшайлик бир кун,
Бир кун сен мен билан кетгин ҳушингдан.
Жисмимизни дорга осайлик бир кун,
Бир кун айём бўлсин қалблар қўшилган.

Гарчанд кўзларингдан гўзал хусн йўқ,
Гарчанд висолингдан дард йўқ яхшироқ.
Умрим бино бўлиб, куйиб шу қадар,
Гарчанд мен бўлмадим бундан бахтлироқ.

* * *

Балки такрорларим эриш туюлар,
Ўзим билмай қолсам қилиқларини.
Қулогимга заҳар бўлиб қуюлар,
Тингласам сен ҳақда кўшиқларини.

Барибир, дунёда шахзодалар ҳам
Босишар, кимлардир босган изларни.
Барибир, дунёда севар ҳар одам
Қачондир, кимлардир севган қизларни.

* * *

Кетма, десанг ўзим ўлмасдан
Аза бўлиб тўйим куяди.

Кечир мени, нега севилдим,
Нега бунча ошиқ бўлдим, мен?!
Сенинг учун қайта тирилдим,
Ўзим учун нега ўлдим, мен?!

Кетма дема, дунё тескари
Айланмасин ишқ уммонида.
Тугамайлик, бош билан юриб,
Оёғимиз бўлиб осмонда.

* * *

Муҳаббат лабда деб, қилгандим гумон,
Мен фақат бол топдим. Ширин ва тотли.

Оғушингга сингдим, йўқ бўлди таним,
Ундаги роҳатдан тонолмадим мен.
Шу бахту завқ ичра узоқ ахтардим,
Фақат муҳаббатни тополмадим мен...

* * *

Гарчанд лабларингни истайман ҳали,
Гарчанд тўлғонади тунлар вужудим.
Савдойи лаззатни кўмсар маҳали,
Гарчанд ҳеч туролмас бўлиб тиз чўқдим.

Аммо сенинг қалбинг барида хушдир,
Кел, кўнгул мулкига айлайлик сафар.
Муҳаббат, елларга соврилган тушдир,
Шу туш умр бўлсин, азиз, мунаввар.



Собира Булдиева

ТОНЛАРГА МАҚТАДИМ
ИШҚ ОФТОБУНИ

Суюниш

Сим-сим тўкила бошлар қаҳрли аёз,
Тутнинг шоҳларини ҳаво музлатар.
Қўлида чақалоқ тутган баҳорнинг
Сочларини еллар ўйнаб тўзгитар.

Майсалар кўнгулга солади гулу,
Теран тўйгулардан ниш урар илдиз.
Баҳорки, лабига табассум инган,
Аёз сепин йиғар иложсиз.

Лойқаларга отмоқ истайди уни,
Изгирын қамчинли тулпорлар.
Табиат гўдагин асрайди. Куёш —
Қамишларга ўралиб чиқади дилбар.

Гуллардан қўйлак кия бошлаган
Гўдагин тизига ўтқазар момо,
Баҳорки, муҳаббат осмонида тонг,
Нурга дўнар шундай лаҳзада дунё.

Намозшомлар

Намозшомлар ботганида кун,
Жафоларин тўккан бўлади.
Ерининг хоксор манзарасига
Ҳаводан нам чўккан бўлади.

Юлдузларга асир тутиндим,
Сизни менга боғлаган йўлда.
Изтиробдек симирсам оқшом
Тўкилмади косаи гулга.

Майингина термулиб, мунгли
Нигоҳимдан дардлар ичдингиз.
Бу жонимда азоб бор билиб,
Вужудимнинг сабрин қўчдингиз.

Боқсам чиқиб сомон йўлига,
Тун сузади буюк кемада.
Ҳайрат бордек, бошқа ташбеҳни
Кўролмаман олис самода.

Сўнг: «Япроқман, кафтимда тонгни
Шудринг бўлиб қолинг», — дедингиз.
«Дон бўлиб тўкилинг, кўнглум
Тупроғида унинг», — дедингиз.

Кўнмадим, қалбимда ўксик
Ҳисларимга фидо бўлдим, мен!
Дардларингиз уқиб, сўнг кўнглум
Майдонида адо бўлдим, мен!

Момоларим

Момоларим ўтган, қўшиқларидан
Эшиклар хўрсинган мангу фиروقда.
Даштларда сиғиниб яшаган эллар
Момоларим ёққан чирокларига.

Момоларим ўтган қўшнаини чалиб,
Тўкилиб-тўкилиб йиғлаган бир куй.
Ўртага дунёнинг номусин қўйиб,
Ор бўлиб яшаган юракда бир ўй.

Момоларим ўтган, ёв бўлиб исми —
Келган душманларнинг қонин ичтирган.
Юртга кўз олайтган ҳар бир ғаюрга,
Ҳар битта ғанимга кафан бичтирган.

Фурурга сиғинган муқаддас билиб,
Қадрга топинган муборак қалби.
Еру осмонлару нурдан яралган,
Момоларим буюк Тўмарис қавми...

Муҳаббат

Мен руҳнинг кўнгулга киролган дунё,
Ҳаёлга ичирдим шароб-малҳамдан.
Тонгларга мақтадим ишқ офтобини,
Хижолат чеккандай кўринди ой ҳам.

Мен дарднинг ёнида юргандим, дунё
Кичкина кўринди, кўзларимга тор.
Бу кўҳна оламда муҳаббат, оё,
Айролиқ дардига бандивон ночор.

Эй жубба киймаган олам дарвеши,
Сен қайси эшикда тополдинг меҳр?
Мен ўша борлиғи ҳижрон фалакнинг
Дунёсин оламга айлайин асир.

Токи, сўнг муҳаббат асо истаб сен,
Эшиклар олдида юрма девона.
Бу фақир кўнглумда хазон бўлғай ранг,
Бу олам нур эрур, эрур кошона.







Ҳожиакбар ШАЙХОВ

САМОВИИ МУСАДБАТ

Илмий-фантастик роман

Уқубатли кеча

Уйқу олдидан Саидбек ўз ётоқхонасида паришонхотир ҳолда ойнаи жаҳонга тикилганча, Назирани кўз олдига келтиришга уринарди. Ботинида гўё дилига яқин аллақим уни шундай қилишга узлуксиз даъват этаётгандай, қалби эса қизга нисбатан ширин ва ошуфта соғинч туйғулари билан тўлиб-тошган эди. Бирдан зангори кўзгуда кўм-кўк буғдойзор дала акс этди, йигит шу заҳоти ўзини тўлин ой қоқ тиккага келган оппоқ тун оғушида кўрди.

Осмон марвариддай сочилган чароғон юдузлар билан лиммо-лим. Навқирон галла бошоқлари енгил шабадада аста тебранади. Яна бир лаҳзадан сўнг у буғдойзор дала ўртасида Назира билан юзма-юз турарди. Қиз алланимадан қаттиқ хавотирда экани сезиларди. «Сиз тушимга қиряпсиз шекилли?» — деб сўраган эди, Назира унга жавобан таважжуҳининг боисини уқтирди: кимлардир Саидбекнинг ҳаётига хавф солаётган эмиш! Қандайдир ёвуз ботиний кучлар...

Йигит ўз зоҳирий ҳаётида шайтон, алвасти ёки инс-жинслар билан унчамунча рўпара келган, улар хусусида кексалардан ривоят, афсона ва бўлиб ўтган воқеаларни кўп эшитган эди. Айни вақтда ўз тажрибаларида, муроқаба амаллари ёрдамида, ёвуз руҳлар билан бир неча бор ҳалокатли тўқнашишига тўғри келганди. Дунёни ёвузлик бошқариши мумкинлиги, ақл бовар қилмайдиган даражадаги шафқатсизликлар, қотиллик, риёкорлик, ўғрилик, муттаҳамлик, бойлик ва нафсга ружу қўйиб, айш-ишрат, кайф-сафога берилиш ҳам Иблиснинг иши эканини йигит яхши тушунарди. Аммо гап ўзига нисбатан қандайдир хавф ҳақида бораркан, Саидбек ёвуз ботиний кучларга қандай дахли борлигини англаб етолмай гаранг эди.

Ойнаи жаҳон кўзгусида фавқуллодда қалин ўрмонзор, унинг ўртасида ёнбағирлари негадир қорамтир рангдаги арчазорлар билан қопланган улкан адир пайдо бўлди. Адирнинг тепа қисмида таканинг калласини эслагувчи баҳайбат қоя, унинг «оёқ»лари тагида эса, бўйи ва эни бир неча чақирим келадиган маҳобатли кўл ястаниб ётарди. Ажабо, «така»нинг икки улкан шохию чўққи соқоли ҳам, кўлнинг суви ҳам негадир... қорамтир тусда эди.

Саидбек зангори кўзгуга паришонхотирлик ила тикиларкан, «Ё, тавба, шунақа қора сувли кўллар ҳам бўлар экан-да,» дея хаёлидан ўтказди-да, қўлидаги бошқарувускунасининг қизил тутмасини босиб, ойнаи жаҳонни ўчирди. Шу заҳоти хонани қоронғилик чулғади. Уйқуга кетаркан, кўз олдидан яна бир қарра қорамтир арчазор, такасимон қоя, қора сувли баҳайбат кўл бирма-бир сузиб ўтди.

...Саидбек адир этагида турганча, зўр бериб юқорига тикиларди. У ёқда — та-

касимон улкан қоя устида узун алвон кўйлакли бир қиз алвон дуррачасини силки-тиб, таманно билан уни ҳузурига чорлар, дилига гулгула солувчи аллақандай ноёб нарсалар тухфа этмоқчидек, ноз-ишва ила ўйноқи хатти-ҳаракатлар қилар эди. Йигит юқорига ўрлаб кетган илонизи сўқмоқларнинг бири бўйлаб такасимон қоя сари шошиди. Қоя чўққисидаги қизил кўйлакли қиздан кўз узмай, сўқмоқ ёқалаб ўсган ҳар хил бутазор ва чакалакзорларга қоқила-суқила олға интиларкан, бирпа-сда ҳансираб, тили осилиб қолаёзди. Кўзлаган жойига яқинлашгани сари юраги, баттар ҳаприқар, унинг бетартиб дукур-дукури бамисоли бутун адирга эшити-лаётгандай эди. Қояга йигирма қадамча қолганда, азбаройи ҳаяжонга берилганидан йигитнинг оёқлари қайишиб, орқасига қулаб кетаёзди. Ўнг томонидаги сертикан бутазорга ёпишиб, аранг ўзини ушлаб қолди.

Чунки... не кўз билан кўрсинки, юқорика, такасимон қоя устида қизил дуррача-сини силкитаётган қиз... Назира бўлиб чиқди! Ё фалак! Суюкли маҳбубаси бу ким-сасиз адирда нима қилиб юрибди ўзи? Нега у жуда хурсанд кўринади? Ё у яна туш кўраяптимикиан?... Йў-ғе... сира тушга ўхшамайди. Атрофидаги ҳамма нарсалар худ-ди ўнгидагидай мутлақо моддий кўринишда-ку, ахир?! Илонизи сўқмоқ ҳам, анави такасимон қоя ва қора сувли кўл ҳам, қўлларини шилиб юборган мана бу лаънати бутазор ҳам... Ёки қиз яшм тоши ёрдамида ўзини руҳий мулоқотга чорладимикин? Ахир, одамзот ўрта асрларда кашф этган ва юз йиллар мобайнида ўзсиз ғойиб бўлиб, энди эса Назиранинг сеҳрли назари остида яна ҳаётга қайтган ўша бениҳоя хосиятли тош ноёб алоқа воситаси вазифасини ҳам ўташи мумкин-ку!.. Ундай деса, қизнинг кўлида яшм тоши бўлиши керак эди, боз устига, медиум, яъни ўртада ту-рувчи руҳий мулоқот воситачиси ҳам кўринмайди. Демак, бу тахмини ҳам ҳақиқат-дан йироқ чоғи.

Шундай ўйлар оғушида пича дам олган Саидбек яна юқорига интилди. Нафаси қайтиб, ҳансираб, такасимон қоя қошидаги асфальтланган текис майдончага етиб келганида, во ажаб, қоя «елкаси»даги алвон кўйлакли қиз ғойиб бўлган, унинг ўрнида ўттиз беш-қирқ ёшлар атрофидаги қора костюм-шимли, қора бўйинбоғ таққан, чап қоши худди тортишиб қолгандек юқорига чимирилган хушқомат бир кимса турарди. У қоя устидан мушукдек енгил сакраб пастга тушди-да, кўз очиб-юмгунча Саидбекнинг ёнида пайдо бўлди. Шундагина йигит нотаниш кимсанинг мой сурилгандай силлиқ қалин сочлари юқорисида кўз илғамас икки шохи борли-гини пайқайди-ю, шу заҳоти серкак тортиди.

— Салом, азизим Саидбек! — деди у кўзларини чақчайтириб, йигитнинг шилин-ган бармоғидан қон силқиб турган кўлини маҳкам қисар экан.

— Салом, — жавоб берди йигит оғриқдан беихтиёр юзини буриштириб. — Сиз мени қаердан танийсиз?

— Ёдингдан чиқибди-да, биз сен билан кўришганмиз, — деди нотаниш кимса, эски қадрдонлардай унинг елкасига қоқиб. Кейин бирдан жаҳолатга кириб, уни қўлтиғидан олганча қора кўл сари бошларкан, негадир қўпол оҳангда гапида давом этди: — Камина Арш вакилиман. Сени бир марта олиб кетаман, деб ташриф буюр-ганимда, қазойинг ёзилмаганини аниқлаб, сувдан қуруқ чиқишингга йўл берган эдим. Чирчиқ дарёсига чўкиб кетаёзганинг энди ёдингга тушгандир?..

Саидбек иккиланиб, аста бош ирғади. Юз қиёфасидан ҳалиям ҳеч нимага тушу-ниб етмаётгани кўриниб турарди. Қора костюмли хушқомат кимса бундан баттар жаҳли чиқиб:

— Оббо сен-ей! — деди таънали оҳангда. — Сени сувдан олиб чиқишганда, бир неча дақиқа нафас олмай, хушсиз ётганингни наҳотки унутган бўлсанг?..

Йигитнинг кўзлари бирдан чақнаб кетгандай бўлди.

— Тўғри, — деди у ўйчанлик билан, — ўшанда оқ саллали узун оқ ридо кийган, оппоқ соқоллари кўксига тушган бир отахон тепамга келиб тургандай туюлувди.

— Ҳа, бали! — қичқирди нотаниш ҳамсуҳбат яна кўзларини чақчайтириб. — Ўша мўйсафид — камина эдим-да, ахир!

— Демак, сиз — Азроил экансиз-да?..

— Баракалла! Топдинг, иним!..

— Унда нега... ҳозир бунақа...

— Камина ўлим фариштасиман ва ҳар хил қиёфада кўрина оламан. Айтдим-ку, ўшанда дорилбақога рихлат соатинг етмаган эди, шу боис ҳам сени қутқариб қоли-шлари учун фатво бергани ташриф буюргандим. Агар омонатингни олгани келга-нимда, каминани буткул бошқача қиёфада... узун қора ридо кийган, улкан ойболта кўтарган ҳолда кўрган бўлардинг.

— У ҳолда... бутун сиз менинг...

— Йўқ, бутун ҳам сенинг жонингни олиш ниятим йўқ. Эгни-бошимдан кўрма-япсанми? Лекин яқин ўртадаёқ шундай қилишга мажбур бўлишим мумкинлигидан

сени огоҳлантириб қўймоқчиман, холос. Билъакс, ўнгу сўл қулоғинг ила эшитиб ол: бу сени сўнгги огоҳлантиришим бўлади!..

Миясида анча гаплар оидинлашган Саидбек энди қизиққонлик билан сўз қотди:

— Яхши, Азроил ота. Мен гапларингизни сал уққагдайман. Бу мавзуда фикрларингизнинг давомини эшитишга ҳам тайёрман. Лекин бу ёққа чиқаётганимда, қоя тўққисиди севгилим Назирани кўрувдим. Яна бир қарасам, унинг ўрнида сиз пайдо бўлиб қолибсиз... у қаёққа...

«Азроил» ноҳос аччиқ дори ичиб қўйгандек афтини буриштириб, кескин унинг гапини бўлди:

— «Севгилим» дедингми? Бу сўзни, умуман, «севги» сўзини иккинчи оғзингга ола кўрма! Агар билсанг, эр кишини оёқдан йиқадиғанам, қаро гўрга тикадиғанам ана шу севги бўлади! Буни ҳеч қачон унутма!.. Назира бону масаласига келсак... у сени пастда кутаяпти...

Шундай деб у қўли билан қора сувли қўлнинг тубига ишора қилди. Улар энди соҳилда туришар, қўлнинг қоқ-қора нефтни эслатувчи бир текис сатҳи кўзни олғудек ялтирар, алақандай шайтоний рангларда тўлғонар, жилваланар эди.

Саидбек Азроилга эмас, жами шайтоний кучлар ва ёвуз инс-жинслар раҳнамоси— Улуспирнинг нақ ўзига рўпара келиб турганини алақандай савқитабийй бир туйғу ила англаб етган, унинг қўлидан ақл бовар қилмайдиган, етти ухлаб тушига ҳам кирмайдиган ҳар қандай ёвузлик, ҳар қандай макр ва қабоҳат келишидан ҳам яхши хабардор эди. Шу боис у билан ўта эҳтиёткор иш тутиш лозимлигини била туриб ҳам, ёшлик ғурури, ёшлик шижоати сабабми, ҳовурини боса олмади. Назира билан учрашиш мақсадида мана шу қўрқинчли қўлга тушишдан ҳам тап тортмаслигини намойиш қилиб, зудтар ечинишга киришди.

— Йўқ-йўқ, бу ердамас! — деди Улуспир дарровуни тўхтатиб. Кейин сал наридаги ёғоч уйга ишора қилиб, йигитни ўша ёққа бошлади. Улардан йигирма беш-ўттиз қадамча нарида кийим алмаштириладиган хоналар бўлиб, у ерда ғаввослар учун зарур жами кийим-кечак ва жиҳозлар бор экан. Улар бирпасда ғаввослар киядиган замонавий коржомаларга ўралиб чиқишди. Ичига сувкирмайдиган фонуслар кўтариб олишган эди.

Саидбек учун энди ортга йўл йўқ эди. У ўз севгиси, севгилиси йўлида жонини ҳам қурбон қилишга тайёр эди. Буни пайқаган Улуспир йигитга яхшилаб, бутун умр унутмайдиган қилиб «сабоқ» беришни лозим топган, шунинг учун ҳам қора қўлнинг баданин жунжиктирувчи муздай сувига қатъият билан кириб бораркан, навқирон ҳамроҳининг ҳам сира иккиланмай ўзига эргашшига ҳеч қандай шубҳаси йўқ эди.

Улар сув ўтмас фонуслари ёрдамида йўлларини ёритганча, дилга ғулғула солувчи зимистон қўйнига чўмган машъум қўлнинг туби сари кетма-кет сузиб боришаркан, Саидбек олисда ўзидан ғира-шира нур таратаётган нуқтани илғагандай бўлди. Уни Улуспир ҳам пайқади чоғи, йигитга қўли билан имлаб, ўша ёққа сузиб боришлари кераклигини англатди.

Кўп ўтмай, нур таратаётган нуқта... алақандай арбоблар, ноиблар тўпланадиган ҳашаматли зал бўлиб чиқди. Ичкарида эса кимлардир бордай эди. Ғаввослар унга тобора яқинлашиб боришаркан, дилига алақандай саросима, ваҳимага ўхшаган бир туйғу инган Саидбек энди чинакамига ҳайратга тушган, чунки бундай машъум уммон остида худди Ер юзасидагидай одамлар мажлис қурадиган бирон иншоот бўлиши мумкинлигини ҳеч қачон хаёлига ҳам келтиролмаган бўларди.

Улар бино ёнига етиб келишгач, Саидбек жимжимадор деразалардан бирига осилиб, ичкарига қаради-ю, ҳайронликдан оғзи очилиб қолди. Чунки алақандай ҳукумат арбоблари йигин ўтказадиган баҳайбат бўлма чароғон ва одамлар билан тўла эди! Йигит синчиклаброқ тикилиб, маҳобатли хонадаги узун стол атрофида катта ёшдаги, асилзодалар кўринишидаги, савлатидан от ҳуркадиган ўн уч нафар киши ўтирганига гувоҳ бўлди. Улардан ҳар бирининг олдида биттадан эски китоб бор эди. Давра тўрида эса... ажабо!.. йигитни шу ерга бошлаб келган анави... Иблисга томчи сувдек ўхшаган бир кимса бошида подшолар киядиган тож, қўлида салтанат асосини тутганча, савлат тўкиб ўтирарди. Унинг ўнг томонида худди шахзодалардек ярақлаган эгни-бош кийган, захил юзидан заҳар томиб турган қирқ ёшлардаги семиз йигит оғзидан кўпик сачратиб, алланималар дея ваъзхонлик қилар эди...

Саидбек кутилмаганда сувостидаги йўлдошининг саросимали овозини эшитди:

— Менга қара, иним, бу ерда нималар бўляпти. Худодан кўрқувчи бандаси бу дунёда бошқа ҳеч кимдан кўрқмаслиги керак! Ичкарига кириб, у ерда нима бўлаётганини билишни истайсанми?

Саидбек ўйланиб ҳам ўтирмай, қатъий бош ирғади. Шунда ногаҳон... Улус-

пирнинг қўлида қаёқдандир улкан калит пайдо бўлди-да, у шошилмай темир эшикни очди. Шу заҳоти улар билан бирга шиддатли сув оқими ҳам ёпирилиб кириб, зумда хонани тўлдирди. Ҳамроҳи эшикни ёпиб, яна қулфлаши билан сув зудтар камая бориб, сал ўтмай, хона қуппа-қуруқ ҳолатга келди. Улуспир навбатдаги эшикни очиб, ичкарига қадам ташларкан, бўлманинг азбаройи чароғонлигидан Саидбекнинг кўзлари қамашиб кетди. Лекин унда ҳамма ёқ, ҳатто оёқларининг ости ҳам тундай қоп-қора пардалар билан қопланган эди. Йигит бир дақиқа тарадудда қолгач, дадил олға юрди.

Сарсонлик-саргардонликда

Тўрда ўтирган... Иблис ва унинг ёнидаги захил юзли «шаҳзода» (бу — Ер юзида ҳукмронликни қўлга олиш учун асрлардан буён курашиб келаётган Дажжол эди, чоғи) дарров унга эътибор бериб, қайта-қайта бош ирғашди, уларнинг ёнларидаги аъёнлар эса, олдиларидаги китоблари устига кафтлари билан патир-путир уриб кўйишди.

Айни шу чоғ Саидбек ўнг томонига ўтирилиб, қатор терилган кундаларга кўзи тушди. Жаллодлар уларнинг устида ўзи тенги ёш йигитларнинг калаларини шу қадар абжирлик билан кесардиларки, қон демагани қора тўшамга сатҳида жилға бўлиб оқарди.

Яна бўлмага кўз югуртириб, қарийб ағдарилиб ташланган тахтни, унинг ёнида эса, эллик ёшлардаги сийрак сочларига кумушдай оқ оралаган, ўткир нигоҳли, барваста қоматли кишини кўрди. У негадир саросимали ва ташвишли қиёфада эди. Саидбек азбаройи кўрқиб кетганидан бутун вужуди қалтираб, беихтиёр орқага тисланди. Қон тегмадимикин, дея жон ҳолатда пойафзалига қаради. Хайрият, тегмабди.

Борлиқ танаси зир-зир титраб, базўр хитоб қилди:

— Ё Раббим! Менга нималарни аён этмоқчисан ўзи?

Унинг саволига ҳеч ким жавоб бермади. Аксинча, бўлмага сувсепгандай жимлик чўқди. «Ё Раббим!» сўзиданми, бўлмадагиларнинг қарийб ҳаммаси саросимага тушиб қолишгандай эди. Тўрдаги Иблисга ўхшаган кимса Саидбекка ҳамон бош ирғар, аъёнлар эса олдиларидаги китобни муштлашда давом этишарди. Шунда йигит янада баландроқ овозда ҳайқирди:

— Эй Худо! Бу кўрсатганларинг нимани англатади, ахир?! Каминаи қулингдан марҳаматингни дариг тутма! Бу ерда нималар бўлаётганидан огоҳ эт!..

Бўлмадагилар баттар саросимага тушишди. Лекин юқорида ўтирган иблиссимон кимса ирғиб ўрнидан турди-да, ғазаб билан қичқирди:

— Бас қил, тирмизак! Бу ерда бўлаётган ишларга бу тугуриқсиз гапларингнинг ҳеч қандай дахли йўқ!

Саидбекнинг ёнига келиб турган «Азроил» эса, йигитнинг биқинига туртиб, жаҳд-жаҳолат билан қулоғига шипшиди:

— Эсингни йиғ, тентак! Кимларнинг ҳузурига келганимизни кўрмаяпсанми? Наҳотки танимаяпсан? Ҳозиргина сенга мурожаат қилган зот бутун оламга донги кетган Улуспир ҳазратлари-ку, ахир! Унинг ёнидаги шаҳзодани эса, ўзинг тўғри топдинг: жами мулки оламнинг бўлажак ҳукмдори Дажжол жанобларининг айнан ўзлари! Анави оқсоч бобонгни ҳам танимадингми? Оббо, ўқимаган-ей! Ахир, у киши дунёдаги барча соҳибқароматлар султони, Улуспир ҳазратларининг ўнг қўл вазири Баал Забуб жаноби олийлари-ку!..

Йигит уларга сергак тортиб қараркан, аста бош ирғади, даҳшат ичида яна ўнг томонига ўтиришди.

— Уқдим, жаноб «Азроил». Лекин... анави одамларни нега қатл қилишяпти? — деб сўради нафаси ичига тушиб.

«Азроил» яна унинг қулоғига энгашди:

— Улар — муҳаббат офуси билан захарланган ёшлар... Ўз вақтида камина уларнинг барини огоҳлантирган эдим, севги — бу манфур, жирканч ҳиссиёт деб... Лекин гапимга қулоқ осишмади. Ана энди... шўрликлар...

Бу жавобдан жони ҳиқилдоғига келган Саидбек зудтар унинг гапини бўлди:

— Унда Назира ҳам... шуларнинг орасидами? У ҳам мени севади-ку, ахир?..

Бу гапни эшитган Дажжол жон-пони чиқиб, ирғиб ўрнидан туриб кетди. Захил юзи баттар кўкариб, важоҳат билан Саидбекнинг истиқболига юрди.

— Сен нималар деб алаҳсираяпсан, ўзи?! — ўшқирди у манқа овозда, юпқа лаблари ичига ботган ёйсимон орзидан кўпик сачратиб. — Буни қаранг-а, Назира уни

севармиш?! Бу гапни тилга олишга қандай журъат этдинг, ипирисқи?! У камина, яъни курраи замин шаҳаншоҳининг қайлиғи эканини сенга айтишмабмиди?

Саидбек унинг ёқимсиз митти кўзларига тик қаради. Лекин хомуш оҳангда жавоб берди:

— Айтишувди. Лекин биз бир-биримизни севамиз...

— Нима-нима?! — қичқирди Дажжол баттар жазавага тушиб. — Севамиз дедингми? Вой лаънати-ей! Севги қанақа бўлишини ҳозир сенга кўрсатиб қўямиз. Жаллод!..

Шу заҳоти Саидбекнинг икки ёнида қоп-қора ниқоб-қалпоқлари ўртасидаги бир жуфт туйнукдан катта-катта кўзларигина ёвуз йилтираб кўринаётган икки барзанги кимса пайдо бўлди. Улар йигитнинг қўлларини қайириб, кундалар турган жой сари судраб кетишди. Ўртадаги каттароқ кунда ортида ўнг қўлида улкан ойболта кўтарган яна бир барзанги кутиб турарди.

Кўз очиб юмгунча йигитнинг бошини ерга қаратиб, кунданинг устига қўйишди. Унинг нақ қулоқлари тагида «Азроил»нинг таҳдиди овози янгради:

— Эсингни йиг, галварс! Кеч бўлмасидан севгингдан воз кеч! Акс ҳолда каллангни сапчадай узиб, танангни қийма-қийма қилиб ташлашади!

Кетма-кет Дажжолнинг жазавали, манқа овози эшитилди:

— Лаънатини барибир йўқотиш керак! Муҳаббат оғуси билан у алақачон заҳарланиб бўлган. Бу етмагандай, манфур касалини менинг қайлиғимга ҳам юқтириб улгурибди! Энди уларнинг ҳар иккови ўлимга маҳкум!..

Қиёмат-қойим шаҳаншоҳининг сўнги гапидан Саидбекнинг кўзлари ола-кула бўлиб, кескин қаддини ростлади. Лекин икки ёнида турган икки барзанги қутурган итлардай унга ташланиб, аёвсиз мушт ёғдиришаркан, яна калласини кундага босишди. Ачиган қон ҳиди анқиб турган темирдай қаттиқ совуқ тўнкага юзи зарб билан урилган йигитнинг оғзи-бурнидан тирқираб қон отилди. Айни шу сонияда унинг қулоқлари остида энди Назиранинг аянчли ноласи янгради:

— Эй, кўнглим қуввати! Кўзимнинг нури дийдаси! Эй, хаста жоним офати! Ҳар неки истагингиз бўлса, буюринг — қулингизман. Агар бажармасам, майли, мени қатл этишларига ҳам розиман! Аммо севги сўзини ёдингизга олманг! Мени десангиз, муҳаббатингиздан воз кечинг! Биз кечикдик, азизим! Камина энди курраи заминдаги охир замон салтанатининг танҳо маликасиман! Биз энди севги деган балои офатдан ўзимизни асрашимиз, фалакнинг гардиши, тақдир чархи қаёққа етакласа, ўша ёққа равона бўлмоғимиз жоиз. Мен учун бу ёруғ дунёда энди сизни тирик кўрмоқдан ортиқ бахт йўқ! Бошимизга неки савдо тушса, «ё насиб», деб, қисматимиздан кўрайлик!..

— Йўқ, жонгинам! — дея хитоб қилди йигит, шу аянчли ҳолида ҳам бошини кўтаришга уриниб. — Қайгу-мусибатим дам сайин ортиб бормоқда. Бу қандайин уқубатли кечаки, аввал кўнглимни чароғон қуёш нурлари ила чулбаб, сўнг уни яширганча, ғам-ғусса шомига тутқин этмиш! Мен бутун оддий тунни эмас, балки дўзах ўтининг дудини туймоқдаман. Бу не балолиғ дуд эканки, жисми жоним, сезгиларим ва ақлу ҳушимни буткул занжирбанд этмиш. Майли, мен розиман: жонимга қасд қилсинлар, майли, дўзах ўтида жисмимни куйдириб, қулимни кўкка совурсинлар. Лекин камина илк севгимдан, офатижон паризодимдан асло воз кечмасман!..

— Ё Раббим! — дея хитоб қилди Назиранинг ишқ ўтидан куйиб, адо бўлган руҳи.— Ахир, айтдим-ку, бу ёруғ жаҳонда мен учун сиздан жудо бўлмоқдин оғирроқ мусибат йўқ! Бизнинг бу севгимиз айни шу ёвуз жудоликка элтишини наҳот англаб етмаган бўлсангиз. Бизнинг мухтасаргина муҳаббат сафаримиз поёнига етди! Бу сафар интиҳоси фақат қабристондир. Шу боис вақт борида ақлу ҳушингизни йиғиб, ўзингизни қўлга олинг, жонгинам!

— Эй, малагим! Ақлу ҳушимни буткул ўғирлаган бўлсанг, менда ўзлик нима қилсин?

— Бу шайтоннинг иши, азизим! Ундан киши фақат зикр тушиш йўли билангина қутулади.

— Мен ишқингда телба бўлган бир одамман, телбага ақл ўргатишдан қандай наф бор, севгилим?!

Саидбекка қизнинг гаплари кор қилавермагач, «жилов»ни яна Улуспир қўлига олди. Ажабо: айни чоғ у дарғазаб қиёфада Саидбекни сувости саройига бошлаб келган «Азроил»га юзма-юз бўлди-ю, бир сакраб гавдасини унинг устига отди. Улар ўзаро чиппа ёпишган ҳолда чирпирак айланишаркан, лаҳза ўтмай ўзаро бирлашиб, яхлит бир вужуд ҳосил қилишди. На униси ва на бунисига ўхшаган бу гибрида кимса эса шу заҳоти Саидбекнинг рўпарасида пайдо бўлди.

— Ҳой, бадбахт йигит! Кеч бўлмасидан эсингни йиг! — дея қичқирди у жаҳолат отига миниб. — Акс ҳолда йўқлик уммонида фарқ бўлмоғинг муқаррар!

Унинг тепасига етиб келган зулмат аҳли салтанати ҳукмдорининг бош маслаҳатчиси Баал Забуб ва захил юзли Дажжол ҳам йигитга таъна-маломат тошлари ёғдириб, панд-насихат ва ўғитлар айтишди. Саидбек уларни ҳам назар-писафд қилмагач, болаҳонадор қилиб сўкинишга, курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишга тушишди.

Бундан беҳад озор чеккан Назиранинг руҳи баттар қўрқув ва талвасага тушиб, яна йигитнинг жонига оро киришга уринди:

— Эй, кўнглим гавҳари, хаста жоним халоскори! Бу беш кунлик дунёда севги домига не-не улуг зотлар илинмаган, бу бедаво хасталик не-не даҳлар жонига ниш урмаган, ахир?! Шундай экан, сиздан сўнгги бор ўтиниб илтижо қиламан: қайтинг бу йўлдан! Мен энди ўзга бировнинг хасмиман, мен сиздан ҳам, севгимдан ҳам алақачон воз кечганман! Сиз ҳам мендан, муҳаббатингиздан умидингизни узинг энди! Бу — менинг охириги сўзим. Алвидо, жонгинам!..

Маҳбубасининг бу гапларидан юраги қонга тўлган Саидбек айна чоғда боши узра баҳайбат ойболта ялтираб кетганини илғади. Аранг кўтариб турган бошини даҳшат ичиди беихтиёр яна совуқ кундага қўйди.

Машъум башорат

Шайх Тоҳир Умар бобо Парвардигор висолига етишганлардан бўлиб, кўнгли ғайб сирларидан огоҳ эди. Бу мўътабар зот азиз авлиёлар ва эл-улус орасида худди Пайғамбар ўз саҳобалари билан бўлганларидек балафд мавқе ва нуфузга эга эди. У халойиқ ва эл-элатларга тўғри йўл кўрсатувчилардан бўлиб, барча шайхларнинг шайхи, яъни Шайх ул-Ислом эди. Унинг остонасида қудратли ҳукмдорлар гадолик қилишар, огоҳ кишилар ҳам унга қуллик қилишдан фахрланишарди. У бирон-бир киши ҳақида дуо қилмоқчи бўлса, малоикалар қўл очиб, «омин» дердилар. Улар Шайх Умар бобо хизматида кечаю кундуз ҳозир у нозир, унинг қалб кўзгусида жилваланиб турар эдилар. Унинг юзлаб муридлари ва ихлосмандлари бор, уларнинг ҳар бири машҳур шариат пешволаридан бўлиб, алоҳида илм ва тариқат асосчилари эдилар. Агар бирор киши бирон-бир дардга йўлиққан бўлса, у дуо қилгач, бу бало зудтар даф бўларди. Шайх Тоҳир бобонинг шукухидан чархи аълога шикаст етар, арши аъзан ҳам унинг ҳиммати олдида паст бўлиб қоларди. Онгига савқитабий йўл билан аршнинг ўзидан хабар келиб, улар ваҳий ёки илоҳий илҳом каби воқеликка айланарди. У тушида бирор нарса кўрса, бу воқеа бошдан-оёқ ўнгида ҳам юз берарди.

Унга бир неча тун бир тушни қайта-қайта кўргуздилар. Бу тушлар унинг сабру қарор риштасини узди. Уйғониб, бу ҳолига тавба-тазаррулар айтар, уйқута кетди дегунча яна ўша туш қайта такрорлар эди.

Тушида бир бегона жойда сайр қилиб юрар, маълум бўлишича, бу жой олис кун ботар мамлакатларидан бири бўлиб, унда ёвуз инс-жинслару шайтони лътин малайлари истиқомат қилишар эмиш. Ўша юртда бир чигал эҳром ичиди энг кенжа авлодларидан Назирахон билан Саидбек маст-аласт ҳолда туришар, улар азбаройи мастликларидан агрофларида кимлар гирдикапалак бўлиб юришгани-ю, қандай ёвуз фитналар уюштиришаётганини пайқашга ҳам қодир эмас эдилар. Уларнинг рўпараларига эса кундалар қатор терилган бўлиб, уларда юз-бошларига қора ниқоб кийган барзанги жаллодлар қора ойболталари ёрдамида, худди кенжа авлодлари каби ёш-ёш йигит-қизларнинг калаларини сапчадай узишар, оёқлари остида қон жилға бўлиб оқар эди.

Шайх Тоҳир бобо ортиқ чидай олмади. Ўтирган курсиси билан ўша кун ботар юртга «сафар»га отланишдан ўзга чора топа олмади. Ҳазрат қора сувли кўл остидаги ҳашаматли мажлислар саройида пайдо бўлганида, олис авлодларидан бўлмиш Саидбекнинг боши узра ойболта кўтараётган алпқомат жаллодга кўзи тушиди-ю, жон-пони чиқиб, зумда ўзини унинг устига отди. Шу заҳоти чайқалиб, ғандирак-лашга тушган жаллоднинг қўлидаги ойболтаси ўз-ўзидан четга отилиб кетди. Бу етмагандек, кутилмаганда у юзидаги ниқобини юлб олди-да, четга улоқтириб юборди. Бўлмадагилар не кўз билан кўрсинларки, ниқоб кийган одам энди... кумушдай оппоқ соқоллари кўксига тушган, оқ саллали, узун оқ чопон кийган ниҳоятда нуруний бир мўйсафидга айланганди. Кўпчилик дастлаб уни аршдан келган фаришта деб ўйлади. Лекин уни кўрган Улуспир — «Азроил»нинг қошлари баттар чимирилиб, кўзлари қаҳр-ғазаб билан чақнаб кетди. У беихтиёр ортига тисариларкан, бу зот — Назиранинг бир неча аср муқаддам яшаган азиз-авлиё боболаридан бири Шайх Тоҳир Умар бобо эканини дарровпайқаганди. «Во дариг, Қуръон оятларидан

ўқишга тушмаса бўлди, ишқилиб», — дея хаёлидан ўтказди гижиниб. Авлиё бобони кўрган зулмат аҳли салтанатининг бошқа уламолари ҳам ҳайкалдек қотиб қолишган, юз қиёфаларидан уларнинг ҳам кўркув ва саросимага тушганлари кўриниб турарди.

Шайх Тоҳир Умар бобо кутилмаганда балад овозда азон айтиб, сўнгра тиз чўкканча Қуръони карим оятларини ўқишга тушди.

— Аузи биллаҳи минаш-шайтонир-рожи-им, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Ўаззамту ғалайкум йо арвоҳа ва би-ҳаққин-нори ван-нуури ваш-шамси вал-қамари вал-каво киби вас-самои вал-арзи вал-жиболи вал-биҳори ва би-ҳаққин-нори ван-нуури ва би-ҳаққи лавҳил-маҳфузи ва-курсии иннаҳу маликул-карим ва минал-жинни вал-инси фазадуҳум раҳақам би-раҳматика йо архамар-роҳимийн...

Жами зулат аҳли азон овози ва муқаддас китоб оятларидан ўлгудек қўрқар, айниқса, бу оятлар овоз чиқариб, қироат билан ўқилса, улардан тарқалган самовий оҳанг ва кўзга кўринмас ғойибий тўлқинлар шайтанат дунёси мавжудотларини узоқ муддатга сон-саноқсиз агўм заррачаларига парчалаб ташлар, улар яна ўз ҳолларига қайтишлари учун чексиз Коинот сарҳадларидаги хом сут эмган бандалар истиқомат қилувчи сайёраларда сарсон-саргардон изғиб, узоқ йиллар мобайнида ўзларига ёвуз ва қаттол одамлар тарқатадиган салбий қувват-аҳбор мажмуидан етарли миқдорда озукланишга мажбур бўлишарди. Бу эса шу даражада ёқимсиз ва бемаъни машғулот эдики, уни бошидан кечирган ҳар бир шайтон ёки инс-жинс бамисоли минг бор ўлиб-тирилгандай бўларди.

Муқаддас китобга битилган Парвардигор сўзлари бамисоли Коинот мусиқаси янглиғ зумда бутун оламга таралиб, гоҳ паст, гоҳ юқори пардаларда янграр, Аллоҳи таоло муждалари билан яхлит бир ҳилқатдай уйғунлашиб кетган илоҳий куй буралиб-эшилиб, бамисоли «оҳ» урар, фарёд чекар, тўлғонар эди. Ер-кўкни тутган бу маҳобатли гирён имон-этиқодли, пок юракли бандалар қалбига олам-олам илоҳий ишқ завқ-шавқини солар, Иблис ва куфр йўлига кирган бадбахт даҳрийлар кўксига эса ханжардай санчилиб, уларни йиртқич панжалари остига тушиб қолган ўлжадай бурдалар, тилка-пора қилар эди.

— Қулҳу Аллоҳу аҳад, Аллоҳу самад, лам ялид валам юлад валам лакул-лаҳул куффуан аҳад!.. Субҳона Роббика роббин иззати амма ясифун, вассаламу ала мурвалин валҳамдуллоҳу роббил оламин!..

Қуръони карим оятлари кунда устида мук тушганча ётган Саидбекнинг ҳам қалбини забт этган, у алақандай самовий ҳиссиётлар, чексиз лаззат ва фароғат оғушида ҳунг тушиб йиғлар, илоҳий муҳаббатга илҳақ руҳи ҳадсиз-ҳудудсиз Коинот кенгликларида жавлон уриб парвоз қилар эди. Ўлимига бир баҳя қолган йигит айна дамда руҳан буткул тетиклашган, бир дақиқа аввалгина вужудини чулғанган даҳшат ва қўркувҳиссидан энди асар ҳам қолмаганди. Саидбек авваллари ҳам Қуръони карим оятларини қорилар, имом бувалар тилидан кўп эшитган, кези келганда, бир вақтлар бувиси «зўрлаб» ёдаттирган биргина оятни билиб-билмай ўзи ҳам ўқир, лекин уларнинг бирортаси унга бутунгидай маҳобатли ва қудратли таъсир кўрсатмаган, бутунгидай қалбини ларзага солиб, борлиқ вужудини асиру нотавон қилмаган эди. У дунёю бу дунёнинг жами ҳузур-ҳалооватларию азоб-уқубатлари тижаллийсини топган бениҳоя теран илоҳий оҳанг таъсирида йигитнинг бутун бадани жимирлаб, энг митти тукларигача тикка бўлиб кетгандай эди.

Ниҳоят, илоҳий куй ила йўррилган Парвардигор каломи тинганида, Саидбек аста ҳуши бошидан учаётганини, айна фурсатда чор-атрофини тим қоронгу зулмат қоплаганини аранг илғаб улгурди.

Шу заҳоти бамисоли уйқудан уйронгандай қўққис равшанлашган онги ўз танасининг, ёнбағирлари негадир қорамтир рангдаги арчазорлар билан қопланган бепоён адир устидан учиб бораётганини қайд этди. Адирнинг тепа қисмида тоғ такасининг калласини эслатувчи баҳайбат қоя, унинг оёқлари тагида эса улкан кўл ястаниб ётарди. Ажабо, «така»нинг икки шохию чўққи соқоли ҳам, кўлнинг суви ҳам негадир қорамтир рангда эди.

«Ахир, бу боғияна нима учундир алвон кўйлак кийиб олган Назира ҳузурига чорлаган манзил-ку?!» — гашлик билан эслади Саидбек зумда хотираси тикланиб. Йигит кўзларини катта-катта очганча, зўр бериб пастга тикиларкан, қоя ёнида на Улуспир ва на севгилисидан ном-нишон тополмай, баттар дили хижил бўлди. У энди қора сувли кўл сатҳи узра учиб бораркан, нариги соҳида жаннатмакон бир қўрғончага кўзи тушди. Ям-яшил боғ-роғлар билан бурканган бу қўрғонча марказида муҳташам оқ қаср қад ростлаган бўлиб, унинг ёнвериди дароз, барвастақомат уч-тўрт йигит айланиб юрар, улар, чамаси, ана шу бинони қўриқлашаётганди.

Қўрғонча марказидаги оқ қасрга яқинлашган Саидбек беихтиёр пастлай бошлади. Бино сўнгги йилларда ҳар хил бойваччалар, жиноят дунёсининг нуфузли вакил-

лари томонидан қурилаётган муҳташам ва сержило, аммо нисбатан анча мўъжазроқ мачитга ўхшар, шу боисми, ташқаридан қараган киши унинг атрофида юрган кўриқчиларни оддий диндорлар деб ўйлаши мумкин эди.

Бир маҳал Саидбек, ўзини пайқашдими, кўриқчиларнинг саросима ичида югургилаб қолишганини кўрди. Қасрга тобора яқинлашаркан, баҳайбат деразалардан бирига қараб, юраги ҳаприқиб кетди: ҳарар парда ортида... алвон кўйлакли севгилсини кўргандай бўлди-ю, боши айланиб, кўз олдини қуюқ туман қоплади.

Шу чоғ қарсиллаб отилган ўқ овозидан дарров яна ўзига келди. Пастдаги кўриқчиларнинг бири қўлига тўппонча олиб, йигитни ўққа тута бошлади. Саидбек оёқ-қўлларини кескин силтаб, ортига, юқорига бурилмоқчи бўлди-ю, лекин кечикди: навбатдаги ўқ унинг нақ кўксига келиб текканди, шу ондаёқ вужудда хурж қилган кучли оғриқдан афти буришиб, кўзи тинди, айни дамда фалак ўз меҳваридан афдарилиб кетгандай, қуёш уфққа қулаб, осмон гумбази тўнтарилаётгандай туюлди. Йигит тошдай пастга қулаб бораётганига қарамай, ҳозиргина маҳбубсини кўринган деразадан кўзини олмас, лекин аксига олиб, у ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди. У жон-жаҳди билан: «Назира! Назирахо-он!..» — дея қичқирарди-ю, лекин бўғиқ хириллашдан бўлак товуш чиқаролмасди.

Саидбек пастга қараб, фавқулодда яна ўша... қора сувли уммонга қулаётганини кўрди-ю, даҳшат ва саросима ичида чиңқириб юборди.

...Ётган жойидан бўғиқ чинқирганча ўрнидан туриб кетган йигитнинг бутун танаши жиққа терга ботган, ҳансираб нафас оларкан, боягина «ўқ» теккан юрагида кучли санчик пайдо бўлганини туйди.

«Ёпирай! — дея хитоб қилди у ҳозиргина бошидан ўтказган даҳшатли саргузаштлари ёдига тушиб. — Руҳим қаёқларни сарсон-саргардон кезиб келди? Парвардигор бу қадар меҳрибонлик (балки шафқатсизлик) билан мени яна нелардан огоҳ этмоқчи бўлдикин? У менга келгусида кечажак яна қандай машъум ҳодисаларга ишорат қилмоқда?... Бу не бадбахт кечаки, каминани илк севгимдан жудо айлаб, ёвуз шайтанат уммонига улоқтириш?...»

Тунги алмойи-алжойи саргузаштларидан азбаройи ҳориб-чарчаган Саидбек ана шундай ўй-хаёллар оғушида беихтиёр кўзлари юмилиб, яна уйқу элитганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳаёт йўлида ўзини бундан-да баттарроқ оғир синовлар кутаётганини эса, у ҳали тасаввурига ҳам сиғдирилмасди.

Кўнгилсиз хайрлашув

Назира ўша куни тонг саҳарда ҳаммадан барвақтроқ уйғонди. Сингиллари мириқиб ухлашарди. Тезда ювиниб-тараниб, кийинди, сўнг дарс тайёрлашадиган хоналарига кирди-да, мактуб ёзишга ўтирди.

«Азиз ва меҳрибонларим — буважон, бувижон, дадажон, ойижон! Суюкли сингилларим Нарғизахон, Нафисахон!..» — дея ёзди-да, қаамининг ортини тишлари орасига олганча, пича ўйланиб қолди. Юз қиёфасидан қатъий бир қарорга келгани, энди у илгариги Назира эмас, айни балоғат ёшига етган, илк севги нашидасини ҳам тоғиб улгурган ва шу боис янада гўзаллашган дилбар ва мунис қизга айлангани сиртдан қараган одамга шундоқ кўриниб турарди. У қалтис бир ишга жазм этган, ўзи учун ниҳоятда азиз, керак бўлса, жонини беришга ҳам тайёр энг яқин одамлари, киндик қони тўкилган қадрдон хонадонини вақтинча тарк этишни лозим топган, энди ана шу азми қароридан ва уни қоғозда қандай ифодалашни билолмай, изтироб чекаётганди. Лекин бу ҳолати узоқ давом этмади, лаҳза ўтмай, фикрлари ўз-ўзидан қуюлиб кела бошлади: — **«Худога шуқур, камина балоғат ёшидан ҳам ўтдим, иссиқ бағрингизда меҳр-мурувватингиз нурларидан баҳраманд бўлиб, безавол униб-ўсдим. Бунинг учун Парвардигоримизга беадаг ҳамду санолар айтаман. Энди сизлар билан вақтинча хайрлашмоқчиман. Бунинг Худо кўнглимга солдими ёки азиз-авлиё бобокалонларимизнинг руҳи покларими — ҳозирча ўзим ҳам аниқ айтолмайман. Аммо ўзимни ҳам, Сизларни ҳам, илк севгимни ҳам чексиз изтироблар гирдобини ва аччиқ кўз ёшларидан халос этишнинг бирдан-бир йўли мана шу, деган хулосага келдим. «Илк севгим» деган сўзимдан ҳайратга тушишингиз ёки унинг сизга эриш туюлиши табиий, албатта. Ҳа-ҳа, энди мен бунинг очиқ айтишга мажбурман: камина бир йигитни чинакамига севиб қолдим ва бу севгим дунёга келибоқ мени ҳаргис вама-гусса уммонига чўмдириб, шафқат билмас бир балои қазага рўбарў қилди. Билъакс, ундан қутулиш учун ҳам уйимизни тарк этишдан бўлак йўл топа олмадим. Мендан асло хавотир олмаглар. Шайтон йўлдан урган ёки савдоилик кўчасига кир-**

ган, деб ҳам ўйламанглар. Алҳамдулиллоҳ, камина соппа-соғман ва ақл-игроким ҳамда савқитабий тўғуларим ила ана шундай фикрга келдим.

Азиз жигаргўшаларим! Мени кечиринглар! Вақти-соати етиб, биз албатта яна юз кўришамиз.

Дадажон! Мени излаб овора бўлманг. Билиб қўйинг: мен қаерда бўлмайин, юзингизни ҳеч қачон ерга қаратмайман!

Ойшжон! Мени ўйлаб, ҳадеб йиғлайверманг. Мен ўзим билан илоҳий тошни ҳам олиб кетаяпман. У ўша мен айтган балои қазони гаф қилишда асқотади, деган умидгаман. Биз Гулшода бону билан бирга бўламиз. Лекин кейинчалик зарурат тўғилса, иложини топиб, хабарини берарман. Яна юз кўришгунча хайр, меҳрибонларим! Бахтимга, ҳамиша соғ бўлинглар!

Сизларни абадул-абаг севиб, ардоқлагувчи

Назира».

Қиз мактубнинг тагига имзо чекди-да, аста юриб, ётоқхонасига қайтди. Сингиллари ҳамон ширин уйкуда эди. Кеча кечаси яширинча тайёрлаб қўйган бўхчасини кўлига олиб, оёқ учда одимлаганча, ташқарига отланди.

Гулшода бону билан телефонда келишганларидек, уни чойхона рўпарасидаги Ҳазрати Имом бекатида қизил «Тойота» машинаси кутиб турарди. Чамбарақда Ўроқбой бир ўзи ўтирган экан, қиз орқа ўриндиққа жойлашиши билан машинани ўт олдириб, дарров олға ҳайдади.

Улар ҳаш-паш демай Гулшода бону яшайдиган кўп қаватли уй ёнига етиб келишди. Назира башоратчи аёлнинг иккинчи қаватдан хавотир ва саросима ичда пастга тикилаётганини кўрди. Уларни дарров пайқаб, мийғида заҳарҳандали илжайиб қўйгани ҳам қизнинг эътиборидан четда қолмади. Кейин бону имо-ишора билан ҳузурига чиқиб овора бўлиб юрмасликларини, ҳозир ўзи пастга тушишини билдирди. Чинданам, у жигарранг жомадон кўтарганча тезда уйдан чиқиб келди-да, юкини олдинги ўриндиққа қўйиб, ўзи ортга, Назиранинг ёнига ўтирди. Қиз билан жилмайганча ўпишиб сўрашаркан, хурсандлигининг чеки йўқдай эди.

Кўп ўтмай, улар ўтирган машина физилаганча катта йўлга чиқиб, шаҳар ташқарисига йўнади.

Гулшода бонунинг: «Қаёққа кетаяпмиз, укажон?» — деган саволига жавобан Ўроқбой совуққина қилиб:

— Етиб борганимизда биласиз, опажон. Умуман, менга сизлар билан савол-жавоб қилиш қатъиян манъ этилган, — деди.

— Вой, ука, сизни қанақа бурга тепди ўзи? — деди Гулшода бону энсаси қотиб. — Яқиндагина Назирахоннинг ишқида куйиб-ёниб, «оҳ-воҳ» қилиб юрувдингиз. Энди бўлса, гаплашишимиз истамай қопсиз...

— Менга энди бировнинг хасми керакмас, — деди Ўроқбой яна совуққонлик билан.

Гулшода бону гап нимадалигини дарров фаҳмаб, жим бўлиб қолди. «Лаънати-нинг ичига кириб олган инс-жинсини катталари анча мулла қилиб қўйишибди шекли, — хаёлидан ўтказди у қониқиш билан. — Ҳа-да, Ер юзининг бўлажак ҳукмдори олдида булар ким бўлибди... Папшаяммас...»

Кейин ҳеч қандай гап-сўзга майли йўқ Назирани гапга солишга уриниб кўрдию, ундан ҳам совуққина «ҳа-йўқ»дан бўлак жавоб ололмагач, йигитнинг олдида суҳбатлашишга ўзини ийманаётганга солди-да, бону ҳам талқон ютгандек сукутга ботди.

Улар, давлат қаҳрабо барқи (электр станцияси) бўлса керак, маҳобатли муҳандислик иншоотлари ёнидан ўтишаркан, юқорига бўй чўзган думалоқ гиштли миноралар тепасидан осмону фалакка паға-паға қорамтир тутун булутлари ўрлаётганини кўришди. Яна етти-саккиз чақирим йўл юриб, пахтазор далалар, шийпонларни босиб ўтишгач, қарағайзор ва қайинзор ўрмончадаги чор-атрофи темир-бетон девор билан ўралган мўъжаз кўрғончага яқинлашишди. (Бу — куни кеча Саидбекнинг руҳи учиб келиб-кетган маскан эканини муҳтарам ўқувчимиз пайқаган бўлса ажаб эмас). Ўрмонча марказига биргина машина сиғадиган чор асфальт йўл олиб борар, бу йўл ташқаридан мачитни эслатувчи, лекин ундан анча кичикроқ оппоқ қасрга туташар эди.

Бино яқинидаги арк шаклидаги чиройли дарвоза ёнида мошинани икки барзанги йигит қўл кўтариб тўхтатишди. «Тойота» юкхонаси ва аёлларнинг бўхча ва жомадонини шошилмай титқилаб кўришгандан кейингина темир дарвозани очиб, ичкарига ўтишга ижозат беришди.

Қаср олдида аёлларни Болта бойваччанинг ўзи кутиб олди. У ўта димоғи чор кўринар, жиндек ширакайфлиги ҳам сезилиб турарди.

— Мана бу бошқа гап! — деди у, эҳтимол, ҳаётида биринчи марта хайрихоҳ ва хушчақчақ оҳангда, мрамар зиналар ёнида тўхтаган мошинадан тушиб келган аёллар истиқболига юраркан. — Агар тинчгина гапимизга қулоқ солиб иш тутсанглар, ҳаммаси жойида бўлади, деб айтувдим-ку сизларга... Мана энди шу бинода шоҳона шароитда яшайсизлар. Унда сизлару ошпазлардан бўлак ҳеч ким бўлмайди ҳисоб. Амирхон аканинг топшириқларини вақтида бажариб турсаларинг бас. Ҳали-замон ўзлари ҳам ташриф буюриб қоладилар...

Шундай деб, у аёлларни ичкарига бошларкан, бўхча ва жомадон кўтарган Ўроқбой ҳам уларга эргашди.

Назира билан Гулшода бонунини уч-тўрт бўлмадан иборат катта «люкс» хонага жойлаштиришди. Унинг киравериши — узун даҳлиз, ўнг томондаги ёнма-ён хоналар икки аёл учун ётоқхона вазифасини ўтар, чап томонда эса катта дам олиш хонаси бўлиб, унга беш-олти одамга мўлжаллаб шоҳона дастурхон тузатилган, юқорида — нафис санъат асарлари даражасида кўзни ўйнатувчи сержило идиш-товоқлар билан тўла хориж жавони, ёнида — узун нимкат, ўтирсангиз момикдай ботиб кетувчи юмшоқ курсилар... Нимкат ва курсилар рўпарасига жимжимадор хонтахта устига кўзгусининг бўйи ва эни қарийб бир газ келадиган баҳайбат ойнаи жаҳон қўйилганди. Оёқ остига ҳам, деворларга ҳам улкан ва ранг-баранг форс гиламлари тўшалганди.

Болта бойвачча билан Ўроқбой аёлларни юклари билан холи қолдириб, чиқиб кетишди. Лаҳза ўтмай катта хитой чойнагида чой ва бир жуфт иссиқ нон кўтариб кирган тикқолат ёшгина жувон дастурхон хизматчиси бўлиб чиқди. У ўзини Дилфуза деб таништирди ва доимо шу ерда бўлиши ҳамда ҳар қандай юмушга тайёр эканлигини маълум қилди. Унга бир оғиз буйруқ берилса — кифоя экан.

Хуллас, бу ердаги яшаш шароити Амриқо ёки Фарангистоннинг беш юдузли энг зўр меҳмонхоналаридан ҳам қолишмас, телефондан бўлак ҳамма нарса топилар эди. Дилфузанинг айтишича, аёллар ташрифидан бир кун аввал алоқачилар келиб, негадир қасрдаги жами телефон тармоқларини узиб кетишибди.

Аёллар Дилфуза билан дастурхон устида бир пасда тил топишиб олишди. Эри Афғонистонда вафот этган бу бева аёл асли сурхондарёлик бўлиб, фарзанд кўрмаган, ўрта мактабда математикадан тинчгина дарс бериб юрган. Айтишича, кўзга яқин келишган аёл бўлгани боис, пулдор бойваччаларнинг қўлига тушиб, Тошкентга келиб қолган. Уч йилдан бери шу қаср ёнидаги мўъжаз уйчада яшаб, «меҳмонхона» бекаси вазифасини адо этаркан. Ойлик маоши математика ўқитувчисиникидан қарийб юз баробар кўпроқ эмиш.

Уша куни кеч кириб, Гулшода бону билан Назира хонада ёлғиз ўзлари дастурхон атрофида чой ичиб ўтиришаркан, башоратчи аёл ҳамхонаси билан жиддий гаплашиб олиш мавриди етганини пайқади.

— Назирахон, — деди у негадир қошларини чимириб, қизга синовчан назар ташларкан. — Биз ҳозир узил-кесил гаплашиб олишимиз керак.

Назира унга савол назари билан тикилди.

— Биласанми, синглим, биз ҳозир ҳаддан зиёд бадавлат, ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган қаттиққўл ва чўрткесар одамлар тасарруфига ўтдик. Бутундан бошлаб ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар, туб бурилишлар юз бериши ҳеч гапмас.

— Тушунаман, — дея аста бош ирғади қиз ташвишли қиёфага кириб.

— Олдимизда турган улуг вазифаларни адо этишда бу одамлар биз учун бир воcита, холос. Кўнглим сезиб турибди, сен билан биз ҳали дунёни зир титратажак, манаман деган давлат раҳбарлари юрагига қўрқув ва даҳшат солувчи буюк шаҳаншоҳнинг энг яқин канизақларига айланажакмиз. Шахсан Улуспир ҳазратларининг ўзлари ҳомийликка олган бу олампаноҳ ва унинг сардор ва саркорлари шундай қудратли кучга эгаларки, истаган мамлакатнинг кулини кўкка совуриш улар учун турсундай бир гап.

— Чинданам шундай бўлса, — деди Назира аста унинг гапини бўлиб, — модомики шаҳаншоҳ мана шундай чексиз куч-қудратга эга буюк зот экан, модомики у икковимизни ҳам ўз паноҳига олган экан, унда биз ҳозир улар билан бирга бўлмай, бу ерда нима қилиб юрибмиз?

— Сен яна унга шак келтиряпсан, — деди Гулшода бону пича жаҳди қўзиб. — Мана шу шартгакилинг бир куни бошинга етмаса эди, деб қўрқаман. Ўла-ўлгунча ёдингда бўлсин: сен билан биз курраи замин шаҳаншоҳининг кучига куч, қудратига қудрат қўшиш учун дунёга келганмиз. Уқдингми, тентак?!

— Менга энди барибир, — деди Назира лоқайдик билан, лекин шу заҳоти ташвиш ва саросима аралаш қўшимча қилди: — Саидбек акамни тинч қўйишса, унинг жонига суиқасд қилишмаса — бўлди, менга бошқа ҳеч нарса керакмас!..

— Бунинг учун сен билан биз уларнинг оғзидан чиққанини сўзсиз адо этишимиз керак! — хитоб қилди Гулшода бону кескин оҳангда.

Назира унга яна лоқайд тикилди:

— Мен нима қиляяпман?..

Шу пайт ташқарида машина келиб тўхтагани, шарақлаб эшиклар очилиб-ёпилгани эшитилди.

— Келишди шекилли, — деди Гулшода бону юрагига гулгула тушиб, зудтар ўрнидан тураркан.

Чинданам, пастда гала-говур бошланган, апил-тапил югур-югурларга қараганда, ўта баобрў одамлар ташриф буюришганга ўхшарди.

Нуфузли меҳмон

Аёллар ўтирган хонага кетма-кет икки одам кириб келди. Назира олдин кирган, қирқ-қирқ беш ёшлардаги, қуюқ сочларининг чаккаларига кумушдай оқ оралаган, ҳорғин қиёфали, аммо ўткир нигоҳи қоплоңдай сергак чақнаб турган хушқомат йигитни Амир деб тахмин қилди. Унинг ортидан кирган, ҳамроҳидан анча каттароқ ёшдаги жингалак сочли, кўзойнак таққан дароз кишини олимлардан бўлса керак, дея ўйлади.

— Кирсак ижозатми, опахонлар? — деди Амир майин жилмайганча, аёлларнинг рухсатини кутишни ҳам лозим топмай, уларнинг рўпарасидаги нимкатнинг юқори-сига ўтиб ўтираркан. Шу заҳоти билинар-билинмас қўл ишораси билан шеригига ҳам ёнига ўтиришни буюрди. Сўнгра кафтларини ёзиб, Гулшода бонуга амирона тикилди: — Қани, опажон, дуо қилинг!

Етти иқлимга донғи кетган, мамлакатдаги жами ёш-яланглардан тортиб қариқартанларгача номини эшитгандаёқ саросима ва ваҳимага тушадиган, чўрткесар ва сиркаси сув кўтармас бу одамнинг ҳар бир сўзи амри вожиб эди. Буни яхши билган бону дарров қўлларини фотиҳага ёзди:

— Жазон қасири ҳайрон қасира, лопато илло валиллоҳ, сайфуллилоҳ зулфиқор, ҳар балои ҳар қазои даф қилгин, Парвардигор, илоё, тинчлик-хотиржамлик, омон-омонлик бўлсин, омин Аллоҳу акбар!...

Улар кафтларини юзларига тортишгач, Амир шошилмай гап бошлади:

— Қалай, опажон, яхши жойлашиб олдингизларми? Сиз яхшимисиз, синглим?

— Раҳмат, укажон, — деди Гулшода бону зўраки илжайганча, унга ер остидан разм соларкан, қўрқув ва вавотирини босишга беҳуда уриниб. — Нимасини айта-сиз, бу ерда шароит жудаям зўр экан, ўзимизани хорижнинг жаннатмакон ороллари-дан бирига бориб қолгандай ҳис қиляяпмиз.

— Хурсандман, — деди Амир аста бош ирғаб. Кейин ёнидаги ҳамроҳига ишора қилиб, гапида давом этди: — Мана бу биродаримиз — катта физик олимлардан, кристалл маъданлар соҳасининг йирик билимдони Абдулҳаким Қаҳҳорий домла бўладилар.

Элик беш ёшлардаги чўзинчоқ юзли, қотмадан келган, кўзлари ўйнаб турган ўрта бўйли одам тезгина бошини силқитди.

— Бу киши, — дея давом этди Амир бамайлихотир оҳангда, — ҳар қандай қимматбаҳо тошга бир қарашдаёқ баҳо беришга қодир энг улуғ маъданшунос мутахассислардан. Каминани эса... — Амир бир лаҳза илжайиб, оғзининг танобини қочирди, — танийсизлар, деб умид қиламан.

— Э, бутун дунё биладиган Амир бойваччани ким танимас экан, — деди Гулшода бону ялтоқданиб, яна илжайиб қўяркан.

Амир бир лаҳза ўйчан қиёфада сукутга толди. Унинг нигоҳида қандайдир ҳорғинлик, вазмин чайқалиб турган уммонга хос сокинлик билан бирга аллақандай пинҳоний бир қудрат, истаган дақиқада жунбушга келишга тайёр маҳобатли бир тўфон тажассумини топгандай эди. Аммо айна дақиқаларда истараси иссиқ, алпқомат ва келишган бу йигитнинг қалбида нималар кечаётгани ёлғиз Парвардигордан бўлак ҳеч кимга аён эмаслиги ҳам кундай равшан эди.

— Гап шундаки, опажонлар, — деди Амир энди эҳтирос билан аёлларга юзланиб, — сиз билан бизнинг зиммамизга Яратгувчи томонидан буюк вазифа юклатилган. У ҳам бўлса — миллатимиз байроғини жаҳон осмони узра баланда кўтариб, оёқ-ости қилинган қадр-қимматимиз ва мавқеимизни қайта тиклаш ва шон-шавкатимизни коинот қадар юксалтиришдан иборат. Модомики сизлар таклифимизга розилик билдириб, ушбу камтарин қароргоҳимизга ташриф буюрган экансизлар, демак, сиз билан биз бундан буён ҳаммиша маслақдош, ҳамроҳ ва ҳамроз бўлиб қоламиз.

Амир худди Иблис каби кўп гапиришни ёқтирмас, бир дақиқа вақтини ҳам беҳуда ўтказмас эди. Шу боисми, дарров асосий масалага ўтди.

— Энди ҳалиги ҳикматли тош билан танишсак, опагонлар!

Ўзидан анча ёш бўлишига қарамай, у Назирага ҳам опагон, деб мурожаат қилар, лутф ва қўқонча манзиратни ҳам қойилмақом қилиб ўрнига қўярди.

Назира мияти сумкачасидан тошни олиб столга қўйиши билан Абдулҳаким Қаҳҳорийнинг кўзларида ноҳос ўт чақнаб кетгандек бўлди. Ажабо, тошга кўзи тушган Амир ҳам ғайриоддий ҳолатда ҳайрат бармоғини тишлади.

Профессор, кўзлари ўйнаганча, тошни қўлига олиб, у ёқдан-бу ёққа айлангираркан:

— Ё Раб! Ахир, бу — фалсафа тоши-ку! — дея хитоб қилди.

Амир кўзларини қисганча унга синчков тикилди. Саркаш нигоҳида савол аломатини пайқаган домла дарровгапига изоҳ беришга киришди.

— Қадимги замонларда уни алкимёгарлар кашф қилишган. Бу тош ёрдамида ҳатто ўликни ҳам тирилтириш мумкин!

Амир баттар кўзларини қисиб, унга янада синчиклаброқ тикилди. Унинг «Бу қандай амалга ошади?» деб сўрамоқчи бўлаётганини пайқаган Қаҳҳорий:

— Ҳаёт нима ўзи? — дея саволга савол билан сўз қотди, кейин унга дарров ўзи жавоб берди. — Хулласи калом, ҳаёт — бу самовий заррачаларнинг органик танага бирлашиб-чатишуви натижасида мураккаб ҳужайралардан иборат онгли ҳосила пайдо бўлишидир. Ўлим эса, уларнинг муайян сабабларга кўра емирилиб, парчалашиб кетиши жараёнидир.

Негадир ҳайрат ва ҳаяжонга тушган профессор ўрнидан туриб кетган, тошга еб қўйгудек тикилганча, у ёқдан-бу ёққа одимларкан, бамисоли ўзи билан ўзи гаплашаётгандай ўйчан қиёфада фикрини давом эттирди:

— Темир куқунлари нега оҳанрабо ҳалқасига ёпишиб қолади? Ўн нафар сайёра нега Қуёш атрофида қулаб тушмай, мувозанатда айланади? Умуман, бу тарзда савол қўйилишининг ўзи ўринлими? Нега энди курраи замин тўшида тинчгина ёнбошлаб ётган Тангри Тоғ ёки Помир тоғлари силсиласининг айрим нуқталарида оҳанрабо асбоб кўрсаткичи алмойи-жалмойи ўйноқлаб кетади? Нега Ер шари қутблари ва яна алақанча аномал ҳудудлар кемаларнинг темир қисмларини ўзига тортувчи даҳшатли магнит мажмуалари ҳисобланади?

Профессор бир зум сукутда қолиб, ҳамхоналарини бирма-бир синчковнигоҳи остидан ўтказди. Кейин яна кўзлари чақнаб, энди баландроқ овозда фикрига якун ясади:

— Хулласи калом, меҳрибонларим, оҳанрабо темир куқунларини ўзига тортганидай, манави яшм тоши ҳам олам сарҳадлари бўйлаб тарқалиб кетган ҳаёт заррачаларини ўзига жалб қилади. Бу куқунлардан нималарни барпо этиш эса — темирчи Устанинг истак-хоҳишига боғлиқ. Мағия соҳиби бўлмиш соҳибқаромат эса, ўша Уста ўз ихтиёрига берган ана шу ҳаёт заррачаларидан истаган мавжудотини ярата олади.

— Гап нима ҳақда бораётганини тушуняпсизми, меҳрибоним?

Ҳайратомуз мушоҳадалар уммонида бамисоли қулочкашлаб сузаётган профессор энди Амир бойвачча билан юзма-юз турарди. Ҳамсуҳбатининг чеҳрасидан катта савол аломатидан бўлак ҳеч нимани илғамаган Қаҳҳорий мунғайганча ўзидан кўз узмай ўтирган Гулшода бону билан Назирага ҳам бир-бир назар солди-ю, ҳафсаласи пир бўлгандай яна жойига бориб ўтирди. Кейин гўё товуш чиқариб мулоҳаза юритаётгандай ҳаяжон билан гапида давом этди:

— Фарангистонда атоқли физик Кантни савдойи ва иллюминат, деб ҳисоблашган. Унинг фикрича, инсон фазо ва вақт доирасидагина дунёни ҳиссий била олади, улардан ташқарида биз ўз сезги аъзоларимиз ёрдамида ҳеч нарса ни билишга қодир эмасмиз. Хулласи калом, биз фазо ва вақтдан ташқарида на ерни ва денгизни, на ҳайвонот ва наботот оламию на одамларни тимсолий тасаввур қила оламиз.

Олимнинг бу теран фалсафий фикрларидан тоқати тоқ бўлди шекилли, Амир асабий ҳолда унинг гапини бўлди:

— Менга қаранг, биродар, сизни бу ерга фазо ва вақт маъруза ўқишга таклиф қилганим йўқ. Бизга манави тошнинг қароматидан гапиринг!..

— Маъзур тутасиз, меҳрибоним, — дея назокат билан эътироз билдирди профессор шоша-пиша, — унинг айна шу қароматларини тўғри англашингиз учун пича маърузамни тинглашингизга тўғри келади, деб кўрқаман. Акс ҳолда...

— Акс ҳолда есаммикин, емасаммикин, дея китобга тикилиб турган такадай ҳеч вақонинг фарқига бормай ўтираверасизлар, демоқчисиз-да. Хайр, майли, у ҳолда вақт нима, фазо нима ўзи — аввал шуларни қисқача тушунтириб бера қолинг.

— Жуда яхши савол. Энди диққат билан қулоқ солинг. Воқелик узлуксиз ва доимий кечади. Биз уни қабул қила олишимиз учун узлуксиз воқеликни дақиқаларга бўлиб чиқишга мажбурмиз. Биз бевосита кўриб, гувоҳи бўлиб турган ва тутқич бермай, биздан дам-бадам жуфтани ростлаб қолаётган дақиқаларни биз ҳозирги вақт, аввал кўриб, энди ўтиб кетган вақтни — ўтмиш, келиши ёки содир бўлиши кутилаётган дақиқаларни эса — келажак, деб атаймиз.

Одатда ўтмиш — йўқ ҳисобланади, чунки у ўтиб кетган, ғойиб бўлган. Айтиш мумкинки, келажак ҳам йўқ, билъакс, у ҳали шаклланиб, бизгача етиб келмаган. Хулласи калом, биз ҳозирги вақтни ҳеч қачон «ушлаб» қололмаймиз. «Ушлаганимиз» — абадий ўтмиш бўлиб қолаверади. Илло, биз ўтмишдан келажакка қараб йўналган дақиқаларни ҳозирги вақт, деб ҳисоблаймиз, яъни бир йўқликдан иккинчисига ўтиш вақти. Бу — ясама вазият, холос.

Шу тариқа ҳозирги вақтни ҳам, умуман олганда, йўқ дейишимиз мумкин. Модомики ўтмиш — йўқ, келажак — етиб келмаган, ҳозирги вақт эса фақат ясама вазият экан, дунё умуман мавжуд эмас, деган ўта бемаъни хулосага келишимиз мумкин. Демак, бизнинг вақтга нисбатан муносабатимизда қандайдир хатолик бор.

Унинг гапларини тишини тишига босиб тинглаётган Амир, тиззасига бир шапати уриб, ўрнидан турди.

— Менга қаранг, профессор, — деди у жаҳлини аранг босиб, — одамзотнинг дунёга келишининг ўзи — катта хатолик, десангиз ҳам ишонган бўлардим, лекин сиз нима демоқчисиз ўзи, гапнинг индаллосини айта оласизми, йўқми?..

Қаҳҳорий шу топда чинакамига илҳом тулпорига минган ва энди уни гапдан тўхтатиш унча-мунча одамнинг, ҳатто Амирнинг ҳам қўлидан келмасди.

Домла куни кеча олий билимгоҳда маъруза ўқиб, энди хонасига қайтиб кирганида, дорилфунун ректорининг шахсан ўзи ҳузурига чорлаб, унга телефонни узатаркан: «Абдулҳакимжон, сизни Амирбойвачча сўраяпти!» — деганди унга маънодор тикилиб. Жиноят ва тижорат дунёсининг энг нуфузли сардорларидан бири сифатида бутун юртда доврўғ таратган бу зотнинг овозасини домла кўп эшитган, баъзан тўй-маъракалар муносабати билан бериладиган наҳорги ошларда бир неча бор кўрган, лекин сира юзма-юз гаплашмаганди. Шу боис ҳам пича дилига ғулғула тushi, телефонни қулоғига тутгач, Амирнинг дона-дона қилиб айтган қуйидаги сўзларини эшитишга мажбур бўлганди:

— Ассалому алайкум, домлажон! Соғ-саломатмисиз? Уйдагилар тинч-омонми? Сизга кичкина бир илтимосимиз бор. Нодир кристалл тошлар соҳасида сиздан ўтадиган олим йўқ экан. Озгина маслаҳатингиз керак бўлиб қолди. Мўмайгина ҳақ тўлаймиз. Кўкидан. Эртага тушдан кейин ҳузурингизга машина боради. Каминаи қулингиздан икки-уч соат вақтингизни дариг тутмасангиз, бошим осмонга етган бўларди. Ишонаверинг, ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз. Гапим ерда қолмайди деб умид қиламан. Хўп, соғ бўлинг!..

Профессор Қаҳҳорий Амир бойвачча билан шу тариқа кўришган, энди, мана, жаннатмакон бир чорбога бошлаб келиб, назарида, жаҳоншумул бир кашфиётга рўпара қилгандай эди. Шу боисми, домланинг юрагидаги митти учқун энди алангага айланган, илҳом париси оғушида куйиб-пишиб гапида давом этарди.

— Жуда тўғри айтдингиз, меҳрибоним, хатоликсиз инсоннинг ўзи бўлмайди, шунинг учун машойихлар: «Беайб — Парвардигор», дейишган. Лекин гапнинг индаллосини айтишга каминани шоширманг. Акс ҳолда умуман ҳеч нарсага тушунолмай қолишингиз эҳтимоли бор. Вақтга нисбатан муносабатимиздаги хатолик масаласига келсак, бу — ҳиссий сезгиларимиз хатосидир. Бизнинг ҳиссий сароб, фанда бунга иллюзия дейишади, — билан боғлиқ бўлмаган ақл-идрокимиз эса ўтмиш, ҳозир ва келажакни кўпинча бир текисликда кўра олади. Фикр саёҳатчидан олдинроқ юриши мумкин: қалб кўзи, руҳий нигоҳ билан у ўзи отланган шаҳарни кўра олади, хотираси ёрдамида «ўгирилиб», йўлга чиққан шаҳрининг биноларини тасаввур қилади. Фикр вақт текислигидан юқорига кўтарилиб, ортида — бешикни, истиқболда эса — қабрни кўра олади. Кўкламда чаппар уриб гуллаган боғларни, қишда эса оппоқ қор қоплаган дарахтларни хаёлан жонлантиради.

Хулласи калом, биз ўтмиш, ҳозир ва келажак бир-бирларидан фарқ қилмаслигини, лекин ҳиссий туйғуларимиз ёрдамида унинг оний дақиқаларини илғай олишимиз мумкин бўлган узлуксиз ҳозирги палла, деб тан олишимиз керак.

Вақт ўз хусусиятларига кўра фазога ўхшайди ва аксинча. Шу тариқа фазони биз — вақтнинг иккинчи ўлчами, вақтни эса — фазонинг тўртинчи ўлчами, деб қарашимиз мумкин. Вақт ҳақида фазовий тушунча сифатида гапиришимиз мантиқий мазмун-моҳият касб этади. Шундагина башоратчилик ҳодисаси бизга тушунарлироқ бўлади...

Кўзадаги жин

Профессорнинг узундан-узоқ бу маърузасидан обдон сиқилиб, ўзини кўярга жой тополмаётган Амир бойвачча, ниҳоят «башоратчилик» сўзини эшитгач, сал жонлангандай бўлди. Лекин унга қўшимча маърузага туртки бермаслик учун тишини тишига босиб, савол беришдан ўзини тийди. Ҳамма домлалар ҳам ўзи шунақа шекилли, озгина тишига тегадиган савол бериб, турткилаб қўйсанг — бўлди, пашшадан фил ясаб, аврани роса олиб қочишга тушишади.

— Инсон тайёрада осмонда учаркан, — дея гапида давом этди Қаҳҳорий, яна илҳом тулпорига миниб, — юксакликдан айни бир сонияда Ерда вақт сарҳадлари воситасида ажратиб қўйилган кўп нарсаларни кўра олади, масалан, бир неча фурсат ёки муддатдан кейин икки поезднинг ўзаро тўқнашуви, тоғ ортида душман ғуруҳларининг яқинлашаётгани ва бунинг қандай яқун топиши ва ҳоказо. Вақт дақиқалари тушунчаси бу ҳолда кенгроқ маъно касб этади, илло, у ўзига ўтмиш, ҳозир ва келажакни умумий ҳолда қамраб олган бўлади.

Хулласи калом, вақт ва фазо — бир тизимдаги ҳиссий сароб, яъни илҳозия бўлиб, уларнинг бири иккинчисига айланиши онгимизнинг нечоғли комиллигига боғлиқ; бизда ҳайрат уйғотувчи, вақт туфайли ўзаро ажратилган муддат башоратчилик ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

— Худо хайрингизни берсин, — яна ўрnidан туриб кетди Амир сабри чидамай, — назарияни сал камайтириб, масаланинг амалий томонига кўпроқ урғу берсангиз!..

— Домлажон, — дея гапга аралашди боядан бери унга ҳайрат ва саросима аралаш жимгина тикилиб ўтирган Гулшода бону ҳам ортиқ чидай олмай, — фикрларингизга бизам яхши тушунолмаямиз, иложи бўлса, мисоллар ёрдамида сал соддароқ тилда гапирсангиз...

— Нега иложи бўлмас экан! — дея хитоб қилди профессор баттар жонланиб. Унинг ҳар қандай саволдан илҳом оладиган одати бор эди чамаси. — Албатта илож бор! Масалан, тоққа чиққан инсон фақат келажакда кўриниши мумкин бўлган нарсаларни кўра олади. Баъзи бир азиз-авлиёларнинг фикрича, ҳар қандай юксакликка кўтарилган одам учун вақт йўқ бўлиб, у фазо тушунчасига айланади.

Текислик юзасида яшовчи икки ўлчовли мавжудотни кўз олдингизга келтирингиз! Бу мавжудотлар фақат тўғри чизиқларни кўра олишади. Айтилик, чумоли ўзидан сал наридаги сувёки чоҳни то унинг қирғоғига етиб келмагунча кўра олмайди, биз, яъни уч ўлчовли дунё мавжудотлари — инсонлар унинг учун башоратчига айланамиз, чунки салдан кейин унинг сувга ёки чоҳ ёқасига етиб келишини олдиндан айтиб бера оламиз-да.

Агар ранг-баранг кегайларга эга велосипед филдираги текислик юзаси чегарасида айланаётган бўлса, икки ўлчовли мавжудот томонидан бу ҳаракат текисликдаги рангларнинг узлуксиз ўзгариши сифатида қабул қилинади. Ранглар унинг учун ўтмишдан келажакка қараб алмашинаверади. Бунинг боиси шундаки, икки ўлчовли мавжудот филдиракнинг учинчи ўлчамда ётган бошқа қисмларини яхлитлигича кўра олмайди.

Борди-ю, икки ўлчамли мавжудот бизнинг мавжудлигимиздан хабар топиб, қайсидир йўл билан бизнинг онгимизга йўл топа олса, биз унинг учун келажакни башорат қила олувчи ва ўтмишни биладиган олий мавжудот ёки тангри бўлиб туюламиз. Мана шу мисолнинг ўзиёқ башоратчилик моҳиятини изоҳламайдими, меҳрибонларим?!

Башоратчи учун вақт фазога айлангандаги унинг руҳий ҳолатигина жумбоқли бўлиб қолади. Баъзи бир донишмандлар буни: «Вақт йўқ бўлгандаги вақт етиб келди», — дея шарҳлашади. Башоратчи учун дунё ва у билан бирга унинг руҳи мангуликка айланади: хулласи калом, турли даврларнинг йиллар ва асрлардан иборат вақти унинг учун айни бир вақтда мавжуд; ўтмиш ҳам йўқ, келажак ҳам, мангулик ҳам бари ҳозирги вақтда тажассум этилган. Бу хусусда фарангистонлик улуғ авлиё Мишел Нострадамус башоратчиликни «ҳамма даврларни ўз ичига олган мангулик далолати», дея изоҳлаши мумкин.

Руҳ — мангу деб ҳисобловчи диний тафаккур эркинлик ва қисмат тушунчаларига ўзгача қарайди: инсон ва халқларнинг абадий вақт ва фазо доирасида кечувчи жисмоний тақдири олдиндан белгиланган ва эркинликдан маҳрум. Илло, башоратчилик билан боғлиқ руҳий ҳодиса — диний ҳиссиётлар тажрибаси орқали англаб етилган абадият ва мангуликкина эркинлигини далиллайди. Бу эркинлик фақат руҳий-маънавий дунёгагина тааллуқли ва унинг вақт ҳамда фазо билан чекланган Коинотга даҳли йўқ, инчинун, сўнгги ҳилқатнинг ҳаётий тақдири олдиндан лойиҳалаштирилган.

— Оббо, домлажон-ей!.. — хонада асабий ҳолда у ёқдан-буёққа одимлаётган Амир кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, фиғони фалак эди. — Неча марта айтишим керак, ахир, мен сизни бу ерга аллақайёқдаги олий моддийат ҳақида сафсата сотиш учун эмас, манави тошнинг кароматларини тушунтириб беринг, деб чақирганман. Худо хайрингизни берсин; тошдан гапиринг, тошдан!..

— Мен нима қилаяпман, меҳрибоним, мен нима қилаяпман? — Амирнинг гапларидан профессор заррача хафа бўлмаган, аксинча, завқ-шавқ олиб, уни мазақ қилаётгандай эди. — Боядан бери қулоқларингизга танбур чертаётган эканман-да. Фалсафа тошини камина бошқача изоҳдай олмайман, кўлимдан келмайди. Агар ниманидир тушунмаётган бўлсангиз, марҳамат қилиб савол беринг, мен жавоб беришга тайёрман.

Амир баттар фиғон бўлиб, сочларини чангаллади. Яна бир-икки савол берса — бас, бу суҳбатлари бир неча соатга чўзилиши тайинлигини тасаввурига келтириб, алам билан афтини буриштирди. Унинг бундай руҳий ҳолати ҳам домлага заррача таъсир қилмади, илҳом билан фикрини давом эттирди. Фожиа шундаки, профессор ўзи билан жиноят дунёсининг нуфузли сардори тафаккур даражалари ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини тушунмас, буни тушунишни ҳам истамас, у билан бамисоли ўз маслақдошидай, ўз савиясидаги тенгқур ҳамкасбидай муомалада бўлаётганди.

— Фикри ожизимча, сиз — меҳрибоним, чексиз куч-қудрат ва салоҳиятни ўзида мужассамлаган фалсафа тошини қўлга киритибсиз! Бу деган гап — сиз дунёни забт этишга қодир буюк руҳий қуролга эга бўлибсиз! — дея хитоб қилди профессор ҳамон ўша кўтаринки кайфиятда.

Шу пайтгача қовоқ-лунжи осилиб, ўзини кўярга жой тополмаётган Амирга сал жон киргандай бўлди.

— Гап шундаки, меҳрибоним, бу тошнинг ўша сиз айтган жами кароматларини рўй-рост билишни истасангиз, у билан камида икки-уч йил жиддий илмий тажрибалар ўтказишимизга тўғри келади.

Бу гапдан Амирнинг кайфи учиб, кўзлари чақчайиб кетди.

— Нима-нима? Икки-уч йил?.. — сўради у жони ҳиқилдоғига келиб.

— Ҳа, ҳа, меҳрибоним, кўхна қўлёмаларда ёзилишча, ўрта аср алхимёгарлари бу тошни кашф этиш учун бутун умрларини сарфлашган экан. Кашф этишган-у, пировардида ўзлари ҳам, кейинги асрларда яшаб ўтган қанчадан-қанча авлодлари ҳам унинг моҳиятига тушуниб етишмаган. Унинг тағига ҳали-ҳануз ҳеч ким етолмаган. Шунинг учун жиддий тадқиқ этмай, барча хусусиятларини аниқламай туриб, тошдан дафъатан фойдаланишга киришиш жуда катта хавф туғдириши мумкин, ахир!

Амир кўзларини катта-катта очганича, яна профессорга бақрайиб тикилди. Энди унинг жаҳли чиққани кўриниб турарди.

— Қанақа хавф? Нималар деб алжираяпсиз ўзи?..

— Жуда катта хавф! — овозини янада баледрок кўтариб такрорлади Қаҳҳорий. — Атом ядросидан тинчлик ва халқ фаровонлиги йўлида ҳам фойдаланиш мумкин, лекин уни минглаб, миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлувчи қиргинбарот қуролга ҳам айлантириш мумкин. Бу ерда атом ядроси таркибига табиат томонидан жо этилган чексиз куч-қудрат асосий ўрин тутса, манави самовий тошда айни шу ҳодисалар руҳий ва ирсий жабҳада кечади. Тошни яхши билмай, обдон ўрганмай туриб ишлаатилса, у бутун башариятнинг ҳаёт моҳияти саналмиш дезоксирибонуклеин — фанда буни ДНК дейишади — кислотадан иборат молекулавий мажмуани чил-парчин қилиш ҳам ҳеч гапмас. Агар бу ҳодиса, Худо кўрсатмасин, чинданам содир бўлса, Ер юзиде чинакам қиёмат-қойим қўлди деяверинг!..

— Ёпирай! — дея хитоб қилди Амир беихтиёр кўзлари чақнаб. Унинг ҳозиргина хўмрайган, аччиқ дори ичиб қўйгандай буришган юз қиёфасида энди фавқулодда ўзгариш юз берган, негадир алланимадан хурсанд бўлиб кетгани кўриниб турарди. Яна бир неча фурсатдан сўнг у бутунлай ҳовуридан тушиб, вазмин-босиқ одамга айланди.

— Сиз бу тош қуролга айланиши ҳам мумкин, дедингиз, — деди у негадир овозини пасайтириб. — Ана шу фикрингизни кенгроқ шарҳлаб берсангиз.

— Худди шундай! — хитоб қилди профессор таҳдидли оҳангда. — Агарда бу тошдан чинданам ёвуз ниятда фойдаланилса, бамисоли кўзага қамалган жин ташқарига отилиб чиқади-ю, жами курраи заминни остин-устин қилишга киришади! Ҳа-ҳа, ишонаверинг, меҳрибоним, худди шундай!..

Амир нима учундир ўйлаиб қолди. Бойваччанинг нимадандир ўта хурсандлиги, айни чоғда қалбининг бир чеккасида алақим ёки алланималарнинг ташвишини чекаётгани ҳам кўриниб турарди. У дўнг пешонасини тириштирганча, рўпарасида-

ги бир нуқтага зўр бериб тикиларкан, аниқ бир қарорга келолмай гаранг эди чоғи.

Ниҳоят, у кескин бурилиб, жойига бориб ўтирди-да, ўнг кафти билан тиззасига шапати уриб, кутилмаганда профессорни саволга тутди:

— Айтинг-чи, отахон, сиз институтда қанча ойлик маош оласиз?

— Ўн икки минг атрофида, — дея беихтиёр жавоб берди Қаҳҳорий. — Профессорлигим учун ҳам озгина қўшиб беришади.

— Оилангизда неча жонсизлар?

— Рафиқам, икки ўғлим, қизим бор...

— Фарзандларингиз катта бўлиб қолишгандир?

— Албатта. Қизимни чиқариб, катта ўғлимни уйлантирганман, учта неварам бор, — профессор бирдан ўзига келиб, қарши савол берди. — Лекин бу сизни нега қизиқтириб қолди, меҳрибоним?

— Бўлмаса, гап бундай, отахон: мен сизга икки юз минг сўм ойлик бераман. Бола-чақаларингизнинг моддий таъминотини ҳам бўйнимга оламан. Кийим-кечагидан тортиб, озиқ-овқатигача... Бунинг эвазига сиз бизга анави тошнинг жами хоссалари ва хусусиятлари-ю, ундан қандай амалий фойдаланиш мумкинлигини тажриба йўли билан ўргатасиз. Бунинг учун сизга — қирқ кун муҳлат... Мана шу масқанда барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Йўқ-йўқ, бу масалада мен билан баҳслашман, деб овораям бўлманг. Эр киши қирқ кунда тоғниям талқон қилиши мумкин. Улгурасиз, бемалол улгурасиз!.. Гапимни бўлманг, фойдаси йўқ деяпман-ку, ахир!.. Агар тажрибаларингиз кўнгилдагидай яқун топса, камина сизга битта қулинг ўргилсин «Мерседес» туҳфа этганим бўлсин!..

Бу кутилмаган таклифдан эҳсонаси чиқиб кетган Қаҳҳорий оғиз очиб, алланималар демоқчи бўлар, лекин негадир тили калимага келмас, Амир ҳам бунга сира йўл бермаётганди.

Ниҳоят, улар шартнома тузиб, мамнун кайфиятда бир-бирларининг қўлларини қисишди. Бундай фавқулодда бахтдан саросимага тушган профессор қандай розилик бериб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

«Балогардон»

Асад хотини берган хатга шоша-пиша кўз югуртирди-ю, эси оғиб қолаёзди. Азбаройи жаҳли чиққанидан қовоқ-лунжи осилиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Бу қанақаси? Назира эсини еганми? — дея қичқирди у қўлидаги қоғозни ғазаб билан стол устига улоқтираркан.

— Вой, секинроқ, дадаси! — деди кўзига ёш олган Дилбархон жон-пони чиқиб. — Додам билан ойим эшитиб қолишмасин тағин...

Файласуф бу гапдан пича ҳовурини босди. Чинданам, кексаларни бу кўнгилсиз воқеага аралаштириб, ортиқча безовта қилиш, подадан олдин чанг чиқаришининг ҳожати йўқ эди.

— Лекин мен ҳеч нарсага тушунолмапман? Қизимиз қаёққа кетибди? Унинг мақсади нима ўзи? Кимни севиб қолибди? Қанақа балои қазога дуч келибди?..

— Тепамда Худо турибди, дадаси, ўлимдан хабарим бор, лекин менам сиздай ҳеч нимани билмийман.

— Сен қанақа онасан ўзи? — баттар ғазаб отига минарди Асад. — Туриб қўйган қизингнинг дилидаги гапларини билмасанг?..

— У сўнги вақтларда алақандай паришонхотир, одамови бўлиб қолувди. Бунда-ай ўтириб дилини ёзмаса, мен қаёқдан билай, ахир?!

— Қани, бир ўйлаб кўр-чи: у Гулшода бону билан қаерга жўнаб кетиши мумкин? Ёки яна ўша... лаънати ака-укалар...

— Йўр-е, — деди Дилбар азбаройи кўрқиб кетганидан кўйлагининг кўксига туфлаб. — Худога шукур, улар икки-уч йилдан буён қорасиниям кўрсатишмаётувди-ку...

— Ана энди кўрсатишган бўлса-чи?!

— Худо асрасин, дадаси, яхши ният қилинг..

— Э-э, яхши ният қилсанг-қилмасанг, бўлари бўббўтан, — кескин унинг гапини бўлди Асад гижиниб. Бирдан унинг баттар қовоғи осилди. — Дарвоқе, қизимизнинг... ғойиб бўлгани юзасидан додам билан ойимга нима деймиз?..

— Худо ўз паноҳида асрасин, дадаси... Касалхонага ётқиздик, десак-чи?

— Маъқул. Лекин кўргани касалхонага борамиз, деб қолишса-чи?

Дилбар, мен қаёқдан билай, дегандай, елкасини қисди.

Ногаҳон Асаднинг миясига бир фикр келди чоғи, кираверишдаги жавонча усти-

га қўйилган телефон томонга шошилди. Дастакни қулоғига тутаркан, тез-тез рақамларни терди.

— Алло, Раҳматилла, салом алайкум! Ўзингда бўлиб тур, мен ҳозир етиб бораман.

Алоқа тармоғининг нариги томонидан, тинчликми, деб сўрашди шекилли, Асад қисқа жавоб берди:

— Тинчлик. Одатдагидек, маслаҳатинг керак бўлиб қолди.

Файласуф дастакни жойига қўйиб, шоша-пиша костюмини кияркан, хотинига уқтирди:

— Бўлмаса, мен кетдим. Ёлгонни Худо кечирсин: додам билан ойимга Назирани дадаси касалхонага олиб кетди, дейсан. Нима касалликка чалинибди десак экан-а?.. Ҳа, айтмоқчи, ҳозир кучли грипп юрибди, кечаси билан иситмалаб, гриппга чалинибди де. Бориб кўрамиз дейишса, касалхонага киритишмайди, карантин экан, дегин. Мен Раҳматилланинг ёнига ўтиб, бирон чорасини топишга уринаман.

— Майли, дадаси.

Орадан ярим соат ўтмай, улар Раҳматилланинг спорт бўлмасида улкан теннис столи ёнида қучоқлашиб кўришишди. Бўлманинг ўртасидаги каттагина шолча устида ёш йигит-қизлар каратэ машқи билан шуғулланишар, иккита-иккитадан юзмаюз бўлиб, бир-бирларига ҳамла қилишар, гоҳ униси, гоҳ буниси рақибини елкаси оша ерга улоқтирарди.

Собиқ жангчи дўстини Раҳматилла дарров ичкарига бошлади. Шинамгина устозлар хонасига киришгач, Асадни стол ёнидаги курсига ўтиришга таклиф қиларкан:

— Бунақа вақтда ташриф буюрадиган одатинг йўқ эди. Тинчликми ишқилиб? — сўради унга хавотир аралаш тикилиб.

— Сен, дўстим, оиламизнинг шахсий балоғардони бўлиб қолдинг. Ҳузурингга яна бир ташвишли хабар билан келдим.

— Хўш-хўш?

— Бугун эрталаб катта қизим Назира уйдан чиқиб кетибди.

— Нима бўпти? Ўқишга кетгандир-да?

— Манави хатни ёзиб қолдирибди, — Асад унга бир варақ қоғозни узатди.

Раҳматилла мактубни шошилмай ўқиб чиқди-ю, беихтиёр қошларини чимириб, тунд қиёфага кирди.

— Ҳа-а, беҳазил гапираяпман: масала жиддий, — деди тушқун кайфиятда хатни қайтариб бераркан. — Яшм тошини ҳам ўзи билан олиб кетибди, демак, бу ишда... мафиянинг қўли бор.

— Йў-ге, — беихтиёр гавдасини ортга олди Асад асабийлик билан. — Ўша учта ака-уқани назарда тутаяпсанми?

— Бўлиши мумкин. Амирнинг югурдаклари-ку, улар, ахир?!

— Шундай. Лекин қизим хоҳамаса, тошдан қандай фойдаланишади?

— Э-э, дўстим, соддалигинг қолмади-қолмади-да, билиб қўй, уларнинг қўли жуда узун, истаган нарсага қодир улар. Хоҳлашса — қизингниям кўндиришади, хоҳлашса — манаман деган маъданшунос олимниям бурнини ерга ишқаб ишлатишади.

— Тушунарли.

— Лекин, биласанми, хатда менга нима маъқул бўлди?

— Нима экан?

— Қизингдаги ҳаддан зиёд ўзига ишонч... қатъият...

— Э-э, шафқат билмас, иблиссифат одамлар олдида қиз боланинг қўлидан нимаюм келарди, — хўрсинди Асад ҳафсаласиз қўл силтаб.

— Йўқ, дўстим, Назиранинг орқасида боболари бор, биз англаб етмайдиган илоҳий кучлари бор. Балки қизинг ана ўшаларнинг мададига ишонаётгандир?

— Бўлиши мумкин. Лекин ҳозир менга нима маслаҳат берасан, дўстим? — деди Асад дақиқа сайин асаби таранглашиб.

Раҳматилла киприкларини пастга тушириб, пича ўйланиб турди-да, худди ўзи билан ўзи суҳбатлашаётгандай оҳангда фикрини давом эттирди:

— Амирнинг қароргоҳиям, «қарол»лариям жуда бисёр. Беҳазил гапираяпман: қизинг билан фолбин опани қаерга яширганини излашга жазм қилиш — улкан сомон уюми ичидан нина қидиришдай бир гап. Шунинг учун сенга дафъатан бир нима дейишим қийин. Лекин...

— Нима лекин? — умидвор тикилди унга Асад сал жонлангандай бўлиб.

— Нима дейсан, балки пича сабр қилармиз? — саволга савол билан жавоб қайтарди Раҳматилла, собиқ синфдошининг ғамгин кўзларига синовчан тикилиб.

— Қизимни бир балога йўлиқтирмагунларича оғзингга талқон солиб ўтиравер,

демоқчимисан? Э, йўқ, ошна, бунақаси кетмайди! Яхшиси, мен мелисага мурожаат қиламан.

— Хомтама бўлма, миршаблар билан уларнинг тили бир. Раҳбарлари оғзини мойлаб туришади-да.

— Лекин уларнинг орасидаям инсоф-диёнатлилари бор-ку, ахир?!

— Бор, албатта. Лекин барибир бу ишга мелисани аралаштирмаганимиз маъқул. Уйингни миршаблар босади. Ҳаммаёққа гап-сўз бўлади. Эртага бировгазетага ёзиб чиқса, қиз боланинг шаънигаям яхши бўлмайди.

— Тўғри-ку, аммо...

Энди Раҳматилла собиқ синфдошига савол назари билан тикилди.

— Қизим... кимнидир севиб қолганини ёзган...

— Ҳа, балли! — деди собиқ жангчи мамнунлигини яширолмай. — Унинг кимлигини билсанг керак ҳойнаҳой?

— Йўқ... билмайман... — деди Асад ўзини гўлликка солиб.

— Унда билиб ол: менимча, қизинг бўлғуси куёвинг Саидбекни назарда тутаяпти.

— Шундай бўлсин дейлик, балки биз ана ўша йигитдан бирон ахборот олармиз?

— Беҳазил гапираялман, дўстим, мана бу фикрингда жон бор!.. — деди Раҳматилла хурсанд бўлиб. — Қизинг унга бирон сирини айтган бўлиши мумкин. Ҳозироқ Саидбекни топишимиз керак!..

Собиқ жангчи шундай дея телефон дастагини қўлига олиб, Саидмансур аканинг хонадони рақамларини теришга киришди.

Тунги саргузашт

Саидбек яқиндагина кўрган тушидан ҳали-ҳануз ўзига келолмаётганди. Йўқ, аслида бу туш эмас, олимлар айтмоқчи, сароб, галлюцинация ҳам эмас, балки ўтакетган шафқатсиз ва ёвуз башорат эди. Парвардигор, чамаси, бу мураккаб ва ниҳоятда чигал воқеа-ҳодисалар силсиласи воситасида йигит руҳига севилиснинг оғир вазиятта тушиб қолгани, Назирани тақдир деб аталмиш чексиз уммоннинг ситамли гирдоблари ўз домига олаётгани, энг муҳими, қизнинг айни вақтда қаерда экани ҳақида аён берганди. Давлат қаҳрабо барқига ўхшаган маҳобатли муҳандислик иншооти ёнидаги ям-яшил боғ-роғлар билан ўралган ҳашаматли кўрғонча ва унинг ўртасидаги оқ қаср ҳали-ҳануз унинг шундоқ кўз ўнгида гавдаланарди.

Агар ана шу жами кўрганларини чинданам туш дейилса, Саидбек бундан кўп йиллар муқаддам ҳам худди шунга ўхшаш фаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлганди.

Ўшанда у 6-синфни энди тутатган, ёзги таътил пайтини Бўстонликдаги кашшофлар дам оладиган оромгоҳда ўтказаётганди. Кунларнинг бирида Саидбек ва унинг дўсти Ҳикматни оромгоҳ қоровули овга таклиф қилиб қолди. Кашшофлар етакчиси ҳам бунга эътироз билдирмади. Турсунбой ака (қоровулнинг исми шарифи шундай эди) Граф деган итини етаклаб, навқирон ҳамроҳларини йўлга бошлаганида, қонталаш рангдаги қуёш маҳобатли Тангритоғ тизмалари ортига аста бош қўймоқда, у ўзининг сўнги заррин нурларини бамисоли йиғиштириб олаётгандай, нозик тилларанг толалар курраи замин сатҳи бўйлаб тобора сийраклашиб борар эди.

Улар аввал Қорабулоқ қишлоғидаги муздай булоқ сувида чўмилишди, сўнгра битта ширмой ноннинг ярмини еб, ярмини сувга ташлашди. Қадимий урф-одатга кўра, шундай қилинса, ов бароридан келар экан.

Хуллас, тобора юксакликка кўтарилиб борувчи ҳийла катта сойлик ёқалаб бир соатча йўл босиб, Кумуш Каптар тоғи этагидаги ўрмонзор дарага етиб келишди. Бу ерни арча, қарағай, дуб, ёввойи ёнғоқ каби тоғ дарахтлари ҳамда маймунжон, итум, замбуруғ, малина, реза мева каби зич бутазорлар ва ўт-алафлар қоплаганди.

Турсунбой ака қутилмаганда завқ билан қийқирганча, този итининг ортидан ўрмон тарафга югуриб кетди.

— Онасини эмгур кийиклар изидан тушдик! Ортимдан югуринглар! — дея қичқирди у навқирон ҳамроҳларига, йўл-йўлакай елкасидаги қўшотар милтигини қўлига оларкан.

Кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай, қарсиллаб отилган ўқ овози бутун дарани тутиб, акс-садо берди. Шу чоғ Саидбек билан Ҳикмат ўта ачинарли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Шундоқ ўрмон ёқасидаги баҳайбат қоя ёнида яраланган она кийик типирчилаб ётар, унинг ёнидаги митти кийикча бамисоли фарёд ураётгандай ўзини қўярга жой тополмай, турган жойида жонсарақ ҳолда иригишлар эди.

Буни кўрган Саидбекнинг кўзларида беихтиёр ёш ҳалқаланди. Лекин у тезда

ўзини қўлга олди, бутун дарани бошига кўтариб, шовқин-сурон билан олға чопиб кетаётган Турсунбой аканинг ортидан югурди. У шафқат билмас овчининг мурғак кийикчани ҳам отиб қўйишидан ўта хавотирга тушганда.

Шу пайт овчи бирдан кескин тўхтади-да, қўшотарининг нилини чинданам митти кийикчага тўғрилади. Ортидан ҳансираганча етиб келган Саидбек унинг қуролига ёпишди.

— Отманг, ака! Боласини отманг!..

Оромгоҳ қоровули ёш ҳамроҳини итариб юборди.

— У яраланган. Барибир ўлади, — деди у сувқонлик билан жеркиниб.

— Жон ака, отманг! Мен уни парваришлаб, ўзим даволайман! — деди Саидбек йирлагудек аҳволда овчининг чопони этакларига ёпишиб.

— Энасини эмгурни шундоқ қолдиролмаймиз, ахир! — сўкинди Турсунбой ака аччиғланиб. — Шундай қолдирсак, бўри ё арслонларга ем бўлади ёки ҳаром ўлади!..

Ҳақиқатан, митти кийикча ҳам елкасидан яраланган, энди у ҳам она кийик тепасида сўнги кучларини ишга солиб, йиқилай-йиқилай дея ҳолсизгина ирғишлар, катта-катта кўзларида чексиз мунг ва ғам-ғусса бамисоли музга айланиб, қотиб қолгандай эди.

Дара бўйлаб қулоқларни қоматга келтириб, яна шафқатсиз ўқ овози янгради. Ўқ бамисоли Саидбекнинг кўксини тилка-пора қилиб юборгандай бўлди. Кийикча ҳам онаси ёнига «шилқ» этиб қулаганини кўрган бола тиз чўкиб, бошини ҳам қилганча, хўнграб йиғлай бошлади.

Ниҳоят, дўсти Ҳикматнинг уни турткилаб: «Тур, Саидбек, қайтамиз, қоронғи тушиб кетди, бир ўзинг қолиб кетасан бўлмаса...» — деган овозини эшитиб, базўр ўрнидан турди. Олдинда она кийикни судраб кетаётган Турсунбой аканинг: «Ғирт қиз бола-ку бунинг, ҳезалак! Шу ҳолида овга чиқиб нима қилади?!» — дея жаврагани қулоғига чалинди.

Саидбек ҳаммаёқни сутдай ой нури чуллаган дара бўйлаб ҳамроҳларига эргашганча, гандираклаб бораркан, юраги бамисоли ғойиб бўлгандай, унинг ўрнини аллақандай совуқ бир бўшлиқ эгаллагандай эди.

Турсунбой аканинг ортида митти кийикчани судраб бораётган Ҳикмат бот-бот ортига ўгирилиб, саросимали овозда: «Саидбек! Юр тезроқ! Йўқса бир ўзинг адашиб кетсан!..» — дея қаққиб кўярди. Шу пайт овчининг: «Кўявер, тирмизак бир адашиб, роса адабини есин, охири, ўзи топиб боради...» — деган захархандали гапини эшитди-ю, қоққан қозикдай жойида туриб қолди. Боши айланиб, кўз олди баттар қоронғилашиб кетгандай бўлди.

Бир маҳал рўпарасида ҳансираганча сўқмоқ бўйлаб пастдан чиқиб келган Ҳикматни кўрди.

— Юрасанми, йўқми? Нима қилмоқчисан ўзи? Билиб қўй, агар адашиб, қолиб кетсанг, бўри-қашқирларга ем бўлишинг тайин!.. — деди у жиғибийрон бўлиб.

— Кетаверинглар! Ўзим бораман!.. — деди Саидбек ўзи ҳам кутмаган дадиллик билан.

— Жон оғайни, бўла қол, қани, кетдик! — унинг қўлтиғидан олиб, ялинишга тушди Ҳикмат. — Юр деяпман. Ярим кеча бўляпти, ахир!..

— Кетаверинглар, дедим-ку! — ўшқирди Саидбек ғазаб билан юлқиниб.

— Сени тушуниб турибман, анави Турсунбой акадан хафасан. Уям нима қилсин, ахир, кийикчани атайин отгани йўқ-ку, сочма ўқ боласигаям тегиб кетди-да...

Хуллас, Ҳикмат тарвузи қўлтиғидан тушиб, яна пастга қараб кетди. У Турсунбой акадан илтимос қилиб, този итни ўртоғи билан бирга қолдириш керак, деган қарорга келган эди. Овчи ҳам бунга эътироз бидирмай, Графга имо-ишоралар билан тегишли «кўрсатма»ларини берди-да, йўлга тушди.

Кўп ўтмай, Саидбек ҳам йўлга отланди. Боядан бери унинг ёнида қўриқчилик қилиб ўтирган ит ҳам олдига тушиб, югуриб кетди.

Тўлин ой сирли тарзда нур сочаётган дарага ваҳимали жимлик чўккан, оёқлари остида майда тошларнинг шарақ-шуруғи эшитиларди, холос. Аҳён-аҳёнда дилга гулгула солувчи каклик қичқириғи қулоққа чалиниб қоларди.

Олдинда чопиб бораётган този ит кутилмаганда жойида тўхтаб, алланимадан кўрққандай фингший бошлади. Кейин негадир ортга тисланиб, ангиллашга тушди.

Саидбек буни йўлдан адашганларига йўйди-да, итни тинчитмоқчи бўлиб, олдинга югурди. Энгашиб, унинг бошини силаркан:

— Сенга нима бўлди, Граф? Ўзингни бос, қани, кетдик, кетдик! — дея уни олға ундади.

Яна пастга қараб кетишди. Улкан қоя ёнида дара тугаб, бепоён адирлик бошланарди. Айни шу жойда сўқмоқ йўл худди эртақлардагидек уч томонга бўлинган эди.

Қайси биридан юришни билмай қолдими, този ит рўпарасидаги бир нуқтага жон-сарақ тикилганча, яна гингшиб, ўтириб олди. У алланимадан кўрқиб ваҳимага тушаётгани аниқ эди. Ногаҳон у жон аччиғида ангиллаганча, чап томондаги сўқмоқ бўйлаб ўқдай олдинга отилди.

Нима қилишини билмай, ҳангу манг бўлиб қолган бола итнинг ортидан юришга қарор қилди. Халқ эртақларидаги каби «Борса — келмас» йўлга отланмадиммикин ишқилиб?» — дея хаёлидан ўтказди хавотир аралаш.

Шу пайт кимдир ўзини «Саидбек!» — деб чақираётганини эшитди. Овоз келган томонга қараб, ҳеч кимни кўрмади. Бир дақиқа иккиланиб турган эди, яна ўша товуш энди чўзиб «Саидбе-ек!» — дея чақирди. Ажабо, овоз ит югуриб кетган томондан эмас, аксинча, унга қарама-қарши ўнг сўқмоқ тарафдан келаётганди. Номаълум кимса уни учинчи марта чорлаганида, бола унинг эгасини танигандай бўлди. Ё тавба, бу — отасининг овози-ку?! Саидмансур ака ҳозир Тошкентда, бу ердан қарийб юз чақирим масофада бўлса, бу адирда унинг товуши нима қилади?

Айни шу чоғ Графнинг қаердадир олисда яна жон аччиғида ангиллаганини эшитди-ю, дарров ўша томонга қаради. Не кўз билан кўрсинки, бундан ярим чақиримча масофадаги бутазор ўртасида улкан бир махлуқ — йўлбарсини, бўрими, узокдан аниқ илғай олмади, итни тағига босиб, бўйнига тишларини ботираётганди. Кўрқиб кетган Саидбек ортиқ ўйланиб ўтирмай, ўнг томондаги сўқмоқ бўйлаб югуриб кетди. Бирпасда терлаб, ҳансирай бошлагач, қадамини секинлатиши билан яна отасининг овози дилига гулгула солиб: «Бу ёққа, Саидбек! Тезроқ юр! Кашшофлар оромгоҳи мана бу ёқда!» — дея яна олдинга чорлади. «Дада! Сиз қаердасиз?» — товуш берди Саидбек кўрқа-писа рўпарасига тикиларкан. Лекин саволига ҳеч ким жавоб бермади. Фақат... юз одимча олдинда булутсимон оппоқ алланимани илғади. Тезроқ етиб олиб, уни дурустроқ кўрмоқчи бўлди. Аммо, ё тавба, қанча югургани билан ўзи ва «булут» ўртасидаги масофа мутлақо қисқармаётганди.

«Дада! Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?» — деб сўради Саидбек овозини бандроқ кўтариб. Унга яна ҳеч ким жавоб бермади. Бола пастга югуришда давом этаркан, нигоҳини рўпарасидаги оппоқ «булут» уюмидан узмас, ажабо, кўз олдида у буралиб-эшилиб, отасининг қади-қомати шаклини олаётган эди. Лаҳза ўтмай, у худди қуйиб қўйгандек отасининг гавдасига айланди-қолди. Қадамини тезлатгани сари отаси ҳам тобора узоклашиб бораётгандай туюларди болага.

«Дада! Нега мендан қочаяпсиз? Тўхтанг, ахир, дадажон!» — дея бор овози билан қичқирди Саидбек тобора ҳаяжони ортиб.

Шу тариқа у одамсимон «булут» уюмининг ортидан югура-югура адир этагига, кашшофлар оромгоҳига яқинлашганини ҳам сезмай қолди. Олисданоқ дарвоза ёнидаги қаҳрабо устунлиги ва оромгоҳ ичкарисидаги чароғон чироқларни кўриб, кўнгли сал хотиржам тортди. Лекин яна рўпарасига қараб, бирдан «отаси» дарвоза оша ичкарига кириб кетганини пайқади-ю, яна қадамини тезлатди. Лекин оромгоҳ ҳовлисида чор-атрофга ҳарчанд синчиклаб тикилмасин, уни бошқа кўрмади. Фақат сўнгги дақиқада оромгоҳ раҳбарлари тунайдиган палаталардан бирининг устида оқимтир алланима йилт этгандай бўлди-ю, шу заҳоти кўздан ғойиб бўлди.

Саидбек хонага киргач, ечиниб каравотига ётди-ю, азбаройи чарчаганидан тарашадай қотиб ухлаб қолди. Ҳатто биронта туш ҳам кўрмади. Лекин уни ярим соат ўтмай уйғотишди. Ҳар ҳолда унга шундай туюлди.

Истар-истамас кўзларини очганида, аллақачон тонг отиб, қуёш тоғлар оша бош кўтарган, боланинг тепасида кашшофлар етакчиси Мавжуда она турар эди.

— Тур, Саидбек, кечқурун даданг келганлар, кечадан бери сени кутяптилар, — деди у боланинг жингалак сочларини нозик бармоқлари билан силкитиб қўяркан.

— Нима?! Дадам келганлар?! — ҳовлиқиб кетди Саидбек ирғиб ўрнидан тураркан, тундаги фаройиб саргузаштлари зиммо ёдига тушиб.

Ота-бола кучоқлашиб кўришишди.

— Бормисан, болам? Соғмисан? Омонмисан? — деди Саидмансур ака бамисоли елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, Саидбекка худди шундай туюлди. — Бир йўқлаб кетай деб, кеча кечқурун келувдим, тоққа, овга чиқиб кетибсан. Мавжуда опанг барака топсин, қўярда-қўймай олиб қолди. Анави палатада тунадим, — тунда устида булутсимон алланима йилт этган палата томон ишора қилди отаси, кейин хушчақчақ кайфиятда гапини давом эттирди: — Биласанми, ўғлим, кечаси мен фаройиб туш кўрдим, айтсам, ишонмайсан. Тоғда сен адашиб қолганмишсан. Ёнинг-да бир ит ҳам бор экан. Боз устига, атрофингда баҳайбат бир бўри изғиб юрганмиш. Мен ётган палатамдан учиб чиқиб, тоғдаги дарадан сени излаб топибман. Мен итга дуо ўқиб, бўрини у билан чалғитганмишман-да, кейин сенга йўл кўрсатиб, ана шу оромгоҳга бошлаб келганмишман. Қалай, бу гапларга ақлинг бовар қиладимми, ўғлим?

Отасининг ҳикоясини эшитган Саидбек азбаройи ҳайратга тушганидан турган жойида ҳайкалдек қотиб, тили айланмай қолди. Демак, уни кеча тунда чинданам отаси... Ё фалак!..

Саидмансур ака кулимсираб яна гапида давом этди:

— Биласанми, эрталаб эшитсам, сен чинданам адашибсан, қоровулнинг този итини эса, ростданам бўри ғажиб кетибди... Хулласи калом, сени Худо яна бир асрабди. Э-э, ўғлим, сен билан биз сир-синоатларга тўлиб-тошган дунёда яшаймиз. Инсон зоти уларнинг тагига етиши учун кў-ўп қовун пишиғи бор-ов... — дея гапига яқун ясади отаси.

Саидбек болалигида бўлиб ўтган бу воқеани ҳали-ҳануз унутолмайди. Ўшандаям отасининг руҳи ёрдамида Худо уни бир алқаган эди. Энди-чи? Ҳозиргина кўрсатган туши тимсолида энди у нималарга шама қилаяпти экан?..

Шу пайт эшик тақилаб, отаси Саидмансур ака кириб келди. Негадир у ўта ташвишли қиёфада эди.

— Ўғлим, — деди у салом-алиқдан сўнг, дарҳол асосий гапга ўтиб. — Қайлигинг Назирахон бутун эрталаб бедарак йўқолибди. Агар унинг дарагини билсанг, қаердалигини айт, отаси билан Раҳматилла аканг телефонда кутишяпти.

Саидбек бир зум ўйга толди-ю, дарров бир қарорга келди. Назирахонни яшм тоши билан бирга мафия йигитлари ўғирлашган. Унинг ҳозир қаердалиги йигитга тахминан маълум. Лекин бунинг ҳозир уларга айтса, дарров ўша кўрғончага етиб бориб, тўс-тўполон кўтаришлари тайин. Мафия йигитлари билан эса ўйнашиб бўлмайди. Қон тўкилиши, ҳатто кимдир қурбон бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун бунинг ҳозирча сир сақлайди ва ўзининг алоҳида режаси бўйича иш юритади. Шундай фикрга келган йигит умрида биринчи марта отасига ёлғон гапирди:

— Жуда чакки бўлибди, дада, менинг ҳеч гапдан хабарим йўқ. Лекин уни ўз йўлим билан излашга уриниб кўраман.

— Яхши, ўғлим, уйғотиб юборганим учун узр, — шундай деб, отаси хонани шошилиш тарк этди.

Фавқулодда қурултой

Жами шайтанат дунёси ва Иблисга сифинувчилар уюшмасининг олий ҳукмдори Улуспир ҳайбат фаолларининг фавқулодда анжуманини бежиз чақирмаганди. Ниҳоят, шахсан ўзининг тинимсиз хатти-ҳаракатлари боис бутун дунёни остин-устин қилишга қодир даҳшатли руҳий ва ирсий қурол Марказий Осиёдаги ўта нуфузли тўдалардан бирининг қўлига ўтган, уюшманинг «халиф хизмат» шахобчаларидан бирини бошқараётган бу тўдадан эса, кўп «якши» ишларни кутиш мумкин эди.

Чигал эҳромга тўпланган ажинаю алвастилар, инс-жинслару ёвуз парилар, қора девлару жодутарлар бу гаплардан сал-пал хабардор эмасми, кун тартибига қўйилган масалани вағир-вуғир муҳокама қилишар, худди сафсатабоз хотинлардай бир-бирларининг гапларига қулоқ солмай, нуқул ўз фикрларини уқдириш билан машғул эдилар.

Эҳром тўридаги олтин тахтада одатдагидек қўққисдан пайдо бўлган Улуспир қўлини кўтариши билан ҳаммаёқ зумда тинчиб, бўлмага сув сепгандек жимлик чўккач, ноибларга шахмат тўшамандаги ҳар бир катакка ўтиришни таклиф этди. У ўз иш вақтини ҳаддан зиёд қадрлагани боис ирғиб ўрнидан турди-да, қадини ростлаб, дарров асосий мавзуга ўтди:

— Муҳтарам жаноблар, қадрли жаноби олиялар! Бутунги фавқулодда қурултойимиз кун тартиби: Ер юзи ва уюшмамиз тасарруфидаги бошқа сайёраларда ҳокимиятни узил-кесил қўлга олиш ва онгли мавжудотлар жамиятини янада эркинлаштириш борасидаги чора-тадбирлар. Мен қисқача ахборот бераман. Эътирозлар йўқми?

Умумбашарий демократик тамойилларнинг Коинот миқёсида қанот ёза бошлагани Улуспир ва унинг тасарруфидаги зулмат аҳли фаоллари уюшмасига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган, шу боис Иблис ҳам, гарчанд барча анжуманларда фақат бир ўзи ваъзхонлик қилиб, бошқа ҳеч кимга сўз бермаса-да, ўз ноиблари билан унча-мунча маслаҳатлашиб, керак бўлса, овозга қўйиб иш тутишни ўз таомилга киритган эди.

Лекин у «эътирозлар йўқми?», «овозга қўямизми?» — дея экан, бунинг фирт расмиятчилик, кўзбўямачилик учун айтар, бинобарин, Худо кўрсатмасин, — кимдир қайсидир масалага жиндек эътироз билдирган тақдирда ҳам ўша «касофат»нинг, айни мажлис вақтида бўлмаса-да, пировардида йўқ жойдан айбини топиб, энасини

Учқўрғондан кўрсатарди. Буни яхши билган ноиблар ўз раҳнамоларининг ҳар қандай таклиф ва ғояларини «яқдиллик» билан «бир овоздан» қабул қилишар, у ёки бу масалада баҳслашиш ёхуд бирон муқобил таклиф айтишни эса, ҳатто хаёлларига кам келтиришолмасди.

— Демак, қаршилар бўлмаса, қурултойни очиқ деб эълон қиламан. Яхши биласизлар, камина кўп гапиришни ёқтирмайман, лекин бугун бу тамойилимни бузаман, чунки кун тартибига қўйилган масала ҳаддан зиёд жиддий ва уни атрофлича таҳлил ва муҳокама қилишимизни тақозо этади.

Улуспир ҳамма вақт мажлисни ўз фаолларига ҳужум қилишдан бошлар, ҳар гал уларнинг иш ёқмас, танбал ва тепса-тебранмасликларидан ғазаби ҳалқумига келгудай бўларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Азизлар, биз гарчанд бутун Коинотни ларзага солишга қодир баъзи бир ижодий ишларни амалга оширган, айрим ютуқларни қўлга киритган бўлсак-да, лекин аксарият фаолларимизнинг иш фаолиятида расмиятчилик, буйруқбозлик, палапартишлик ҳали-ҳануз давом этмоқда. Коррупция, қоғозбозлик, бошбошдоқлик кун сайин авж олапти. Бу қандай бедодликки, «сендан угина — мендан бугина» қабилада иш тутмай туриб, кичкина бир ташаббусни ҳам ҳаётга жорий қилиб бўлмай қолди. Бу қандай маҳдудликки, орамиздаги аксарият ҳамкасбларимиз буюк тарихимиз, ўтмишда дунёни титратган улуғ шайтоний аждодаларимиз яшаб ўтишгани билан ифтихор қилиш у ёқда турсин, уларни ҳатто билишмайди ҳам! Бу қандай жаҳолатки, ёшларимиз таълим-тарбиясига умуман эътибор бермай қўйдик. Қачонгача арзимаган ишга ҳам мен бош қўшишим, қачонгача жиндай вазифани ҳам уdda қилолмай, ортингизда қолдирган мағзавани мен тозалаб юришим керак?!

Улуспир бир зум жон қолди. Эҳромда қабристон сукунати ҳужум сураб, шахмат тўшама устида ўтирган зулмат аҳли уюшмаси фаоллари ўз раҳнамосининг маърузасига «қилт» этмай қулоқ солишарди.

Сал ҳовуридан тушган шайтонлар ва инс-жинслар шаҳаншоҳи:

— Энди, азизлар, мен сизларга буюк тарихимиздан бир шингил сабоқ бермоқчиман, — деди-да, шаҳдам одимлар билан тилла тахтига бориб ўтирди. Шу заҳоти эҳром тим қора зулмат қўйнига чўмиб, ноибларнинг рўпарасидаги деворда маҳобатли ойнаижаҳон кўзгуси намоён бўлди.

Ойнаижаҳонда даставвал қоронғулик оғушидаги уммон кўринди; ҳаммаёқ фақат сувдан иборат эди. Сувсатҳи узра Парвардигор яратган икки мавжудот — Оқ Рух ва Қора Рух қанот қоқиб учиб юришарди.

Биринчиси иккинчисига сўз қолади:

— Бунақада зерикшидан тарс ёрилиб ўламиз-ку. Кел, бирон иш қилайлик.

Иккинчиси ҳозиржавоблик билан:

— Мен ҳам зерикиб кетдим. Бошла!... — дейди.

Оқ Рух осмону фалакка қарата илтижо қилади:

— Эй Худо, бизга нур бер!

Шу заҳоти ойнаижаҳон сатҳи кўзни олгудек чароғон нурлар оғушига чўмади.

Қора Рух эса ўз истагини айтади:

— Менга зулматни қолдир!

Шу тариқа Парвардигор тунни ва жами кўзга кўринадиган моддий нарсалар — осмон, ҳаво, ер, сув, ёритгичлар, ҳайвонот ва наботот дунёсини Қора Рухнинг илтимосига биноан яратди.

Кундуз ва ўзига ўхшаган эзгу ниятли руҳларни бунёд этиш билан эса Оқ Рухнинг истагини бажо келтирди. Парвардигор бу ишни ўз қиличи билан тошларни йўниб амалга оширди, охирида фаришта Жабройилни дунёга келтирди.

Оқ Рухга ўхшаган ҳилқатлар кўпайиб кетганини кўриб, Қора Рух ҳам ўзи каби мавжудотларни бунёд этишга жазм айлади. Лекин бу ишнинг уddасидан чиқолмади. Шунда у ярим кечаси Парвардигорнинг қиличини ўғирлаб, тошдан ўзига ўхшаган руҳларни йўниб ясай бошлади. Пичоқни тошга ҳар урганида ёвуз руҳлар отилиб чиқишар, улар худди чигирткалардай кўпайгандан кўпайиб боришарди. Қора Рух уларни ўзига қул қилиб олиб, Оқ Рухдан юз ўтирди. Шунда Оқ Рух қилични тортиб олиб, Парвардигорга қайтариб берди. Ул Зот эса фаришталар ва малоикаларни яратди. Қора Рух бўлса, тунда яна қилични ўғирлаб, биринчи галдагидан ҳам кўпроқ ёвуз руҳларни ясади. Улар эзгу руҳларни йўлдан уриб, бузуқчилик ва бузғунчиликни бошлаб, ўз томонларига оғдириб ола бошладилар. Шунда Оқ Рух уларни қарғади ва шайтонлар деб атади. Ўзидан юз ўтириб, атайин унга қарши иш тута бошлаган Қора Рухга эса, Иблис номини берди. Сўнгра Парвардигордан рақиб ва унинг ўрдасини Ерга ҳайдашини илтижо қилиб сўради.

Парвардигор буюрди: «Иблис! Ўз ўрданг билан Ерга туш!»

Мана шу тариқа Ул Зот Қора Рухни осмондаги тахтидан Ерга бадарға қилди.

Лекин у ўз ихтиёри билан кетишни истамади. Шунда Парвардигор ўз қилчини бериб, унга қарши фаришта Жабройилни жангга жўнати. Аммо Иблис унинг қанотларини олисданоқ куйдириб, уни ўзига яқинлаштирмади. Шунда Жабройил яна Парвардигор ҳузурига қайтиб келиб: «Эй, Худо, уларни ҳайдаш қийин, иккала қанотимни ҳам куйдириб юборишди», — деди. Парвардигор унга яна икки қанот бериб, қайта жўнати. Лекин Иблис яна уни ўзига яқинлаштирмай, ҳайдаб юборди. Қайтиб келган Жабройилга Парвардигор яна икки қанот ва ўзининг дуоибад сўзлари ёзилган қилчини бериб: «Иблис ва унинг шайтонларини чоққилар экансан, Менинг номимдан: «Сиз — шайтонларга лаънатлар ёғилсин! — дегин», — дея кўрсатма берди. Шунда Жабройил ўзининг олти қанотида учиб бориб, Иблис ва шайтонларга Худонинг қарғишини етказди. Шу заҳоти Қора Рух ва унинг ўрдасига қарашли руҳлар осмондан Ерга — кимдир сувга, кимдир ўрмонга, кимдир ботқоқликка таппа-таппа кулаб туша бошлади.

Ойнажаҳон кўзгусида: «Ер юзюда шайтонлар ва инс-жинслар, ёвуз парилар ва алвастилар, қора девлар ва жодугарлар ана шу тариқа пайдо бўлишган», — деган ёзувлар ёзилиши билан фильм тугаб, эҳромда шу ондаёқ чироқ ёнди.

Айни шу лаҳзада тахтидан сакраб тушган Улуспир мағрур қиёфада ноибларига тикиларкан, дона-дона қилиб изоҳ беришга киришди:

— Кўрдингизларки, азизлар, ерлик одамларнинг ўзлари ишлаган бу ҳужжатли фильм ҳулосасига кўра, бутун олам, ер, сув, ҳаво, осмон, ёриткичлар, ҳайвонот ва наботот дунёсининг бари-бари илк пайдо бўлишига бизнинг, ҳа-ҳа, айнан бизнинг аждодимиз — буюк Қора Рух ҳазратлари сабабчи бўлган! Бу билан биз ифтихор қилмай, ким ифтихор қилсин! Бизни, яъни зулмат аҳли салтанати олий мавжудотларини ҳам айни шу ҳазратимиз ўз қўллари билан бунёд этган. Бу билан биз ғурурланмай, ким ғурурлансин?! Лекин лаънати одамзод ўшандаёқ бизга ашаддий душманлигини намоён қилган бўлса, шундан кейин неча миллион йиллардан буён сиз билан бизнинг юзимизга қора чаллаш, ўзимизни ёмонотликқа чиқариш пайида яшайди. Энг даҳшатли жойи шундаки, мана шу лаънати одамзот аждодларимизни Ерга бадарга қилдиргани етмагандай, сиз билан бизнинг буюк бобокалонимиз Қора Рух ҳазратларига тегишли ер, осмон, сув, тупроқ ва жами моддий оламга эга чиқмоқчи бўлади.

Дунёда ҳали биронга дин пайдо бўлмаган даврда ёзилган ўта қадимий ривоят асосида ишланган бу фильмда лаънатилар бизни ёвуз руҳлар деб аташади. Аслида ким ёвуз: бизми, уларми? Албатта, улар! Оқ Рухнинг авлоди бўлмиш одамзот ана шундай тавқи лаънатга лойиқ маҳлуқ: у ҳамиша оқни қора, қорани оқ деб келади. Шунинг учун ҳам биз ҳеч қачон бўш келмаслигимиз, унинг ҳар бир жирканч қадамини пайини қирқишимиз лозим.

Модомики сиз билан бизнинг зиммамизга буюк бобокалонимиз Қора Рух ҳазратлари томонидан ана шундай муқаддас вазифа қўйилган ва ана шундай улкан ишонч билдирилган экан, биз уларни жонимизни жабборга бериб, сидқидилдан адо этишимиз ҳамда улуғ аждодларимиз ишончини оқлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Аммо-лекин... таассуфки, биз ҳалиям бу оддий ҳақиқатни англаб етмадик, ҳалиям лаңдаворлик, ношудлик ва нотавонликка йўл қўймоқдамиз!..

Улуспир қутилмаганда сукутга толди-да, шахмат тўшама устида ўтирганларнинг орасидан кимларнидир қидириб, кўзларини олазарак қилди. Сўнгра қўлини кетмакет учта жойга нуқиб, важоҳат билан буюрди:

— Сен, сен, сен, — ўринларингдан турунлар-чи!

Бизга аввали китобдан яхши таниш кекса инс-жинслар — калласи улкан каламушни, танаси от қуйруғини эслатувчи Муж, кўзойнакли илонга ўхшаш, лекин биқинида калта ёллари бор Нут ва жундор қора мушук қиёфасидаги Яослар шошапиша ўринларидан туришди. Улуспирнинг қаҳру вазабини ва қўл остидаги ноибларини жазолаш бобидаги ақл бовар қилмас кароматларини яхши билганлариданми, улар худди безгак тутгандек қалтирашар, тишлари тишларига тегмас эди.

— Мана, сизлар, камина топширган бениҳоя муҳим вазифани жуда кеч, ҳа-ҳа, ҳаддан зиёд кеч адо этдинглар! Мен сизларга шундай қулай шарт-шароит яратиб бердимки, бамисоли тайёр овқатни офизларингга солиб қўйдим. Уни чайнаб, ютиш қолганди, холос. Лекин одамзотнинг вақт ўлчови бўйича ойлар, ҳатто йиллар мобайнида ишни пайсалга солиб келдинглар. Сизларга ҳатто энг қаттиқ жазоларимдан бири ҳам таъсир кўрсатмади. Шунчалик ҳам латта, шунчалик ҳам безбет ва тепса-тебранмас бўладими инс-жинс дегани?! Шаҳарнинг манаман деган энг кучли тўда раҳбари билан шахсан ўзим шуғулланиб, уни ўша хосиятли тош сирларидан огоҳ этган, бу муҳим ишга Ер юзюдаги энг катта алломаларнинг бирини жалб қилишни кўнглига солган бўлсам, сенларга яна нима иш қолди? Минг лаънат сизларга! Шу кунларингдан ўлганларинг яхши!

Сизларни сўнги бор огоҳлантираман: агар ишни жадаллаштирмасанглар, яна шундай имиллайверсанглар, жойларинг абадул-абад дўзахнинг тўрида бўлади! Буни мен — Қора Рухнинг шонли меросхўри Улуспир жаноби олийлари айтаётман!..

Учала инс-жинс титраб-қақшаб жойларига ўтиришаркан, Иблис энди барча ноибларга мурожаат қилиб гапирди:

— Азиз ҳамкасблар! Биз энди Ер юзи ва тасарруфимиздаги бошқа сайёраларда замона зайлига қараб, одамзотга қарши янги-янги кураш усулларини ўйлаб топшимиз керак. Алмисокдан қолган иш усулларимиз ҳамма вақт кутилган самараларни беравермайди. Бизнинг абадий ва ашаддий душманларимиз томирига болта уришдек ўта масъулиятли ишга ижодий ёндошиш керак, деб камина ҳамма вақт таъкидлаб келаман. Жами доно фикрларим у қулоқларингиздан кириб, бунисидан чиқиб кетади чоғи, биронтангиздан на бирон тузукроқ ташаббус, на бирон маънили таклиф чиқади. Нима учун бу масалада ҳам энг янги, энг долзарб ғоя ва таклифлар ҳамма вақт каминадан чиқиши керак? Унда менга қўш-қўш муовинлару ўнлаб амалдорлар, юзлаб, минглаб ўрдабошилларнинг нима кераги бор? Ҳақиқий шайтон — чинакам ижодкор, буюк даҳолар каби донишманд бўлиши керак! Демокчиманки, керак бўлса, дин ниқобига, керак бўлса, мафия кучлари ёки давлат арбоби қиёфасига киришимиз зарур! Ер юзидаги айрим ҳудудларда турли диний оқимлар ниқобида бошлаган қўпоровчилик ҳаракатларимиз ҳар ҳолда ёмон натижалар бермаяпти. У жойлардаги инсон қиёфасидаги кўпгина садоқатли вакилларимиз — бир жойда ўқиб-ишламайдиган, баловат ёшига етганига қарамай, ота-онасига боқиманда ва гирт бекорчи ёш-ялангларни сеҳр-жоду ва пул воситасида ўз диний гуруҳларига оғдириб, жангари-қулларга айлантираётгани, сўнгра уларни замонавий ҳарбий илмларга ўргатиб, куфр тузумни йўқ қилиб ва ўрнига исломий халифалик тузумини ўргатиш баҳонасида тўс-тўполон бошлаш мақсадида дунёнинг турли оловли нуқталарига жўнатаётгани ҳамда бу муҳим ишда айрим ютуқларни қўлга киритаётганини ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди! Гарчанд жангари-қулларимиз жиддий талафотларга йўлиқаётганларига қарамай, халқаро қўпоровчилик, умуман, террор усули замона руҳига мос келувчи истиқболли йўлларимиздан биридир.

Ер юзида аини шу залворли ишларга камини миннатдорчилик билдиришни истар эдим. Бу ҳамкасбларимиздан ҳар биримиз ўрнак олсак арзийди! Лекин шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, қўпоровчилик ишларини биз кечаю кундуз, ойлаб, йиллаб изчил олиб боришимиз, душманларимизни уларнинг ўз эътиқодлари ва ўз қуролларидан устамонлик билан фойдаланган ҳолда инқирозга юзтубан этишимиз керак. Шундагина биз лаънати одамзотни ўз томонимизга оғдириб, жаҳаннамга тортқилаган бўламиз. Бунинг йўллари ҳақида эса кейинги қурултойимизда бафуржа гаплашамиз. Омон бўлинглар!

Аини шу сонияда қурултой поёнига етганидан дарак бериб, бонг урилиши биланоқ Улуспир шаҳдам одимлар билан тила тахтига бориб ўтирди-ю, тумандай эриб ғойиб бўлди. Шайтонлар ва инс-жинслар, алвасти ва жодугарлар, дев-пари ва ёвуз руҳлар бамисоли елкаларидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, «гурр» этиб ўринларидан кўтарилишди.

Боболар қарори

Еттинчи осмоннинг паға-паға оппоқ булутлар билан қопланган сўлим ҳудудларидан бирида супасимон оппоқ хонтахта ёнидаги оппоқ болишга ёнбошлаб ўтирган нуроний юзли, барваста қомат Шайх Тоҳир ҳазратларининг кўнгли безовта, кайфияти ҳуфтон эди. Худди қўлини узатса етадигандек, тепасида осилиб чарақлаб турган гала-гала юлдузлару кунни кеча тузилган нафис ҳилол Ой ҳам унинг қалбига таскин беролмас, жаннатнинг қадам-бақадам қийғос очилган турфа-туман гулларию чаппар урган ажиб боғлари ҳам дилини ёритолмас эди. Чунки у яқиндагина Коинотнинг махсус алоқа тармоғи орқали Ердан яна ташвишли хабар олган, фоний ҳаёти ўтган дунёда сўнги зурриёдларидан бўлмиш Назирахонга нисбатан лаънати Иблис ва унинг қаттол югурдаклари тагин фитна бошлашган эди.

Инсон ишқ, орзу-ҳавас, бойлик ва дардга шу даражада берилганки, ўн саккиз минг олам тассаруфида бўлса ҳам озлик қилаверади, кўнгли тинчимади. У ўзи машғул бўлган деҳқончилик, санъат, тадбиркорлик, ҳақимлик, ошпазлик, савдогарлик каби соҳаларнинг бирортасидан кутганичалик ҳузур-ҳаловат тополмайди. Чунки у охир-оқибат истаган нарсасини қўлга киритолмаган, у аини шу тарзда яшашда давом этиб, Парвардигор йўлида комилликка интилмаса, ҳеч қачон қўлга кири-

толмайди ҳам. Завқ ва орзулар зинапояга ўжшайди. Ушбу зиналар ўтириб, ҳордик чиқаришга мослашмаган, аксинча, юксалиш учун уларнинг устидан босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказайтган қанчадан-қанча ғофил, хом сут эмган бандалар гала-гала бўлиб шайтон йўлига кириб қолаётгани Шайх Тоҳир ҳазратларининг қалбида чексиз афсус-надоматлар уйғотар, шу боис ҳам фоний дунёдаги кенжа зурриёдларининг келгуси тақдирдан ўта хавотирда эди.

Ана шундай нокас одамлар қизалоғини ҳибсга, гаровга олмиш. Боз устига, ўрта асрларда яшаб ўтган улуғ алкимёгарлар кашф этган ҳикмат тоши ҳам уларнинг нопок қўлларига ўтган. Ё Раб, бунинг нечоғли даҳшатли оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш ҳам ўта мушкулдир. Ўтмиш алломалари ушбу тошни бунёд этишган-у, ўз кашфиётларидан ўзлари кўрқиб кетишган. Ўтмиш, ҳозирги вақт ва келажакни уйғунлаштирувчи, бўлажак воқеа-ҳодисаларни башорат қилиш, ҳатто, керак бўлса, уларни яхши томонга ўзгартириш бобида одамзотга чексиз имкониятлар берувчи ушбу хосиятли тош аини вақтда Иблис хизматидаги ёвуз одамлар қўлида дунёни остин-устун қилишга қодир даҳшатли қуролга айланиши ҳам мумкин.

Ана шундай ўта мураккаб шароитда бирон жиддий чора кўрилмаса, юз бериши муқаррар бўлган мудҳиш ҳодисотларнинг олди олинмаса, фоний дунёдаги башариётнинг ҳолига вой...

Айни шу ўта кўнгилсиз ташвиш-хавотирлари боис Шайх Тоҳир бобо еттинчи осмондаги донишманд зурриёдларидан бўлмиш Шайх Хожа Асрор валий билан мавлоно Тилла Шайх бувани яна ҳузурига таклиф этишни лозим топган, илло, Ергадаги одамлар, хусусан, қизалоқлари Назирахоннинг ҳаёт-мамоти билан боғлиқ мураккаб вазият жиддий кенгашиб иш тутишни тақозо қиларди.

Уфқда бир парча оппоқ булут устида калта чўққи соқол, оппоқ салла ўраб, оқ яқтак кийган набираси Шайх Хожа Асрор билан кумушранг соқоллари кўксига тушган нуроний авараси Тилла Шайх кўринганида Шайх Тоҳир ҳазратларининг кўнгли пича ёришгандай бўлди.

Бир неча фурсатдан сўнг улар хонтахта атрофида давра қуриб, гурунг бошлашди.

Катта бобо фалақдаги энг яқин ва энг донишманд аймоқларидан бўлмиш жаргўшаларига бор гапни аён қилгач, фикрига:

— Хуллас, бу масалада мулоҳазаларингизни билишни истар эрдим, — дея яқун ясади.

Одатдагидек, биринчи бўлиб Шайх Хожа Асрор сўз олди.

— Тақсирим, фикри ожизимча, ҳозир қизимиз кўп мушкул вазиятда қолмиш. Гарчад Назира бонунинг ҳаётига жиддий хавф-хатар йўқ эрса-да, аммо шайтони лаъин ва анинг малайларидан ҳар неки қабиҳ ишлар кутмоқ мумкин. «Улуғ Тангри оламни сўз воситасинда яратмиш ва «Бўл» дейиши билан у ҳам бўла қолди». (Қуръондан). Фоний дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Яхши ёхуд ёмон бўлмоғига қарамай, сўзлар ва алардин тузилгон ҳикоятлар ва билимлар қоладур. Локин шайтон йўлига киргон бандаларга сўздай қудратли кучнинг урвоқдай ҳам таъсири қолмагон. Шул боис биз қизимизни бул танг аҳволдин сўз эрмас, жиддий бир амал воситасиндагина қутқармоғимиз мумкин. Аммо яна бир фикри ожизим бор: магар бу Назира бонуға Парвардигор кўқдин юборгон яна бир синов бўлса ва анинг оқибатини олдиндан билмай туриб, ушбу қалгис ишга аралашмоғимиз нечоғли тўғри бўлур? Эҳтимол, бул синовасинда яхшилиқ мақсудин кўзлар.

— Мулоҳазаларингизда жон бордур, — деди Шайх Тоҳир бобо ўйчанлик билан. — Улуғ Тангри одамзотга гўзал нимарсалар, гўзал шакл ва ҳодисотларни кўрсатади. Алар орасинда ёмонлари ҳам бисёрдур. Буни инсонни синамоқ учун қиладур. Ҳар бир кўрингон нимарса кўринғони каби бўлмағонидек, Назира бону ила боғлиқ ушбу ҳодисотнинг замирида нелар ётгани ҳам фақат Аллоҳнинг ўзиға аён. Модомики биз шул гўшага маслаҳатға йиғилгон эрканмиз, буни ҳам Анинг Ўзи кўнглимизга солмиш. Шул боис қизимизнинг тақдирига аралашмоғимиз фойдадин холи бўлмас, деган ўйдамен.

Шайх Тоҳир ҳазратлари шундай деб, энди авараси Тилла Шайхга савол назари билан қаради. Ҳамон сукут сақлаб ўтирган мавлоно чуқур ўйга толган, одатича, фикр билдиришга шошилмаётганди. Орага оғир жимлик чўккан бўлишига қарамай, баҳс шуурий давом этаётгандай руҳий вазият ҳукмрон, чунки даврада бир-бирларини ҳеч қандай имо-ишорасиз ҳам ботинан тушуна оладиган улуғ донишмандлар ўтиришарди.

— Фикримча, ушбу масалада биз ҳар томонлама чуқур ўйлаб, етти ўлаб бир кесган ҳолда иш юритмоғимиз лозим, — вазмин сўз қотди мавлоно, низоят. — Бирон одамни уйқудан уйғотганларида анинг ҳаракатларинда дунёдин зерикиб, совуғанини пайқамоқ мумкин. Инсон болалигиндан рафлат уйқусинда ўсиб улғаядур.

Ҳеч нимарсадин хабарсиз ва мияси бўш бўлгани учун бола ўсадур, ақли камолга егиши бирлан ўсиш тўхтайдур. Акс ҳолда ҳеч ким ҳеч бир замон ўсмас эрди. Ғафлат соясинда ўсиб-улғайгандин кейин эрса, Парвардигор истар-истамас ани заҳмат ва мужоҳидалар бағрига ташлайдур. Бундан ул биргина мақсудни — инсонни ғафлат ғуборидин ювиб тозаломоқни кўзлайдур. Ана шундин сўнгина киши фоний оламга ошна бўла борадур. Алалхусус, улуғ Аллоҳ жигаргўшамиз Назира бонуга ҳам ўз назарини солиб, турли йўллар билан ани ғафлат уйқусидин уйғотмоққа жазм этган эркан, бизнинг анга кўмак бермоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз, дегон фикрдамен. Бунинг йўллари ҳақинда эрса, жиддий бош қотирмоғимизга тўғри келур.

Шайх Тоҳир бобо уни бош ирғаб тинглади-да, қисқа жимликдан фойдаланиб, суҳбатни давом эттирди.

— Азизларим, одамларнинг ёмонликларига сабр қилмоқ — гўё ўз нопоклигинини аларга суртиб тозалагинг кабидур. Аммо шайтони лаъин аралашгон ишга тоқат қилиб бўлмас, илло, ул нокас инсоннинг абадий душмани бўлиб, ҳамиша ани дўзаҳга етаклаш пайинда яшайдур. Модомики биз бир фикрга келгон, яъни меҳрибон жигаргўшамиз Назира бонуга ёрдам илкени чўзмоқни лозим топгон эрканмиз, энди бунинг усул ва йўллари ҳақинда мушоҳада юритсак...

Оппоқ хонтахта атрофида ўтирган нуроний мўйсафидлар бир лаҳза яна жим қолишди. Улар бамисоли ўзаро фикран суҳбатлашаётгандай ўйчан қиёфага киришган, кўзларидан таралаётган тафаккур нурларини гўё бир-бирлари билан айирбош-лашаётгандай бош ирғашар ёки эътироз маъносидида кўлларини аста кўтариб қўйишарди.

Улар шу алфозда ярим соатча бир-бирларига турли имо-ишоралар қилиб, унсиз гаплашиб ўтиришди. Ниҳоят, Шайх Тоҳир бобонинг юзларига жонланиш, нимадан-дир мамнунлик ифодаси балқигандай бўлди. Шарқ дунёсида шайхларнинг энг қадимий ва энг нуфузли шажараларидан бирининг ушбу муҳтарам бобокалонлари охири-оқибат қандай қарорга келганлари ёлғиз Худогагина аён эди.

— Азизларим, — дея товуш чиқариб гапида давом этди Шайх Тоҳир бобо ниҳоят, чуқур нафас олиб. — Ушбу суҳбатимиз шарофати ила фоний дунёдаги бир воқеа ёдимга тушмиш.

Самарқандда эрдик. Шаҳарда ҳусн бобида тенги йўқ бир гўзал қиз истиқомат қиларди. Ёғий Мовароуннаҳр пойтахтини олиш учун бостириб келиб қамал қилганда, қизнинг: «Оллоҳим, мени зolim душманларнинг қўлига ташлама. Камина би-ламанки, сен буни ҳеч қачон менга раво кўрмагайсен», — деганини эшитдим. Шаҳарни ўққа тутдилар. Халқни ва гўзал қизнинг жорияларигача асир олдилар. Бироқ шунча гўзал бўлишига қарамай, қизга биров тегмади, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Кимда-ким ўзини Аллоҳга таслим этса, Анга чин қалбидан илтижо қилса, бутун офату фалокатлардан омон қолгусидир. Илло, Анинг ҳузуринда ҳеч ким-санинг тилаги беҳуда кетмас.

Илоё, муштипар жигарбандимиз Назира бонуни ҳам ана ўшал соҳибжамол қиз каби Парвардигор ўз паноҳида асрагай! Омин!..

Донишмандларнинг кўкдаги мухтасар суҳбатлари ана шу тарзда якун топди.

Самовий муҳаббат

— Сен учун энди бутунлай янгича ҳаёт бошланади, синглим, — деди Гулшода бону рўпарасида ўтирган Назирага маънодор тикилиб. Қиз индамади. Улар ширмой нон, сут, қаймоқ, тухум, сариёғ, қизил ва қора увидириқ, мева-чевалар билан тўлиб-тошган дастурхон атрофида кечки овқат тановул қилишарди, шу боисми, башоратчи аёлнинг димоғи чоғ, Назира эса, аксинча, совуққон ва паришонхотир кўринарди.

— Сенга нима бўлди? Нега индамайсан? — сўради Гулшода бону қошларини чимириб.

— Нимаям дердим, — жавоб берди Назира маҳзун кайфиятда, — мен шуни яхши биламанки, энди ҳаётимнинг мазмун-моҳияти қолмади.

— Нималар деяпсан? — жаҳли чиқди башоратчи аёлнинг. — Ўйлаб гапиряпсанми?

— Чунки мен севган одамимдан бир умрга жудо бўлдим.

— Лекин сен унинг ўрнига баобрў ва жаҳоншумул қайликка эга бўлдинг.

Назира ўйчан ҳолда чойдан хўпларкан, маъюсона бош чайқади.

— У менга бегона... бутунлай бегона...

— Нега ундай деяпсан? Ҳали уни бирор марта кўрмаган бўлсанг...

— Кўрдим.

Гулшода бону кўзларини катта-катта очиб, қизга ҳайрат билан тикилди.

— Вой ўлай, қачон? Қаерда?

— Тушимда.

Башоратчи аёл дарров ҳовуридан тушиб, мийиғида кулимсиради.

— Шунақа де? Хўш, уни қанақа ҳолатда кўрдинг?

— Юзида қони йўқ... захил... Бирам заҳар экан.

— Хўш-хўш? У сенга нималар деди?

— Ҳеч нарса. Улар севгига мубтало бўлган йигит-қизларни қатл қилдиришаётган экан.

— Ё тавба! Лекин сени огоҳлантирувдим-ку, яхшиям ўша... йигитингдан қутулиб қолдинг...

— Аммо улар Саидбек акамнинг ҳам бошини танасидан жудо қилмоқчи бўлишди.

— Хўш-хўш?

— Лекин бунинг урдасидан чиқишолмади.

— Нега энди?

— Саидбек акамни Шайх Тоҳир бобом қутқариб қолдилар.

Гулшода бону қовоқ-димоғини уйганча, ўйланиб қолди. Кейин:

— Шунақаям туш бўларканми, — деб минғирлади-да, негадир кайфияти бузилиб, истамайгина овқатланишда давом этди. Сал ўтмай, киприқларини кўтариб, яна сўради: — Буларнинг барини чинданам тушингда кўрдингми?

— Нима десам экан?... Буни туш ҳам дея олмайман. Қандайдир муроқабга ҳолатида...

— Саидбек акамни излаб, яшм тошидан фойдаланмабмидинг?

— Йўқ.

— Ундан бир ўзинг фойдалана кўрма!

— Нега энди?

— Бу жуда хавфли. Ёнингда медиум, яъни ёндош оламлар билан воситачи руҳий мулоқотчи одамнинг бўлмаса, танангдан ажралиб чиққан руҳинг борган жойида қолиб кетиши, ҳатто бирон ҳайвонгами, ўсимликками бутунлай ўтиб кетиши мумкин.

— Вой, тавба! Сиз буни қаердан биласиз?

— Уйимда бир эски китоб бор. Араб имлосида ёзилган. Илми калом, тасаввуф ҳақидаги бу китобда фазовий тошлар ҳақида ҳам ғаройиб ривоятлар бор экан. Агар хоҳласанг, профессор келгунича, сенга улардан бирини ҳикоя қилиб беришим мумкин.

— Менга бари бир, — деди Назира унга лоқайд тикиларкан.

— Бўлмаса, эшит, сингилжон, — дея аста ҳикоясини бошлади Гулшода бону. — Жуда қадим замонда Қорабулоқ деган томонда Олтинхон деган бир ота кампири ва Гўзал номли исми жисмига монанд соҳибжамол қизи билан бахтиёр ҳаёт кечиришар экан. Чол-кампир дехқончилик қилар, қиз эса қўли ширин пазандалиги боис уларга овқат пиширар, кейин бир-биридан чиройли кўйлақлар тикар, Коинот тасвири акс этган сержилва палақлар тўқир экан. Бўш вақтларида эса Гўзал Тангри-тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи сой ёқасидаги кенг адирлиқда Олтинхон ота бунёд этган сўлим боғга кириб пинҳона қўшиқ айтар, рақс тушар экан. У бувисидан ўрганган «Чўли ироқ», «Муножот», «Сувора» каби мумтоз ашулаларни шунақанги берилиб, ёниб, юрак-юрагидан айтарканки, чор-атрофидаги қийғос очилган лола, нарғиз, атиргуллар кўйдан маст бўлиб рақс тушишар, дарахтлар, ўт-ўланлар ҳам бамисоли унинг санъатиға мафтун бўлиб, таъзим қилаётгандай аста тебранишаркан. Боғдаги бири-бирдан нафосатли юз турли кушлар унинг энг яқин дўстлари бўлиб, Гўзал қўшиқ бошлаганида, худди мусиқачилардай турфа овозларда унга жўр бўлишаркан.

Тунги пайтларда унинг рақсини осмондан бир юдуз ҳам пастроққа тушиб томоша қилар, қизнинг нафис ва жилагагар ҳаракатларига вобаста чирпираб айланар, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ирғишлаб ўтар, лекин Гўзал унга сираям эътибор бермас экан.

Кунларнинг бирида шом кўнган пайт Гўзал ана шундай дилдан қўшиқ куйлаб, гирдиқапалак айланиб рақс тушаётган маҳалда туйқусдан осмон ёришиб кетганини пайқабди. Юқорига қараб, не кўз билан кўрсинки, фалақдан ҳамма ёққа нур ва учкун таратиб, нўхатдай бир юдуз тушиб келаётганмиш. У шу даражада тез тушаётганмишки, бир лаҳзада олмадай, кейин тарвуздай шаклга кирибди. Туңда ба-ногоҳ иккинчи қуёш чиққандай ҳаммаёқ кумуш янглиғ шаффоф нурлар оғушига чўмибди.

Ниҳоят, юдуз боғнинг қоқ ўртасига қулабди, гумбурлаган овозни эшитган қиз

беихтиёр ўша ёққа интилган экан, кутилмаганда қулоқлари остида навқирон йигит кишининг:

— Унга яқинлашма! Заҳарли нурлари бор!.. — деган хавотирли овози қулоғига чалинибди. Қўрқиб кетган Гўзал таққа жойида тўхтаб, негадир юраги ҳаприқиб:

— Ким гапиряпти? Қанақа нур? — деб сўрабди. Лекин унга ҳеч ким жавоб бермабди. Қиз қўрқа-писа яна боғ сари жилган экан, овоз яна такрорланибди:

— Тўхта деяпман! Ярим соат сабр қил! Нур тарқалсин, кейин борасан!

— Боққа нима қулади ўзи? — яна сўрабди қиз пича дадиллашиб. Унга жавобан яна ҳеч ким гапирмабди. Бундан жаҳли чиққан Гўзал: — Бор-е, нур ҳам заҳарли бўларканми?! Боғимизга нима тушганини мен барибир кўришим керак, — дебди-да, ўжарлик билан олға ингилибди. Шунда ҳалиги овоз асабий оҳангда таҳдид қилишга ўтибди:

— Ҳой, қиз! Сўнгги бор огоҳлантираман: тўхта! Оқибати жуда ёмон бўлади!..

Гўзал қўй йилида турилган, шунинг учун жудаям ўжар экан, энди ғойибдан келган овозга ҳам эътибор бермай, боққа қараб югургандай одимлаб кетибди.

— Тўхта! Тўхта деяпман! Нега гапимга ишонмайсан?.. — саросима аралаш бақиршига тушибди «овоз». — Агар у ерга борсанг... тил тортмай ўласан!.. Атиги ярим соат сабр қилишинг мумкин-ку, ахир?!

Қиз бу гапдан кейин сал ҳайиққандай бўлибди, негадир энсаси қотиб, «уф» тортганча, яна тўхтабди.

— Мумкин. Нега мумкин эмас экан, — дебди у жеркиниб. — Лекин сиз кимсиз ўзи? Қиз бола бошим билан, мана, сизга юзма-юз чиқиб турибман. Сиз нега беркинмачоқ ўйнайсиз?..

«Овоз» энди ўйчан ҳолда жавоб берибди:

— Нима десам экан?... Қисқаси, мен сени севиб қолганман, эй гўзал!..

— Исмимни қаёқдан биласиз?

— Ё Раб! Исминг Гўзалми? Жисмингга монанд экан!

— Менга қаранг, — дебди қиз баттар жиғибийрон бўлиб, — майнавозчиликни бас қилинг! Ҳозир отамни чақириб чиқсам, сизни ернинг остидан бўлса-да, топиб, нақ кунингизни кўрсатади!

— Бунинг иложи йўқ, — дебди «овоз» тушқун кайфиятда. — Мен кўзингизга кўринолмайман.

— Нега энди? — сўрабди қиз шаҳдо кўзларини товуш келган томонга қадаб.

— Чунки мен — руҳман!

— Руҳман? — ҳайрон бўлибди Гўзал. Қиз бунинг нималигини отасининг ер-сув эгалари, жами ўтганларнинг руҳи покларига бағишлаб дуо ўқишлари орқали унча-мунча биларкан. Шунинг учун тап тортмай сўрабди. — Кимнинг руҳи?

— Осмондан ҳозиргина боғингизга тушган анави... фазовий тошнинг руҳиман.

— Ё тавба! — баттар энсаси қотиб, қўлларини ёзибди Гўзал, кейин жаҳолат отига миниб, яна ҳужумга ўтибди: — Ҳой йигит! Сиз кимни лақиллатмоқчисиз? Тошнинг ҳам руҳи бўларканми? Ҳазил ҳам сал эви билан-да. Қиз боладай беркиниб олганингизга ўлайми?! Инингиздан чиқсангиз — чиқдингиз, йўқса ҳозир отамни чақираман!..

— Фойдаси йўқ, эй Гўзал! Заҳарли нур фазога тарқалгач, тошнинг ёнидагина менинг сувратимни кўришинг мумкин. Ҳа-ҳа, фақат сувратимни!..

— Ярим соат ўтди-ку, кетдик бўлмаса! — дебди қиз шаддотлигидан қолмай.

— Йўқ, ҳали пича бор. Фурсатдан фойдаланиб, сенга ўзимни таништирай.

— Икки қулоғим сизда, — дебди Гўзал истеҳзо билан ёқут лабларини буриб қўяркан.

— Киноянгни йиғиштириб, гапимга жиддий қулоқ сол, эй Гўзал! Камина Коинотнинг сизлар Сомон Йўли деб атайдиган минтақасидаги олис сайёрадан ташриф буюрганман. Отам — сизларнинг тилингизда айтганда, ўша сайёрадаги йирик бир мамлакатнинг подшоси ёки президенти. Бизда ҳаёт тамомила ўзгача. Лекин мен ҳозир бу ҳақда тўхтамоқчи эмасман. Сизларнинг вақт ҳисобингизда ўн саккиз ёшимда отам мени уйлантириш пайига тушиб қолди. Лекин бизда келин-куёвўртасида чинакам муҳаббат уйғонмаса, уйлантиришмайди. Гарчанд мен балоғат ёшига етган бўлсам-да, лекин ҳалиям асл маънодаги севиға дуч келмагандим. Севги — бу умумқоинот миқёсидаги тушунча бўлиб, фалақдаги жами олий онг эгалари учун бирдай илоҳий ва буюк мазмун-моҳият касб этади. (Бизда ҳатто муҳаббат меъёрини ўлчаш хусусиятига эга махсус асбоб ҳам кашф этилган, лекин у қалб ва юрак иши, севгини ҳар қандай асбоб ёрдамида ўлчашга интилиш ғирт маънавиятсизлик эканлигини эътиборга олиб, пировардида ундан буткул воз кечилганди). Хуллас, отам ҳадеб уйланишга даъват этар, мен эса севгимни тополмай ҳалак эдим. Ниҳоят, бадавлат бир одамнинг қизини севиб қолдим, деб ўйлаб, унга уйландим. Лекин ора-

дан бир ой ўтмасданоқ бу сароб бўлиб чиқди. Орамизга тушган совуқчилик туфайли келинчак уйимизни тарк этишга мажбур бўлди. Бир ой ўтгач, яна уйландим. Бунга ҳам кўнгиш қўйдим деб, ўзимни ўзим алдаман. У билан ҳам ажралишдим. Орадан икки ой ўтгач, яна... Хуллас, уйланиб — мен чарчамадим, тўй қилиб — отам толмади. Бу орада дастлабки хотинларимдан алақанча фарзандлар ҳам туғилди. Улар бари каминанинг пушти камаридан дунёга келган, чунки мен ҳар бир хотиним билан расман никоҳдан ўтиб, атиги бир ой яшар, лекин ундан ортиғига чидай олмас эдим. Шу тариқа бир-икки йил мобайнида тўрт нафар хотинга уйланиб, уларнинг барини фарзандлик қилиб қўйдим. Шунга қарамай, улар бари менга бегона эди.

— Оббо хотинбоз-ей! — дебди бу тутуриқсиз гаплардан тоқати тоқ бўлган Гўзал, ғазаб билан унинг гапини бўлиб. — Ўз сайёрангиздаги аёлларни жувонмарг қилганингиз етмагандай, энди кўнгиллари ерлик қизни тусаб қолибди-да?! Вой савил-ей!..

— Нималар деяпсан? Гапимга охиригача қулоқ сол, эй Гўзал! — ғойибдан келётган овоз соҳибининг ҳам асабийлашганини пайқаш қийин эмас эди. — Хуллас, мен ҳақиқий севгимни тополмай, азбаройи сарсон бўлганимдан савдойи бўлиб қолаёздим. Пешонамга қандай тавқи лаънат, қандай қисмат ёзилган эканки, бу ёруғ оламда муҳаббат нелигини англолмай ўтсам. Эй Гўзал, бизда: ҳар қандай олий онг эгаси севиш ва севилиш учун яратилган, жами олий мавжудотлар ана шу буюк туйғу орқалигина Парвардигор висолига етишишлари мумкин, деган ақида бор. Шу сабабли ҳам ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўлида энг суюкли ёрини тополмаслиги — ўтакетган шармандалиқ ҳисобланади. Бундайлар охир-оқибат ўзлари яшаб турган жамиятдан бош олиб чиқиб кетишга, тарки дунё қилишга мажбур бўлишади. Хуллас, камина ҳам қарийб шундай аҳволга тушдим. «Қарийб» дейётганимнинг боиси — мен тарки дунё қилишга эмас, ўзимни тўлиқ илмга бағишлашга қарор қилдим...

Ёндош олам дарвозаси

— Шунақаям бетайин, шунақаям калтафаҳм ва жоҳил бўладими одам, — кескин унинг гапини бўлибди Гўзал азбаройи нафратининг зўридан зўрға ўзини босиб. — Қўша-қўша хотину фарзандларни орттириб қўйиб, илмга бало бор эканми энди?! —

— Шошилма, эй Гўзал! Бизда фарзандлар сизлардагидай оилада боқиб-тарбияланмайди. Бунинг учун махсус ўқув-тарбия уйлари бор. Шу боис фарзандларим учун ташвиш чекмасанг ҳам бўлади.

— Вой савил-ей! Мен нега ташвиш чекишим керак экан?! — баттар жиғи-бийрон бўлибди Гўзал.

— Ҳовлиқма, эй Гўзал! Хуллас, мен ўқувюртида Коинот жуғрофиясига, айниқса, сизлар истиқомат қиладиган сайёрага жуда қизиқар эдим. Ёлғиз одам сизгадиган само кемасига ўтириб (сизлар шунга ўхшаган кемаларимизни «учар ликопча»лар ёки номаълум учар жисм — НУЖлар деб атайсизлар), Ерга қараб учдим. Бизнинг кемаларимиз учун масофа деган тушунча йўқ, улар плазма ва фотон двигателлари ёрдамида вақт ва фазода санокли дақиқаларда миллионлаб ёруғлик йилига тенг масофаларни босиб ўтишади. Хуллас, сайёрангиз меҳвари атрофида чарх уриб айланарканман, кемамдаги митти устурлаб (телескоп) орқали Ер сайёраси юзасини обдон ўрганишга киришдим. Сўнгра Ерга яшовчи олий тафаккур эгаларини тадқиқ этишга қарор қилдим. Ана шундай кунларнинг бирида пурвиқор тоғлар этагидаги манави жаннатмисол боғга кўзим тушиб қолди. Не кўз билан кўрайки, боғ ўртасидаги гулзор яланглиқда фариштасифат бир гўзал қўшиқ айтиб, рақс тушар, унга набототу ҳайвонот, гуллару булбуллар, паррандаю даррандалар — борлиқ табиат бамисоли жўр бўлаётгандай эди. Мен дарров устурлабга ёпишиб, унинг ойнаи жаҳон кўзгусига уланган бошқарув мурватини бурадим. Шу заҳоти кўзгуда бутун вужуди билан товланиб-эшилиб жавлон ураётган гул яноқли ҳур бир паризод намоён бўлди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уни кўриб, ҳушим бошимдан учаёзди.

— Ҳай-ҳай-ҳай! — кинояли пичинг қилибди Гўзал қўлини паҳса қилиб. — Иштаҳангиз карнай бўлмай ўлсин-а! Ҳе, ўша нафсингизни бурга чақсин-а! Бизда нафси бузуқ — тўйда ўлар, деган мақол бор. Ана шу мақол айнан сиздақалар учун айтилган кўринади.

— Бас қил, эй Гўзал! Бу ерда гап нафс ҳақида бормаяпти! Асло! Ана энди суҳбатни самовий тошнинг олдида давом эттиришимиз мумкин. Кетдик!

Қиз афтини буриштириб, истамайгина «овоз»нинг ортидан эргашибди.

У боғ ўртасидаги гулзор ялангликка етиб келганда, не кўз билан кўрсинки,

бўйламаси йигирма газча келадиган доира ичидаги ер ўйилиб ётар, ундаги жами гулу ўт-ўланлар куйиб кулга айланган, ўртада эса тарвуздай силлик, антиқа бир қора тош ётарди. Тош қора эди-ю, лекин унинг ҳар нуқтасида минглаб ўзга ажойиб ранглар жилва қиларди. Ҳар бир рангнинг ўзида юз хил нақшлар бордай эди. Унинг бу нақш ва рангларидан ақл хабардор эмас, тафаккур уни мушоҳада этишга ожиздай туюларди. Чунки у ақл билан идрок қилишдан устун турарди.

Тошни кўриб ҳайратга тушган Гўзал унга бутунлай маҳлиё бўлиб қолибди. Шунда пайт қизнинг кўз ўнгида мўъжиза юз берибди. Тошнинг ёнида худди кўзадан чиққан жиндай чиройли бир ёш йигит пайдо бўлибди. У шу даражада келишган, шу даражада хушқомат ва хушбичим эканки, ҳар қандай одамни бир кўришдаёқ ўзига оҳанрабодек ром қилиб оларкан. Қалам қошлари ҳилолдек эгилган, катта-катта кўзларидан алақандай ёниқ нур таралар, пешонасига тушган жингалак сочлари зуқдек товланарди.

Қизнинг руҳиятида фавқулодда нимадир кескин ўзгаргандай бўлибди.

— Ҳикоямнинг давомини эшит, эй Гўзал, — дебди йигит ҳаяжон билан кўзларини чақнатиб.

— Қулоғим сизда, — дебди қиз мулоимлик билан. У нотаниш йигит нигоҳи таъсириданми, буткул бошқа одамга айланган, сўзамол ва шаддотлигидан асар ҳам қолмаганди. «Йўқ, у бежиз қайта-қайта уйланмаган. Қурмагур, унинг ҳар қандай аёл жонига ўт тушириб, телбаваш асири нотавонга айлантириб қўядиган сиёқи бор», — дея ҳаёлидан ўтказибди Гўзал, йигитга очиқдан-очиқ завқ-шавқ билан тикиларкан.

— Хуллас, ўша қизни, яъни сени кўрдим-у, илк бор кўнглимда буюк бир туйғу — ишқ учқунлади. У менга қон каби кириб, бутун вужудимни қамраб олди. Ўша дақиқаларда тун мен учун осмонда бахт пардаларини ёйди, ҳар ёнга думли юлдузлардан мушаклар отди. Фалак бамисоли айланишдан тўхтаб, тоғ каби ўрнидан теб-ранмай қолди. Чарх севги аҳлига меҳр-мурувват кўрсатиб, тоғ-тоғ қувончларни ижод этарди. Тўлин ой ҳам кўкдан қумушранг нурлар сочиб, каминани илк севгим билан муборакбод этаётгандай эди. Ишқ жисму жонимга ўт ёққан, бу ўт нафасимдан бамисоли дуддай самога ўрлар эди.

Сен қўшиқ айтиб, рақс тушардинг-у, кўнглимдаги муҳаббат алангаси тобора кучлироқ ловулар эди. Ҳусну латофатда сен тенгсиз, балки бир қултум сувбилан ютгудек сўлим ва гўзал эдинг.

Сен минг йиллик тарихга эга қадимий қўшиқни куйлар эдинг. Унда одамзоднинг минг йиллик дард-алами, ғам-ташвиши ва изтироблари, севинч ва фарёдлари тажаллийсини топганди. Сен қўшиқ айтар эдинг-у, қалбинг, борлиқ вужудинг йиғлар, бунақа овозни ва бунақа куйни мен умрим бино бўлиб ҳечам эшитмагандим. Ашудланганда бирорта сўзни тушунмасам-да, лекин сенга қўшилиб мен ҳам йиғлардим. Кўз олдимда бепоён сахро гавдаланар, ялт-ялт қилаётган тақир ерлар тарам-тарам бўлиб ёрилиб кетган, кейин қум барханлари силсиласи бошланар, бутун олам фақат қумликлардан иборатдай туюлар эди. Ана шу қум барханлари оша туялар қарвони оҳиста олға жилар, туялар устида ўтирган ва уларнинг ёнида бораётган одамлар юзларигача ўраниб олишган, бўридай «ув» тартаётган дашт шамоли уларнинг эгни-ларидаги чопонлари барини тортқилаб ўйноқлар, ўзларини кўз очиргани қўймас эди. Туялар қарвони ўртаридаги нортуя устига маҳкамланган тилларанг айвончада соҳибжамол бир нозанин ғам-андуҳга тўла нигоҳини рўпарасидаги бир нуқтага қадаганча, сукутда ўтирар, мунгли қиёфасидан жуда олисда қолиб кетган суюкли ёри ҳажри хаста юрагига ўт пуркаётгани англашилар эди...

Шу тариха мен ойнаи жаҳондан кўз узмай, борлиқ вужудим нигоҳга айланиб сени томоша қилар, сел бўлиб қўшигингни тинглар эдим. Ва шу аснода ўз севгимни, ниҳоят, олис ўзга сайёрадан топганлигимга имон келтирдим.

Қўшиқ тутаганда мен анчагача қарахт бўлиб, ҳайкалдек қимирлай олмай қолдим. Кемада фақат жасадим ўтирар, руҳим, жону жаҳоним сен билан бирга эди.

Анча ўзимни босиб олганимдан сўнг кемани зангори сайёра меҳвари атрофида айлантирарканман, энди сенинг висолинга қандай етишиш ҳақида бош қотира бошладим. Фожиа шунда эдики, мен сизларнинг сайёрангизда яшай олмасдим, сен эса — бизникида... Чунки сизлар нафас оладиган асосий газ — кислород, бизлар учун — захар ҳисобланади. Ваҳоланки, бизнинг нафас тизимимиз сизлар учун захар саналган фтор газига мослашган эди. Умуман, ўртамизда қандайдир жисмоний яқинлик, жинсий маънодаги висол ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Лекин мен руҳан сенга интилар, оташ ишқингда тану жонимдан воз кечган, ақлу ҳушим, иймону эътиқодимдан ажралган эдим.

Ер деб аталмиш сайёра атрофида соатлаб, ҳафталаб, оилаб парвонадай чарх урарканман, камина ўз мудҳиш қисматим сари узлуксиз яқинлашиб борардим. Ме-

нинг фикру зикрим, ўю хаёлимни фақат бир нарса — қандай бўлмасин, сен билан ёнма-ён яшаб, сен билан ёнма-ён нафас олиш истаги банд этган, бу — шундайин залворли, шундайин маҳобатли истак-хоҳиш эдики, у кўз олдидан бамисоли дақиқа сайин жонланиб, катталашиб, нафақат курраи заминни, балки борлиқ жумла-жаҳонни тўлдириб бораётгандай эди. Бу ҳадсиз истагим олдидан ҳатто жами ўн саккиз минг олам ҳам кўз илғамас митти бир нуқтага айлангандай эди. Қайғу-мусибатим дам сайин орби бораркан, камина Яратганга тўхтовсиз нолаю илтижолар қилардим: Ё Раббим! Мени нималар қилиб қўйдинг? Тинчлигу оромимни бузиб, Ишқнинг мўъжизавор юзини кўрсатдинг, жаҳаннамдек лóвуллаётган юз минг ўт ичра ташладинг! Кўнглимга аввал равшан қуёшни кўргизиб, кейин уни яширганча, тубсиз ғам-ғусса жарига улоқтирдинг! Қайғу-алам дўзахининг дуди оламни тутиб кетди. Ё Парвардигор! Қандай машаққатли қисматни бошимга солдингки, оху фивоним етти фалакка бориб чирмашди.

Ниҳоят, сизларнинг вақтингиз билан роппа-роса қирқ кеча-кундуздан сўнг оҳ-нолаларим Худога бориб етди. Бу пайтда мен ўзимнинг бир кишилиқ самовий кемада метеоритлар галаси орасидан учиб бораётгандим. Мана, рўпарамда Тангри Тоғдай улкан бир метеорит пайдо бўлди. Лаҳза ўтмай, унинг ён-атрофларида ҳам қорамтир-қизғиш рангдаги яна бир неча «тоғ» ва «қоя»лар кўринди. Кемамни на хавфсиз томонга буришининг, на ортга қайтаришининг иложи бор эди. Очиғи, буни ўзим ҳам истамасдим. Ваҳоланки, мен ўтирган кема қаршимдаги ҳайбали тоғ «чўққи»лари олдидан чумолидек ҳам келмасди. Хуллас, у ақл бовар қилмас тезликда ўша «қоя»ларнинг бирига зарб билан бориб урилди-ю, чил-парчин бўлиб портлаб кетди. Унга қўшилиб менинг жуссам ҳам митти заррачаларга айланганини туйдим. Рухим эса... Мен ҳали Парвардигор руҳимга қандай қисмат тайёрлаб қўйганидан беҳабар эдим. Ним қоронғу ва узун қувур бўйлаб учиб борарканман, тўғримда яна бир фазовий тош пайдо бўлди. Тарвуздай ҳажмдаги бу қорамтир само жисми ўзидан аллақандай кўзни олғудек кумушранг нур таратар эди. Унга тобора яқинлашарканман: «Нима бало, руҳим ҳам кемам сингари чил-парчин бўлади чоғи», — дея кўнглимдан ўтказдим-у, лекин бунга ҳам парво қилмадим. Ногаҳон тезлигим ўз-ўзидан камайиб, нури қора тош... ичига кира бошлаганимни ҳис этдим. Ё тавба! Камина шу топда тамомила ўзга бир оламга ўтаётганимни пайқадим.

Лаҳза ўтмай, мен фақат биргина яшил ранглар билан чулганган улкан шаҳар осмони узра учиб борардим. Кейин яшиланг далалар, салдан сўнг яшиланг ўрмонлар ва тоғлар силсиласи бошланди. Дастлаб, мен ўлганман-у, нариги дунёга келиб қолдим шекилли, деб ўйладим.

Сомон Йўли юдузлар буржидаги бизнинг сайёраимизда алвон ва қорамтир ранглар ҳукмронлик қилади. Осмон ҳам, шаҳар-қишлоқлар ҳам алвон рангда, фақат уммон ва дарёларгина қорамтир тусда. Бу ерда эса ҳаммаёқ ўзларинг қамашадиган даражада ям-яшил, осмон ҳам мовий рангга бўяб қўйилгандай кўм-кўк эди.

Бир маҳал кўз олдидан менга ниҳоятда таниш манзаралар намоён бўла бошладди: тўшларига оппоқ қордан гиламлар тўшалган пурвиқор тоғлар силсиласи, тоғ этагидаги жаннатмакон боғ, боғ ўртасида жавлон уриб рақс тушаётган фаришгасифат соҳибжамол қиз... Мен буларнинг устига яшин тезлигида яқинлашаётгандим...

Ниҳоят, руҳим кирган тош осмону фалакни кумушранг нур ва учқунлар билан чулғаб, боғнинг қоқ ўртасига қулаб тушди. Айни шу чоғ ер-кўкни ларзага келтириб, гумбурлаган овоз эшитилди. Юдузлар чарх уриб, фалак ноҳос айланишдан тўхтагандай, маҳобатли тоғлар даҳшатли зилзиладан силкиниб кетгандай бўлди.

Шу топда мен чексиз куч-қудрат соҳиби — Парвардигорга ҳамду санолар ва тасаннолар айтар эдим. У нолаю илтижоларимни инобатга олиб, мени Ерга, сенинг ҳузурингга йўллаган, лекин айни вақтда, шафқатсиз жазолаган эди. Фарзандларимни тирик етим қолдирганим, хотинларимни зор қақшатиб ташлаб кетганим учун айни шу гуноҳлар боис ўта тубанашиб кетган руҳимни энг паст табақадаги «мавжудот» — тошга раво кўрган, ҳар қандай руҳ ҳаётининг энг ибтидоий даврига қайтарган эди. Қуёшдай ярқ этиб чиққан фазовий севгим учун бундай бениҳоя улуғ мукофот ва оғир гуноҳларим учун бундай мукамал жазо буюришга фақат Унинг Ўзигина қодир ва фақат Унинг Ўзигина сабабчи бўла олади. Ё Раббим! Ўн саккиз минг оламу улардаги барча мавжудотларнинг Яратувчиси фақат ўзингсан! Фақат Сенгина мангу барҳаётсан, бошқа ҳамма нарсалар ўткинчи, омонат!..

Улуғ Тангрининг мукофоти шундан иборат эдики, камина суйган ёримни кунда бўлмаса-да, кун ора кўриш, унинг гўзаллигидан баҳра олиб яшаш имконига эга бўлгандим. Унинг жазоси шундан иборат эдики, жисмимни у фазовий тошга айлантирган, шунинг учун ерликлар: «Кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ», — деганларидай, ишқимдан руҳан завқ-шавқ олишим мумкин-у, лекин ёрим васлига етиш мен учун қатъий таъқиқланган эди. Эшитаяпсанми, эй Гўзал, мен ўз масканим — тош қаъридан

чиқиб, сенга соядай эргашиб юришим, гул яноқли оразинг, гулгун жисминга юз бора мафтун бўлиб, сендай сарвқомат дилбарни яратган Худойимга мингдан-минг тасаннолар айтишим мумкин, лекин зўлматдай қоп-қора сочларингни силаш менга ҳеч қачон насиб этмайди, гайб сирларидан нишон берувчи ёқут лабларинг хаста жонимга манбаъд малҳам бўлолмайди, ҳижрон кўйида, ишқинг оташида жавлон уриб, яхлит бир хилқатга айланиши мумкин бўлган жисму жонимиз аро муҳаббат шамини ёқини ҳам тақдир бизга ҳеч вақт раво кўрмайди!

Боғингга тушган анави қора тош ва фазовий севгим тарихи ана шундай, эй Гўзал! Сенга оташ ишқим, бор гуноҳларим ҳақида ҳеч нарса яширмай, очиқ-ойдан сўзлаб бердим. Ана энди ўзинг айт: мен сенинг пок севгингга муносибманми?

Фаройиб ҳикоясига шундай яқун ясаган ўзга сайёралик йигит ёниқ кўзларидан аллақандай қизғиш нур таратганча, ерлик соҳибжамол қизга савол назари билан тикилибди.

Бу ривоятдан ҳайрону лол қолган Гўзалнинг қалбига ҳам севги учқуни қўр ташлаган, у дақиқа сайин тобора кучлироқ ловулар экан. Гул атрофида айланиб-ўргилаётган булбулдай йигитга маҳлиё бўлиб, тили калимага келмай қолибди. Катта-катта кўзларидан таралаётган қатла этувчи қизғиш нурлар кишини ўлдираман, деса, ҳайрат, ҳаяжон ва саросима аралаш муҳаббат ила лиммо-лим чақноқ нигоҳи қайтадан жон киритаман, дермиш. Ҳуснининг шуъласи қизнинг жону ҳаёжонига ўт солса, йигитнинг жисму жонидан қиз кўксига оташгоҳ нафаси уфурармиш.

Хуллас, ишқи ва куфр ишлари боис руҳи само тошига мустажоб этилган ўзга сайёралик йигитни жону дилдан севиб қолган Гўзал кўп ўтмай хасталаниб, ётиб қолибди. Ота-онасининг кўрсатмаган табиби, даволатмаган ҳакими қолмабди. Олтинхон отанинг унча-мунча илми нужум билан шуғулланадиган, юлдузлар ҳаракатига қараб яқинларининг тақдирини айтиб берадиган бир биродари бор экан. Кампири билан маслаҳатлашиб, ўша биродари ёрдамида қизининг тақдирини текшириб кўришга қарор қилибди.

...Оппоқ сала ўраб, эгнига оддий бўз чопон кийган мунажжим ота қизга синчковтиқиларкан, унинг билак томирини ушлаб кўриши билан сесканиб кетибди.

— Ёпирай! — дебди у ҳайрат ва ҳаяжонда пешонасига тер сизиб. — Қизингизнинг орқасида кучли одами бор экан. Ниҳоятда кучли, кўраяпсизми, мендан тер қўйиб кетди — ўша таъсир ўтказяпти. Лекин у бу ерлик эмас, жуда олис... хориждан. Унинг ишқ оташи қизингизни куйдириб юбораёзиди. Гўзалхон ҳам ёқтириб қолган уни...

Олтинхон ота биродарининг бу гапларини жиддий қабул қилмай, тоқатсизланиб сўрабди:

— Нималар деб алжираяпсиз? Қанақа ишқ оташи? Тўғриси гапиринг, дўстим, бизга нима маслаҳат бера оласиз? Қизимизнинг касалини даволаса бўладими ўзи?..

Мунажжим «бўлади» дейишга энди оғиз жуфтлаган экан, бирдан кўзлари олайиб, худди қайт қилмоқчи бўлаётгандай қаттиқ ўқчий бошлабди.

— Б... билмадим, ошна... Д... даволаш қийин-ов... — дейиши билан яна ўзига келибди. Лекин унинг фавқулодда алланимадан чўчиб қолгани сезилиб турар, қизга энди захарли илондай кўрқа-писа тикила бошлабди. Кейин тезгина ўрнидан туриб, ташқарига отланаркан, Олтинхон отани ҳам сирли бир тарзда ортидан юришга имлабди.

Улар дарвозагача индамай боришибди. Ташқарига чиққанларидан кейингина биродари юрак ютиб, хавотирли қиёфада сўз қотибди:

— Қизингизнинг олдида тўғри гапни айтолмадим, орқасидаги одами мени бир балага йўлиқтириши тайин эди.

— «Одами» деганингиз ким ўзи? Сизга нима бўлди, оғайни? Нега бунча қўрқиб кетдингиз?

— Э, секинроқ, ошна, — дея овозини пасайтириб, қўл силтабди мунажжим. — «Одами» деганим — ўтган аждодлардан бировининг руҳи ёки муаккил бўлиши мумкин. Лекин қизингизнинг одами бўлакча. Нима десам экан? Жуда... тажовузкор, ҳатто ёвуз дея оламан. Мен бир нарса аниқ билдим, ошна: у қизингизнинг соғайиб кетишини истамайди!

— Йў-ре, — дебди Гўзалнинг отаси саросима ва паришонхотирлик билан қовоғини осилтириб. — Раҳматли боболаримизнинг бундай қилишларига сира ақлим...

— У — боболарингиздан эмас, ахир! — фифон бўлиб унинг қулоғига шипшибди мунажжим, олазарак қиёфада дарвоза орқали ичкарига нигоҳ ташлаб қўяркан. — Айтдим-ку, у жуда олисдан ташриф буюрган.

Олтинхон ота биродарига энди шубҳа аралаш хавотир билан тикилибди: «Эси

жойидами унинг? Нималарни алаҳсираяпти? Ё кеча-кундуз юлдузлар билан шуғулланаверганидан... томи кетиб қолдимикин?»

Дўстининг ўзига худди ойнаи жаҳонга тикилган эчкидай қараётганини кўрган мунажжимнинг аччиғи келибди.

— Хотиржам бўлинг: эсим жойида! Боягина сиз мендан қизимни даволаса бўладими, деб сўрагандингиз.

Олтинхон ота бош ирғабди.

— Балли, ошна, ўшанда сизга, бўлади, деб жавоб бермоқчи эдим, лекин шу заҳоти алақим темирдай панжалари билан бўғзимдан олди. Роса ўқчиб, қайт қилиб юбораёзганимни ўзингиз ҳам кўрдингиз-ку? Билмайман, дейишим билан қўйиб юборди.

— Хўш-хўш? — сўрабди қизнинг отаси сабрсизлик билан биродарининг оғзига тикилиб. — Демак, бу билан ўша руҳ ёки муаккил қизимнинг ўлимини истайди, демоқчимисиз? Бу аҳмоқона гапга наҳотки биров ишонади, деб ўйлайсиз?

— Ҳар ҳолда ўша зот, ошна, қизингизнинг соғайиб кетишини истамайди.

— Агар чиндан шундай бўлса, минг лаънат унга! Хўш, Гўзални даволаш учун нима қилайлик?

— Уни... кучли домлага ўқитиш керак...

— Ҳақимларга даволатавериб, дуохонларга ўқитавериб, тинкам қуриди-ку, ахир!..

— Демак, кучлари етмаган... Янаям кучлироғини топиш керак, ошна!

— Сизга яна бир гапни айтиб қўйишим керак, дўстим, — дебди Олтинхон ота, алланима ёдига тушгандай қошларини чимириб. — Назаримда, қизимнинг ўзиям сира даволанишни истамаётгандай... Дори-дармонларга қарагиси ҳам келмайди, ўша сен айтган табиб-домаларни — уйга кирмасин, дейди...

— Айтдим-ку, ошна: ҳаммасига ўша руҳ сабабчи! У қизингизни бир нима ёрдамида ўзига занжирбанд қилиб боғлаб олган. Бунақада қизингизни бой бериб қўймасангиз, деб қўрқаман...

Олтинхон ота дўстига ғамгин боқаркан, беихтиёр кўзларида ёш ҳалқаланибди. У умри бўйи ҳеч қачон ўзини бу қадар ожиз сезмаган экан...

Тақдир ҳукми

Гулшода бонунинг бу фаройиб ҳикоясига ағрайганча жимгина қулоқ солиб ўтирган Назира башоратчи аёлнинг бир зум сукутга толганидан фойдаланиб савол қистирди:

— Менимча, ривоятнинг охирида қиз ўлади ва унинг руҳи ҳам ўша қора тошга ўтиб, ўзга сайёралик йигитнинг руҳи билан ўзаро қовушади, шунақами?

— Қойил, тўғри. Лекин сен буни қаердан билдинг?

— Воқеаларнинг бутун мантиғи шунга олиб келаётувди-да. Лекин бу ерда бир савол қоронғулигича қоляпти: севги — у Парвардигор ишқими, ёрга нисбатанми, — қатъи назар, — дунёдаги жамики тирик мавжудотларни улуғлайдиган жаннатий туйғу. Модомики йигит билан қиз ўз ниятларига эришиб, маънан бир-бирларининг висолига етишган экан, уларнинг руҳлари ҳам юқорироқ моддий ҳаёт поғоналарига юксалиши керак эди.

— Бу гапингиз тўғри. Саодатманд икки руҳ ўзаро қўшилиб, чексиз ҳузур-ҳаловатга эришган, лекин Аллоҳ чинакам фазовий, пок севгилари учун тақдирлаб, уларни тошдан юқорироқ поғонага кўтаришни лозим топган бўлиши мумкин, чунки ўша эски китобда ҳам охир-оқибат уларнинг руҳи поклари тошни тарк этишади, деб ёзилган.

— Тошнинг ўзи-чи? Унинг тақдири қандай кечган? Ахир, у ҳам — Парвардигор назари тушган илоҳий жисм-ку?..

— Айтишларича, Олтинхон отанинг боғига осмондан тушган тошни пировардида олимлар олиб кетишиб, тадқиқот ишлари олиб боришган ва ундан ҳеч қандай илоҳий сифатлар топишолмагач, алкимёгарларга топширишган. Алкимёгарлар эса ундан фалсафа тошини кашф қилишда хом ашё сифатида фойдаланишган, дейишди. Эски китобда айнан шундай ёзилган.

— Бундан чиқди, биз ҳозир...

— Ҳа-ҳа, — гапни илиб кетди Гулшода бону қизнинг сезгирлигидан хурсанд бўлиб. — Ҳозир бизнинг қўлимиздаги яшм тоши ана ўша фазодан тушган афсонавий тошнинг уруғ-аймоғи, истасанг — зурриёди дейишимиз мумкин.

Назира бодом қовоқларини уюб, пича ўйланиб турди-да, бамисоли ўзи билан ўзи гаплашаётгандай оҳангда давом этди:

— Айтинг-чи, опажон, ўша давр олимлари бу хосиятли тошни нега одамлардан яширин сақлашган?

— Чунки ўша даврда олимлар комилликдан жуда йироқ бўлиб, тошдан бутунлай нотўғри фойдаланишлари мумкин эди. Атом бомбасидан ҳам хавфлироқ руҳий қуролга айланиши мумкинлигини вақтида пайқаган алкимёгарлар шунинг учун ўз ноёб кашфиётларини келгуси авлодлар учун асраб қўйишган.

— Ҳозир-чи? Ҳозирги одамзот тошдан тўғри фойдаланишга қодирми? — яна сўради Назира башоратчи аёлнинг кўзларига таъна аралаш тик қараб.

Гулшода бону саволнинг моҳиятини дарров илғаб, саросима билан кўзларини олиб қочди. Беихтиёр елка қисаркан, тусмолланиб жавоб берди.

— Ҳозирги одамзотниям комил дейиш... ҳақиқатдан анча йироқ гап, албатта, лекин, нима десам экан... тошдан тўғри фойдаланишга қодир инсонлар... ҳар ҳолда ҳозир кўпроқ-да...

— Бунга имонингиз комилми? — яна унинг кўзларига гина-қудурат билан тик қаради Назира.

Башоратчи аёл энди бутунлай гангиб қолган, бундай мураккаб саволларга жавоб беришга ўзи ҳам ожизлик қилаётгани кўриниб турарди.

Гулшода бонунини қийин аҳволдан ташқарида бошланган шовқин-сурон қутқарди.

Ўроқбойнинг «Тайота»сида профессор Абдулҳаким Қаҳҳорий қайтиб келган, у машинадан туша солиб жория аёлга норози қиёфада алланималарни эхтирос билан уқтира бошлади, ҳайдовчига эса гап орасида жомадонларни ичкарига олиб киришни буюраётганди. Улар зинадан юқори қаватга кўтарилишаркан, башоратчи аёл билан Назира очик эшик орқали унинг надоматли овозини аниқ эшитишди:

— Бу қандай гап, ахир? Мен бу ердан кимсан — Амир бойвачанинг шахсан ўзи билан шу бугун эрталаб чиқиб кетган бўлсам... Кечқурун эса, лаънатилар дарвозада чўнтақларимгача кавлаб, қўйни-қўнжимгача текширишса-я!! Нима, мен хорижлик жосус ёки қандайдир кўпоровчиманми? Академикман, десамам гапга тушунишмайди.

— Хафа бўлманг, домлажон, — деган Дилфузанинг майин овози эшитилди, — бу ерда қоида шундай, Амир Олимхоновичнинг ўзлари жорий қилганлар.

— Нима-нима? Амир Олимхонович дедингизми? — профессорнинг гап оҳангидан ҳайратга тушгани аниқ эди.

— Ҳа, бунинг нимаси ажабланарли?

— Модомики отасининг исми Олимхон экан, тўғридан-тўғри Амир Олимхон деб қўя қолиш керак экан, — пичинг қилди домла мийиғида кулимсираб.

— Хўжайинимизнинг Бухоро оналарига ҳеч қандай даҳли бўлмаса-да, лекин тутинган отасининг исми Олимхон эди...

— Нега энди тутинган? Ўзининг отаси-чи?

— Ўзининг отаси гўдаклигида ташлаб кетган. Кейинроқ онаси ҳам...

— Эҳ, шўрпешона!.. Детдомда ўсган экан-да! Менам шунақа... Детдомда вояга етган одамдан ё зўр тадбиркор чиқади, ё ашаддий каллакесар...

Иккинчи қаватдаги хоналардан бирининг эшиги очилгани эшитилди, улар ичкарига киришди чоғи, овозлари ҳам аввал пасайиб, кейин тиниб қолди.

— Бирам сўзамол одам экан, — деди Гулшода бону истехзоли оҳангга ҳамхонасига кулимсираб қўяркан, — жағи тинмайди-я!..

— Лекин жуда билимдон, қомусчи олимга ўхшайди! Бунақаларнинг ҳозирги қайта қуриш даврида қадри йўқ, дейишади, — изоҳ берди Назира ҳамон ўйчан қиёфада.

Даҳлизда яна гангир-гунгир овозлар эшитилди. Кейин тагин профессорнинг:

— Шу ердами улар? — деган саволи кулоққа чалинди.

Лаҳза ўтмай, эшик тақиллади-да, кейин шарақлаб очилиб, профессорнинг ўзи кириб келди.

— Салом, она қизларим! — дея хитоб қилди у, ҳеч кимдан ижозат сўрашни ҳам лозим топмай, дастурхон тўрига бориб ўтираркан. — Менсиз зерикиб қолмадингларми? Ў-ҳу! — деди у дастурхонга назари тушгач. — Жуда шоҳона-ку! Қоринларимиз роса миннатдор бўлишар экан-да! Бўлмаса, бошладик, қани, чойдан куйинг. Баракалла, раҳмат... Хулласи калом, бундан буён ҳечам зерикмайсизлар! Мен бунга икки юз фоиз қафолат бераман. Ишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Кристалл тошлар ҳақидаги дунёвий ва диний адабиётлар билан боғлиқ бор бисотимни кўчириб келдим. Улар билан сизлар ҳам умумий ва маълум қўламда танишиб чиқасизлар, бу фойдадан холи бўлмайди. Баъзи бир техникавий асбоб-анжомлар ҳам олиб келганман, яшм тошимизнинг айрим хосса ва хуссиятларини янада аниқлаштириб олганимиздан сўнг тажриба бошлаймиз. Хул-

ласи калом, Амир Олимхоннинг илтимосини қирқ кеча-кундузда адо этишга ҳаракат қиламиз-да энди!..

Буюк Бухоро амирининг номини эшитган аёллар беихтиёр кулимсираб қўйишди.

Қаҳҳорий дастурхондаги ноз-неъматлардан тез-тез тановул қилиб, бот-бот чойдан ҳўпларкан, ҳамон жағи тинмасди. Бу ўртада калта қўйлакли, қадди-қомати тикмачоқдек келишган жория аёл лаганда буғи чиқиб турган кабоб олиб келди.

— Хулласи калом, меҳрибонларим, ишни дастлаб нимадан бошласак экан-а? — профессор аёлларни бирма-бир ўзининг синовчан нигоҳи остидан ўтказди, улардан садо чиқавермагач, саволига ўзи жавоб берди: — Биз аввало бир-биримиз билан яхшилаб танишсак, ҳа-ҳа, кеча узун, айни дамда бўш вақтимиз бисёр, шундан фойдаланиб, ким — ким эканлигини умумий тарзда билиб олсак, зарар қилмайди. Аксинча, ана шунда бир-биримизни осонроқ тушунамиз, ишимиз ҳам унумлироқ кечади.

Қаҳҳорий кабобдан тановул қиларкан, яна пиёласини узатиб, чой қуйишни илтимос қилди. Кейин курсига суянганча, Назира узатган чойдан ҳўплаб-ҳўплаб қўяркан, бир зум сукутда қолди. Кейин шошилмай гапида давом этди:

— Меҳрибонларим, орангизда ёши улуғ одам камина эканлигимни эътиборга олиб, гапни ўзимдан бошласам, нима дейсизлар? Эътироз йўқми?

Гулшода бону билан Назира ўз таклифини жилмайганча бош ирғаб, хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлашганини кўриб, ёш боладай хурсанд бўлиб кетган профессор завқланиб кафтларини бир-бирига ишқалади:

— Баракалла! Бўлмаса, эшитинглар! Камина асли Тошкентнинг Эски Жўва даҳасидаги Каллахона деган жойда туғилиб ўсганман.

— Вой, биз деярли қўшни эканмиз, — деди Назира беихтиёр суюниб.

— Сиз ҳам Эски Жўваданмисиз?

— Йўқ, Ҳазрати Имомданман...

— Жуда соз! Ана, кўрдингизми, жуғрофий маънода биз бир мунча яқинлашдик.

Профессор энди Гулшода бонуга юзланди:

— Сиз-чи, меҳрибоним? Менимча, сиз...

— Мен асли Тожикистоннинг Қоратегин туманиданман. Лекин қарийб ўн беш йилдан буён Тошкентда, Қорақамишда яшайман.

— Буям маъқул. Қоратегин — Ер юзидаги энг кўҳна туманлардан бири. Бу хусусда ҳализамон батафсил гаплашамиз. Аввал камина таржимаи ҳолимни тугатиб олай.

Хулласи калом, мен бир ярим яшарлигимда отамдан етим қолиб, онамнинг қўлида ўсдим. Отамни Тошкентнинг шимоли-шарқидagi Қозифурт тоғида қизил аскарлар жаҳид сифатида отиб ташлашганди. Мен ёшим улғайиб эсимни танишим билан отамнинг ҳоқини қидириб топишни кўнглимга тутиб қўйдим. «Ахир, ҳамманинг отаси ёнида, ўлса — расм-русумини жойига қўйиб кўмади. Мен бўлсам, ҳатто дадамнинг қабри қаердалигини ҳам билмайман», — дедим онам билан ёлғиз қолган узун кечаларнинг бирида дилимдаги гапни айтиб. «Ҳечқиси йўқ, ўғлим, хафа бўлма, — деди онам гапимга жавобан. — Яна сал каттароқ бўлгин, отангни ҳоқи пойини ўзинг қидириб топасан!» «Ростдан-а!» — хитоб қилдим мен ҳаяжондан энтикиб. — Дадажонимнинг қабри қаердалигини топа олармиканман?» «Топасан, — ишонч билан бош ирғади онам. — Қозифурт тоғи этагидаги овулда яшайдиган баъзи кекса қозоқлар билишар экан. Ҳатто бир мўйсафид жанозасини ўқиб, алақайси пастқамликка кўмдирган, дейишади...»

Хулласи калом, бу пайтда биз амакимнинг уйида яшардик. Аммо-лекин иқтисодий ночорлик боис у ерда узоқ туришга тўғри келмади. Черняевка яқинидаги Гишткўприк қишлоғида истиқомат қиладиган тоғамнинг қўлига, онам томонидан бувимнинг уйига кўчиб ўтдик. Аммо-лекин тоғамникида ҳам кўп туриш насиб этмади. Ўшандаги бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Рўза пайти бўлгани учун бу оила ҳамма бошқа оилалар каби ҳар куни ярим тунда саҳарликка туришарди. Бир куни бехос уйғониб қолиб, бувиларим овқатланишаётганини кўрдим-у, аста улар ўтирган хонтахтага яқинлашдим. Лагандаги мошкичиридан уларга қўшилиб ея бошладим. Овқатга кўпроқ қўл узатганим учунми, бувим қўлимга аямай шапати тушириб қолсалар бўладими! Озиқ-овқат танқис замонлар эмасми, қорни нонга тўймай ётган мендай бир норасида учун бу шапати чўқмор билан урганган ҳам баттар таъсир қилди. Йиғимни ичимга ютмоқчи бўлдим-у, эпломладим, югурганча ичкари кириб, ўзимни онамнинг кўксига отдим. Онам қия очик эшик орқали ҳаммасини кузатиб турган экан шекилли, ҳўнграб йиғлаётганимни кўриб, дарров бағрига босди. Ночорлигидан у ҳам ҳўнграб кўз ёши қилди. Ўшанда мен энди саккиз ёшга тўлган-

дим. Аммо-лекин етимликда эзилган жароҳатли қалбим бувимнинг бу танбеҳини кўтара олмади.

Хулласи қалом, эртасига азондаёқ ҳеч кимга билдирмай, Тошкентга — марҳум отамнинг волидасиникига қочиб кетдим. Пойтахтга йигирма беш чақиримча масофа бор, боз устига, кун совуқ, ҳеч қандай нақлиёт воситаси йўқ. Шунга қарамай, қароримдан қайтмадим, ўжарлик билан бувим ва тоғамдан буткул воз кечдим.

Камина болалигимданоқ ана шундай ўта таъсирчан ва сиркаси сув кўтармас бўлиб ўсганман, оилада, кўча-кўйдаги ҳар қандай ҳақсизлик мурғак қалбимда исён ҳиссини кўзгатар эди. Ота тарафдан бувимнинг хонадонига аҳвол ҳам менга ёқмади. Бу уйни ҳам тарк этиб, энди умуман кўча боласига айландим. Бозорда, кўча-кўйда исқирт бир ҳолатда санғиб юрадиган одат чиқардим.

Тирикчилик пайида пақирда сув сотиб юрганимда, кутилмаганда билагимдан зарбардаст бир қўл ушлаганини пайқадим. Бошимни юқорига кўтариб, қўл эгаси анча ёшга бориб қолган, чўққисоқол, жиддий қиёфали бир одам эканини кўрдим. «Роса уришса керак, олиб бориб, миршабхонага топширса-я?» — дея кўрқа-писа кўзларига қарадим-у, аммо-лекин дарров хотиржам тортдим. Бу кўзларда меҳр, оталарча мурувват ва айни пайтда ачиниш ҳислари тажассумини топган эди. Бақувват қўл соҳибни каминани бағтар ҳайратга солиб:

— Қани, мен билан юринг-чи, ўғлим! — деди мулоийм оҳангда.

«Арвоҳ қўлади-ёв!..»

Профессор Қаҳҳорий гапини шу ерда тўхтатиб, яна чойдан ҳўплади. Гулшода бону билан Назира ҳайрат ва ҳаяжон ичида унинг ҳикоясини тинглашаркан, домланинг аянчли болалигига азбаройи раҳмлари келганидан йиғлаб юборай деб ўтиришарди. Айни дамда ҳикоянинг давомини эшитишга ҳам ўта муштоқ эдилар. Домла уларни кўп куттирмади.

— Хулласи қалом, менга ҳиммат кўрсатган одам шаҳардаги марказий болалар уйининг раҳбари бўлиб чиқди. У мени тўғри болалар уйига олиб борди. Ювинтириб, янги кийимлар беришгач, яхшилаб овқатлантиришди. Камина бу жойга келганимдан ўзимда йўқ хурсанд, чунки менга тарбиячилар ҳам, ўзимга ўхшаган катта-кичик болалар ҳам, дарс ўтиладиган синфлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси ёқиб қолган эди. Мени фақат бир нарса безовта қилар, «Онам бечоранинг ҳоли не кечди экан?» деган ўй кўнглимга тинчлик бермасди.

Орадан тўрт кун ўтди. Мен ётоқхонада «Алифбо» варақлаб ўтирган эдим, болалардан бири кириб, мени дарвозада бир аёл йўқлаётганини айтди. Юрагим орзиқиб, ўқдай отилиб чиқдим. У ерда паранжи ёпинган бир аёл турар эди. Мен дарров онамни танидим.

— Ойижон! — дея ўзимни унинг бағрига отдим.

Онам кўзлари ёшланиб, мени бағрига босаркан, уч кундан бери қидирмаган жойи қолмагани, охири шу ердан топганини айтди. Мен шу топда умримда илк бор виждон азобида қолдим, онаизорим олдида ўзимни айбдор ҳис этдим. Волидам эса буни ўйламас, мени бағрига босганча, дийдоримга тўйиб ўтирарди. Ниҳоят, ўрнидан тураркан:

— Энди бор, ўғлим, кийиниб чиқ, сени олиб кетаман! — деди.

Мен бир оз ўйга толгач, қатъият билан бош чайқадим.

— Йўқ, ойижон. Менга бу ер ёқиб қолди. Энди ҳеч қаёққа бормайман.

Онам болалар уйида анча тиниқ тортган юзимга меҳр билан узоқ термулиб турди, яна кўзлари ёшланиб, мени қайта-қайта бағрига босди.

— Йиғламанг, ойижон! — дедим мен унинг кўнглини кўтаришга тиришиб. — Мен сизни тез-тез йўқлаб тураман!

— Вой, мени йўқлашга яраб қолган болам-ов!.. — дея онам уввос тортиб йиғлаб юборди. Бизни узоқдан кузатиб турган тарбиячилар ҳам беихтиёр кўзларига ёш олишди.

— Йўқ, ўғлим! — деди онам ўзини босиб олгач, қатъий оҳангда. — Мени қидириб овора бўлмагин! Ахир, сен ҳали гўдаксан-ку, жоним! Шу гапининг ўзи учун ҳам раҳмат! Сендан ўзим хабар олиб тураман. Эртагаёқ Тошкентга кўчиб келаман-да, фабрикага ишга киранман. Турар жойни бўлса, топарман.

Хулласи қалом, онам гапининг устидан чиқиб, «Қизил тонг» фабрикасига ишга жойлашди. Кўп ўтмай, кўчини ҳам ортиб, бувимнинг уйига кўчиб келди.

Мен бўлсам, болалар уйида бошим билан ўқишга шўниб кетдим. Интернат раҳбари — баланд бўйли, қақди-басти келишган, алпқомат Рўзимат ака ниҳоятда

олийжаноб ва бағри кенг одам бўлиб, бундай зўр тарбиячилар ўша даврда бармоқ билан санарли эди. Олис болалик йилларидаёқ менга шундай асл инсонга шогирд бўлишдай бахтни насиб этган Парвардигоримга ҳали-ҳануз мингдан-минг шукроналар айтаман.

Хулласи калом, юқори синфда ўқиб юрганзимизда, Рўзимат ака бизни ҳар йили ёзда Бўстонликдаги тоғу тошларга олиб чиқиб кетар, ям-яшил қир-адирлару зилол сувли сойлар, кўм-кўк арчазор ўрмонлару маҳобатли даралар оша қорли тоғ чўққиларига бошларди. Йўл-йўлакай она Ватанимизнинг қимматбаҳо нодир тошлару дуру жавоҳирларга бой жаннатмакон бир ўлка эканини миямизга сингдирар, мурфак қалбимизда она табиатга чексиз меҳр-муҳаббат уйротар эди. Биз Рўзимат аканинг бир-биридан қизиқ ва сермаъно суҳбатларини тинглаб тўймасдик, у киши юртимиз улувворлиги ҳақида сўзлаб чарчамасди. Биз эса шундай ажойиб ўлкада яшаётганимиздан болаларча самимий ва буюк бир ифтихор хиссини туяар эдик. Хулласи калом, ана ўшандаёқ менинг маҳобатли тоғлар силсиласига ишқим тушган, йиллар ўтиб, балоғат ёшига етмасимданоқ ҳаётимни ана шу улуввор тоғу тошларсиз тасаввур қилолмаслигимни англаб, Ўрта Осиё давлат университетининг геология-маъданшунослик куллиётига ўқишга киришга қарор қилдим. Бу ниятимни Рўзимат ака ҳам мамнуният билан қўллаб-қувватлади ва оқ йўл тилади.

Биласизми, меҳрибонларим, ҳар бир одамнинг ҳаёт йўлида тақдирини у ёки бу ўзанга буриб юборишга қодир яхши-ёмон одамлар учрайди. Мен ўз тақдиримда, яна Худога шукроналар айтаман, ҳал қилувчи дақиқаларда пок қалбли, эзгу ниятли одамларга дуч келганман.

Қабул комиссиясига кириб келганимда, ҳужжатларимни кўриб чиққан муаллимлардан бири афсусланиб, бош чайқади:

— Ҳамма қоғозларингиз жойида, аммо ёшингиз тўғри келмайди, яна икки йил кутасиз...

Камина интернатда, сўнгра ишчи куллиётида ўқиб, бир йилда икки-уч синфни битиришга муваффақ бўлгандим-да. Домланинг гапини эшитиб, руҳим тушиб кетди. Ўзимни кўярга жой тополмай, университет биносида у ёқдан-бу ёққа юра-юра ҳовли чеккасидаги бир қаватли бино ёнига келиб қолдим. Эшик пештоқидаги «Ректор қабулхонаси» деган ёзувни кўрдим-да, шартга ичкари кирдим. Хона тўрида кекса бир рус аёли мошинка чиқиллатиб ўтирар эди. Дастлаб у чуваккина митти болага эътибор бермади. Мен эса унга тикилиб туравердим. Бир маҳал кўзойнаги оша назар ташлади-да:

— Ҳа, болакай, нима қилиб турибсан? — деб сўраб қолди.

— Ишчи пакултетини битирганман. Ҳужжатларимни қабул қилишмаяпти, — маънос жавоб бердим мен.

— Нега энди?

— Ҳали ёшсан, дейишяпти.

— Ҳа, ёшсан. Жудаям ёшсан, — деди аёл бўй-бастимга яна бир назар солиб. Сўнгра дик этиб ўрнидан турди-да, ёнимга келди.

— Қани, ҳужжатларингни бер-чи! — аёл кулимсираб, қўлимдаги шаҳодатнома ва бошқа қоғозларни олиб кўра бошлади.

— Ў-ҳў! Ҳаммаси «беш»-ку! — деди у мамнун бўлиб ва шу заҳоти бурилиб, ректорнинг ҳузурига кириб кетди. Сал вақт ўтгач, хушнуд ҳолда қайтиб чиқиб, қўлимга имтиҳон дафтарчасини узатаркан:

— Бор, ҳужжатларни топшир, имтиҳонларга тайёрлан, — деди.

Мен азбаройи хурсанд бўлиб кеганимдан турган жойимда сапчиб кетаёздим. Камина табиат, тоғу тошлар ошиғи эканим, боз устига, Қозигурт тоғлари бағридан марҳум отамнинг ҳоки пойини қидириб топишим зарурлигини эътиборга олиб, сира иккиланмай ўзим танлаган куллиётга йўнадим.

Хулласи калом, бутун умримнинг мазмун-моҳиятини ташкил қиладиган ажойиб касб-кор билан ўз тақдиримни шу тариқа боғладим...

Профессорнинг бир зум ўйга толганини кўрган Назира дарров саволга тутди:

— Отангизнинг ҳоки пойларини топдингизми?

— Бунгача ўшанда ҳали кўп қовун пишиғи бор эди. Узоқ йиллик илмий-амалий ишларим билан республика геология соҳаси етакчи олимлари сафидан муносиб ўрин олганимдан кейингина ҳамма вақт қалбим тўрида асраган муқаддас орзуимни амалга оширишга киришдим. Бунгача бир неча уринишим зое кетган, чунки имкониятларим ҳам анча тор, қулай бир мавриди ҳам бўлмаган эди. Мана энди бунинг айни фурсати эканини пайқадим. Шу ниятда разведка мақсадлари учун Қозигурт тоғига отланган геологик экспедиция билан бирга йўлга чиқдим.

Геологлар ўз ишлари билан баъд пайтда камина қариндошларим билан бирга ўша тоғ қишлоқларини кезиб, кексалар билан суҳбатлашдим, отамнинг ўлими таф-

силотларини билганларни сўраб-сурицтирдим. Иттифоқо бир қозоқ бобой билан учрашиб қолдим-у, калаванинг учини топгандай бўлдим.

— Ҳа, — деди қария ўйчан бир тарзда оппоқ соқолларини оҳиста тутамлар экан, — агар жанглисмасем, бундан қирқ-қирқ беш жил муқаддам ҳув тепаликнинг ортидаги жарда қизил аскарлар бир одамни отиб тасласкан эди.

Мўйсафид бу машғум ҳодисани бутун тафсилотлари билан гапириб берди.

— Худди ўзи, отахон! Худди отамнинг ўзи! Менга ўша жойни аниқроқ кўрсатолмайсизми?! — дедим вужудимни чулғаган ҳаяжондан овозим титраб.

Ўша куни мўйсафид тепалик майдонни, унинг ўнг биқинидаги жарни айлана-айлана, ниҳоят, бир жойда тўхтади.

— Бўлди! Эследим! — хитоб қилди у, одатича соқолини шошилмай тутамлар экан. — Атангди қизил аскарлар минави жарда ўлдиришқан. Менинг атам бўлса, мина бу жерда жаназа ўқиган. Энди кун ботар томонга жигирма қадам сана-ши!

Чолнинг айтганини қилиб, йигирманчи қадамимда тўхташим билан:

— Отангнинг қабри сўл жер тегресинде бўлиси керак, — деди мўйсафид, сўнг бирдан сергак тортиб сўради: — Дарвоқе, сен уни не қилмоқчисен?

— Уни шаҳримизга олиб кетиб, бувамиз ётган хилхонага қўйдирмоқчиман, — дея жавоб бердим қатъият билан.

Мўйсафид норози қиёфада бош чайқади:

— Йўқ, болам, қўй, ундоқ қила кўрма, шаҳид бўлган кишининг руҳини безовта қилмайдилар.

Вазиятнинг жиддийлигини сезиб, гапга тоғам аралашди:

— Қовулбой ўтағоси, кўриб турибсингўй, Абдулҳаким инимизнинг нияти жиддий, мен ҳам унга қарши эмасман, шунки гўристан бузилса ёки кўмилган киши бегона журтларда қабиб кетган бўлса, фарзандлари ёки жақин қавм-қариндаслари унинг хакини ўзларига қулай мазарга кўширишлари мумкун. Бу шарият қоидаларинда-да рад қилинмайди.

Қовул ота бўш келмади:

— Бу қоида шаҳидларга-да қўл келармикин?

— Қўл... қўл келади, — деди тоғам иккиланган ҳолда.

— Ундай бўлса, розиман-у, амма у кишининг мазари жувилиб кетибди, устиге устек, бу жерларнинг паст-баландлиги тубдан ўзгарибди. Анову ўнғир қулаб жатир, минави жерлар ўпирилиб жатибди, ўсе вақтларда бу жердан ўтген жин кўшадан ҳеч вақа қалмабди. Сўл себеб гўрни тапиб бере олмаймин, — деб ўзининг ноиложлигини айтди Қовул ота.

Аммо бизнинг ниятимиз қатъий эди. Хулласи калом, катта қийинчиликлар билан бўлса-да, ерни кавлаб-кавлаб, охири отам раҳматликнинг суякларини топдик. Уларни матога ўраб, ҳокини тупроқ билан бирга қопга содик. Қопни ўртага қўйиб, барчамиз чўккаладик-да, дуои фотиҳа ўқидик. Сўнг Қовул отага катта раҳматлар айтиб, орқага қайтдик.

Камина отамнинг хоки солинган қоп ёнида ўтириб кетарканман, гўё ёнимда унинг руҳи борар эди. «Ниҳоят, ниятимга етдим, Аллоҳга шукур», — дея пичирлар эдим. Аммо-лекин кутилмаганда фалокат юз берди, мошина паст-балад тупроқ йўлдан бора тўриб, ҳайдовчи мўлжалдан адашдимми ёки бошқа бир сабаб бўлдимми, бир дўнгликка зарб билан урилди-да, чуқур жарликка ағдарилиб кетди. У тўрт-беш маротаба думалаб бориб, қияликдаги қандайдир бир тўсиққа урилди-да, филдираклар осмонга қараганча тўхтаб қолди. Гурсилаб, чархпалак бўлиб пастга думалаб кетаётганимизда: «Ниҳотки барча ниятларим шу билан тутади?» — деган фикр лоп этиб хаёлимдан ўтди. Аммо танамда ҳеч қандай офриқ сезмадим. «Аттанг, аттанг, шаҳид одам руҳини безовта қилиш...» Бир зум бошим айланди, кўзим тинди. Аммо тезда ўзимга келдим. Барчамиз мошина остида чалқанча ётардик. Энг аввал ўғлим Аҳмадхўжа пачоқ-пачоқ бўлган машина остидан чиқди, йири аралаш кўрқув-ҳаяжон билан: «Ҳай-ҳай, соғмисизлар, дадажон, тузукмисиз?» — деб бақирди ва тоғамнинг қўлларидан тортиб, машина остидан чиқишига кўмаклашди. «Худо сақлади, Худо сақлади» деб ҳаммамиз бирма-бир машина остидан чиқиб, бир чеккага бориб чўккаладик.

Ажабо, темир машина пачоқланган, унинг ойналари чил-парчин бўлган-у, аммо бирорта одамга шикаст етмаган, ҳамма соғ қолган эди. Бунга ақл бовар қилмасди. Тоғам қайта-қайта: «Худога шукур, Худога шукур!» — деб такрорларди. Ниҳоят, у менга юзланиб, иккиланибгина сўз қотди:

— Абдулҳакимбой, аслида шаҳид ўлган отанг хокини кўзғатмаслик керакмиди? Балки унинг руҳини безовта қилганимиз учун мошина ағдарилдимикин? Бу ҳақда бир нима дейиш қийин, албатта, буни Аллоҳнинг ўзи билади. Лекин шунга аминманки, сен кўп йиллар мобайнида отангнинг ҳокини сидқидиллик билан қидириб

топдинг. Шунинг учун ҳаммамиз соғ қолдик. Худонинг раҳми келди-ёв, отангни ар-воҳи қўлади-ёв!..

Тоғам кўзларида ёш билан тиловат қилиб, уни шаҳид ўтганларнинг руҳи-покларига бағишлади, ҳаммамиз юзимизга фотиҳа тортидик.

Хулласи калом, отамнинг хокини Тошкентга олиб келиб, уни «Минор» мозори-га дафн этдик. Қабри устига хотира тоши ўрнатдик. Унинг тепасига зарҳал ҳарфлар билан «Қаҳҳорхўжа отажоним, 45 йилдан кейин ҳокингни қидириб толган яккаю ёлғиз фарзандингиздан», деб ёзириб қўйдим. Кўнглим тасалли топгандек бўлди. Аммо-лекин йўлда содир бўлган фалокат ва унинг ҳаммамиз учун безарар якун топгани каминани ҳамиша ҳайратга солади...

Профессор Қаҳҳорий ҳикоясини тутатгач, қаддини ростлаб, кўтаринки кайфи-ятда кафтларини бир-бирига ишқалади:

— Мана шунақа, меҳрибонларим! — деди у майин кулимсираб. — Каминанинг кимлигини ҳам анча-мунча билиб олдинглар! Руҳан биз ўзаро яна жиндай яқинлашдик. Кўзларингиздан кўриб турибман: бир-биримизга нисбатан ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат уйғонаётгани ҳам таҳсинга лойиқ, албатта. Ана энди сизларни эшитишга тайёрман. Сизларнинг ҳам асли кимлигингни билиб қўйсам, фойдадан холи бўлмайди. Каминадан кейин ёши улурғоғимиз, билишимча, сиз бўласиз, муҳта-рама Гулшода бону! Марҳамат қилиб, ҳикоянгни бошланг, қулоғимиз сизда.

Башоратчи аёл ийманибгина қаддини ростларкан, бамисоли бутун умр йўлини зумда хаёлида жонлантирмоқчидек, бир лаҳза ўйга толди.

Сеҳрли тош изидан

Саидбек кечки пайт Тошкент Давлат қаҳрабо барқи жойлашган ҳудуддаги сув тақсимлаш ва ахлат тўкиш тизими корхонасида ишлайдиган собиқ синфдошининг эски шаҳардаги уйига бориб, дарвозани тақиллатди. Ичкаридан ёши эликларга бориб қолган нуроний онаси — Меҳринисо ая чиқиб, қуёқ сўрашгач:

— Вой, хабарингиз йўқми? — деди ҳайрон бўлиб. — У кўчиб кетганига икки йилдан ошди-ку; ҳозир Чилонзор Оқтепасида туради. Гулханий кўчасидаги биринчи ҳовли. Телефонини ёзиб олинг, айланай: 45-41-41. Ҳозир борсангиз уйдан топасиз, яқиндагина ўзи сим қоқувди...

Орадан ярим соат вақт ўтмай, йигит «1» рақами ёзилган кўк дарвоза тутмасини босди. Эшикни Акрамнинг ўзи очди.

— Э, дўстим, бор экансан-ку бу оламда! Қайси шамол учирди? Марҳамат, марҳамат! — дея хитоб қилди собиқ синфдоши ҳаяжон ичиде оғзининг танобини қочириб. Улар кучоқлашиб кўришишди. У меҳмонини ичкаридаги меҳмонхонага бошлаб, оппоқ шойи дастурхон тўшалган столнинг тўрига ўтқизди. Акрам мактаб-даям бир пасда эҳтиросга бериладиган, гапдонгина бола эди, шу одати ҳалиям қолмабди.

— Қалайсан энди, дўстим? Уйдагилар тинчми? Ҳалиги, нимаёйди... Саидмансур амаким, холам соғ-саломатлилар?... Ўзинг уйландингми?... Хизмат қаерда?... — дея саволарни қалаштириб ташлади, лекин уларга жавоб кутиб ўтирмай, яна ўзи гап-да давом этди: — Ҳар ким ўз қобилига биқиниб, турмуш ташвишлари билан ўралашиб юраверадиған ғалати замон бўлаяпти-да, дўстим. Биров-бировдан хабар олай, ҳол сўрай, демайди. Назаримда, одамлар борган сари кичрайиб, майдалашиб кетаётгандай. Маънавий маънода айтаяпман буни... Шунинг учун ташрифингдан жуда хурсандман. Аксига олиб, уйда бир ўзимман. Ҳалиги, нимаёйди... хотин онасиникига кетган...

Саидбекка собиқ синфдошининг гапини бўлишга тўғри келди. У ташвишли қиёфада қайлиги Назиранинг сирли тарзда ғойиб бўлгани, яшм тоши ва улар билан боғлиқ туши ҳақида батафсил сўзлаб берди. Гап Амирнинг давлат қаҳрабо барқи яқинидаги қўрғончаси ҳақида кетганда, Акрамнинг бақалоқ юзига саросима ва хавотир ифодаси балқиди. Бир зум ўйланиб турди-да, вазмин оҳангда сўз қотди:

— У ерга яқинлашиш ҳам жуда хавфли, дўстим. Ўзинг ҳам билсанг керак: қўрғончани ҳўкиздай-ҳўкиздай барзанги йигитлар қўриқлашади. Бир уриб белингни синдиришлари улар учун тупургандай гап.

— Канализация ва сув тармоқлари орқали қўрғончага хуфия кириш йўллари бордир, ахир? — сўради Саидбек қошларини чимириб.

— Ҳалиги, нимаёйди... йўқ эмас, албатта, — деди Акрам негадир иккиланиб. Кейин миясига бир фикр келди чоғи, пича чехраси ёришиб, шошилинч ётоқхонаси сари йўналди. Сал ўтмай қўлида катта ватман қорозга чизилган харитани кўтариб

чиқиб, уни стол устига ёзди. Харитада аҳоли яшайдиган мавзелар, кўп қаватли уйлар, йўллар, турли ташкилот ва корхоналар ҳамда кўк ва қизил чизиқлар шаклидаги уларни ўзаро туташтирувчи канализация ва сув ўтиш тизимлари тасвирланган эди. Акрам хаританинг қоқ ўртасига қўлини нуқиб, яна гапга тушди:

— Мана бу — қўрғонча. Унинг жануб, шарқ ва ғарб томонлари кечаю кундуз қўриқланади. Шимол томонида беш гектар ерли катта боғ бор, деворининг баландлиги тўрт газга борса керак-ов. Бу етмагандек, тепа қисмига танага игнадек санчиловчи сим-тўрлар пайвандаб чиқилган. Ҳалиги нимайди... Ана шу девордан ошиб ўтолсанг — марра сеники. Лекин ичкарида бузоқдай-бузоқдай този итлари бор: кундузи уларни боғлаб қўйишади, кечалари қўйиб юборишади. Уларни тинчитиш учун ҳар бирининг олдига уйқу дориси қўшилган колбаса ташлайсан. Бу — қўрғончага киришнинг бир йўли. Иккинчи йўлига келсак... ҳалиги, нимайди... буниси янада мураккаброқ. Манави қалин қизил чизиқларни кўраяпсанми? Булар — канализация тармоқлари. Мана бу эса, — Акрам бармоғи билан қўрғонча девори яқинидаги йирик бир қора нуқтани нуқиб кўрсатди, — канализация қудуғи. Устинга ғаввослар киядиган энгил-бош кийиб, мана шу қудуққа тушасан-да, ахлат оқими устидан боғ томонга сузасан. Кўраяпсанми, ҳар икки юз газ масофада тепангда қудуқлар пайдо бўлади. Жами етти қудуқ бор. Сен уларнинг еттинчисидан юқорига кўтариласан-да, секин, жуда секин қудуқнинг қопқоғини очасан. Сўнгра чор-атрофга аста мўралаб, ҳеч кимса йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина юқорига чиқишнинг мумкин. Ҳовлини бўйи нақ икки газ келадиган Найнов лақабли Рустам деган йигит қўриқлайди. У тунги соат бир-иккиларда уйқуга ётади. Шунинг учун у ерга икки-учларни мўлжаллаб борганинг маъқул. Хуллас, қудуқдан чиқишнинг билан уч қаватли қашаматли бинонинг бўйи элик, эни ўн беш газли катта айвонига юзма-юз келасан. Одатда кечаси у ерда ҳеч ким бўлмайди. Ҳалиги, нимайди... айвон деразалари ҳам кўпинча очиқ туради. Ана шу деразаларнинг биридан ошиб ўтиб, секин иккинчи қаватга кўтариласан. Тахминимча, қизингни опаси билан иккинчи қаватдаги меҳмонхоналарнинг биридан топасан, — шундай деб Акрам чўнтагидан сигарет чиқариб, шошилмай тутатди.

— Сен буларни қаердан биласан? — сўради Саидбек унинг бир сония жим қолганидан фойдаланиб.

— Сениям калланг ишлайди: маслаҳат учун роса одамими топибсан. Ўтган йили Амир ака қўрғончасидаги сув ва канализация тармоқларига дахлдор жами қувурларни алмаштирди, мен охиригача шу ишларнинг бошида туриб, қўрғончада бир ой кечаю кундуз тер тўкканман. Шу боис уни ипидан игнасигача биламан.

— Ўзимам Худо деган одам эканман-да, — деди Саидбек хурсанд бўлиб. — Келиб-келиб сени кўнглимга солганини қара!..

— Секинроғам айтасанми?.. — деди Акрам ҳам худди ёш боладай суюниб. Кейин яна бирдан жиддий қиёфага кирди: — Албатта, дўстлигимиз ҳаққи, мен сенга қўлимдан келган ҳамма ёрдамимни аямайман. Эски «Москвич»им бор, қўрғонча чорбоғининг девори остигача ўзим элтиб қўяман. Истасанг, ғаввос кийим-бошларини ҳам ўзим топиб бераман. Қизингни, ҳалиги нимайди... сеҳрли тоши билан қўрғончадан олиб чиқиб кетиши йўллариниям обдон ўйлаб қўришимиз керак бўлади. Хўш, сенга савол: уни ахлат қувури орқали олиб чиқа оласанми? Йўқ. Бечора унинг бадбўй ҳидиданоқ бўғилиб ўлиши мумкин. Девор ошиб ўта олишингга кўзинг етадими? Йўқ. Нозик-ниҳол қиз болага тўғри келмайди бу. Хўш, яна нима қила оласан?

— Яна бирон йўли чиқиб қолар. Олдин ичкарига ўзим кириб олай, бу ёғига Худо — пошшо.

— Албатта, ҳар бир ишни Худога суяниб амалга оширганга не етсин, лекин бу масалада ҳозирданоқ бирон аниқ режа тузиб олмасанг, нимайди, ҳалиги... бу ишинг Тангригаям хуш келмайди. Парвардигор ҳам режали, батартиб одамларни яхши кўради.

— Қўрғончада машиналар бўлса керак, ахир?

— Секинроғам айтасанми? Ана энди сал ўзингга кела бошладинг. Бутун бошли автоқўналга, гараж бор у ерда. Ана шуларнинг каттароғида, айтайлик, КРАЗ ёки МАЗда қизингни олиб қоча олсанг қани эди! Шу иш қўлингдан келадими, дўстим? Бунақа воқеаларни детектив фильмларда кўп кўрсатишади-ку, ахир! Агар ишнинг уддасидан чиқа олсанг, номинг тарихда қолишини биласанми ўзинг?

— Э, менга бу нарсанинг кераги йўқ, — деди Саидбек ҳафсаласиз қўл силтаб.

— Майли-да, мафиянинг қўлидан қиз олиб қочиш қанақа бўлишини бутун дунёга кўрсатиб кўярдинг. Бу ҳақда газета-журналлар роса шов-шув кўтарган бўларди. Шу ишни уdda қилолсанг, ҳалиги, нимайди... ҳатто миллий қаҳрамонимизга айланишинг ҳам ҳеч гап эмас.

— Бас қил, оғайни! — деди Саидбек, асабий оҳангда унинг гапини бўлиб. — Қачондан бери аравани қуруқ олиб қочадиган одат чиқардинг? Айтдим-ку, бу гапларнинг менга кераги йўқ. Ҳозирги менинг шароитим ҳар қандай майнавозчиликни йиғиштириб, ҳар бир дақиқани ганимат билиб иш тутишимни тақозо этади. Агар билсанг, улар севгилимни тортиб олиб, менинг инсоний ҳуқуқларимни оёқос-ти қилишди, қайлиғимнинг шахсини ҳам ҳақоратлашди. Уларга ўша тош-қурол керак, Назирахон эса унинг «тили»ни билади. Унинг бор айби — шу. Бу қандай бедодликки, қайта қуриш бошланиб, шўроларнинг зўравонлигидан энди қутула бошлаганимизда бу ёқдан манави кўча зўравонлари чиқиб турса!.. Бу қандай қабоҳатки, Иблис йўлига қирган қаңдайдир безорилар тўдаси билган номаъкулчиликларини қилаверса-ю, улар учун шаҳар бедарвоза бўлиб қолаверса!.. Бу қандай надоматки, улар бизнинг бошимизга не қисмат ва не балоларни солса-ю, биз худди манқуртлардай бош эгиб, қўл қовуштириб ўтираверсак. Йўқ, оғайни, пичоқ бориб суякка тақалди, бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Мен ҳозир уларга қарши ҳаёт-мамот жангига киришга ҳам тайёрман!..

Собиқ синфдошининг чин юракдан ёниб айтаётган гапларини тингларкан, Акрамнинг ҳам юрагига ўт тушгандай, унинг руҳиятида ҳам исёнкор бир туйғу уйғонгандай бўлди.

— Ҳамма фожиа шундаки, дўстим, кўча безорилари ҳозирги қайта қуриш давридаги бошбошдоқликлардан фойдаланиб, ўзаро бирлашиб олишди, пес песни қоронғида топади, деганларидек, улар энди ўша сен айтган шайтоний қилмишларини уюшган ҳолда амалга оширишмоқда. Жипслашиб, баҳамжиҳат бажарилган ҳар қандай иш эса, ҳаммавақт катта самара беради. Хўш, уларнинг бу тариқа ҳаёт майдонига чиқишларига ким айбдор, деб ўйлайсан? Албатта сен билан биз! Мана, сен қайлиғингни ўғирлатмагунингча бу масалага бармоқ орасидан, лоқайд қарардинг, тўғрими? Йўқ-йўқ, гапимни бўлмай тур, бепарқ эдинг, вассалом! Мана энди улар сенинг ҳам думингни босганларидан кейин типирчилаб қолдинг. Унгача, ҳалиги, нимаиди... «тўя кўрдингми — йўқ» қабилада миқ этмай, хотиржам яшаб юривдинг...

— Бас қил, Акрам! — деди Саидбек фивон бўлиб, қўлини юқорига кўтараркан. — Бу даъвойинг унчалик тўғри эмас. Уларга қарши мен бир илмий журналист сифатида ҳаммавақт курашиб келганман. Ҳар хил жинойи ишлар ҳақида «Мафия», кейин «Уюшган безорилар» деган воқеий ҳикоялар ҳам ёзганман. Улар босилиши арафасида баъзи бир амалдорлар мени: «Кимлар билан ўйнашяпсан!? Нақ калланг кетади-я!» — деб кўрқитишга ҳам уринишди. Лекин мен орқага чекинмадим. Ўша ҳикояларимни «Би-би-си»да ҳам икки-уч марта ўқишибди. Буям ўша курашнинг бир тури бўлмай, нима, ахир?

— Секинроғам айтасанми? Мени маъзур тутасан, дўстим, бу ишларингдан беҳабар эканман. Курашнинг энг зўр усулиридан-ку бу, ахир! Лекин, биласанми, ҳозиргина айтган фикримнинг жуда кўпчиликка даҳли бор. Назаримда, ҳамма шунақа деб ўйлайди: э, нима содир бўлса кўчада бўлаяпти-ку, менга нима алоқаси бор, жиноятчилар кимларнингдир бошлари устида юрибди, кимларнидир тинчитиб кетишяпти, лекин менга тегишмаяпти-ку, деб қарашади. Лекин калтакнинг икки учи бўлади. Вақти-соати етиб, унинг бир учи ўзига келиб теккандагина сергак тортади. Ҳар қандай ёвузликка қарши мурасасиз курашиш лозимлигини англаб, ҳатто қаҳр-вазабга минади, шундаям ўзини хафа қилганлар билангина «ҳисоб-китоб» қилиш йўлларини ахтара бошлайди. Ваҳоланки, ҳар бир инсоннинг ҳаётида қувонч ҳам бўлади, ғам-қайғу ҳам. Вақти-соати билан у бахтга ҳам йўлиқади, бахтсизликка ҳам мубтало бўлади. Аммо ҳеч қачон фақат биргина ҳолат муқим мавжуд бўлиб қолавермайди. Бутун умр бахтлиман ёки ўла-ўлгунча бахтсизман, дейдиган одамнинг ўзи йўқ, бўлмайди ҳам. Назаримда, жуда бахтиёр яшайдиган одамлар ҳам ҳаммиша сергак ва ҳушёр бўлишлари, қайси жабҳадлигидан қатъий назар, ёвузлик кўз оч-дими, дарҳол унинг томирига болта уриш пайига тушишлари лозим.

— Мана бу фикрингга юз фоиз қўшиламан, оғайни. Инсонлар тақдири бамисоли занжирдай ўзаро чирмашиб-чатишиб кетган. Бир оиладаги одамнинг тақдири бошқа оила аъзолари тақдирига таъсир қилгани каби, бир оила тақдири давлатга, давлатнинг тақдири эса бутун дунёга таъсир кўрсатади. Сайёрамизнинг ҳаёти бўлса, бутун Коинот ила уйғундир. Шу боис ҳам биз, одамлар, бир-биримизнинг тақдиримизга, кулфату бахтсизликларимизга бепарқ қарамаслигимиз керак. Чунки биз ҳаммамиз бир уйда, бир оилада, бир жамят ва бир сайёрада яшаймиз. Модомики шундай экан, тақдир-қисматимиз ҳам, бахт-саодатимиз ҳам эзгулик ва комиллик йўлида нечоғли юксалишимиз ҳамда ёвузликнинг пайини қирқиб ниятида нечоғли мурасасиз кураша билишимизга боғлиқ.

— Қойилман! Жуда улғу фикр! — хитоб қилди Акрам яна ҳаяжонга тушиб. — Лекин, ҳалиги, нимаиди... хом сут эмган бандаси комиллик бобида ҳозирча ўзимиз-

нинг Тўйтепадан нарига ўтолмаяпти. Аксари ишлари хато ва гуноҳлардан иборат бўлаяпти. Чамаси, даҳо шоир Умар Хайём ҳазратлари ҳам: «Хоҳлаган ишимни хоҳдамас Худо, Қачон истакларим айлабди бажо, Унинг истаклари тўп-тўғри бўлса, менинг истакларим ҳаммаси хато», — деб бежиз ёзмаган кўринади.

— Жуда тўғри, оғайни! Лекин мен айнан шу ишда асло хатога йўл қўёлмайман! — кескин унинг гапини бўлди Саидбек.

— Секинроғам айтасанми? Худди шундай! Лекин барибир сени огоҳлантириб қўйишим керак: Худо кўрсатмасин, мабодо, қўлга тушиб қолсанг борми... — Акрам баттар ҳаяжонланиб, тез-тез нафас ола бошлади, — яна айтаман: аввало Худойим Ўзи асрасин, лекин омадинг юришмай, қўлга тушиб қолсанг, тамом бўлдим деявер. Мафия, ҳалиги, нимайди... ўзларига қарши бош кўтарган одамларни кечиришмай-ди. Пайсалга солмай, гумдон қилиб юборишади.

— Буни мен жуда яхши тушунаман! — деди Саидбек қовоқ-лунжини осилтириб. Кейин мезбоннинг ўзини босиб олишини кутибми, пича сукут сақлаб турди-да, қатъият билан сўради:

— Хўш, оғайни, эртага ишхонангга неччида борасан?

Акрам яна ҳаяжонга тушди.

— Нима бало, сен эртагаёқ ишга киришмоқчимисан?

— Эртага тундаёқ Амир бойваччанинг кўрғончасига кирмоқчиман.

— Юрагингга қойил-е! Лекин...

— Нима лекин?

— Сен қандай қарорга келдинг: кўрғончага девор ошиб кирмоқчимисан ёки қувур орқалими?

— Сен нима маслаҳат берасан?

— Назаримда, девор ошганинг маъқулроқ. Ҳар ҳолда...

— Яхши. Унда илгак билан арқон керак бўлади.

— Эртага тушдан кейин келсанг, уларни омборхонадан ўзим олиб бераман.

— Маъқул.

— Қолган ишларни эртага келганингда режалаштириб оламиз.

— Жуда соз, оғайни! Раҳмат сенга!

— Э, раҳматга бало борми? Сени Худойим Ўзи қўлласин, азиз-авлиёлар, боболаринг руҳи поклари мададкор бўлсин!

— Илоҳи омин! Айтганинг келсин.

Улар ташвиш ва ҳаяжонда худди туғишган ака-укалардай самимий хайрлашишди.

Нохуш савол-жавоб

Эрталаб хуфтон кайфиятда уйғонган Асад юз-қўлини ювиб, овқатланиш хонасига кирганида, дадаси Баҳром Шайх ота алақачон бомдоқ намозидан қайтиб, чой ичиб ўтирган экан. Онаси Мунаввархон ая ошхонада «жиз-биз» қилиб аланималарни пишириш билан банд эди. Хотини Дилбархон эрталабдан ишга отланган, қизлари Наргиза билан Нафиса ҳам ўқишга кетишганди. Отаси билан анча мураккаб ва нохуш савол-жавоб кечишини олдиндан туйган файласуф салом бериб, жимгина хонтахтанинг паст томонига — падари бузрукворининг рўпарасига бориб ўтирди. Кутганидай Баҳром Шайх ота дарров Назира хусусида гап очди.

— Ўғлим, қизимизнинг соғлиги қалай? Хабар олдингизми?

— Ҳа, кеча борувдим. Анча тузук. Кечқурун кечикканимнинг боиси ҳам шу, — деди Асад базўр товуш чиқариб. У отасини яна алдашига тўғри келаётганидан виждон азобида эди. Аслида у кеча кечқурун яна Раҳматилланинг олдига борган, қизини қутқариш йўларини икковлон алламаҳалгача муҳокама қилишган, барибир аниқ бир тўхтамга келишолмаган эди.

— Биласизми, ўғлим, кечаси мен галати туш кўрдим, — деди отаси хавотирли оҳангда оппоқ соқолини аста тутамлаб.

Бу гапдан дилига ғулғула тушган Асад унга савол назари билан тикилди.

— Қизингизни кўргандирсиз-да? — сўради у қовоғини уйганча, олдидаги пахта гулли пиёлага чой қуяркан. Отаси авлиёсифат одам эмасми, турли ботиний ва ғойибий йўллар билан ҳамма гапни билиб олиши мумкинлиги, ҳатто содир бўлажак ҳодисотлардан ҳам баъзан олдиндан хабар топиб туриш одатларини Асад яхши биларди.

— Ҳа, Назирахон ётоқхонада, чорпода ичкўйлақда кўрқув ичида ўтирганмиш. Қўлида яшм тошини маҳкам ушлаб олганмиш. Чор-атрофини эса катта-катта олачипор илонлар ўраб турганмиш.

Асад сал енгил тортиб, кулимсиради.

— Халқимизда: «Тушда илонни кўрсанг — ганж, ўнгингда кўрсанг — янч», — деган мақол бор. Яхши туш кўрибсиз, дадажон. Шарқда тушга кирган илон — бойлик рамзи, дейишади.

— Тўғрику-я, лекин мен кўрган илонлар буралиб-эшилиб, қизимизга ташланиш пайида эди. Фикри ожизимча, бу туш жигаргўшамизга қарши яна ёвузлик бош кўтаргани, биз эса душманларимиз олдида ожизлигимиз ёхуд қандайдир хасталик хавфи борлигидан дарак беради. Боз устига, тушимга кирган илонлар товуш чиқариб, вишилаётганди. Бу дегани, қизимизни унинг қайсиқдир мулкани гўё ўз манфаати йўлида кимгадир туҳфа этишга кўндиришгани, лекин у фавқулодда шайтоний бир фитнага аралашиб, пировардида ундан Иблис ва унинг малайларигина фойда кўришига ишора, деб ўйлайман.

Асад кўнглида отасининг ботиний билимларига яна бир қарра тан бериб, ҳайратга тушаркан, бир нима дейишга ҳам қурби етмай қолди. У яқингача ашаддий моддиончи файласуф бўлган эмасми, ёшлигиданоқ кўрган тушларига қандайдир енгил-елпи, ҳавойи бир машғулотдай беписанд қарар, ҳар қандай тушни инсон руҳиятининг алақандай ботиний ўйинлари, мавҳумот ва тахайюлот туманига чулганган ҳаётий тасаввур ва таассуротлар инъикоси, деб ҳисоблар эди. Лекин ёши улғайгач, отаси ва баъзи бир диний китоблар таъсирида тушга нисбатан фикри ўзгара бошлаганди. Мана, ҳозир ҳам отаси невараси Назираҳон билан боғлиқ кўнгилисизликларни савқитабий йўсинда қарийб англаган, фақат унинг ечимини, калаванинг учини тополмаётганди.

— Шу боис кўнглим жуда безовта, — деди Баҳром Шайх ота вазмин оҳангда гапида давом этиб. — Назаримда, жигаргўшамиз қандайдир ёвуз кимсаларнинг қабоҳат тўрига илиниб қолган-у, ўша каслар яшм тошини ҳам ўз чиркин мақсадлари йўлида ишлашиш пайида уни қийноқ-қистокқа солишаётгандай...

Асад бошини ҳам қилиб олган, миқ этишга ҳам ҳоли қолмаганди. Ҳа, отаси Назираҳоннинг сирли тарзда ғойиб бўлишига доир жумбоқнинг тагига етган, лекин қизнинг касалхонадалиги ҳақидаги ёлгонгина унинг бу ишончига путур етказётганди.

— Дадажон, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, — деди Асад, ниҳоят, ўзини қўлга олиб. — Хотиржам бўлинг, мен ҳозироқ касалхонага бориб, ундан хабар оламан. Кейин дорилфунунга ўтиб, кечроқ Раҳматилла билан кўришишим керак. Бугунам кечроқ қайтишим мумкин.

Нонуштани ҳам чала-чулла қилиб, бир пиёла чой ичган Асад шундай деб, ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. Лаҳза ўтмай, Баҳром Шайх ота машина моторининг гуриллаб ишлагани, кейин дарвоза очилиб, салдан кейин яна ёпиғани, шу заҳоти хонадонга сув селгандай жимлик чўкканининг гувоҳи бўлди. Пичирлаганча, эзгу дуолар айтиб, омин қилди.

Асад машинасини катта кўчага олиб чиқаркан, кўзига текис асфальт йўлдан бўлак ҳеч нарса кўринмас, бутун фикри-зикри ҳозиргина отаси билан бўлиб ўтган ва ўзи учун ҳаддан зиёд мушкул ва кўнгилисиз кечган ғайриоддий суҳбатда эди.

Падари бузрукворидagi кўп ноёб хислатларни у авваллари ҳам ботинан сезар, лекин бутун у кўз олдида фавқулодда илоҳий бир инсон, донишманд мутасаввиф сифатида намоён бўлганди. Назарининг қутилмаганда ғойиб бўлганидан шундоқ ҳам қайғу ва изтиробга ботиб, кечаси билан мижжа қоқмай чиққан йигитга бу кашфиёти ҳам ҳеч қандай тасалли беролмади. Аксинча, отаси билан бўлиб ўтган қисқа савол-жавоблардан кўнгли баттар чўқди. Фожиали жойи шунда эдики, отаси билан ораларига уларнинг ихтиёрларидан ташқари ёлгон аралашган, гарчаңд у эзгу мақсадга хизмат қилса-да, юзага келган вазиятни баттар мураккаблаштирарди.

Бу қандайин чалкаш ва мураккаб дунё эканки, бошингни ёпсанг, оёғинг очилиб қолади, оёғингни ёпсанг...

Падари бузруквори рўпарасида талабчан домлага имтиҳон топшираётган уқувсиз талабадай ташвиш ва хавотирда ўтираркан, Назираҳон билан боғлиқ бор ҳақиқатни рўй-рост айтсаммикин, балки у ҳам бирон жўяли маслаҳат берар, деган фикр ҳам бирров ҳаёлидан кечди. Лекин яна унинг, қолаверса, онасининг соғлиғини ўйлаб, ниятидан қайтди.

Ана шундай оғир ўйлар исканжасида дорилфунунга қандай етиб келганини ҳам сезмай қолди. Дорилфунун эшигидан ичкарига кираркан, азбаройи паришонхотирлиги боис рўпарасидан ўтаётган одамларни кўрмас, саломларига ҳам алик олмас, бу етмагандек, мрамар зиналар бўйлаб тўртинчи қаватга қандай чиқиб кетганини ҳам билолмай қолди. У ишлайдиган минбаргоҳ эса, иккинчи қаватда эди.

Тишини тишига босиб, қайтиб тушишига тўғри келди.

Йўқ, бутун маъруза ўқишга руҳан унинг қурби етмас эди. Шунинг учун ҳам-

касбларидан бирига ўрнига дарс ўтишини илтимос қилди-да, дарров ортига қайтди.

Яна машинасига ўтириб, тўхташ жойидан катта кўчага ўтаркан, бўлғуси қудаси Саидмансур аканинг олдига боришга қарор қилди. Зукко олим одам, бирон ақли гап чиқар ундан, кейин ўғли Саидбек билан гаплашсаям фойдадан холи бўлмайди, деган умидда эди.

Домла ишлайдиган ўқув маскани талабалар шаҳарчасининг жануб томонида — энг чеккада жойлашган эди. Асад машинасини ўша ёққа ҳайдади...

Аксига олиб, профессор яқиндагина дарсга кириб кетган экан, узун даҳлизда у ёқдан-бу ёққа анча санғиб юришига тўғри келди. Ниҳоят, домла хонасига кираётиб, Асада кўзи тушди-ю, юзига хавотир ифодаси иниб, дарров сўради:

— Яхшимисиз, Асаджон? Уйдагилар соғ-саломатми? Назираҳон топилдими?

Файласуф маънос бош чайқади.

— Маслаҳатга келдим, домла. Қизимизни ерданам, кўқданам тополмаяпмиз. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмаяпти. Ўғлингиз билан ҳам бир гаплашсам, дегандим.

— Мелисага хабар бердингларми?

— Йўқ. Дўстим Раҳматилла, фойдаси йўқ, деяпти.

— Бари бир хабар бериш керак. Ахир, бутун бошли одам уйдан чиқиб, ном-нишонсиз йўқолиб ўтирса-ю...

— Фожа шундаки, қизим бизга хат ёзиб, рози-ризолик сўраб, ўзи кетган-да.

— Мен эшитмаган эканман. Қанақа хат?

— Ёнимда олиб юрибман. Мана, — Асад кўйин чўнтагидан хатни чиқариб, домлага узатди. Профессор уни олиб, тезгина ўз югуртиргач, юзидаги хавотир ифодаси янада қуюқлашди. Хатни қайтиб бераркан:

— Ҳа, Асаджон, бу ерда жиддий бир гап борга ўхшайди, — деди.

— Тахминимча, уни яшм тошини қўлга киритиш учун Амир бойваччанинг одамлари олиб кетишган. Ўғлингиз Саидбекнинг нимадандир хабари бўлиши керак, ахир! Билишимча, улар яқиндагина учрашишганди.

— Лекин у, ҳеч нарса билмайман, деди. Бутун ўзи негадир шоша-пиша Акрам деган ўртоғининг ишхонасига кетувди.

— Акрам?

— Ҳа, собиқ синфдоши.

— У қаерда ишлайди?

— Қаерда ишлашини билмайман-у, лекин ота-онаси бизга қўшни.

— Мен ўғлингизни албатта кўришим керак. Иложи бўлса, ҳозироқ.

— Бўпти, излаб кўрайлик. Балки янгангиз бир нима билар, — Саидмансур ака шундай деб, ҳамсуҳбатини ичкари хонадаги телефон ёнига бошлади.

Улар анча-мунча уриниб, аввал уйга, сўнгра Акрамнинг ота-онасиникига сим қоқишиб, ишхонасининг номини аниқлашди. Кейин яна беш-олти марта «нўл тўққиз»ни териб, сўров шўъбасидан телефон рақамини топишди. У ерда дастакни кўтарган аёл кишининг овози ўрис тилида Акрамнинг хизмат юзасидан алақаёққа кетганини, кечки беш-олтиларсиз қайтмаслигини маълум қилди.

— Бу қандай гап?! — дея хитоб қилди Асад фигони кўкка ўрлаб. — Бугун қандай бадбахт кун эканки, қаёққа бормай — тўсиқ, қаёққа юз бурмай — бошим деворга рўбарў келаяпти.

— Ҳаётда баъзан шунақаям бўларкан, Асаджон, — дея профессор ҳамсуҳбатини юпатишга уринди. Улар телефон қўйилган стол атрофида ёнма-ён ўтиришаркан, иккови ҳам безовта ва парижонхотир кўринишарди. — Ҳамма ишлар худди ўчакишгандай чаппасига кетаверади. Баъзан чарақлаб қуёш чиқиб турган бўлишига қарамай, шаррос жала остида қолиб кетасан, киши. Юз бор, минг бор жонингни жабборга берганинг билан ҳам ўйлаган нарсанг сира ижобат бўлмайди, аксинча, тўсиқ кетидан тўсиқ чиқаверади. Илло, вақт-соати етмагунча ҳеч бир иш жойидан жилмас экан. Вақт-соати етгандан кейин эса, бари ўз-ўзидан, хамирдан қил суғургандай ҳал бўлиб кетаркан.

— Тўғри, бу — бор гап, — деди Асад қовоқ-тумшугини осилтириб. — Лекин менинг вақт-соатим ҳаливери етиб келадиганга ўхшамайди. Агар у умуман етиб келса...

— Унақа деманг, Асаджон! — Саидмансур ака бор фикрини жамлаб, уни руҳий тушқунликдан қутқариш, унга дада бериш йўлларини зўр бериб изларкан, аксига олиб, миясига ҳеч бир жўяли ўй келмасди. Ниҳоят, у бир тўхтамага келди чоғи, одатича, вазмин оҳангда, донна-донна қолиб гапида давом этди: — Биласизми, Асаджон, ҳар бир инсонга берилган исм маълум маънода унинг тақдирини белгилайди, ҳатто, айтиш мумкинки, унинг ҳаёт йўлида қандайдир илоҳий бир дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шу маънода тўғри исм қўя билиш ҳам катта санъат ҳисобланади.

Асад гап нимага тақалишини тушунолмай, профессорга аграйиб тикилди.

— Бу нафақат инсонлар, балки дунёдаги жами мавжудотлару нарсаларнинг номларига ҳам дахлдор. Энди, айтинг-чи, «Титаник» кемаси поёнсиз Атлантика уммонида нега чўкиб кетган?

— Улкан муз тоғи — айсбергга бориб урилгани учун-да, — мингирлади Асад, доманинг бу оддий савол билан нимага шама қилаётганига ҳам тушунолмай.

— Муз тоғига бориб урилгани тўғри! — мамнунлик билан унинг фикрини тасдиқлади профессор. — Лекин муҳими — бу эмас. Қўҳна юнон асотирларида ёзилишча, жуда қадимги замонларда Рус тупроғида «титанлар» деган бир қабила яшаб ўтган экан. Улар тинч ва фаровон ҳаёт кечиришар, жаннатмакон ўлкаларида эса йўқ нарсанинг ўзи йўқ экан. Эркаклар алпқомат, санамлардай баҳодир ва келишган, аёллари ҳам бамисоли ҳур ва пари-пайкаллар каби гўзал, жозибадор ва хушқомат экан. «Биз ҳамма нарсага эришдик, тараққиётнинг энг юксак чўққиларини забт этдик», — деб ўйлаган титанлар такаббурлик ва кибру ҳавога берилиб, бошқа қабилаларга паст назар билан қарай бошлашибди. Бундан вазабга кирган Тангри таоло титанларнинг ерларига шиддатли сув тўфонларини юбориб, ўзларини мангу ҳалокатга юзтубан этибди...

— Жуда ажойиб асотир экан! — деди Асад ўйчан қиёфага кираркан, ҳайратини яширолмай.

— Унинг рамзий маъносига эътибор бердингизми? — сўради Саидмансур ака ва унинг жавобини кутмай, фикрини давом эттирди: — «Титаник» кемасини лойиҳалаштириб, ўта мукамал шаклда қурган одамлар унга ном қўйишаркан, бу қўҳна асотирдан хабардор бўлишганим-йўқми, билмадим, лекин ўшандаёқ уни келажакда қандай аянчли қисмат кутаётганини англаб етишга кўпам ақл керак эмас эди. Титанлар тангрилар қаҳрига учраган бандалар эканлиги туфайли улар билан боғлиқ ҳар қандай хиёлат, ҳатто сўз ва тимсол ҳам фожиали ҳалокатга маҳкум бўлаверса керак. Бу тарихий ҳақиқатни ҳаётий тажриба кўп марта тасдиқлаган. Лекин бу қўҳна ҳаётда Худо суйган бандалар, ҳатто уруғ ва қабилалар ҳам жуда кўп ўтгани ҳам — бор гап. Айтишлик, ана ўша қадимда ўтган пайгамбарлар, азиз-авлиёлар...

Профессорнинг гапни қайси томонга бураётганини сал-пал англаб етган Асад унинг бир зум сукутда қолганидан фойдаланиб, дарров уни саволга тутди:

— Сиз сайидлар, шайхлар шажараларини назарда тутаётган бўлсангиз керак-да?..

— Балли, Асаджон! Энди ана шу шажарага мансуб қизингиз Назирахон исмини олайлик. Уни, хойнаҳой, дадангиз Баҳром Шайх ота қўйган бўлсалар керак? Тўғри-ми?

— Тўппа-тўғри! — аста бош ирғади файласуф.

— Хўш, отангиз қандай ниятда бундай исм қўйганлар? — Саидмансур ака яна ҳамсуҳбатининг жавобини кутмай, гапида давом этди: — Бундай исми у киши: кенжа ўғлимнинг қизалоғи Яратганинг энг суюкли кулларидан бўлсин, у Парвардигоримизга назира бўлсин, деган эзгу ниятда қўйганлар. Тўғри топдимми?

— Тўппа-тўғри! — яна бош ирғади Асад.

— Отангизнинг ана шу нияти ижобат бўлиб, Назирахон Худонинг суюкли бандаларидан бирига айланди, деб тахмин қилайлик. Хўш, бу ҳолда нима бўлиши керак эди? Бу ҳолда Парвардигор қизингизни суйган бандаси сифатида мураккаб синовларга юзма-юз қилиши, шу тариқа уни пишитиб, тоблаб, руҳий комиллик сари етаклаши лозим эди. Эҳ-ҳе, олис ўтмишда яшаб ўтган улуғ набийлар ва азиз-авлиёлар ўзлари эришган руҳий комиллик чўққиларини забт этгунларига қадар Унинг озмунча синовларига сабр-тоқат ва матонат билан бардош беришмаган, шариат ва тариқатнинг машаққатли озмунча босқичларини босиб ўтишмаган, дейсизми? Хўш, энди сизга яна бир савол: қизингиз айни шу маҳобатли йўлга кирган ёхуд кирмаган деб айтишга бизда қандай далолат ёки кафолат бор?

— Менимча, ҳеч қандай, — деди Асад беихтиёр мийгида кулиб қўяркан.

— Мана бу масалада сиз янглишдингиз! — деди Саидмансур ака кескин оҳангда, озгина бўлса-да, ҳамсуҳбатининг руҳиятини кўтара олганидан хурсанд бўлиб. — Билишимча, Парвардигор Назирахонни авваллари ҳам бир неча бор оғир синовларга рўбарў қилган, тўғримиз? Бу синовларга қизингиз мардона дош берган. Унга ўтмишимизнинг буюк алломалари кашф этган илоҳий тош туҳфа этилгани-чи? Бу ҳам Олоҳнинг улуғ бир муруввати ва инояти эмасми?! Қизингизнинг бошига тушган ҳозирги савдолар ҳам, илоё, охири бахайр бўлсин, менимча, Унинг навбатдаги синовларидан бири эканига шахсан менинг иймоним комил...

Бу гаплардан Асад чиндана амча енгил тортган, шу боисми, яна кулимсираб:

— Қойил-е, домла! — деди мулоийм оҳангда. — Мен сизни ўзимизнинг эски

моддиюнчи олимларимиздансиз, деб юрсам, илохий илмлардан ҳам бохабар экансиз-ку!..

— Энди биз ҳам ўз устимизда ишлаб, руҳий комиллик сари интилишимиз керак-да, Асаджон. Биз, ижодкор одамлар, ҳозирги қайта қуриш шароитида ҳамма нарсага жиддий ёндошиб, холис баҳо беришимиз лозим. Керак экан, прагматик одамга айлланишимиз, вазиятга қараб адолат билан иш услубимизни кескин ўзгартиришимиз ҳам фойдадан холи бўлмайди.

— Фикрингизга юз фоиз қўшиламан, домла! — деди Асад қаддини ростлаб ўрнидан тураркан, яна ўйчан қиёфага кириб. — Ҳар ҳолда олдингизга келиб, чакки қилмабман. Анча маслаҳатлар бердингиз, руҳимни кўтардингиз, катта раҳмат сизга! Соат бешларда мен ўзим сизга сим қоқаман, ўлингиз билан бир гаплашиб кўрай-чи... Ҳозир Раҳматилланинг олдига боришим керак, у кутаяпти...

Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисиб, самимий хайрлашишди.

Гулшода бону ҳикояси

— Мен асли афғонистонлик ўзбекларданман, ўша Худонинг қаҳрига учраган юртда Амударё соҳилидаги мўъжаз шаҳарчалардан бирида турилиб ўсганман, — дея аста ҳикоясини бошлади Гулшода бону. Рўпарасида ўтирган профессор Қаҳҳорий шошилмай чойдан ҳўпларкан, аёлга кўзларини қисиб, синчков тикилди. Назира ҳам қулогини динг қилиб, уни тинглашга чоғланди.

— Қурбон исми эрим, бир ўғил, бир қизим билан кўп қаватли уйда яшар эдик. Эрим ҳукуматга муҳолифат кучлар томонидаги бир генералнинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилар, ўзим шифохонада ҳамширалик вазифасини адо этардим. Шўролар билан афғон давлати ўртасидаги уруш айни авжига чиққан бўлишига қарамай, у бизнинг шаҳарчага етиб келмаган, лекин у бизга ҳам дақиқа сайин яқинлашаётганини ярим кечалари гумбурлаган тўп овозлари-ю, даҳшатли бўмба портлашларидан сезар эдик.

Бизнинг уйда асосан шўролар томонида бўлган ва мужоҳидларга қарши урушда бевоСИта босқинчиларга ёрдам бераётган одамларнинг оилалари яшар, шунинг учун улар шаҳарчамизни кетма-кет тарк этиб, кимдир Ўзбекистонга, кимдир Тожикистон ёки Қирғизистонга кўчиб кета бошлаганди. Кечаю кундуз генералнинг хизматида бўлган эрим бир куни ярим кечаси ташриф буюриб, қўлимга янги бошпурт тутқазаркан:

— Эртага тунда юк машинаси келади, — деди жиддий қиёфада, — унга энг зарур кўч-кўронингни ортасан-да, болаларимизни олиб Тошкентга жўнайсан. У ерда Қорақамишдан уч хонали уй сотиб олдим, сени хавфсизлик қўмитасининг икки ходими кузатиб кўяди. Уруш сал тинчиса, ўзим ҳам етиб бораман.

Бахтга қарши, ўша куни у биз билан ётиб қолди. Тонг саҳар соат тўртлар атрофида пақ-пуқ ўқ овозлари ва гумбурлаган бомба портлашларидан ҳаммамиз уйғониб кетдик. Қурбон акам сакраб ўрнидан турди-ю, шоша-пиша кийиниб, қўйин чўнтагидан тўппончасини чиқарганча, деразадан пастга қаради. Мен биргина ичкўйлақда қалтираб турарканман, ичкари уйдан кўзлари ола-кула бўлиб чиқиб келган болаларимни бағримга босдим.

— Нима г-гап? Шўро аскарлари б... бостириб келишди чоғи? — деб сўрадим тилим зўрға айланиб.

Турмуш ўртоғим саволимга жавоб бериб улгурмади. Қулоқни қоматга келтирувчи портлаш овози эшитилиб, бамисоли қиёмат қойиб қўпгандек бўлди. Кучли зилзила бошланиб, кўз олдимда дераза ойналари чил-чил синиб кетди. Темир-бетон шип қарсиллаб иккига бўлиниб, устимизга тушаётганини кўрдим-у, жон ҳолатда икки боламини ташқарига етакладим. Дераза ёнида турган эримнинг оёқ ости чўкиб, пол билан бирга пастга қулаётганига кўзим тушиб, бор овозим билан чинқириб юбордим. Менинг бу аҳволимни кўрган болаларим ҳам дод-вой солиб йиғлаб юборишди. Мана шу таҳлит гандираклаб ташқари эшикка етиб келганимизда, шундоқ рўпарамизга шипнинг баҳайбат темир-бетон тахтаси қийшайганча қулаб, йўлимизни тўсди-кўйди. Ҳаммаёқни тарақа-туруқ, қарс-қурс овозлар босиб кетган, ҳали тонг отиб улгурмаганига қарамай, ҳаммаёқ ёришиб кетган, чамамда, кўп қаватли уйимизнинг қайсидир қаватида ёнғин бошланган эди.

Мен жигаргўшаларимни бағримга босганча, жон-жаҳдим билан уйнинг бурчак томонига отилдим. Назаримда, мана шу бурчаккина бизни бу қиёматдан қутқариб қоладигандай эди. Кўнглимнинг бир чеккасидан, болаларим билан ўзимни деразадан ташласаммикин, деган фикр ҳам ўтди. Лекин биз тўртинчи қаватда яшашимиз,

шу боис омон қолишимиз барибир амримаҳол эканлигига ақлим етиб улгурмай, яна бир фалокатта юзма-юз келдик. Биз етиб борган бурчак поли фавкулудда қарсиллаб ёридди-ю, тахта, ғўла, темир-бетон парчалари билан бирга айқаш-уйқаш бўлиб, пастга учиб кетдик... Йўл-йўлакай бошимга алланима қаттиқ зарб билан урилди, ҳушимдан айриларкан, бағримдаги икки жигаргўшамни бор кучим билан кучоқлаб олганим элас-элас ёдимда қолди, холос...

Хушим жойига келганда мен шип ва деворлари оппоқ, шинам бир хонадаги оппоқ кўрпа-тўшақда ётардим, оғзи-бурнимга кислород юборувчи елим қувурча уланган кичик ниқоб ёпилган, чап оёғим гипсланган, тепамда эса, оқ халат кийган малла сочли ўрис аёли ўтирарди.

— Слава богу, вы живы, — деди у тилла тишларини кўрсатиб майин жилмаяркан. Кейин кафтини пешонамга қўйиб кўрди-да, хурсанд бўлиб қўшимча қилди: — И температура нормальная... и пульс более-менее ровный...

Маълум бўлишича, мен Қандаҳордаги шўро аскарлари даволанадиган ҳарбий шифохонада уч кечаю уч кунудуз ўзимни билмай ётибман. Қурбон акамнинг хавфсизлик қўмитаси соҳасида шўро ҳукуматига кўрсатган хизматларини эътиборга олиб, каминига жиддий эътибор билан қарашибди. Турмуш ўртоғим бир вақтлар Тошкентда ўқиган эмасми, мен ҳам ўрис тилини унча-мунча билардим, ҳамшира аёлдан болаларим қаердалигини сўрадим. Улар ҳалок бўлганларини эшитиб, яна хушим бошимдан учаёзди. Ётган жойимда қон йиғладим.

Ўрис аёл айтишича, уч кун аввал бизнинг уйга мужоҳидлар бомба ташлашибди. Беш қаватли уй кўғирчоқдай ағдарилиб, босиб тушибди. Атиги еттита одамнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлишибди. Яхшиямки, биз юқори қаватда яшарканмиз, шунинг учун босиб тушган уй ҳаробаларининг устки қисмига кулабмиз. Икки томонимга ағдарилган фарзандларим темир-бетон тахталар остида қолиб, тезда жон беришибди. Қариндошларимиз Қурбон акамнинг жасадини аранг топиб, фарзандларимиз билан бирга ота-боболаримиз ётган хилхонага қўйишибди.

Худонинг қароматини қарангки, мен алақандай мўъжизавий тарзда тирик қолибман, бошим қаттиқ лаб еб, темир-бетон уюми остида қолган чап оёғим синибди, холос. Унинг бурчак шаклида қулаган юқори қисми мени хароба остида бутунлай янчилиб кетишдан асраб қолибди.

Хуллас, одам боласи ҳамма нарсага кўникар экан, бошга тушганни кўз кўрар, деб шифохонада бир ой даволанганимдан сўнг, ўзимга келиб, гипсни олиб ташлашди. Ҳеч нарса кўрмагандай ўша шифохонада ҳамширалик қила бошладим.

Бир кунни уйимизга келиб юрадиган таниш зобитларнинг бири мени излаб топди-да, Тошкентда турмуш ўртоғим номига расмийлаштирилган уч хонали уйнинг қўжжатлари ва калитини қўлимга топширди. Эртагаёқ ўша ёққа кўчишим мумкинлигини айтди. Қурбон акам шундай деб васият қилиб кетган эмиш.

Шундан кейин шўро масъуллари эримнинг ўзларига хизматларини ҳам, каминани ҳам буткул унутишди. Мен Тошкентга кўчмадим. Ота-онам, ёстиқдошим ва жигарбандларимнинг ҳоки пойлари ётган, киндик қоним тўкилган тупроқни ташлаб қаёққа ҳам борардим, ахир.

Мен шифохонада ётганимда, азбаройи ғам-ғуссага ботганимдан баъзан ўзимни ўзим ўлдириш пайига ҳам тушиб қолардим. Шундай кезларда босинқираб, алоқ-чалоқ тушлар кўрар, тепамда оппоқ кийим-бошлардаги отахон ва онахонларнинг ғира-шира шарпаларини илгар эдим. Улар мени бамисоли дуо ўқиб, «куф-суф» қилишар, тепамда гўё исриқ тутатишаётгандай оппоқ туман пайдо бўлар эди. Сал ўзимга кела бошласам, бўлди, уларнинг ўрнини алақандай айиқсимон қора шарпалар эгаллар, улар атрофимда парвоналардай чарх уриб айланишар, гўё менга жаннатий ҳузур-ҳаловатлар ваъда қилишаётгандай жавлон уриб рақс тушишар эди.

Шундан сўнг мен яшайдиган уйда (камина шифохона биносининг ёнбошида жойлашган биргина мўъжаз хонада истиқомат қилардим) ғалати ҳодисалар юз бера бошлади. Кечалари мен эшикни қулфлаб, дераза дарчаларини ҳам охиригача ёпиб, илгагини илиб ётардим. Лекин, ярим кечаси бўлди дегунча, эшик ўз-ўзидан очилиб-ёпилар, дарчалар ҳам қутилмаганда шамол билан тарақлаб очилиб кетарди. Хонада ҳеч кимни кўрмасам-да, тепамга келган аллакимнинг совуқ нафасини сезарканман, бутун вужудимни титроқ босиб, танамдаги энг майда тукларимгача тикка бўлиб кетарди. Азбаройи кўрққанимдан терга ботиб, бақираман дердим-у, лекин овушим чиқмас, ётган жойимдан турмоқчи бўлардим-у, чоғим келмас эди.

Ҳаётлигида Қурбон акамнинг ғалати бир одати бор эди: нимадандир жаҳли чиқса, оғзига мум солгандай ҳеч ким билан гаплашмай кўяр, қошиқми, пиёлами, ликопчами — қўлига нима тушса — ўшани жаҳл билан пастга улоқтираверарди. Хонамга кўринмас «аллаким» ташриф буюра бошлаган дастлабки кунлардаёқ хонтах-

та устидан вилка-қошиқлар ўз-ўзидан ерга учиб туша бошлаганини кўриб, мени кечалари марҳум ёстиқдошимнинг руҳи безовта қилаётганини пайқадим. Чунки мен бунақа ҳодисаларга ҳаётимда биринчи дуч келишим, ўлган одамларнинг руҳлари мавжуд бўлиши мумкинлигини эса, тасаввуримга ҳам сиғдирилмас эдим.

Дастлабки кунларда мен ундан юрагим ёрилгудай кўрқиб, лабларимга учуқ тошиб кетган бўлса, кейинчалик унга кўника бошладим. Ҳатто у билан руҳий мулоқот ўрнатишга, унинг нима истаётганини билишга уришиб кўрдим.

— Сиз — эримнинг руҳимсиз? — фикран сўрадим ундан рўпарамдаги қоронғи нуқтага зўр бериб тикиларканман. Лаҳза ўтмай, «тиқ» этган товуш эшитилди.

— Бу — «ҳа» деганингизми? — яна сўрадим қизиқишим ортиб.

Яна «тиқ» этган овоз келди. Мен мулоқотнинг ҳеч қурса ана шундай йўли топилганидан суюниб, саволларни қаторлаштириб ташладим:

— «Йўқ» деганингизни қандай англайман, жоним?

Икки марта «тиқ-тиқ» этган товуш эшитилди.

— Яхши, азизим! Сиз билан ҳеч қурса шу тариқа мулоқот қилаётганимга ҳам Худойимга чексиз шукроналар айтаман! Сизсиз, жигаргўшаларимсиз яшаш мен учун қанчалик азоб-уқубатлигини наҳотки тасаввур қила олмайсиз? Сизнинг бундай тунги «ташриф»ларингиз ҳам менга қанчалик оғирлигини наҳотки сезмайсиз? Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми?! Энди айтинг-чи, жоним, руҳлар одатда Мункар-Накир савол-жавобидан сўнг кўкка, Парвардигор амир қилган жойга учиб кетади, дейишади. Шу тўғрими?

— «Тиқ».

— Сиз ҳозир қаердасиз? Жаннатдами?

— «Тиқ». «Тиқ-тиқ».

— Ҳаям, йўғам демоқчисиз-да?

— «Тиқ».

— Демак, сиз ҳали ердасиз, кўкка учмагансиз, шундайми?

— «Тиқ».

— Сизни бу ерда нима ушлаб турибди? Шаҳид кетган мурғак фарзандларимиз дорими?

— «Тиқ». «Тиқ-тиқ».

— Тушунолмадим. Ё «ҳа», ё «йўқ» денг-да. Ахир, мен кунаро уларнинг қабрига гул қўйиб, Қуръон ўқиб келаяпман... Сизга ҳам...

Мен шундай деб, беихтиёр ҳўнграб йиғлаб юбордим. Яна «тиқ» этган товушни эшитиб, аранг ўзимни қўлга олдим.

— Демак, сиз мендан розисиз, шунақами?

— «Тиқ».

— Раҳмат, лекин сиз нима истайсиз?.. Менинг ҳам ўлишимни хоҳлайсизми?

— «Тиқ-тиқ».

— Демак, яшашим керак?

— «Тиқ».

— Аммо менинг сираям яшагим йўқ. Мен учун ҳаётнинг умуман ҳеч қандай маънисини қолмади. Лаънати уруш у дунёю бу дунёимни дўзахга айлантирди. Бутун умр икки жаҳон овораси бўлиб яшашдан қандай наф бор, ахир? Шифохонада куни билан ярадор аскарларни даволаб, ўзимни фақат шу иш билан овутаман. Кимни даволаяпман — дўстними, душманними — мен учун мутлақо фарқи йўқ. Мен учун Худонинг ёрдамига муҳтож бандаси бўлса — бас, борлиқ жисмим, бутун вужудим билан кеча-кундуз хизматини қилишга тайёрман. Фақат шу ишгина менга жиндек тасалли беради. Ваҳоланки, мен алақачон, сиз ва жигарбандларимдан жудо бўлган дақиқаларимдаёқ қалбан ўлиб бўлганман!..

— «Тиқ-тиқ».

— Нима-нима? Кўнглимни кўтармоқчи бўлаяпсиз-да? Раҳмат. Лекин ишонинг: мен чинданам ўлганман! Худди совуқ биринж ҳайкалдай фақат жисмим қолган, холос.

— «Тиқ-тиқ».

— Яна «йўқ» дейсиз-а! Ўжарлигингиз ҳалиям қолмабди. Ҳай майли, сизнингча бўла қолсин. Ўлмаганман, дея қолайлик. Лекин сиз мендан нима истайсиз ўзи? Нима қилсам, кўкка учиб, Худойим сизга ато қилган жойда ҳаловат топасиз? Бадбахт ҳаётимни шу тахлит давом эттираверайми? Тирик ўлик бўлиб яшайвераёми?

— «Тиқ-тиқ».

— Ёки ота-боболарим ва сизларнинг хоки пойларингиз ётган она тупроқни тарк этишимни хоҳлаяпсизми?

— «Тиқ».

Менинг энди жаҳлим чиқа бошлади.

— Нималар деяспиз? Нега энди? Мен ҳеч қаяққа бормайман! Ўлсам, мана шу тупроқда ўламан!

Бу сафар «тиқ-тиқ» этган овоз баландроқ янгради. Қурбон акамнинг руҳи ҳам «дўқ-пўписа»га ўтганди, чамаси. Кейин кутилмаганда қорнимда оғриқ турди. Билишимча, бу ҳам эримнинг иши эди.

— Нима, қорнингдаги болани асра, демоқчимисиз? — менинг қорнимда чинданам уч ойлик болам бор, турмуш ўртоғим ҳам бундан хабардор эди.

— «Тик».

Хуллас, Қурбон акам билан бўлиб ўтган ўша кунги суҳбатдан шуни англадимки, унинг руҳи ҳали дунёга келмаган фарзандимизни асраб қолиш ва шу йўл билан ўз авлоди, ўз зурриёдини давом эттириш пайида мулки оламни тарк этолмай, сарсон-саргардон изғиб юрган экан...

Кўп ўтмасданок мен шўро зобитлари ёрдамида Тошкентга кўчдим. Кейинчалик эшитишимча, мужоҳидлар жўнаб кетган кунимнинг эртасигаёқ эрим ва фарзандларим ётган қабристонга ҳам, мен омонат яшаб турган шифохонага ҳам бўмба ташлаб, уларни таг-туғи билан портлатиб юборишибди.

Қурбон акамнинг руҳи шу-шу мени бошқа безовта қилмади.

Долзарб масала

Одамзотнинг жами кулфатлари ва бахтсизликлари, урушлар, очарчиликлар, хасталиклар, офатларнинг ҳормас-толмас ташкилотчиси, одамларни қийноқ-қистокқа солиш ва уларнинг шахсий ҳаётларини заҳарлашни ўзига касб-кор қилиб олган Иблис, Коинотнинг энг буюк ёлрончиси ва фитначиси бўлиши билан бирга, жами ёвуз дўзахий кучларнинг тенги йўқ йўлбошчиси ва раҳнамоси ҳам эди. Унинг беқиёс истеъдоди шунда эдики, бизнинг асримизда Ер юзи аҳолисининг қарийб бешдан бирини Худо йўқлигига ишонтиришга деярли эришганди. Ўзининг ҳам фақат асотир, афсоналардагина мавжудлигини, умуман, инсон ҳаёли маҳсули эканлиги, аслида реал ҳаётда йўқ нарсалигини далиллашга айтарли муваффақ бўлганди. Билъакс, инсон табиати шундайки, фақат ўзи кўриб билган ва чиндан мавжудлигига ишонган нарсаларинигина тавоф қилади ёки уларга қарши курашади. Модомики Худо йўқ экан (Ўзи кечирсин!), демак, Унга сизининг ҳам ҳожати йўқ. Дунё, бутун Коинот ўз-ўзидан, тадрижий тараққиёт маҳсули ўлароқ яралган-да, ахир! Шайтон ҳаётда йўқ нарсамиде, демак, унга қарши курашиш ҳам — бемаъни машғулот. Йўқ нарсани йўқ қилишга интилиш ҳам ғирт тентаклик-да, ахир! Бу шайтоний мантиқ айниқса собиқ шўролар даврида «коммунистик мафкура» деб аталмиш шайтоний ғоялар мажмуи орқали халқ оммаси онгига тўхтовсиз сингдирилиб борилган эди.

Эндиликда коммунизм ғояси ҳам, бу залворли сиёсий оқим мафкураси ҳам инкирозга юз бурган, бу эса Иблис бошчилигидаги зулат аҳлининг жуда катта хатоси ва талофати эди. Жами шайтоний кучлар ва инс-жинслар раҳнамоси Улуспир ва унинг энг яқин гумашталари учун бу хато жуда қимматга тушган, минг йиллар мобайнида олиб борган Коинот миқёсидаги серкўлам ишлари чиппакка чиқишига бир баҳя қолган эди. Ҳозирги вақтда ана шу хатони тузатиш, зудлик билан коммунистик мафкуранинг ўрнини тўлдирувчи бир нима ўйлаб топиш — бениҳоя улкан аҳамият касб этувчи вазифа эди.

Иблис ана шу долзарб масалани уюшманинг навбатдаги қурултойи кун тартибига қўйган эди.

У чигал эҳромдаги тилла курсида пайдо бўлиб, ҳаммаёқ тинчиб, бўлмага сувсеп-гандек жимлик чўқкач, ноибларга шахмат тўшамандаги ҳар бир катакка ўтиришни таклиф қилди. Ўзи эса ирғиб ўрнидан турди.

Шайтонга сизинувчиларнинг олий ҳукмдори қурултой учун роппа-роса ўттиз уч дақиқа вақт ажратган, кун тартибдаги масалалар ҳам ана шу вақтга мосланган бўлиши керак эди. Агар бирор масала шу вақт ичида кўрилиб улгурилмаса, ўз-ўзидан кейинги қурултойга қолдириларди. Умуман, Иблис азбаройи ишлари кўплиги туфайли ҳар қандай расмиятчилик ва қорозбозликни жини ёқтирмас, ҳафталаб бесамера мажлис ўтказадиган ерлик амалдорлардан фарқли ўлароқ иш вақтини жуда қадрлаб ва ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланарди. Ўттиз уч дақиқадан сўнг бонг ўрилиши биланок у тилла курсида туманга айланиб кўздан ғойиб бўлар, пировардида уни чигал эҳтиромнинг бирон-бир бурчидан излаб топишга ҳар қандай уриниш тамомила бефойда машғулот эди.

У ҳозир ҳам сакраб ўрнидан турди-да, қаддини ростлаб, дарров кун тартиби-

ни эълон қилди. Сўнгра илҳом ва эҳтирос билан маърузасини бошлади:

— Муҳтарам жаноблар ва қадрли жаноби олиялар! Маълумингизки, бугунги кун тартибига қўйилган масала ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва оламшумул аҳамиятга молик! Одамзот ўзи ўйлаб топган ва бизга жуда қўл келаётган улуғ коммунистик ғоя тағ-томири билан тубсиз чоҳга қулади, ҳисоб. Унинг бўш қолган ўрнини тўлдириш, одамзот билан ишлашнинг янги-янги мафкуравий усул ва услубларини излаб топиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Зулат аҳли учун муқаддас бўлган бу ишни биз — шайтонлар адо этмасак, ким адо этади? — гап шу ерга келганда Улуспир ғазаб билан кўзларини чақчайтириб, мушларини тутди. Кейин яна ўзини пича босиб, гапида давом этди: — Муаммо шундаки, азизлар, ба-обрў уюшмамизнинг айрим аъзолари жонларини жабборга бериб, куйиб-ёниб иш-лашганлари ҳолда, аксарият фаолларимиз ҳали-ҳануз лаңдовурлик, танбалик ва бевурдлик намуналарини кўрсатишмоқда. Бу хусусда камина сал кейинроқ бафуржа тўхталиб ўтаман, эҳтимол, баъзи бир нокасларимизни шу бугуноқ қаттиқ жазолашимизга тўғри келар. Лекин ҳозирдан оғоҳлантириб қўймоқчиман: ўша лаңдовур ва калтабин фаолларимиз меъдан ҳеч қандай яхшилик кутмасин! Уларни амалидан олиб, уюшма сафидан ҳайдайман! Ҳа-ҳа, бир умрга дўзахга бадарга қиламан! Ана шунда зора кўзлари сал очилса!.. Бизнинг қадримизга ҳам зора ана ўшанда етишса... Лекин унда кеч бўлади, ҳа-ҳа, жуда кеч бўлади! Бу қандай бедодликки, шайтон дегани бундоқ шайтонга ўхшаб ҳаракат қилолмаса?! Бу қандай надоматки, олатасир ва бебошвоқ замона тақозоси билан дунёга келган беминнат дастёрларимиз — ҳар хил динфуруш, сиёсатфуруш ва жиноятфурушлардан шайтонга ўхшаб муносиб фойдалана олмасак? Бу қандай разолатки, оловдан яралган мавжудот бўла туриб, лойдан ясалган зоти паст одамзотни ер билан яксон қилолмасак?!

Улуспир азбаройи ғазабга минганидан титраб-қақшаб, оғзидан кўпик сачратиб, ноиблари қаршисида у ёқдан-бу ёққа асабий одимларкан, ўзини қўйрага жой тополмай қолганди. Лекин Иблис барибир Иблис-да, у бир сониядаёқ ўз феъл-атворини юз саксон даража тескарисига ўзгартира олади, яъни йиғлаб туриб, зум ўтмай, қаҳ-қаҳ уриб кулиши ёки аччиқ данак чайнаб қўйгандай афтини буриштира туриб, бирдан куйдирган каладай тиржайиши унга чўт эмас эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бир дақиқадаёқ ўта жиддий қиёфага кириб, Коинот зулат аҳли уюшмасининг янги иш дастурини эълон қилишга киришди:

— Азиз биродарлар! Замона тақозоси билан эл қатори биз ҳам ўз фаолиятимизга ижодий ёндошишимиз, Галактикамиз сайёралари, хусусан, Ер юзида кечаётган жараёнлар билан уйғун иш олиб боришимиз зарур. Камина ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, баъзи бир янги ғоя ва тақлифларимни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Шундан кейин Улуспир уюшманинг Коинот миқёсидаги ишлари юзасидан ўз фикрларини баён қилиб, тезда Ергаги муаммоларга ўтди.

— Ер курраси биз фаолият юритадиган марказий сайёралардан ҳисобланади. Чунки Парвардигор илк инсонлар — Одам Ато билан Момо Ҳавони биринчи бўлиб Ерга бадарга қилган. Шу боис агар биз Ерни тўлиқ ўз ҳукмимизга олсак, салтанатимиз сарҳадлари онгли мавжудотлар яшайдиган бошқа сайёраларга ҳам ўз-ўзидан кўчиб ўтаверади.

Ергаги илк вазифамиз, мен бу ҳақда илгари ҳам кўп тўхталганман, анархия ўрнатиш. Анархия — бу бошбошдоқлик, тартиббузарлик... Бунинг учун нима қилишимиз керак? Бунинг учун биз жамиятни бир чеккадан тағ-тути билан бузиб, шу жойнинг ўзида янгисини, ўзимизга кераклисини қуриб боришимиз керак. Бу бами-соли бир тоғни йўқ қилиб, ўрнига бошқасини бунёд этишга ўхшайди. Ҳаддан зиёд оғир вазифа, тўғрими? Лекин амада уддасидан чиқиш мумкин. Албатта, бу биргина ўзимизнинг қўлимиздан келмайди, лекин бу ишда бизнинг хизматимизга ўтган, яъни шайтон йўлига кирган инсонлардан бемалол фойдалансак бўлади. Бунақалар эса Ерга даррахтнинг шохини силкитсанг, бўлди, дув-дув ёғилади.

Фурсатдан фойдаланиб шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳар бир шайтон, ҳар бир инс-жинс — ҳар бир одамнинг юрагига олмага тушган қуртдай мустаҳкам ўрнашиб олиши зарур. Ило, биз одамзотнинг танасини, борлиқ вужудини ўз уямиз, чинакам хонадонимизга айлантиришимиз лозим. Танага яхшилаб жойлашиб олгач эса, биз унинг соҳибини дангасалик, очофатлик, уйқучилик билан енгиб, охир-оқибат жонига эга чиқишимиз керак. Ана шундагина биз азалий душманимизни истаган кўйимизга, истаган шайтоний ҳолатимизга солиб, қўғирчоқдай ўйнатиш қудратига эга бўламиз.

Анжуманимиз ниҳоясида Ер воқеаларига доир яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман: Марказий Осиё ҳудудидаги катта шаҳарда истиқомат қилувчи ўша ўзларингиз билган шайхлар хонадонининг ноёб хислатли қизини самовий тош билан бирга ка-

мина йирик жиноий тўда бошлиқлари кўмагида шахардан ташқаридаги махфий кўрғончага ўгринча олиб келишга муваффақ бўлдим. Ҳозир улар тош устида бир қатор илмий тажрибалар ўтказишга киришишди. Бу ишга қимматбаҳо кристалл тошлар соҳасининг энг йирик мутахассисларидан бирини ҳам жалб этдик. Ҳозирги вазифамиз — жиноий тўда раҳбарларининг ўша ҳикмат тошининг даҳшатли руҳий ва ирсий қурол сифатидаги хусусиятларини тўлиқ англаб етишларига ҳар томонлама имкониятлар яратиб беришдир. Бу ишга яна ўша ўзларингиз билган ҳамкасбларимиз Нуж, Нут ва Яослар бош-қош бўлиб туришибди. Топширилган вазифанинг ўта муҳимлигини эътиборга олиб, улар бугунги қурултойда иштирок этишлари шарт эмас, деб лозим топдик. Камина ўнг ва сўл қўл вазирларим Баал Забуб ҳазратлари ва Астарот жанобларидан жаҳоншумул аҳамиятга молик бу ишимизнинг боришини ўз шахсий назоратлари остига олишларини қатъиян илтимос қиламан. Унинг бутун масъулиятини эса, ўз зиммамга оламан!..

Шу пайт қурултой поёнига етиб, бонг урилиши биланоқ яна тилла тахтига бориб ўтирган Улуспир ногаҳон тумандай эриб, кўздан ғойиб бўлди.

Шайтон ва инс-жинслар, жодугар ва алвастилар, қора девлар ва ёвуз парилар бамисоли елкаларидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, гурр этиб ўринларидан кўтарилишди.

Жилвагар олмос фожиаси

Боғ-роғлар қўйнидаги ҳашаматли кўрғонча меҳмонхонасидаги тўкин-сочин столга нонуштага ўтирган Назира ордидан кетма-кет кирган Гулшода бонунинг ўрнидан туриб, иззат-икром билан кутиб олди. У ҳали-ҳануз башоратчи аёлнинг кеча кечқурун сўзлаб берган ҳикояси таъсирида юрар, туни билан шу ҳақда ўйлаб чиққан, бонуга муносабати ҳам бутунлай ўзгарганди. Ёшига нисбатан анча каттароқ кўринувчи, сочлари бевақт қаариб кетган бу аёл шу даражада бахтсиз, шу даражада кўп жабр-жафо тортгандики, энг яқин одамлари, жигарбақдлари ва умуман, борбудидан бир кечадаёқ жудо бўлганди. Боз устига, киндик қони тўкилган она юртини тарк этишга ҳам мажбур бўлганди. Булар ҳам камлик қилган экан: дард устига чипқон, деганларидек, бегона юртда азбаройи ғам-қайғу чекаверганидан қорнидаги ҳомиласи муддатидан илгари туғилиб, нобуд бўлганди.

Назира унинг қандай қилиб башоратчи бўлиб қолганига энди сал-пал тушунгандай эди. Одатда одамлардаги ноёб хислатлар мана шундай ғайриоддий, ҳаддан зиёд қалтис шароитларда юзага чиқади, дейишади-ку. Аёлнинг нима учун ёвуз ботиний кучлар хизматига ўтганини ҳам қиз энди англаб етгандай бўлди. Номинг ўчгур уруш руҳан энг покиза, қалбан энг олийжаноб одамни ҳам шум ва қаттол Иблис йўлига бошлайди чоғи. Назира аёлга ҳурмат билан тикиларкан, аини вақтда унга чин дилидан ачинар, шу билан бирга, чархи фалакнинг ушбу оғир синовларига ҳалиям дош берган чексиз сабр-тоқати ва матонатига чин юрагидан қойил қолиб, тасаннолар айтар эди.

— Яхши ётиб турдингизми? — деди Назира унга чой қуйиб узатаркан. Кейин ликопчадаги пишириқларни олдига суриб қўйди.

— Раҳмат, — деди Гулшода бону қошларини чимириб. — Сизга айтувдим шекилли, ўз уйим — улан тўшагим, деганларидек, янги жойда ҳечам яхши ухломмайман. Ўзингиз қалай? Янги шароитга кўникиб қолдингизми?

— Кўникмай қаёққаям борардик, — деди Назира ўйчан қиёфага кириб. — Шу кунларам пешонамизда бор экан-да.

— Домла ухлаб қолибдилар чоғи, — сўради башоратчи аёл кулимсираб. — Лекин жуда қизиқ одам экан...

— Ана, овозлари келяпти. Умрлари узоқ бўларкан, — Назира шундай дейиши билан эшик очилиб, меҳмонхонага аввал профессор Абдулҳаким Қаҳҳорий, кейин нафис хитой чойнаги ва тўртта иссиқ оби нон кўтарган жория аёл кириб келишди.

— Салом, меҳрибонларим! — дея хитоб қилди профессор хушчақчақ кайфиятда яна тўрдаги жойига бориб ўтираркан. — Кайфиятлар қалай? Яхши ҳордиқ ололдингларми ишқилиб? Аммо-лекин кечаги суҳбатимиз зўр бўлди-да, шахсан мен Гулшода бонунинг ҳаётинг жами аччиқ-чучугини тотиган, жафокаш ва зукко бир аёл сифатида кашф этдим. Кейин ўзимам роса мириқиб ухлабман, ҳатто ғаройиб чуш ҳам кўрибман. Алақандай боши берк йўлаклардан иборат чигал эҳромда юрган эмишман. Тагимиздаги тўшама — шахмат тахтасига ўхшаган оқ-қора катаклардан иборат эмиш. Қора костюми, қошлари чимирилган, хушбичим қиёфали бир йигит истиқболимга чиқиб, иззат-икром билан кутиб олибди...

Бу гапдан Назира ҳам, Гулшода бону ҳам сергак тортиб, бир-бирларига маъноли қараб кўйишди. Дилфуза чойни чойнакка уч марта қайтарди-да, кейин пиёлага қўйиб, домлага узатди. Сўнгра унсизгина одимлаб, меҳмонхонани тарк этди.

— Аммо-лекин ҳозир бир-биримизга тушимизни айтиб ўтирадиган вақт эмас, — деди Қаҳҳорий чаққонлик билан нон ушатиб, аёлларнинг олдига қўяркан. — Энди биз учун ҳар бир дам, ҳар бир фурсат ганимат. Тез-тез нонушта қилиб, ишга киришимиз керак. Буюк аждодларимизнинг, эҳтимол, минг йиллар оша бизгача етиб келган оламшумул кашфиёти билан боғлиқ жумбоқни одамзот асрлардан буён ечолмай келаётган бўлса, бизга бу тарихий иш учун атиги қирқ кун ажратилди, холос. — Шу ерда домла кинояли кулимсираб қўйди. — Эшақда бир неча йил мобайнида етиб бориладиган манзилни сиз билан биз бамисоли реактив самолётда забт этишимиз керак экан! Муқоясам қалай бўлди? — ўйлаб топган ўхшатишидан ўзи хурсанд бўлиб кетган профессор кўзларини қақнатиб, ҳамхоналарига бирма-бир қараб чиқди-да, шоша-пиша аввал сариёғ, кейин устига қизил уйдирдиқ суриб овзига солди. У овқатдан сал жағи бўшади дегунча гапини давом эттирарди. — Назирахон қизим, аммо-лекин сиз ҳали биздан қарздорсиз-а, унутмадингизми?

Назира унга кулимсираб, савол назари билан тикилди:

— Нима экан?

— Э, дарровунутибсиз-да, меҳрибоним! Биз ҳақимиздаги ҳамма гапларни билиб олдингиз, тўғрими?

— Тўғри... Мен ҳам таржимаи ҳолимни гапириб беришим кераклигини назарда тугаяпсиз-да? Нима десам экан... Менда таржимаи ҳол йўқ ҳисоби. Боғча, ўрта мактаб, дорилфунун... Тамом-вассалом!

— Э, бўлмаган гап! Ҳар бир инсон — митти бир коинот. Биргина боғчадаги ҳаётингизнинг ўзи — улкан бир дoston-ку, ахир!..

Қаҳҳорий бу гапни ҳазиллашиб, шунчаки айтган, лекин фикри айнан мўлжалга бориб теккан, чунки Назиранинг боғчадаги гаройиб ҳаёти бутун Ҳазрати Имомда чинакам дoston бўлган ва биз бу ҳақда дастлабки китобимизда батафсил тўхталиб ўтганмиз.

— Хайр, майли, — деди профессор энди жиддий қиёфага кириб. — Бу ҳақда ҳали кечроқ, ишдан чарчаган вақтимизда сўзлаб берарсиз. Ҳозир эса, меҳрибонларим, мен сизларга бир мулоҳазамни айтиб қўйишим керак. Биласизлар, камина шўролар тузуми тарбиялаб вояга етказган олимларданман. Демакким, моддийчи-ман. Шунинг учун қандайдир сеҳр, мўъжиза ёки илоҳий кучга мени ишонтириш — жуда-жуда қийин масала. Модомики шундай экан, биз самовий тош тадқиқотига фақат илмий ёндошганимиз, ҳар қандай афсонавий фараз ёки уйдирмалардан нарироқ бўлганимиз маъқул...

Домланинг бир лаҳза сукутга толганидан фойдаланиб, Назира алақандай ички бир зарда аралаш савол қистирди:

— Лекин айнан ўша сиз айтаётган афсонавий фараз ёки уйдирмалар аслида ҳақиқат бўлиб чиқса-чи? Ахир, бирон ҳодисани афсонавий фараз ёки уйдирма дейиш — ўша ҳодисани эмас, балки нуқтаи назарни ифодалайди-ку?

Қизнинг бу тахлит кескин савол беришини кутмаган профессорнинг кўзларидан яна ўт қақнагандай бўлди.

— Қойил-э, қизим, баласиз-ку! Лекин агар ўша сеҳр ёки мўъжизаларни илмий асосда далиллаб бера олсангиз (шунақасиям бўлади!), мен ҳам тан бермай иложим йўқ, албатта. Камина ҳам унчалик қотиб қолган, консерватор одам эмасман. Ҳозирги фан тарихида аввал мўъжиза, чўпчак, мистика деб саналган, пировардида бутун бир фан йўналишига айланган ғайриоддий воқеа-ҳодисотлардан ҳам унча-мунча хабарим бор. Шу маънода сизга туҳфа этилган самовий тош ва умуман, кристалл тошлар хусусида керагидан ортиқ даражада билим ва ахборотга эгаман. Уларнинг ажойиб ва гаройиб хусусиятлари ҳақида юзлаб ажабтовур афсона ва ривоятлар тўқилган. Аммо-лекин афсона — барибир афсона-да. Афсуски, улардан илмий далолатлар сифатида фойдаланиб бўлмайди...

— Домлажон, — дея яна гап қистирди Назира ортиқ чидаб туролмай. — Кечиринг-у, лекин сиз, менимча, яна моддийончи олимларга ўхшаб мулоҳаза юритапсиз. Ғайриоддий ҳодисаларни ўрганиш — инсоннинг оламни ва ўз-ўзини ўрганиши-ку, ахир! Аслида ҳақиқий илм-фан билан ғайритабиий ҳодисалар ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ. Чунки биз ҳали ўрганиб тагига етолмаган, шунинг учун ҳам мавҳум туюлувчи ва табиатини илмий нуқтаи назардан изоҳлашга қурбимиз етмаган ҳодисаларнигина «ғайритабиий» деб атаيمиз. Шарқ, жумладан, Ўрта Осиёда яшаб ўтган буюк алломалар буни яхши билишган. Масалан, улуғ қомусий олим Абу Наср Фаробий соф моддий фанлар билан бир қаторда Аллоҳ кимлигини, фалакитшунослик, риёзиёт билан бирга руждар олами ва жаннат, дўзах тушунча-

лари моҳиятини, шунингдек, моддий ва илоҳий мавжудотлар даражаларини илмий асосда ўрганган. Бутун олам торгилиш қонунини кашф этган улуғ Ньютон фаришталар билан алоқа боғлашга астойдил уринган. Кеплер сайёралар ҳаракати қонунини йўл-йўлакай, тасодифан кашф этган — у аслида сайёралар Пифогуруснинг уйғунлик назариясига мувофиқ, осмон қаватлари қўшиғи оҳанглари таъсирида ҳаракатланишини исботлаш мақсадида далиллар ахтараётган эди.

Эҳтимол, барча ёндошувлар фойдалидир — фаришталар ва тортишиш кучи, риёзиёт қонунлари ва жонли, онгли, тебранувчан Коинот уйғунлиги, табиийлик ва ғайритабиийлик ўзаро узвий боғлиқдир?

— Оббо кизгина тушмагур-ей! — дея хитоб қилди унинг теран фалсафий билимларидан ҳайратга тушган Қаҳҳорий, чайнаётган нарсаси оғзида қолиб. Профессор табиатан шундай одамми ёки касб-кори тақозоси биланми, ақлли савол берган кишини жон-дилидан ёқтириб қолар, ҳар бир бундай янги савол эса унинг иаҳомига илҳом қўшар эди. — Бор-йўғи иккинчи курс талабасидан, аммо-лекин, бунақа доно фикрларни асло кутмагандим. Энди саволингизнинг жавоби-га келсак, қотиб қолган фикрлар ва жаҳолат бор жойда ўз-ўзидан зиддиятлар ва инкор туғилади. Мабодо ақл-идрок ғалати ва ажабтовур нарсалар учун очиқ бўлса, оламни англашни истаса, нотаниш ва мавҳум ҳиссиётлар ҳайрат, ажабланиш, шубҳа-ғумон ва ҳатто қўрқув орқали идрок этилади. Бу ҳиссиётлар эса бизга болаликдан яхши таниш, фақат ёшинг ўтгани сари унутилиб боради, холос. Эҳтимол, қачондир инсон сифатида ўзимизни қайта кашф этармиз ва бу борада фурсатни бой бермасмиз? Хулласи калом, одамзотнинг ўзи ҳам сир-синоатларга лиммо-лим бу оламнинг улкан бир жумбоғи эканлигини назарда тутсак, сиз қўйган саволларда ҳам нечоғли жон борлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Уларнинг суҳбатларига жимгина қулоқ солиб ўтирган Гулшода бону бирдан хохлаб кулиб юборди. Қаҳҳорий ҳам, Назира ҳам беихтиёр кулимсираб, унга ҳайрон бўлиб тикилишди.

— Ҳа, сингилжон, — деди профессор хушчақчақ кайфиятда сал сергак тортиб. — Нимадан бунча хурсанд бўлиб кетганингизни билсак бўладими? Бизам кулайлик-да энди!

— Биласизми, домлажон, — деди Гулшода бону кулгусидан хижолат чекиб, оғзини кафти билан беркитаркан. — Сиз донишмандлик билан шундай силлиқ жавоб бердингизки, ўлай агар, бир нимага тушунолган бўлсам... Гапингизда на «ҳа» деган маъно бор, на «йўқ»...

— Э-ҳа, гап буёқда денг!.. — деди профессор яна жиддийлашиб. — Ҳаётда шундай муаммолар борки, меҳрибонларим, уларга нисбатан на «ҳа» ва на «йўқ» дея оласан, киши. Ҳамма нарсага нисбийлик нуқтаи назаридан ёндошган маъқул экан шекилли. Чунки инсон ёши улғайгани сари буюк Яратгувчидан бўлак Мутлақ Ҳақиқатнинг ўзи йўқлигига ишонч ҳосил қилиб борар экан. Шу маънода Назира-хон берган саволларга ҳам «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш мушкул вазифа. Қизимизга тухфа этилган самовий тош масаласида ҳам худди шу фикрни айтишим мумкин...

Қаҳҳорий чойни бир сипқоришда ичиб юборди, кейин пиёлани аста жойига қўйиб, ўрнидан турди-да, уёқдан-буёққа аста одимлай бошлади. Унинг бақбақалари осилган қорамағиз юзига энди ўйчанлик ифодаси балқиган, ўй-хаёллари ҳам олис-олисларга учгандай паршонхотир қиёфага кирганди. Аёллар унинг жиддий бир гап айтишга чоғланганини пайқаб, жимгина қулоқларини динг қилишди.

— Меҳрибонларим, айна дақиқалардан бизга топширилган вазифани бажаришга киришдик, деб ҳисоблайверишларинг мумкин, — дея гап бошлади у, худди дорилфунун талабаларига маъруза ўқиётгандай алфозда ҳамхоналарига бир-бир нигоҳ ташлаб. — Даставвал мен сизларни ҳозирги илм-фаннинг кристалл тошлар ҳақидаги энг умумий тушунчалари билан таништиришга ҳаракат қиламан. Бу ишмизнинг дебочаси бўлади.

Энг ноёб кристалл тошлардан бири — олмос ҳисобланади. У одамзотга жуда қадим замонлардан — эрамиздан аввалги 5—3 минг йилликлардан маълум. У бениҳоя гўзаллиги, ёрқин жилоси ва ўта мустаҳкамлиги туфайли минг йиллардан буюн энг нафис, энг қимматбаҳо ва энг сирли тошлардан бири бўлиб қолаётган.

Инсон томонидан қазиб олинган кўпгина олмослар ўз эгаларидан юз ва минг йиллаб узунроқ умр кўришган ва бағоят ноёб хоссалари туфайли ҳеч қандай ўзгаришсиз авлодлардан авлодларга етиб келган.

■ Ер ости дунёсининг ақл бовар қилмайдиган, қарийб бир ярим чақирим масофага тенг қатларидан чиққан бу «келгинди»ни одамлар илоҳий тухфалар сирасига киритишган ҳамда мўъжизавий хусусиятлар туманига чулғашган.

Назира дорилфунун талабаси эмасми, худди бир вақтлар мактабда бўлганидай,

дарс пайтида сира жим ўтиролмас, озгина англашилмовчилик англаса ҳам кетма-кет савол бериб, домлаларининг тинкасини қуритарди. Ҳозир ҳам қўлини кўтарганча, профессорнинг бир зум жим қолганидан фойдаланиб, шартта саволини айтди:

— Кечирасиз, домлажон, нега энди «чулганган» деяпсиз? Олмосларни мўъжизавий хусусиятлар билан одамлар «чулғашмаган», аксинча, уларнинг ўзлари шундай хоссаларга эга, десак, тўғрироқ бўлмайдими?

Қаҳҳорий қизга ҳайрат билан кулимсираб тикилди-ю, лекин танбеҳ беришни лозим топмади.

— Бу саволингизга албатта жавоб бераман. Лекин ҳозир эмас. Савол-жавобга алоҳида вақт қолдираман, — шундай деб, профессор яна маърузасини давом эттирди: — Минг йиллар мобайнида тўқилган афсона ва ривоятларга кўра, олмос инсонга куч-қувват ва метиндай мустаҳкам феъл-атвор бағишлайди, унинг ақл-идрокини кучайтиради, сеҳр-жоду ва ғам-ғуссадан асрайди, кўпгина хасталикларга шифо беради. Қадимги замонларда одамлар олмос заҳарнинг кучини қирқади, васвасалардан қутқариб, бемаъни кўрқув ҳиссини йўққа чиқаради, деб ҳисоблашган. Шу боис ҳарбийлар ўз қуроладини безаш учун олмосдан фойдаланишган, илло, унинг сеҳрли кучи аскарларга жасорат ва матонат бахшида этган.

Мағиявий тош сифатида олмос илк бор кўҳна ҳинд манускриптиларида эрамизгача 1200 йилда тилга олинган.

Олмос — бойлик ва куч-қувват тимсолидир. Қимматбаҳо тошлар ичида энг жилвагари, энг мафтункори, энг гўзал ва бенуқсони ҳам олмос саналади. Бирорта ўзга тош у билан бас бойлашолмайди. Агар дунёнинг энг нодир тошлари — зумрад, ёқут, бошқа дуру жавоҳирларни бир жойга йиғганда ҳам уларнинг нархи олмоснинг баҳосига тенг келолмайди. Йирик заргарлик олмослари ниҳоятда камёбдир. Уларни излаб топиш одамларда ҳамма даврларда катта қизиқиш уйғотган ва улар тезда тарих мулкига айланган, илло, улар буюк куч-қудрат қуйқаларигина эмас, одамзот бахт-саодатию фожиаларининг ашёвий манбаи ҳам бўлиб келган. Бутун дунёга довуғ таратган олмослар тарихи — бу қонли урушлар, ақл бовар қилмас ўғирликлар, маҳобатли олди-сотди ва сарой фитна-фасодлари тарихидир. Турли мамлакатларнинг музейлари ва улкан куч-қудрат соҳибларининг хазиналарида асрлар оша сақланаётган олмослар мўъжиза юз бериб, тилга кирганида эди, ҳадсиз бойликларни деб, инсон эҳтирослари нечоғли жунбушга келгани ҳақидаги кўпдан-кўп даҳшатли воқеа-ҳодисаларни сўзлаб берган бўларди.

XX аср интиҳосига келиб, дунёнинг энг йирик ва энг камёб олмослари даҳшатли қурол вазифасини ўташи мумкинлиги аён бўлди. Бундай улкан олмослар воситасида куёш нурлари бир нуқтага жамланиб, лазер нурларига айлантирилади, бу жаҳаннамий нурлар ёрдамида Ер сатҳидан туриб Коинотдаги сунъий йўлдошлар ва астероидларни портлатиб йўқ қилиш, Коинотдан туриб эса, Ер сатҳидаги жуда катта ҳудудларнинг кулини кўкка совуриш мумкин...

— Ана энди гапнинг индаллосини айтдингиз, домлажон, — деди Назира, совуққонлик билан унинг гапини бўлиб. — Бизни бу ерга нега тўплашганининг сабабини тушунармидингиз ўзи?

Профессорнинг сўнгги фикридан Гулшода бонунинг негадир ранги қув ўчиб кетган, айниқса, Назиранинг қалтис саволидан кейин ўзини кўярга жой тополмай, ичида шайтон ғимирлаб қолганди.

У ёқдан-бу ёққа бориб келаётган Қаҳҳорий Назиранинг бу саволидан беихтиёр жойида тўхтаб қолди. Унга жавоб бериш учун муносиб сўзлар ахтараётгандай, ўнг кафти билан энгаҳини силаганча, бир зум сукутта ботди. Қиз унга чинакам олимпик шаъни билан боғлиқ ўта нозик савол берган, бу мудҳиш масала профессорни бефарқ қолдириши мумкин эмас эди.

— Меҳрибонларим, — деди у, ниҳоят, аллақандай андишали оҳангда нигоҳини Назирадан олиб қочмасликка уриниб. — Камина ҳаддан зиёд художўй ҳам, даҳрий ҳам эмас, олимп одамман. Шунинг учун Амир бойвачча мени дунёда камдан-кам учрайдиган ўта ноёб тошга, ҳа-ҳа, ана шундай ўта муҳим тадқиқот жабҳасига йўлиқтиргани учун Парвардигорга мингдан-минг шукроналар айтаман. Хабарларингиз бор, мен уни илк бор кўрганимдаёқ бамисоли вужудимга ўт туташиб, азбаройи ҳайрат ва ҳаяжонга тушганимдан ўзимни кўярга жой тополмай қолгандим. Хулласи калом, энди мен учун ана шу ғаройиб тош, ҳа-ҳа, фақат тош мавжуд ва мен уни охиригача тадқиқ этишга бутун умримни бағишлашим мумкин. Қолган нарсаларни, қандайдир бошқа сабаблару омилларни билмайман, билишни ҳам истамайман!..

— Кечиринг-ку, домлажон, лекин сиз бу қалтис ишнинг оқибатини ўйламаётганга ўхшайсиз, — деди Назира яна ўзини туголмай гапга суқилиб.

— Бу ишнинг оқибати буткул янги билимларга эга бўлиш, эҳтимол, жаҳоншу-

мул кашфиётларни қўлга киритиш билан якун топади. Бунга менинг ишончим комил.

— Мени маъзур тутинг-у, домлажон, лекин фикрларингиздан қандайдир мутаасиблик ҳиди келаётгандай...

— Илм-фанда ҳар бир олим ўз соҳасида мутаассиб бўлиши керак. Динда ёки бошқа жабҳаларда бу зарар келтириши аниқ. Лекин илмий мутаассиблик — кони фойда.

Назира асабий кулимсиради.

— Атўм, ядро ва нейтрон бўмбалари, даҳшатли кимёвий қурооларни кашф этган олимлар ҳам айна шу тахлит мулоҳаза юритишган бўлса ажаб эмас...

— Аммо-лекин бу фикрингизга қўшилолмайман, жонгинам, — энди профессорнинг ҳам асабийлаша бошлаганини пайқаш қийин эмасди. — Калтакнинг икки учи бўлганидай, илм-фандаги ҳар қандай ютуқнинг ҳам яхши-ёмон жиҳатлари борлиги шубҳасиз. Айтилик, мотор ёки генератор автомобилни ҳам, танкани ҳам юргизиш учун бирдай хизмат қилаверади. Нима, биз салбий оқибатлари ҳам бор экан, деб илмий тадқиқотларни умуман тўхтатиб қўйишимиз керакми?

— Тушунсангиз-чи, домлажон, — деди Назира фиғон бўлиб, — худди ўша бўмбаларни яратган олимларга ўхшаб, сиз ҳам кўзага яширинган яна бир даҳшатли жинни озодликка чиқариб юборишингиз мумкин, ахир!..

Қизнинг бу ачиқ гаплари, ниҳоят, Гулшода бонунинг ҳам сабр косасини тўлдирди чоғи, у жаҳл билан ўрнидан туриб, кўзларини олайтирганча, ўшқира кетди:

— Бас қил, Назира! Сени бу ерга нимага чақиритишган ўзи? Домла билан баҳслашганими? Озгина шарм-ҳаё борми сенда? Отанг тенги одамга гап қайтаргани уялмайсанми? Кўзларингни ола-кула қилганингга ўлайми?! Ё кечаги гапларим ёдингдан кўтарилдимми?..

— Мен тўғри гапни айтдим, — деди Назира ўжарлик билан, лекин сал ҳовуридан тушиб. — Буларни домла менсиз ҳам яхши тушунадилар...

— Бўлмаса нега маҳмадонагарчилик қилиб, подадан олдин чанг кўтараяпсан? Ёки сенга яна ўша туновкуни берган... доримдан ичириб қўйишим...

Гулшода бону қизишиб, профессорнинг олдида эҳтиётсизлик билан айтиб қўйган гапидан беихтиёр тилини тишлади. Лекин у кечиккан, «дори» сўзини эшитган Назиранинг авзойи ўзгарган, жаннатий эҳтирослар уммонига олиб кирувчи ўша шайтоний суюқликни эслаб, кечаси билан яхши ухлай олмай, суяк-суякларигача зирқираб чиққан эди. Абдулҳаким Қаҳҳорий ҳам уларга шубҳа аралаш ташвиш билан тикилди:

— Қанақа дори? Соғлигингиз жойидами ўзи, Назирахон қизим? — сўради у хавотирга тушиб.

— Ҳаммаси жойида, — деди Гулшода бону негадир энсаси қотиб. — Мен уйқу дорисини назарда тутувдим...

— Унда майли-я, — деди профессор яна хотиржам тортиб, кейин жиддий қиёфада қўшимча қилди. — Аммо-лекин, меҳрибонларим, олдимизда жиддий тажрибалар, айтиш мумкинки, кўпроқ руҳиятимиз билан боғлиқ улкан синовлар турибди. Шунинг учун ҳеч қандай дори-пори ичишни тавсия этмайман! Чунки улар тажрибаларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин...

— Хотиржам бўлинг, домла, — деди Гулшода бону совуққонлик билан яна жойига ўтираркан. — Бизда дори-порининг ўзи йўқ.

— Бўлмаса, ишга, меҳрибонларим! — деди Қаҳҳорий амирона оҳангда, ўрнидан кўзғалиб. — Кетдик! Аввал тошни олиб чиқинглар. Катта бўлмага компьютер ва бошқа электрон асбоб-ускуналарни ўрнаттирганман. Хуллас, ўшатда илк тажрибамизни бошлаймиз.

Улар бирин-кетин эшик томонга йўналишди.

Самовот жанги

Бундан 6 минг йил муқаддам кўҳна Месопотамияда номаълум бир аснода аллақачондан юксак тараққиёт даражасига эришган ноёб шумерлар тамаддуни (цивилизацияси) пайдо бўлган. Шумерларнинг бизгача етиб келган ўта қадимий битикларида Қуёш тизимининг келиб чиқиши, тадрижи ва таркибий тузилиши ҳақида ҳайратланарли аниқ маълумотлар бор. Улар тузган ва бугунги кунгача Берлин давлат музейининг Яқин Шарқ бўлимида сақланаётган Қуёш тизими харитасида ёритқичимиз атрофини ҳозир бизга маълум сайёралар қуршагани тасвир этилган.

Лекин ўша хаританинг ҳозирги Қуёш тизимидан фарқи бор: шумерлар ушбу тизимда Миррих ва Муштарий сайёралари ўртасига 12-и сайёрасини жойлаштиришган. Уни шумерлар «Нибиру», яъни «кесиб ўтувчи» сайёра деб аташган. Шумер битикларига кўра, Ерга фалақдан анунаклар ташриф буюришган. Инжилнинг олтинчи фаслида ҳам улар нифилим деган номда тилга олиниб, «осмондан тушган» одамлар сифатида талқин қилинади. Шумерлар хабарларига кўра, анунаклар кўраи заминимизга бундан 445 минг йил муқаддам қадам ранжида қилишган. Шумерлар космогониясида энг муҳим воқеа сифатида Қуёш тизимини ўзгартириб юборган ва оламшумул ҳалокатларни юзага келтирган «самовий жанг» таъриф-тавсиф этилади ҳамда ушбу ҳалокат сабаблари изоҳлаб берилади. Мазкур ҳалокат бундан 4 миллиард йил муқаддам содир бўлган! Улар Қуёш тизимининг ҳалокатгача бўлган, «навқирон» даврини ҳам ўзларининг кўҳна битикларида муҳрлаб қолдиришган. Ҳозирги замон фалакиётшунослиги бу маълумотларни кўп жиҳатдан тасдиқлайди.

Нибиру сайёрасининг 6 миллиард йиллик буюк тарихга эга тамаддуни ўз-ўзини «борса-келмас» йўлга, тубсиз чоҳга йўллаган, олий тафаккур эгалари учун одатий нарсаларга айланган зарурий техник мўъжизалар сайёра аҳолиси бошига бир дунё балои офатларни солган эди.

Аннал — анунаклар учун жуда навқирон — бор-йўғи 2118 ёшга тўлган бўлишига қарамай, сўнгги икки юз йилдан бери кўксов касаллигидан қутулмаётганди. Шу боис ҳам ўн йилдан бери сайёра раҳбарларига илтижо қила-қила охири Жаннат денгизи соҳилида даволанишга рухсат олган эди. Бу ҳордиқни у қарийб юз йиллик пешона тери билан қўлга киритган; Нибус лойиҳасини муваффақиятли яқунлашга эришганди. Жаннат денгизи сайёрадаги нисбатан энг тоза жой эди. Шунга қарамай, Аннал ўзини ҳаво етишмаётгандай ҳис қилар, юраги ғалати маромда уриб, нафаси қисилар эди. Бўлғуси тажриба ҳақидаги фикргина унга куч-қувват ва умид бағишлар, иқлим шароитларининг сўнгги икки юз йилда фожиали ўзгариб кетгани боис оғир мусибатларга рўбарў келган сайёрада аҳвол анча яхшиланиши борасидаги илинжгина унга бир мунча таскин берар эди.

Айниқса, мангу яшаш муаммосини ҳал қилган пси-спинор майдонларининг кашф этилиши шўрлик сайёра аҳолиси бошига ана шу кўргиликларни солганди. Лекин эмоқнинг қусмоғи бор, деганларидай, Коинотда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Ва улар «қусишди» ҳам. Нибиру атмосферасини ўраб турган озон туйнуклари йилба-йил кўпайиб, Қуёшнинг заҳарли радиактив нурлари сайёра сатҳига тобора шиддатлироқ ҳуруж қилар, анунаклар азоб-уқубатда қолиб, кун сайин ақл бовар қилмас хасталикларга чалинишар эди. Пси-спинор қолип (матрица) сифатида улар мангу яшашлари мумкин, лекин жисмоний таналари доимий даволанишни тақозо қиларди. Соддароқ айтганда, аксарият аҳолининг нафаси қисар эди. Шу тариқа улар Миррих ва Муштарий меҳварлари ўртасида мангу кезиб юрган ва кунба-кун совуб бораётган сайёралари марказини қиздириб, реактор яшашга, унинг ядросини сунъий ерости қуёшига айлантиришга қарор қилишганди. Аннал муаллифлигидаги Нибус лойиҳасининг мазмун-моҳияти мана шундан иборат эди.

Сайёранинг ўзида фақат илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган бир неча юз минггина одам қолган, 3 миллиард йил аввал бўлиб ўтган сўнгги урушдан кейинги тинчлик йилларида бениҳоя кўпайиб кетган аҳолини сайёра ўз бағрига сиғдиrolмай қолган, шу боис миллионлаб одамлар сайёра меҳвари атрофидаги сунъий самовий қўналғаларга кўчиб ўтишган эди. Ило, бу даврда ўзаро фазовий йўллар билан боғланган ҳамда мухтор ва мустақил ҳаёт таъминотига эга маҳобатли шаҳарлар фазо кенгликлари бўйлаб кезиб юришарди. Асосий энергия манбаи Қуёш ҳисобланарди. Аммо пси-спинор майдонлар билан боғлиқ тажрибалар Қуёш энергиясини муҳосара қилиб, нибируликлар ҳаётини хавф остида қолдирганди. Сайёра аҳолиси бунга амал-тақал қилиб чидаб келар, лекин вазият йил сайин тобора мушкуллашиб борарди. Муҳими, бу самовий тамаддун ижодкори — Нибиру сайёрасининг ўзи ўз аҳолисига ёрдам беролмай қолган эди. Шунинг учун ҳам янги тажриба ва унинг махфий «Нибус-166» самовий қўналғасидаги марказига ҳамма умид кўзи билан тикилар эди. Махфийлаштириш тушунчаси анунаклар русмидан алақачон чиқиб кетган, ахбор барчага бирдай тарқатилар ҳамда ҳар қандай сайёра ёки қўналға миллион йиллардан буён улкан компьютер тармоғига уланган эди. Олий Тафаккур соҳиблари Кенгаша сайёра тамаддунига хавф туғдирган фавқулодда вазият туфайлигина «Нибус-166» қўналғасини махфийлаштиришни лозим топганди. Қўналға компьютерлари умумфазовий тармоққа уланган бўлишига қарамай, четдан рухсатсиз уланишга қарши ўта кучли ҳимоя воситалари билан таъминланган эди. Ҳатто Аннал ҳам бу компьютерлардаги ахборнинг бор-йўғи ўн фоизидангина фойдаланиш ҳуқуқига эга эди. Уларга рухсатсиз кирилса, ҳимоя тизими бузғунчини шу заҳоти аннигиляция қилиб, яъни аксилзаррачаларга айлантириб, йўқ қилиб

юборарди. Компьютер хотираларига кириш учун калит фақат Олий Учлик — Ра, Озирис ва Нуҳлардагина бор эди. Махфий файлларда нима борлигини Аншал билмас эди. Лекин унга атиги ўн фоизигина маълум хотира катаклари таркибига ғаройиб ахбор — Нибиру сайёрасининг жами билимлари жамланган эди. Чамаси, Олий Учлик тажриба самарасиз якун топса, бундай вазият учун ҳам яна қандайдир захиравий тадбирларни режалаштириб қўйганди.

Олий Учлик Аннални даволанишдан муддатидан илгари чақиртириб олганида, ҳал қилувчи тажрибани ўтказишга бор-йўғи етти кун қолганди.

Оламшумул тажрибани амалга оширишга ҳамма нарса шай қилинган эди. «Нибус-166» қўналғасидаги янги ерости куёшини ишга туширишга ўн дақиқа қолганда, Аннал бош компьютер бўлинмасида ўтирар, ранги мурдадай оқариб кетганди. Мана, ниҳоят, сайёра ядросида сунъий куёш чарақлаб ёнди. Жами асбоб-ускуналар ерости олдузининг бир маромдаги нурланишини қайд қиларди. Қувват таъминоти занжирлари бўйича унга бирин-кетин қўналға-шаҳарлар уланаётган, муайян йўналиш берилган нурлар озон туйнукларини аста-секин қалқондай беркитаётган эди. Шу тариқа ўн дақиқа, ўн беш дақиқа ўтди...

Ўн еттинчи дақиқада бош компьютер кўзгусидан номаълум сатрлар сузиб ўтди. Аннал ўзига тегишли файлларга улашиб кўрди, лекин мавҳум сатрлар маъноси хусусида ҳеч қандай ахбор ололмади. Шу заҳоти Олий Учликка сўров жўнатди. Лекин... Учлик сукут сақлар эди! Нималар бўлаётганини Аннал тушунолмас, аммо бу — ҳали даҳшатли воқеаларнинг дебочаси эканини савқитабий бир туйғу ила сеза бошлаган эди. «Нибус-166» қўналғасининг алоҳида бўлимидаги Учлик умуман жавоб бермаётганди. Вазият ниҳоятда мураккаблашган, бош компьютер кўзгусидаги алмойи-жалмойи тимсол ва белгилар худди қор кўчкисидай ёғилар эди. Наҳотки шундай ўта ҳимояланган тизимда... вирус қутураётган бўлса?.. Бошқа компьютердан олинган маълумотлар ҳам ачинарли — Нибирудаги ерости реактори ишдан чиққан ва бошқариш мумкин бўлмаган тобора жадаллаштирувчи тартибда ишлаётганди.

Аннал ўзини иккиламчи бошқарув пултига отди, у Нибируда қолган навбатчи-муҳандис Гер билан алоқа боғлаш умидида эди.

— Ўзи нима гап? — деган Гернинг бўғиқ қичқириви эшитилди. Гер реакторни қўлда тўхтатишга уринди, лекин сайёравий бошқарув пулти ҳам ишдан чиққан эди. Сайёралараро алоқа тармоғи орқали шахсий дозиметри унинг мумкин бўлганидан юз карра кўпроқ нурланиш олганини кўрсатиб турарди. Унинг бир неча сониягина умри қолганди.

— Кечирасан, Гер! — дейишга улгурди Аннал, агар алоқа узилмаган тақдирда ҳам навбатчи-муҳандис уни эшитолмаган бўларди — у омонатини топширган эди...

Ниҳоят, Аннал қатъий бир қарорга келди. Бош компьютернинг махфийлаштирилган файлларни бузиб очиш керак! Бундай бузгунчилик учун тизим уни бир лаҳзадаёқ аксилзаррачаларга айлантириб юбориши керак. Лекин жиндай умид бор эди. Агар вирус бош компьютер тизимини ҳалокатга юзтубан этган бўлса, балки у ҳимоя тизимини ҳам ишдан чиқаргандир? Шу боис у зора ишламай қолса?..

Чинданам, тизим Аннални ўлимга маҳкум этмади. Лекин ахборни узук-юлуқ тарзда чиқариб бера бошлади. Аннал улардаги Нибиру сайёрасининг 3 миллиард йилдан ҳам аввалги даҳшатли урушлар даври ва ибтидоий тарихи билан танишаркан, ҳайратдан ёқасини ушлади. Икки юз йил муқаддам кашф қилинган ва охиригача тадқиқ этилмаган пси-спинор майдон қайсидир йўл билан, валати бир тарзда реактордан ўзини ҳимоялай олганди... Улар бундан 3 миллиард йил илгари яшаб ўтган савдойи диктаторлар ва ғазабнок саркардаларнинг матрицаларини тирилтиришга киришганди. Дастлабки хира кўринган тасвирлар липилаб, хонанинг ўзидаёқ қуюқлашиб, кетма-кет жисмоний таналарга айланишиётганди. Афтидан, уларнинг руҳиятидаги тажовузкорлик ўз қора ишини қилган — «Нибус-166» тизимидаги компьютерларга худди вирус каби таъсир кўрсатди. Аннал сайёранинг ҳалокатга юз тутгани муқаррар эканига энди ишонди. Лекин муҳими, «аждодалар»нинг ёвуз руҳларини иложи борича тезроқ аксилзаррачаларга айлантириш лозимлигини ҳам англаб етди.

Яна миллиард йиллардан сўнг бошқа сайёранинг ўзга тамадуни бу урушни «Самовот жанги» деб атайди. Аммо бу... жанг эмас эди. Илло, фақат «Нибус-166» компьютерлар тизимидаги аксилзаррачаларга айлантирувчи ҳимоя қурилмаси мавжуд, лекин энди у Анналга бўйсунмай қўйган эди. Дарвоқе, «аждодалар»нинг йўқ қилиниши пси-спинор майдоннинг тинчланиши ва ерости реактори яна мўътадил тартибда ишлай бошлашига ҳеч қандай кафолат бера олмасди... Тўғри, яна бир йўл бор: «аждодалар»ни кучли қувват майдони билан ҳимояланган Олий Учлик жойлашган бўлмада тузоқда илантириб, бош пулт орқали ҳам аксилзаррачаларга айлантириш мумкин эди. Учлик билан ҳеч қандай алоқага эга бўлмай

ҳамда уларнинг ўлик-тиригидан беҳабар Аннал ўша бўлмага бостириб киришга буйруқ берди.

Мулоҳаза қилиб ўтиришга вақт йўқ эди. Аннал ва қўналганинг юзга яқин ходими Учлик жойлашган анчайин катта бўлмага кириб келишганда Ра, Озирис ва Нуҳ ҳушсиз ётганларини кўришди. Пси-спинор майдон уларнинг бош мияларини фаллажлаб қўйган эди. Айни дақиқада Нибиру сайёрасидан ёпирилиб келган маҳобатли тўлқин бутун қўналгани ларзага келтирди, шу заҳоти улар сайёра йўқ бўлганини аглаб етишди. Ақл бовар қилмас термо-ядровий портлаш унинг тит-питини чиқариб, кулини кўкка совурганди. Бутун бошли қўналға-шаҳарлар даҳшатли атом алангаси ичида қолганди. Одамлар кўз очиб юмгунча — бир сониядаёқ ҳалок бўлишар, атом заррачаларига айланишарди. Анунакларнинг жами тамаддуни вакилларида ҳамояланган бўлмаларда тажрибаларда қатнашганларгина тирик қолишганди. «Аждодлар ва «Нибус-166» қўналғасининг бир қисмини ҳам атом тўфони «қора туйнук»дай ўз домига тортиб кетганди. Оламшумул портлаш Қуёш тизими ҳаракати, хусусан, унинг еттинчи сайёраси саналмиш Ернинг бир бўлагини юлиб олиб, Уран, Нептун ва Плутон сайёраларининг ҳам меҳварларини ўзгартириб юборган эди.

Янги пайдо бўлган «Нажот кемаси» атом тўфонларидан қочаркан, анамезон двигателларини ишга солиб, Коинот қаърига интилди. Матрица ҳолида тирик қолган Ра, Озирис ва Нуҳ кемани астрал тарзда бошқаришарди. Аннал яна етти минг йил яшади ва бутун умри мобайнида қилган ишларидан афсусланиб ўтди, чунки у ўзини Коинотдаги энг буюк тамаддуннинг ҳалок бўлишида асосий айбдорлардан деб биларди.

«Нажот кемаси»даги анунаклар авлодлари Коинотнинг ҳадсиз-ҳудудсиз сарҳадларида миллиард йиллар мобайнида изғиб юришаркан, уларнинг сони бир неча юз миллионга етди. Собиқ «Нибус-166» негизда улар бошқа сайёралар ва астероидларнинг хом ашёларидан фойдаланиб, сунъий янги сайёра бунёд этишди ва унга Нибиру дея ҳалок бўлган сайёранинг номини қўйишди. Ўзининг эллиптик меҳвари бўйлаб у ҳали-ҳануз ҳар 3600 йилда бир марта ўз бешиги — Қуёш тизими яқинидан ўтади.

Асл Нибиру йўқ бўлганидан кейин 3 миллиард 900 миллион 555 минг йил ўтгач, ички қатламларида «Нибус-166» қўналғасининг асосий қисмлари ва компьютер тармоқлари жойлаштирилган янги сайёрада зангори қумлар ҳам, Жаннат денгизи ҳам, қордай оппоқ, момиқ булутлар ҳам мавжуд эди. Сунъий атмосфера ҳосил қилишгина анча-мунча қийинчиликлар туғдирган, уни мўътадил сақлаб туриш учун Коинотдаги энг ноёб кристалл тошлар — олмос ёки олтиндан юпқа ҳимоя қатлами ясаш лозим эди. Излай-излай, охири уни Қуёш тизимининг еттинчи сайёраси — Ердан топишди. Анунакларнинг самовий кемалари ана шу тариха курраи заминимизга қўнишди.

Ўша даврда, яъни эрамыздан 445 минг йил муқаддам органик ҳаётнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган бу сайёра ўз хазиналарини осонликча беришни истамади. Дастлаб келгиндилар уни Форс кўрфази сувларидан олишга беҳуда уринишди. Сўнгра жануби-шарқий Африкада тоғ жинслари орасидан қазиб олишга киришишди. 300 минг йилча муқаддам қонда ишлаган анунаклар исён кўтаришди ва шунда ўзга сайёралик олимлар мураккаб ирсий амаллар ёрдамида ишчилар, яъни ҳозирги одамзот — Хомо Сапиенс бунёд этишди.

Ўша даврдан қолган асотир ва ривоятларга кўра, анунаклар Ердаги олтин ва олмос намуналарини ана шулар ёрдамида Коинотга, ўз сайёраларига олиб кетишга муваффақ бўлишган экан...

Тажриба давом этади

Ўртасига «Т» ҳарфи шаклидаги катта олмон столи ва унинг атрофига бир текисда чиройли тилларанг курсилар териб қўйилган кенг ва чароғон хонанинг тўрида ўтирган профессор Абдулҳаким Қаҳҳорий ҳайрат ва ҳаяжон билан ўрнидан туриб кетди. Қўлидаги диктофонни ўчириб, хонанинг паст томонида ҳозиргина юзма-юз турганча, жуда ғалати медитация амали ўтказган ва Коинот тарихининг энг олис қатларидан ажойиб ва гаройиб ахбор олган Назира билан Гулшода бонуга жилмайиб тикиларкан:

— Қойил-э, меҳрибонларим! — дея хитоб қилди. — Аммо-лекин шунча умргузaronлик қилиб, ҳақиқатта бу қадар яқин афсонани биринчи эшитишим! Қани, энди ўтиринглар, ўтиринглар! Кўриб турибман: жуда толиқдингизлар. Қаранг-а, Назирахоннинг пешонасидан ҳатто тер қуйиб кетибди.

— Ҳа, домлажон, — деди Гулшода бону Назиранинг қўлтигидан олиб, стол қоши-

даги курсига ўтқизаркан, ўзи ҳам қизнинг ёнига чўқди. — Муроқабам амали ўтказишнинг ўзи бўлмайди, мулоқотчилар бундай кезларда жуда кўп руҳий қувват сарфлашади.

— Эшитганман, баъзи журналларда бу ҳақда ўқиганман ҳам! — деди профессор кўтаринки кайфиятда, аёлларнинг ёнида у ёқдан-бу ёққа одимларкан. — Аммо-лекин бу соҳага камина авваллари умуман эътибор бермаган эканман, сизга минг раҳмат, Назирахон, анча кўзимни очдингиз! Ҳамма ҳикоянгизни тасмага ёзиб олдим. Улар замонавий тарих фани учун ўта ноёб ашёвий далиллар бўлиб хизмат қилади, деган фикрдман. Гарчанд камина бу соҳа мутахассиси бўлмасам-да, лекин айти шу масала — Хомо Сапиенс қандай дунёга келганидан сал-пал хабардорман. Ахир, бу жараён шумерлардан бизгача етиб келган битикларда ҳам батафсил баён этилган-да! Ерлик одамларга Нибиру сайёрасидан сўнгги марта Ерга ташриф буюрган аждодлари ўз билимларининг бир қисмини туҳфа этиб кетишган. Ҳатто ташриҳ (жарроҳлик)лар ҳам ана шулар сирасидан бўлиб, улардан ҳозирги ирсият муҳандислиги соҳаси мутахассислари ҳам хайратга тушишади...

Қадимшунослик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Жанубий Африкада тош асрида ҳам тоғ-кон қидириш ишлари олиб борилган. 1970 йилда Свазилендда археологлар йигирма газ чуқурликда олтин конларини топишган эди. Халқаро физиклар гуруҳи бу конларнинг ёшени 80—100 минг йил деб белгиланган. Зуду қабиласининг ривоятларида айтилишича, мазкур конларда «илк одамлар» томонидан тана ва қондан сунъий йўл билан яратилган қуллар ишлашар эди. Кўҳна шумерлар тамаддуни эса кимё, космогония, астрономия, математика, ирсий муҳандислик, ҳатто фитотерапия соҳаларидаги замонавий билимларга, шунингдек, муайян давлат тузилиши, сайловорганлари ва ноибларга эга бўлишган. Шумерларнинг кўп билимлари ҳозирги фан учун ҳали-ҳануз қоронғулигича қолмоқда.

Бир пиёла чой ичиб, сал ўзига келган Назира кутилмаганда профессорга юзланди:

— Биласизми, домла, руҳий мулоқотимиз натижасида олган маълумотларимиз сизга манзур бўлганидан хурсандман. Лекин бизга тош ёрдамида Коинотдан алақандай табиий йўсида берилган, кўпроқ жумбоқлардан иборат бу ахборнинг ҳозир амалга ошираётган ишларимизга, айтилик, Амир ака олдимизга қўйган вазибаларга бирон-бир дахли борми? Мен бунга тушунолмаяман.

— Дахли бўлганда қандоқ! — дея хитоб қилди Қаҳҳорий аёллар ўтирган столнинг нариги томонига тезгина ўтиб, уларнинг қаршисига ўтираркан. — Нега энди дахли бўлмас экан? Ахир, биз тадқиқ қилаётган ишимизнинг илдиларини билиб олдик. Ҳар қандай қимматбаҳо тош ёки кристалл аввало она Еримизда «пишиб» етилишидан, орада унинг Коинотга, яъни ўзга сайёраларга ҳам ташиб кетилганидан хабар топдик. Коинотда қайта ишлов берилиб, унинг қайсида йўл билан яна Ерга келтирилгани эҳтимolini ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди, яна Худо билади, албатта. Ҳар қандай кристалл тош хотирага эга бўлиб, қаерда бўлмасин, ўзи гувоҳ бўлган жами воқеа-ҳодисаларни «эсида» сақлаб, ўз хотира катакчаларига «ёзиб» қўяверади. Ҳа-ҳа, меҳрибонларим, ажабланманг, бу — айна шундай! Хулласи калом, бу борада янги-янги тажрибалар ўтказишга сиз билан бизнинг имкониятларимиз ҳали жуда бисёрга ўхшайди.

— Демак, ҳозир биз бевосита тошимиз тарихини ойдинлаштиришимиз керак экан-да? — деб сўради Назира яна.

— Ҳа-да, меҳрибоним! Одамзот ҳар қандай ишни муваффақиятли амалга оширмоғи учун аввало унинг тарихини билиши, сўнгра унинг ҳозирги аҳволини жиддий тадқиқ этиши, ана шундан кейингина унинг келажақда қандай мева бериши юзасидан муайян хулоса ясаши мумкин.

— Тушунари, домла, — деди Назира бош ирғаб, кейин негадир пича тараддуд-да сўради: — Ҳўш, энди қандай тажриба ўтказамиз? Мен ҳордиқ чиқариб бўлдим ҳисоби.

— Жуда соз, Назирахон! — хитоб қилди профессор, қизга бамисоли жаҳоншумул бир кашфиёт арафасида турган тадқиқотчиларга хос завқ-шавқ билан тикиларкан. — У ҳолда энди тошимизнинг асл ватанини аниқлашга уриниб кўрайлик. Нима дедингиз, Гулшода бону?

— Маъкул, домлажон, — деди башоратчи аёл кулимсираб бош ирғаб экан, — сиз буюраверинг, биз ҳаммасини рисоладагидек адо этишга уринамиз.

Аёллар кетма-кет ўринларидан туриб, Қаҳҳорийнинг ёнига ўтишди. Ўзаро яна юзма-юз туришаркан, Назира қўлидаги яшм тошига тикилганча, муроқабам ҳолатига кира бошлади. Ажабо, орадан санокли сониялар ўтмай, у бамисоли етмиш яшар кампирдай мункиллаб, инсон хаёли ҳам етмайдиган олис ўтмиш қаъридан ахбор олишга киришди.

... Эрамиздан 3000 йил аввалги кўҳна қўрғон.

Қадимий заргарлик устахонаси. Мўъжазгина деразада минглаб юлдузлар сочилиб кетган қоронғу осмонда нозик ўроқ шаклидаги ой қоқ чўққига келгани худди ажиб бир сувратдай акс этади. Оқ салла ўраган, оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний отахон шогирди Бахтинур ила иш билан банд. Улар кристалл қотишмасини эритиб, қип-қизил эритмани алланима ясаш учун пўлат қолипларга қуйишяпти.

Отахон ниҳоятда жиддий, ҳатто саросимали қиёфада шивирлағудай оҳангда гапиради:

— Ўғлим Бахтинур, сен менинг энг суюкли сўнгги шогирдимсен. Шул боис эми сени мудҳиш бир сирдин огоҳ этмоқ ниятидамен.

Шогирди унга хавотир билан тикилади.

— Лаънати хон каминага буюк аждодларимиздан қолган маҳобатли олмос бўлагидан ўн икки тангрининг ҳайкалчасини ясамоқни буюрғонига, мана, уч йил бўлаётур. Бу даврда биз аларни тайёрламоқ йўсинини кашф этмишимиз. Ниҳоят, улуғ тангрилар иродаси ила бугун ҳайкалчаларнинг илк намуналарини бунёд эта бошлаюрмиз. Иш интиҳосига етганини яхши билган хон ёвуз бир ишга қўл урмиш.

Шогирдининг юзидаги хавотир ифодаси ташвиш ва саросима билан алмашинади.

— Хабаринг бор, бундин бир ой муқаддам етти иқлимга донғи кетган заргар шогирдларимдан Баҳодур ила Гурбек фавқулодда бойиб бўлишлар. Ўн кун ўтмай, яна уч нафар машҳур шогирдим ном-нишонсиз йўқолмиш...

— Наҳотки хон аларни...

— Бале, ўғлим. Хон аларни ими-жимиди қатл эттириб, жасадаларини ўз арслонларига емиш қилиб берғонига имоним комил.

— Нечун, ахир?.. — деб сўрайди Бахтинур қўрқув тўла кўзларини катта-катта очиб, устозига тикиларкан.

... Ярим тун. Пахса девор билан ўралган пастак уй. Қора чопон кийган, юз-бошларига қора рўмол танғиган ва фақат кўзларигина совуқ йилтираб кўринаётган учтўрт отлик уй остонасига бостириб келишади-да, эшикни бузиб, ичкарига киришади. Лаҳза ўтмай, улар уйдан ичкўйлақдаги тақирбош заргарни қўл-оёқларини бозлаб, отлардан бирининг эгарига ўнгариб, дашт сари елиб кетишади.

Хон саройи яқинидаги арслонлар сақланадиган қўрғончага олиб кириб, заргарни отдан туширишади-да, шу заҳоти қилич силтаб, калласини танасидан жудо қилишади, сўнгра пастдаги ўндан зиёд арслон юрган зовурга улоқтириб юборишади. Қотиллар жўнаб кетишга улгурмай, арслонлар осмондан тушган тайёр ўлжага ўзларини отишади.

Ана шундай қатл манзараси сал бошқачароқ ҳовли-жойда сал бошқачароқ йўсинда ўзга гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Бахтинур ҳамон устозига саросима аралаш савол назари билан тикилади.

— Хон аларни нечун қатл эттирмиш?

— Бундоқ ҳайкалчалар етти иқлимда танҳо бўлиши, токи аларни ўзга ҳеч бир зот бошқа ясай олмаслиги учун... Ул қаттол айни шул йўл билан ўз номини тарихда қолдирмоқни ният қилиш. Ёвуз ниятинг бошинга еткур, энди ул нокас сен ила каминани ҳам йўқ қилиш пайига тушганидин хабар топмишмен.

— Во дарир! — дея хитоб қилади Бахтинур, азбаройи вазабга минганидан ҳансираб нафас оларкан.

Жами заргарлар устози ўта жиддий қиёфада гапида давом этади:

— Энди сенга айтар гапим шуки, бугун тунда биз ўн икки ҳайкалчани ясаб, тайёр қилурмиз. Локин асл нухаларни хонга бермасмиз. Аларни думалоқ яшм тоши ичига мустаҳкам жойлаб, кўринмас ҳолатга келтирурмиз. Сўнгра сен бу тошни олиб, киндик қонинг тўкилган юртни тарк этурсен. Ани Аросат дашти тугаб, Тангри Тоғ тизмалари бошланган гўшада, Кўҳиқоф ғоридаги ҳарсанглар остига асрлар тўфонига ҳам дош бера оладурғон йўсунда яширгайсен. Хон учун эрса, ишни пайсалга солиб, ҳайкалчаларнинг дуоибад қилинғон нухаларини қуйиб берурман.

Бахтинурнинг юзидаги қўрқув ва саросима аста-секин бойиб бўлиб, унинг ўрнини қатъият ва шижоат эгаллайди.

... Оқ саллани, оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний отахон аста ўрнидан туриб, жавон тагидан мўъжаз пўлат сандиқчани олади-да, уни хонтахта устига қўйиб, шошилмай қопқонини очади. Ундан тарвузсимон қора яшм тошини чиқариб, шогирдига узатаркан, афсус-надомат билан сўз қоатади:

— Одамзот ўта нотакомил, ўғлим. У ҳали-хануз баднафс ва бадхулқдир. Локин истиқболда шундоқ нурли, ҳаётбахш замонлар келадирки, аларда яшамоқ эзгу ниятли комил инсонларга насиб этур. Биз бунёд этган ушбул илоҳий санъат асарлари ҳам ана шундоқ инсонларга муносибдур. Бизнинг шахид ўлғон руҳи покларимиз

эрса, тангрилар инояти ила ушбул тошга мустажоб этилимиш ҳайкалчаларда тажаллийсини топиб, эзгулик, гўзаллик ва адолатнинг томир отишида ҳамда ёвузлик ва разолатнинг пайини қирқишда одамларга асрлар оша мададкор бўлмай! Камина у дунё-бу дунё ана шундоқ афсун-дуода бўлмаймен! Илоҳи омин!..

Жами заргарлар устози шундай деб, «куф-сув» қилиб, дуолар ўқийди...

... Навбатдаги муруқоба амалидан Қаҳдорий ҳангу манг бўлиб, ҳаяжон ичида яна ўрнидан туриб кетди. Тез-тез одимлаб, Назиранинг ёнига келди-да, елкасига кафтини қўяркан:

— Раҳмат, меҳрибонларим! Бу амалингиз ҳам мен учун ажойиб кашфиёт бўлди! — деди алақандай ички эҳтирос билан. — Хулласи калом, тажрибамиздан маълум бўлаяптики, сеҳрли тошимиз уч минг йиллик, ҳатто унданам зиёдроқ даврни қамраб олган залворли тарихга эга экан! Бу ерда ҳар қандай тадқиқотчи учун ўз ўзидан табиий саволлар туғилади: олмосдан ясалган ҳайкалчаларнинг яшм тоши бағридаги кейинги ҳаёти қандай кечган? У Кўҳиқоф горидаги ҳарсанглар остида асрлар тўфонига дош бериб ётаверганми ёки яна қайсидир қудратли ҳукмдорнинг қўлига ўтиб, яна қанча одамларнинг шўрини қуритганми? Агар биз ривоят ва мистикага чинданам ишонадиган бўлсак, бундан 3 минг йил муқаддам уларга эзгу дуо ҳам, ёвуз дуоибад ҳам бирдай мустажоб этилганининг гувоҳи бўлдик!..

— Жами саволларингиз ўринли, домлажон, — дея аста гап қўшди Гулшода бону негадир мамнун кайфиятда. — Уларга ҳам биз мана шундай муруқоба амаллари орқали умумий тарзда жавоб топсак бўлар, дейман.

— Қани энди, меҳрибонларим, қани энди! — хурсанд ҳолда кафтларини бири-бирига ишқалади профессор.

Башоратчи аёл Назиранинг рўпарасида яна қаддини ростлаб, навбатдаги медитация амалини ўтказишга чоғланди.

Хизр бува башорати

... Субҳидам. Ҳадсиз-ҳудудсиз дашти биёбондаги ўтовёнида чайир ва ўткир нигоҳли етти яшар Темур қўй-қўзиларни боқиб юрибди. Сал нарида катта ёшли чўпонлар ўз юмушлари билан овора. Шу пайт боланинг рўпарасида оппоқ соқоллари кўксига тушган, оқ сала ва оқ чопон кийган Хизр бува пайдо бўлди-да, боланинг елкасига аста қўлини қўяди. Унинг бир қўлида — сирти дуру жавахирлар билан безатилган митти сандиқча. Чўпонлар Хизр бувани кўришмайди.

— Ассалому алайкум, бобожон! — дейди уни кўрган Темур қўлини кўксига қўйганча, таъзим бажо келтираркан.

— Ваалайкум ассалом, Темурхон! — дейди Хизр бува, майин жилмайиб, аста унинг бошини силаркан.

— Мени маъзур тутинг, бобожон, сизни яхши танимай турибмен, — дейди Темур унга савол назари билан тап тортмай тикиларкан. — Исми-шарифимни қайдин билурсиз?

— Билурмен, — дейди Хизр бува маъноли бош ирғаб. — Камина исмингнигина эмас, сен ҳақингдаги ҳамма гапларни билурмен.

— Демак, сиз — Хизр бувасиз! — дея хитоб қилади Темур бирдан кўзлари чақнаб. — Ер юзида мангу яшайдургон улуғ пайғамбаримизсиз-да! Сиз ҳақингизда бобом кўп гапирар эрди.

— Ақлингга балли, болажоним, топдинг!

— Хўш, камина ҳақинда неларни билурсиз, бобожон?

— Аввало сенинг бахтли юдуз остида туғилганингни, шул боис ҳам Соҳибқирон деган ном ила етти иқлимга довуғ таратиб, Тангрининг эзгулик йўлини тутишингни, Анинг амри ила курраи заминнинг инсон оёғи етмиш жами ҳудудларини забт этажагингни ва яна кўп нимарсаларни билурмен.

— Буларни сизга ким аён бериш, бобожон?

— Азиз ва Жалил Тангрим.

— Офарин, бобожон!.. Илкингиздаги недур?

— Бу — сенга тухфа.

Темур жиддий қиёфада қошларини чимириб, сандиқчага синчков тикилади.

— Қандай тухфа эркан? Кўрсак бўлурми?

Хизр бува сандиқчани очиб, унинг ичидаги ўртача ҳажмли тарвузсимон яшм тошини кўрсатади.

— Бул недур, бобожон? — сўрайди Темур ажабланиб.

— Парвардигорнинг сенга тухфаси, болажоним! Олис мозийда яшаб ўтгон бо-

бокалонларинг бунёд этмиш бул санъат мўъжизаси сени бало-қазолардан асрагай! Ани ёмон кўзлардин пинҳон тутиб, кўз қорачуғингдай асрамоғинг, сўнгра бўлажак фарзандларингга мерос қолдирмоғинг ҳам қарз, ҳам фарз.

— Уқдим, бобожон. Айтгонларингизни сўзсиз адо этажакмен.

— Сен ҳали кўп улуғ ҳодисотларнинг кашшофи ва гувоҳи бўлғайсен. Қуёшга қадар етгувчи сон-саноксиз қўшинларинг ила бул фоний дунёни зир титратиб, курраи заминнинг кўпгина ҳудудларида чинакам ислом туғини ўрнатғайсен. Қадаминг етгон жойларда буюк шаҳарлар бунёд этиб, улуғ набийлар ва валийлар ётгон муборак қадамжоларни обод айлағайсен ва эллар ичра руҳоният ва маърифат зиёсини таратғайсен. Илло, бул савобли ишларингга Парвардигор Ўзи мададкор бўлғай, илоҳи омин!..

Ҳизр бува шундай дея юзига фотиҳа тортади-ю, шу заҳоти турган жойида ҳавога сингиб кетгандай дафъатан кўздан ғойиб бўлади.

Бу тарихий воқеалар занжири фавқулодда келгуси давр ҳодисотлари силсила-сига уланиб кетади.

Аврангзеб армони

Ҳиндистон. Агра. 1530 йил.

Мамлакат ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўз ётоқхонасида ўлим тўшагида ётибди. Шоҳ тўшагининг бошида ҳабаш қиз товус патидан ясалган баҳайбат елпигични аста тебратганча, ҳайкалдай қотиб турибди. Бобур авлодлари биринкетин хонага кириб, шоҳ билан видолашмоқдалар. Аёллар йиғи-сиғи қилишади.

Эшиқда саройбон кўринганида, Бобур Мирзо уни кўз имоси билан ёнига чақиради. Саройбон таъзим қилганча, унга юзма-юз келади.

— Олампаҳоқ, буюринг, хизматингизга мунтазирмен!..

Ҳолсиз ётган Бобур Мирзонинг фақат лаблари қимирлайди:

— Суюкли набираимиз шаҳзода Ҳумоюнни ҳузуримизга чорлағайсиз.

Саройбон орқаси билан одимлаганча эшикка йўналади.

Сал ўтмай, остонада Ҳумоюн кўринади-да, қўлини кўксига қўйганча, таъзим бажо келтиради.

Бобур Мирзо нигоҳи билан уни чорлоя ёнидаги курсига ўтиришга имо қилади. Шаҳзода ўтиргач, олампаҳоқ шошилмай гап бошлайди:

— Умрим интиҳосига етаётгон кўринадур, азиз жигарбандим! Сенла юзма-юз галлашиб олмақ фурсати етмиш. Буюк салтанатимизни сенга мерос қолдирмоқ ила айни чоғда муқаддас бир сирни очмоқни ҳам вожиб деб билурмен. Хазинамиз тўриндағи олтин устунлар ўртасинда дуру жавоҳирлар ила безатилгон мўъжаз сандиқчада бир тош бордур. Олис мозийда улуғ аждодларимиз салтанати ҳудудларинда яшаб ўтқон кўҳна қабила — шумерлар бунёд этмиш ва кўпдан-кўп тарихий саргузаштларни бошдин кечирмиш бул ноёб обида Парвардигор амри ила асрлар оша буюк бобомиз Амир Темур Кўрагоний илкига ўтмиш ҳамда ул ҳазратдин муборак ёдгорлик тариқасинда бизгача етиб келмиш.

Жигарбандим Ҳумоюн Мирзо! Олис ўтмишда илоҳлар саналмиш ва шу боис ҳам аждодларимиз бошига не-не офатлару кўргуликларни солмиш бул тошни кўз қорачўғидек асрамоқни сенинг зиммангга юклайдурмен.

Мозийда бўлиб ўтган уруш лавҳалари... Қадимги замон қабилалари ва уруғлари ўртасидағи ўқ-ёй ва найзабозлик жанглари... Мўри-малаҳдай бостириб келаётган мўғул-тотор қўшинлари ҳужуми қадимги Юнонистон ва Рум чавандозлари жангу жадаллари билан алмашинади.

Сўнгра кўҳна шаҳардағи шоҳ саройида ажойиб кристалл тошни томоша қилаётган нуроний отахонлар намоён бўлади.

Ана шу манзаралар асносида Бобур Мирзо гапида давом этади:

— Айтишларича, ёғийлар кўп бор ўғирламиш бул тошни Амир Темур бобомиз навбатдағи юришиндаёқ яна Самарқандга қайтармиш ҳамда ўз пирлари саналмиш азиз-авлиёлар ихтиёрина топширмиш. Ўшал кеча боболар ҳузурига Ҳизр бува ташриф буюриб, олмос ҳайкалчаларга илоҳий нафасларини уфурмишлар. Азиз-авлиёлар тиз чўкиб, икки дунёнинг мангу пайғамбарига таъзим бажо келтирмишлар. Ҳизр бува аларга: Парвардигор ушбул ҳайкалчаларни инсон илки ила илоҳий ишқ ва гўзаллик тимсоли тариқасинда бунёд этгонини ва алар теурийзодаларга то қиёматга қадар бахт ва омад келтирмоғини уқдирмишлар. Локин кимда-ким аларни илкига олмақ ёхуд ўғирламоққа чоғланса, бундоқ шаккоқларнинг ўзларигина эрмас, балки авлодлари ҳам қарғиш ва кулфатларга дучор бўлмоқлари муқаррарли-

гини башорат қилмишлар. Бул тошни Темур бобомиз камина таваллуд топқон куним отам Умар Шайх Мирзога тухфа этмишлар. Мана эмди ушбул илоҳий тошни асрамоқ навбати сенга етибдир, жигарбандим Ҳумоюн Мирзо.

Бобур Мирзо бир зум сукутга толиб, алам ва ўкинч билан гапини давом эттиради:

— Таассуфки, бул тош Андижондалигимдаёқ илкимдин кетгон, бул маҳалда Самарқанд, Андижон, сўнгра Тошкентни забт этмиш Шайбонийхоннинг саркардалариндин бири ани ўғирламоққа муваффақ бўлмиш. Ондин кейин омад биздин буткул юз ўтирмиш. Шайбонийхонга қарши кўп йиллик курашларим самара бермағонидин сўнг камина бир ҳовуч қўшин ила Мовароуннаҳр ва Фарғонани тарк этиб, Ҳиндистон сафарига отланмишмен. Бул ҳудудда ҳам ишларим юришавермағоч, ниҳоят, Аллоҳга ишқим ва омадим тимсоли саналмиш илоҳий тошни илкимга қайтармоқ учун она Ватанимга энг кучли ва энг топқир хуфияларимдан тўрт нафарини жўнатмишмен. Орадан кўп ўтмасданоқ бул гуруҳ яшм тошини ёғийлардан тортиб олиб, галаба туғи ила қайтмиш.

Ана шундан сўнг, азиз жигарбандим, Худо ишларимни ўз-ўзидин ўнглай бошлади. 1526 йили Панипат яқинида Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг қўшинларини мағлубиятга учратиб, Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорига айланмишмен. Пировардида буюк Бобурийлар салтанатига асос солишмен.

Бобур Мирзонинг айна шу ерда бир лаҳза жим қолганидан фойдаланган Ҳумоюн Мирзо савол беришга журъат этади:

— Бундан чиқадураким, улуғ олампаноҳ, ўшал фаройиб тошда Аллоҳ юқтирган қандайдир илоҳий куч-қудрат тажассумини топгон эркан-да?..

— Билишимча, айнан шундоқ, азиз жигарбандим. Локин ҳали бунинг тагина ҳеч бир кимса етолмағон. Шул боис мазкур тошни сенга мерос қилиб қолдирарканмен, шуни асло унутмагилким, ани илкимдин бой бергон кунинг — Бобурийлар салтанатининг инқирозга юзтубан бўлғони!..

Ҳумоюн бобосига кўзлари ёниб, ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилади.

... Бу манзара фавқулодда яна бир бошқа тарихий аср — Аврангзеб Оламгир ҳукмронлиги даври ила алмашинади. Буюк Бобурийлар салтанатининг сўнгги ҳукмдорларидан бўлмиш бу зот Оқ Саройдаги тилла тахтада зеру забарлар ила безак берилган кийим-кечақларда савлат тўкиб ўтираркан, икки ёнида саф тортиб турган аъёнларига гамгин қиёфада юзтубан бўлғони!..

— ... Бу қандайин разолатким, бир онадин сут эмиб вояга етгон ака-укалар тахт талашиб, бир-бирларининг бошларига аёвсиз қилич солсалар! Бу қандайин жаҳолатким, улуғ бобокалоннинг адоват ва фисқу фужур ботқоғина ботмиш мискин зурриёдлари фоний дунё бойликларини дея куч-қувватдин қолмиш кексалар ва етим-есирлар ҳақин емоқдин тойинмасалар! Бу қандайин мусибатким, бир қавм иккинчи қондош қавмга қарши исён туғини кўтариб, жанг майдонидека бир-бирининг қонини дарёдайин оқизса! Ваҳоланки, улуғ боболаримиз ва қолаверса, камина мамлакатни марказлаштиришга, иқтисодий ва маданий ҳаётни гуллаштишга озмунча куч-қудрат сарфладикму?! Мана эмди Деканда мараткийлар, шимолда афғон қабиалари, Панжобда сикхлар, Мевар ва Марварда раджпутлар қўзғолон кўтармишлар. Булар бари босқинчилик сиёсати юрғизаётгон инглизлар ва ўзга-оврупولىқларга ҳадсиз қўл келмоқдаким, бошбошдоқлигимиз ва парокандалигимиз боис биз аларга қарши курашмоққа ҳам ожиздуرمىз. Бул гуноҳларимиз Парвардигоримизга хуш келмай, ул буюк Зот бошимизга бало устина бало, офат устина офат юбормиш. Мамлакатимиз ҳудудларинда бот-бот зохир бўлаётгон даҳшатли зилзилалар, мудҳиш сувтўфонларию маҳобатли қуюн ва уюрмалар ана шундин далолат бермасму?! Сўнгги ваҳимали қуюн яхши ёдинғизда дегон ўйдамен. Бундоқ унсурни камина умрим бино бўлиб кўрмағонмен! Бул шундоқ ёвуз қуюн эрдиким, ҳазинагоҳимиз кулини кўкка совуриб, улуғ бобокалонларимиздин қолгон ноёб яшм тошни-да осмону фалакка олиб чиқиб кетмиш... Бул ҳодисот биз — куфр бандаларнинг Тангри қарғишига учрағонимизга ишорат эрмасму? Бул фалокат — кўҳна ва буюк салтанатимизнинг инқирозга юзтубан бўлғони аломати эрмасму? Ҳа-ҳа, азиз биродарларим, бу — ўта машғум аломат ва биз алардин жиддий хулосалар ясамоғимиз ва шунга муносиб қатъий тадбирлар белгиламоғимиз лозим...

Ногаҳон бу манзара ўрнини тагин янги кўриниш эгалайди. Қадимий Деҳли шаҳрига асоси осмону фалакка туташган даҳшатли қуюн бостириб келмоқда. Учи ер «чизиб» келаётган конуссимон бу маҳобатли уюрма йўлида учраган жами нарсаларни: турфа бинолару улкан иншоотларни мўри-малаҳдай супуриб-янчиб, хасхашақдай кўкка учуриб бормоқда. Қутурган филлар галаси наърасидай ҳайқирган садосининг ўзиёқ тўрт томонга тум-тарақай қочаётган одамларнинг дилига ғулува кутку солади.

Мана, уюрма, шоҳ саройи оstonаcиға ҳам етиб келади. У балан дeвopнинг те-па қисмидаги мусулмон гиштларнинг бир неча қаторини чирпирак қилиб осмонга кўтараркан, тўғри подшоҳлик хазинаси сақланадиган бино сари йўналади. Уюрма-нинг ваҳшатли ҳуружига деворлари икки газ қалинликда қурилган деворлар ҳам дош беролмай, ўпирилиб туша бошлайди. Деворнинг бир ёни ва томининг қоқ ўртасини худди баҳайбат пичоқ билан кесилгандай шаклда учириб юборган уюрма хазинадаги бошқа қимматбаҳо дуру жавоҳирлар қатори ноёби яшм тоши солинган мўъжаз сандиқчани ҳам кўкка олиб чиқиб кетади. Вожаб: бош қисми бамисоли юлдузларга туташиб кетган баҳайбат уюрма «девор»лари орасида шиддатли тезликда чирпирак бўлиб юқорилаб бораётган сандиқчанинг ноҳос қопқоғи очилиб, ундан тарвузсимон қорамтир тош ажралиб чиқади-да, янаям шиддатлироқ тезликда осмону фалак қаърига ўқдай отилади. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу ажиб манзарани титраб-қақшаб кузатиб турганлар тошнинг чексиз фалак қўйнига аста-секин сингиб, умуман кўздан йўқолганига гувоҳ бўлишади..*

— Ё фалак! — дея хитоб қилди профессор Қаҳҳорий аёллар ўтказган навбатдаги муруқабамали вақтида олинган бу гаройиб янгиликлардан яна ҳайратга тушиб. У хона ўртасида кафтларини бир-бирига ишқалаганча, Назирадан кўз узмай тураркан, азбаройи ҳаяжонга тушганидан кўзлари чақнар, тез-тез нафас олар эди. — Бу ҳикояларингиз ҳам мен учун чинакам кашфиёт бўлди, меҳрибонларим! Ҳа-ҳа, ишон-наверинглар, қўлингиздаги тошнинг чиңданам илоҳий нарса эканига каминани қарийб ишонтирдингиз ҳисоб, Назирахон қизим! Ҳикоянгизда ҳаёт ва ҳаёлот шу даражада уйғунлашиб кетганки, уларнинг қай бири ҳақиқат-у, қай бири тахайюлот эканини ажратиб олиш ҳам амримаҳол. Хулласи калом, меҳрибонларим, энди биз бениҳоя теран тарихга эга бу тошимизнинг физик ёки кимёвий хоссалариданам кўра, илоҳий хусусиятларини кўпроқ тадқиқ этишимизга тўғри келади чоғи. Ило, биз ҳали-ҳануз тушуниб етолмаётган буюк сир-синоат ёхуд тилсимотни унга Парвардигоримизнинг Ўзи тажаллий этган кўринади. Тажрибаларимиздан ўз-ўзидан шундай хулоса келиб чиқади-ки, меҳрибонларим, кўҳна шумерлар давридан бизга етиб келган ушбу қадимий обида имкониятлари ақл бовар қилмас даражада чексиздир. Назаримда, унинг ёрдамида, аввало, Аллоҳи таоло қудрати, сўнгра набийлар ва азиз-авлиёлар руҳи покларни мадади ила, Тангри Тоғдай осмонўпар тоғларни талқон қилиш, Жайҳун ва Сайхундай улувор дарёларини тескари оқизиш ва ҳатто, керак бўлса, чархи фалакни ҳам ўз ўқидан четга жиждириш мумкинга ўхшайди...

Кўрғончага ташриф

Саидбек собиқ синфдош дўсти Акрам билан унинг эски «Москвич» машинасида йўлга чиқишганида, соат тунги ўн иккидан ошган эди. Улар машинага йигирма газ узунликдаги йўгонгина арқон, уч тишли илгак, ғаввослар киядиган коржомо ва бошқа ҳамма керакли нарсаларни ортишган, сўнгги соатларда калалари ишлаб, яна бир яқин дўстаридан ҳар эҳтимолга қарши газда ишлайдиган тўппонча ҳам олишган эди.

Йўлда улар машинанинг олдинги ўриндиқларида ёнма-ён ўтирганча, аста суҳбатлашиб боришаркан, ҳа икковининг ҳам дилига ғулғула тушган, иккови ҳам тузган режаларининг нечоғли пухталиги юзасидан ўйга толишганди. Шунга қарамай, шер изидан қайтмас, деганларидек, ортга чекинишга ҳам эркаклик ғурурлари йўл бермас эди.

— Айтмоқчи, — деди Акрам машинасини бетон ётқизилган катта ҳалқа йўлга бураркан, бир нима эсига тушгандай тараддудга тушиб, — мени кечиргин-у, ёдимдан кўтарилмай дебди, кечқурун ишхонамга даданг билан... ҳалиги, нимайди... Асад ака деган бир одам келишувди...

— Йўғ-е? — деди Саидбек жон-пони чиқиб, дўсти томон кескин ўтириларкан. — Нега шу пайтгача индамадинг?.. Нимага келишибди улар?

— Сени қидириб-да...

— Оббо! Ҳеч нима демадингми, ишқилиб?

— Эсимни ебманми? Лекин сен билан кўришганимни айтдим...

— Нега энди? Оббо, қовун туширибсан-ку!.. Нима мақсадда кўришдик, дединг?

— Бир иши чиқиб қолибди, дедим.

Акрам мактабда ҳам соддадиллик қилиб, ўзи истамаган ҳолда нуқул ишқал ишларга араллашиб қолар, шунинг учун синфдошларидан, айниқса, Саидбекдан дакки эшитгани эшитган эди. Ҳозир ҳам дўстининг эски одати кўзиб, унга дашном беришга киришди.

— Калланг жойидами ўзи? Канализация ёки сувузатиш тизимида менинг сенга қанақа ишим тушиши мумкин? Одам сал ўйлаб гапириши керак-да. Хўш, яна нималар дединг?

— Кейин сенга ғаввослар киядиган кийим-кечақлар керак бўлиб қолганини айтдим.

— Оббо лақма-ей! Расво қилибсан-ку?! Арқон сўраганимни ҳам айтгандирсан, ҳойнаҳой?

— Даданг ҳам, ҳалиги, нимайди... Асад акаям сўрайвериб тинкамни қуритишди-да, ахир!..

— Хўш-хўш, яна нимани сўрашди? Сен нима деб жавоб бердинг?

— Ҳалиги, нимайди... чинданам арқон билан илгак олишинг кераклигини ҳам айтдим.

— Яшавор-е, биродар! Ҳаммаёқни расвои жаҳон қилиб бўбсан-ку! Шунақаям ландавур бўладими одам?!

— Мен қаёқдан билай, ахир? Ўзинг огоҳлантириб қўймаган бўлсанг...

— Улар олдинга келишини мен туш билибманми?.. Қаёққа бормоқчилигимни ҳам айтиб улгургандирсан, ҳойнаҳой?

— Ўлай агар, бунни айтмадим! — дея хитоб қилди Акрам, ўзини оқлаш имкони туғилганидан дарров жонлибди. — Ҳалиги, нимайди... Амирнинг қўрғончасини айтиб, эсимни ебманми? Сен қолиб, уларданам балога қолардим-а...

— Хайрият-е, ҳеч курса, шунга ақлинг етибди, — деди Саидбек ҳам сал енгил тортиб.

— Секинроғам айтасанми?

Саидбек пича ўйланиб турди-да, узил-кесил бир қарорга келди чоғи, энди қатъий оҳангда гапирди:

— Хайр, майли, бўлар иш бўлибди. Мени ҳозир қўрғонча девори остида анжомлар билан бирга қолдирасан-да, ўзинг жўнаб кетаверасан. Агар дадам билан бўла-жак қайнотам яна олдинга келишса, қаердалигимдан лом-мим деб оғиз оча кўрма! Мен уйдагиларга ойнома топшириғи билан Сирдарёга кетдим, деганман. Мабодо, уч кунгача қўрғончадан чиқиб кетолмасам...

— Хўш, унда нима қилай? — деди Акрам сабрсизлик билан унинг жавобини кутиб.

— У ҳолда... Фақат дадамга айтишинг мумкин.

— Маъқул, — деди Акрам дўстининг бу гапидан қониқиш туюб, кейин унга ялинишга тушди: — Кечирасан, дўстим, сал англашилмовчилик бўлибди, менинг ҳеч гапдан хабарим йўқ эди-да, ахир. Лекин сени девор ёнида дарров ташлаб кетмайман, илтимос, мени ҳайдама. Балки яна бир нимага асқотиб қоларман.

— Йўқ, дўстим! — деди Саидбек энди меҳрибончилик билан қўлини унинг елкасига қўйиб. — Бу ёғини бир ўзим амалга ошираман. Сенинг ҳаётингни ҳам хавф остига қўйишга менинг ҳаққим йўқ. Сал қовун туширганингни эътиборга олмасак, шундоғам менга жуда катта ёрдам бердинг. Бунинг учун минг раҳмат сенга! Яхши-лигингни ҳеч қачон унутмайман!..

— Э, раҳматга бало борми? Ёдингдами, мактабдаям энг яқин дўстим эдинг. Уришиб сўқардингам-у, лекин доим ҳимоя қилиб, ёнингда олиб юрардинг. Мен сендай кучли, зукко дўстим борлигидан доим фахрланардим...

Улар шу тариқа самимий гурунг қилиб, бир-бирларига дил сўзларини айтиб, кўзлаган манзилларига қандай етиб келганларини ҳам сезмай қолишди. Акрам машинасини қўрғонча деворига ярим қақиримча етмасдан, боғ-роғлар ўртасидан ўтган ихчам асфальт йўл чеккасида тўхтатди.

— Бу ёғига яёв боришга тўғри келади, — деди у эшикни очиб, ташқарига чиқаркан. Саидбек ҳам машинадан тушиб, девор томонга тикилди. Баландлиги қарийб тўрт газ келадиган деворгача бўлган майдонда маҳобатли чинорлару катта-катта жўка дарахтлари қад ростлаган, уларнинг орасига кирган одам зимистон қўйнида зумда кўздан ғойиб бўлишни аниқ, лекин баҳайбат дарахтларнинг юқори шохларини девор тепасига ўзаро тахминан юз газ масофада ҳар жой-ҳар жойга ўрнатилган фонослар фароғон қилиб турарди.

Акрам машинасининг юкхонасини очди. Арқон билан илгакни, кейин сим қирқадиган қайчини олиб, дўстига узатди. Кейин ғаввослик кийимларини чиқариб, елкасига ташларкан, машина юкхонасини секин ёпди-да, дарахтзор томонга жи-ларкан:

— Кетдик, — деди товушини пасайтириб. — Деворнинг истаган жойидан ошиб ўтаверишинг мумкин. Ҳалиги, нимайди... газ-тўппончанг қўйингдами? Итлар пайқаб қолишмаса бўлди. Манави ғаввослик кийимларини девордан ошириб бера-

ман, сув ёқасидаги маймунжонлар ўсадиган чакалакзорга яшириб қўясан. Ҳар эҳтимолга қарши. Асқотиб қолиши мумкин-да.

Улар кетма-кет дарахтлар оралаб боришаркан, Акрамнинг жағи тинмас, лекин у шивирлаётгандай паст овозда гапирарди:

— Ҳозир қўрғончада ҳамма ухляпти. Найновҳам уйқуга ётган бўлиши керак. У биринчи қават чеккасидаги ташқаридан кириладиган хонада яшайди. Секин эмак-лаб бориб, айвончага етиб олсанг, марра сеники. Йўл-йўлакай асосий бинонинг ўнг томонида бир қаватли бино бор. У — ошхона, жория аёл ҳам ўша ерда яшайди. Унданам, итларданам эҳтиёт бўласан.

— Яхши, — деди Саидбек атрофга ўгринча нигоҳ ташлаб, собиқ синфдошининг ортидан унсизгина одимлаб бораркан.

Ниҳоят, улар девор ёнига ҳам етиб келишди. Тепада, улардан сал ўнгроқда ду-малоққ фонус чор-атрофга сутранг ёғду таратар эди.

Акрам кутилмаганда елкасидаги ғаввос кийимлари солинган қопчиқни айлантириб, деворнинг нариги томонига улоқтирди, кейин дарров дўстининг қўлтиғидан олиб, улкан ёнғоқ дарахти панасига тортди:

— Кетдик, кетдик! Ҳозирча яширинамиз!..

Девор ортидан «гуп» этган овоз эшитилди. Шу заҳоти олисдан ит ҳуригани қулоққа чалинди. Юракларига баттар гулгула тушган йигитлар бир-бирларига ола-зарак нигоҳ ташлашди.

— Кўрдингми, итлари қанақа сезгир!.. — деди Акрам шивирлагудай оҳангда бе-ихтиёр ҳаяжонга тушиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Саидбек худди ўзига ўзи руҳан далда бераётгандай бар-дам кайфиятда. — Камина нафақат итлардан, жин-алвастилардан ҳам қўрқмайди-ган одамман.

Сўнгра дафъатан собиқ синфдошига ўтирилиб, унга қучоғини очди:

— Бўпти, дўстим, энди хайрлашамиз. Ҳаммаси учун сенга катта раҳмат.

— Тўхта, нариги томонга...

Саидбек уни гапиргани ҳам қўймади.

— Бас қил! Ҳозир ҳам мени деб ҳаётингни анча хазф остига қўйиб турибсан. Соғ бўл, оғайни! Менга оқ йўл тила!

Улар қучоқлашиб хайрлашишди.

— Сал итнинг овози тинчисин, мен яна ўн дақиқадан кейин девор ошаман, — деди Саидбек ёнғоқ панасига ўтиб, Акрамни қоронғилик оғушидаги дарахтзор қўйнида ғойиб бўлгунича кузатиб қоларкан.

Чинданам, ўн дақиқадан кейин бир ўзи қолган йигит итнинг вовуллаши тиниши билан арқоннинг бир учига бойланган илгакни девор оша нариги томонга улоқтир-ди-да, унинг иккинчи учидан тортиб, илгакнинг сим-тўрға маҳкам ўрнашганига, сўнгра чўнтақларига қўл теккизиб, сим қирқадиган қайчи билан газ-тўппонча жой-ида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, арқонга осилиб, юқорига кўтарила бошлади.

Осмонда милтиллаб кўринаётган катта-кичик юлдузларга беихтиёр нигоҳ таш-ларкан, уни қоқ иккига бўлиб ёрқин думли юлдуз учиб ўтганини кўрди-ю, яна ди-лига гулгула тушди. «Яна кимнингдир ҳаёти сўнди, — дея ҳаёлидан ўтказди у. — Мабодо меникимасмикин?»..

Салдан кейин девор устидаги сим-тўрға юзма-юз келгач, қўрғонча ҳовлисига олазарак тикилганча, чўнтагидан қайчини чиқариб, тўрни қирқишга киришди. Қол-ган ишлар зумда кечди. Сим-тўр орасидан бир одам сиғарлик жой очилди-ю, Са-идбек девор устига ўтириб олиб, арқонга уланган илгакни деворнинг ташқари то-монига маҳкамлади, сўнгра арқоннинг ўзини девор оша қўрғончанинг ичига таш-лаб, унга осилганча, пастга туша бошлади. Енгил сақраб ерга тушди-ю, ёнгинасида ётган қопчиқни елкасига осиб, энгашганча олдинга юрди.

Қўрғончанинг ички қисми ҳам бир текисда экилган дарахтлардан иборат улкан боғ бўлиб, унда, кеч куз эмасми, бу ёруғ дунёда мавжуд жами мева-чевалар фарқ пи-шиб ётарди. Бу боғда Бўстонлиқнинг алвонранг ва кўм-кўк олчаларидан тортиб, Сур-хондарёнинг тилларанг хурмолагича, Қуванинг ёриламан деб чирсиллаб турган анорларидан тортиб, кўҳна Ҳиндистоннинг хушбўй ананасларигача топилар эди.

Йигитнинг димоғига «гуп» этиб нашвати ҳиди урилди. Саидбек азбаройи мева-лари шифил пишганидан шохларигача тирговчулар қўйилган баҳайбат нок дарахти остига етиб келганди. Йигит бўйинини чўзиб, дарахтлар орасидан боғнинг ичкари томонига қаради. Олисда, бу ердан тахминан ярим чақиримча олдинда, уч қаватли мухташам гиштин бино кўзга ташланарди. Бинонинг ўнг томонида Акрам айтган жория аёлнинг бир қаватли уйини ҳам дарровилғади. Яқин атрофда ҳеч ким йўқли-гига ишонч ҳосил қилгач, дарахтлар оралаб, қадамларини илдамлатди.

Орадан ўн дақиқа ҳам ўтмай, бир қаватли уйга яқинлашган Саидбек ғаввос ки-

йим-кечаги солинган қопчиқни сувсиз ариққа ташлаб, устини шоша-пиша хазонлар билан кўмди-да, яна олға йўналди.

Йигит боғ тутаган ва ҳовли бошланган жойдаги сўнги дарахт тагида чўнқайиб ўтирганча, диққат билан атрофни кузатди. Уч қаватли бинонинг қоқ ўртасида катта ойнаванд эшиклари бўлиб, кираверишнинг икки ёнига ихчам пулат устунларга тўлин ойга ўхшаган икки нафар думалоқ чироқ ўрнатилган ва улар бутун ҳовли саҳнини сутдай чароғон қилиб турарди. Жория аёлнинг уйига кираверишда ҳам худди шундай фонуслар нур сочарди. Унинг янада ўнгроқ томонида, боғ деворига тақаб тахтадан бир неча уялар қурилган, лекин уларда негадир итларнинг ўзлари кўринмасди.

«Демак, улар қўйиб юборилган», — дея хаёлидан кечирди Саидбек, дилига ваҳима тушиб. Беихтиёр қўлини чўнтагига тикиб, газ-тўппончасини пайпаслаб қўйди.

Худди шу пайт қаёқдандир уч қаватли бино ортидан югуриб чиқиб келган бузоқдай-бузоқдай икки қора този ит бир-бирлари билан ўйнашиб, бўйин ва оёқларидан тишлаганча, уялари сари йўналишди. Айни дамда сал кичикроқ яна бир қозоқи ит пайдо бўлди-ю, пилдираганча, уларнинг ортидан эргашди.

Саидбек ўзини дарров дарахт ортидаги суви қуриб қолган ариққа ташлади-ю, мушукдай пусиб ётганича, итларни сал бошини кўтариб кузата бошлади.

Худо кўрсатмасин, йигитни уларнинг бирортаси пайқаган тақдирда ҳам шу захоти ҳар учови ҳужумга ўтиб, ичак-чавоқларини ағдариб ташлашлари ҳеч гап эмас эди. Шу чоғ қозоқи ит вовуллаганча този итлардан бирининг думини тишлаганга уринди. Бундан жаҳди чиққан този ит унинг адабини бериб қўйишни лозим топди чоғи, шартга тўхтаб, орқасига ўтириди-ю, қозоқи итни бир ҳамла билан чалқанчасига ётқизиб, ириллаганча қорнини ғажишга киришди. Буни сира кутмаган қозоқи ит англаганча унинг чангалидан қутулишга уринар, лекин барча ҳаракатлари беҳуда эди.

Кўп ўтмай, қаердадир шарақлаб эшик очилгани эшитилди. Яна бир неча сониядан кейин уч қаватли бино ортидан бўйи нақ икки ярим газ келадиган, қовунсимон ярғоқ боши чироқ нурида чарақлаб турган паҳлавон бир йигит чиқиб келди-да, босиқ ва бўғиқ овозда итларни қойишга тушди:

— Ҳой, қанжиқлар! Қани, овозингни ўчир-чи! Ўчир овозингни деяпман, лаънатчи!..

Уни кўрган итлар думларини ликилатиб, сал тинчиган бўлишди-ю, лекин ярғоқбош паҳлавон атрофга аланглаб, ортига ўтирилиши билан яна бир-бирларини ғажишга тутинишди. Бундан баттар ғазабга минган тунги қоровул энди белидаги белбоғини шартга ечиб олиб, итларнинг устига қараб юрди. Бундан қўрқиб кетган итлар уялари томон ура қочишди.

— Ҳой, қанжиқлар! — деди паҳлавон йигит овозини сал кўтариб. — Агар жим бўлмасаларинг, ҳозир бўйинларингга бўйинтириқ соламан-да, яна катакларингга тикиб қўяман!..

Бу гапни «эшитган» итлар энди (улар гапга тушунишади чоғи) йўлни буриб, тўғри Саидбек ётган ариқ томонга қараб югуришди. Эسخонаси чиқиб кетган йигит жон ҳолатда ётгани ариқдаги хазонларга босганча, худди фаними пайдо бўлганини иллаган қурбақадай, қилт этмай ётиб олди. Айни дамда Қуръони қаримдан билган оятларини ўқиб, Худодан ва азиз-авлиёлар руҳи покларидан мадад сўраб, бошига тушган бу мушкул савдолардан қутқаришини чин дилидан илтижо қила бошлади. Чамаси, шу амалларни адо этмаганида, итларга ем бўлиши тайин эди. Итлар тапир-тапир чопқиллаб, ёнгинасидан ўтиб кетишди. Орадан ярим соат ўтмай, уларнинг ҳам, паҳлавон йигитнинг ҳам қадам товушлари бутунлай тиниб қолди.

Қимирламай ётаверганидан оёқ-қўллари тортишиб қолаёзган Саидбек аста ўрнидан турди-да, томирларининг чигалини ёзиб, чўнқайганча олазарақ ҳолда атрофни яна кузатди. Ҳеч зоғ кўринмас, итларнинг товушлари ҳам буткул ўчганди.

Шунга қарамай, йигит айни дамда ўзининг чинакам қопқонга тушиб қолганини аниқ ҳис этди. Бу ердан омон чиқиб кетиши амри маҳоллигини ҳам узил-кесил тушуниб етди. Шу чоғ миясига «ялт» этиб келган фикрдан кўзлари бамисоли чақнаб кетгандай бўлди...

Опа-сингиллар каромати

Асад Раҳматилла ишлайдиган спорт мажмуига профессор Саидмансур ака ҳузуридан анча ҳовурини босган ҳолда кириб келганида, дўсти яна шогирдлари би-

лан навбатдаги дарсларини ўтказаетган экан. Собиқ жангчи файласуф ошнасини кўриши билан юзига хавотир ифодаси иниб, машқларни шогирдларидан бирига давом эттиришни топширди-да, ўзи собиқ синфдошининг истиқболига шошилди. Қўл олиб сўрашишаркан:

— Хўш, бирон янгилик борми? — деб сўради у Асаднинг кўзларига тикилиб.

— Саидмасур ака билан кўришдим, — дея гап бошлади файласуф. — Ҳеч нимадан хабари йўқ экан. Ўғли қаёққадир кетибди. Уни излаб, бир оғайнисининг иш-хонасига бордик. Ундан ғаввослар киядиган коржома, арқон, илгак ва яна алланима балоларни олиб, қаёққадир жўнаб кетибди. Отасининг айтишича, ойнома топшириги билан икки-уч кунга Сирдарёга бориб келмоқчи бўлган экан. Хуллас, Саидбекнинг ҳам қизимнинг йўқолганидан хабари йўқ чоғи.

— Нега шундай хулосага келдинг? — дарров эътироз билдирди Раҳматилла. — Беҳазил гапираяпман: балки айнан бир нимадан хабар топиб, қизингни қутқаргани отланган бўлса-чи? Бўлмаса, ўша асбоб-анжомлар нимага керак бўлиб қолибди унга?

— Билмадим, дўстим, билмадим, — ҳафсаласиз қўл силтади Асад тунд қиёфада.

— Э, беҳазил гапираяпман: сендан ҳеч қачон айғоқчи чиқмас экан, — деди собиқ жангчи гапни ҳазилга буриб, лекин шу заҳоти жиддийлашиб, гапида давом этди: — Айни шуни билиш керак эди-да! Илгак, арқон нимага керак ўзи? Тоққа чиқишга ёки баланд девордан ошиб ўтишга, тўғрими?

— Тўғри, — деди файласуф пича жонланиб, унга савол назари билан тикиларкан.

— Лекин ғаввослар киядиган кийим-кечақлар-чи?

Асад елкасини қисди.

— Демак, унинг йўлида тоғ ёки девордан ташқари сувтўсиғи ҳам бор, дегани бу!

— Қойил-е! — деди файласуф ўзининг шундай оддий нарсага ҳам ақли етмаганидан хижолат чекиб. — Буям тўғри! Сен аслида мелесада ишласанг бўларкан.

— Демак, Саидбек қизингнинг қаердалигини билади!

Бу гапдан Асаднинг кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Собиқ жангчининг хулосасида чинданам чуқур мангик бор эди.

— Агар чинданам шундай бўлса... модомики у ҳамма гапдан бохабар экан, нега энди на отасига, на менга лом-мим демай, бу қалтис ишга бир ўзи отланган, деб ўйлайсан? Ахир, у сен билан бизнинг имкониятларимизни яхши билади-ку?

— Э, беҳазил гапираяпман, ошна, уям йигит киши, ахир, ундаям эркаклик гурури бор!

— Ҳаммамизнинг кўз олдимизда би-ир қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўлган, демоқчисан-да?

— Буниям истисно қилиб бўлмайди. Шундай бўлишим табиий, албатта. Лекин...

— Нима лекин? — сўради Асад унга сабрсизлик билан тикилиб.

— Лекин у... айна шу ҳаракатлари билан ёшлиқ қилганам бўлиши мумкин.

— Бу гапнинг ҳам юз фоиз қўшиламан. Агар чинданам шундай бўлса... — Асаднинг юзига беихтиёр яна хавотир ифодаси инди. — У ўта хавфли ва қўлидан келмайдиган ишга бел боғлаган, демоқчисан, топдимми?

— Худди шундай! — деди Раҳматилла ғамгин қиёфада. — У ростданам болалик қилиб қўйиши мумкин. Гап қизинг ҳаёт-мамоти устида бораркан, биз зудлик билан бирон чорасини топмасак бўлмайди, дўстим!

— Мен ҳам шу фикрдаман.

— Камина афғон урушида қон кечмагунимга қадар бу ёруғ дунёда чораси топилмайдиган ишнинг ўзи йўқ, деб ҳисоблардим. Лекин баъзан шунақанги муаммолар бўларканки!.. — шундай деб, Раҳматилла бошини маънодор чайқади.

— Нима, сен қизимни топишнинг иложи йўқ, демоқчимисан?

— Йўқ, ошна, аксинча, айна шароитда бунинг иложи бор, деб ўйлайман. Чунки бизда ҳозирнинг ўзидаёқ анча-мунча ашёвий далолатлар бор. Яна баъзи нарсаларни ойдинлаштирсак, қизингнинг изига чиқишимиз аниқ. Хўш, энди айт-чи, сенда йўқолган одамлар, нарсаларни топадиган экстрасенсми-ей, ромчими-ей, бир опачанг бор эди-ку? Ҳозир уни топсак бўладими?

— Гулшода бонунни айтаяпсанми? Э, уям уч кундан бери қаёққадир гумдон бўлибди. Қўнғироқ қилавериб чарчадим. Уйигаюм бориб келдим.

— Беҳазил гапираяпман: кенжа қизларингда ҳам қандайдир хислат бор, деб эшитувдим, улар нима дейишяпти?

— Улар билан жиддий гаплашмадим ҳали. Вақтим бўлмади.

— Э, калаварам, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтишади-да. Ишончим комилки, улар ҳам бир нимани билишади!

Дўстига ҳайрат аралаш ажабланиб тикиларкан, Асад яна жонлангандай бўлиб, юзига қон югурди.

— Илтимос, оғайни, йўқ дема, мен билан бирга уйга борсанг, ҳозироқ улар билан гаплашсак, айни мавридими дейман...

Раҳматилла пича ўйланиб туриб, бўлма ўртасида машқ қилаётган шогирдларига бир қараб қўйди-да, ўрнидан турди. Хурсанд бўлиб кетган Асад ҳам жойидан кўзгалиб, эшикка йўналди.

Собиқ жангчи йигитларга қарата:

— Мен бир соатларда қайтаман, — дея қичқирди-да, файласуфнинг ортидан ташқарига йўналди.

Улар уйга келишганида, Байром Шайх ота мачитга намоз ўқигани кетган, қизлари Наргиза билан Нафиса дарс тайёрлашар, Мунаввархон ая билан Дилбархон ошхонада кечки овқат тарадудини бошлаб юборишган эди.

Асад дўстини меҳмонхонага бошлаб кираркан:

— Сен шу ерда ўтира тур, мен ҳозир қизларимни бирма-бир чақираман, — дея оқоридаги хонага ўтди. Сал ўтмай у Наргиза билан бирга қайтиб келди.

— Ассаломалайкум, тоғажон! — деди қиз қўлини кўксига қўйганча, Раҳматиллага табассум билан нигоҳ ташлаб.

— Ваалайкум, ассалом, қизим! Бахтли бўлинг! — деди Раҳматилла ҳам тикма-чокдек қадди-қомати анча кўзга кўриниб қолган дуркунгина қизга завқ билан боқиб.

Асад қизининг елкасидан қучганча рўпарасидаги курсига ўтқизди-да, ўзи ўнг томондаги нимкатга, дўстининг ёнига бориб ўтирди.

— Қалай, қизим, ўқишларинг тузукми? Синглинг Нафисахон яхши юрибдими? — деб сўради собиқ жангчи, унинг сутга чайилгандек оппоқ юзига, ўнг яноғи устидаги нуқра холига ҳамон завқланиб тикиларкан.

— Ҳаммаси яхши, тоғажон, — деди Наргиза, кейин шу заҳоти маъжус тортиб, қўшимча қилди. — Фақат шу... Назира опамнинг кетиб қолгани чатоқ бўлди-да...

— Худо хоҳласа, Назира опамгни топамиз, — деди Раҳматилла бардам кайфиятда. — Фақат бунинг учун... синглинг Нафисахон билан сен бизга ёрдам беришларинг керак.

— Нима, сиз мелиса айғоқчисимисиз?

— Айни дамда шундай деса ҳам бўлаверади. Менга ўхшаган одамларни хусусий детектив дейишади.

— Вуй, қандай яхши! — хурсанд бўлиб кетди Наргиза. — Мен сизга ўхшаган одамларни киноларда кўп кўрганман. Жуда ақлли бўлишади улар!

— Ҳа, баъзан телевизўрда ҳам чиқиб тураман. Энди айт-чи, қизим, охирги марта кўрганингда, опанг сизларга ҳеч нарса демабмиди?

Наргиза бир лаҳза ўйланиб қолди-да, шошилмай жавоб берди:

— Ҳеч нарса... Лекин, биласизми, тоғажон, сўнги кунларда у қанақадир бошқача... бувим айтганларидек, қанақадир одамови бўлиб қолувди.

— Сен нима деб ўйлайсан, у нега шунақа бўлиб қолганди?

— Менимча, ўша қора чопонли ака-укалар уни нималардир деб қўрқитишган.

— Улар нима деган бўлиши мумкин?

— Масалан, отангни, онангни ёки сингилларингни ўғирлаб кетамиз ёки ўлдирамиз, деган бўлишлари мумкин.

— Бунга ишончинг комилми?

— Унчалик эмас...

— Бу масалада яна қандай тахмининг бор?

— Бошқа тахминим йўқ. Фақат...

— Нима фақат?

— Мен шуни аниқ биламанки, Назира опам ҳозир Гулшода бону, кейин яна бир оқ сочли кексароқ одам билан бирга бировнинг чорбоғида яшаяпти.

— Сен буни қаердан биласан?

— Бугун эрталаб уларни тушимда кўрдим.

Энди гапга шоша-пиша Асад аралашди:

— Буни нега менга дарров айтмадинг, қизим?

— Эрталаб турсам, сиз ишга кетиб бўлибсиз. Ойимга сўзлаб бердим.

— Айт-чи, Наргизахон, — яна сўроқ қилишда давом этди Раҳматилла, — сен уларни чинданам тушингда кўрдингми?

— Нима десам экан? Буни туш дейиш ҳам қийин. Мен аслида уйғоқ эдим. Улар кўз олдимда қанақадир мудроқ ҳолатда пайдо бўлишди.

— Яна кимларни кўрдинг... ўша ҳолатда?

— Улар, яъни опам, Гулшода бону, кейин ўша оқсоч амаки ичкарида гаплашиб

ўтиришувди, катта дераза орқали ташқари ҳовлида баҳайбат қора итлар югуриб юришганини кўрдим. Қанақадир барзанги бир амаки уларни уришиб, уяларига ҳайдаб юборди. Яна...

— Яна нима?

— Яна боғ ичкарасидаги баланд девордан ошиб ўтаётган бир ёш йигит шарпасини ҳам кўргандай бўлдим.

Раҳматилла билан Асад ят этиб бир-бирларига қарашди.

— Кўрдингми ё кўргандай бўлдингми?

— Кўрдим, десам ҳам бўлаверади. Атроф анча қоронғи эди-да.

— Ҳўш, кейин нима бўлди? Ўша йигит девордан ошиб ўтдимми?

— Ҳа, у девордан ошиб, арқонга осилганча пастта тушди-да, сал ичкарироқ юриб, суви қуриган ариққа ётиб олди.

— Ҳўш, ундан кейин-чи?

— Кейин худди кино тутагандек ҳаммаёқ қоронғулик қўйнига чўмди-да, бирдан ётоқхонамиз ёришиб кетди. Қарасам, тонг отган экан.

— Энди айт-чи, Наргизахон, тушингда кўрган нарсаларинг қаерда эканлигини тахминан бўлса-да, айтиб беролмайсанми?

— Йўқ. Буни Нафиса айтиши мумкин. Чунки эрталаб тушимни сўзлаб берганимдан кейин у бирданига қанақадир суратлар чизишга тушиб кетди.

— Қанақа суратлар? Уларни кўрсак бўладими ҳозир?

— Нега бўлмас экан. Ўзини чақирайми?

— Чақир қизим. Фақат тезроқ!..

Наргиза ғириллаб ташқарига чиқиб кетганидан кейин Раҳматилла хонадон соҳибига ҳайрат аралаш маъноли тикилди.

— Қизларингдайм гап кўп, деб боя айтувдим шекили! Беҳазил гапираяпман, ҳаётда ўзи доим шунақа: ҳар қандай мураккаб муаммонинг ечими шуңдоқ бурнимиз остида туради-ю, уни биз кўпинча алақаёқдаги тупканнинг тагидан излаймиз.

Орадан бир неча сония ҳам ўтмай, хонага оддий мактаб дафтари варағига чизилган алақандай суратларни кўтарган Наргиза билан Нафиса кириб келишди-ю, масала зумда ойдинлашди. Раҳматилла ундаги улкан муҳандислик иншооти ва улардан осмонга ўрлаган қувурлар ва мўъжаз ўрмонзору атрофи баланд темир-бетон девор билан ўралган кўрғонча тасвирини кўриб, излаган жойларининг манзилини даррованиқлади.

— Ахир, бу ТошГРЭС худудидаги Амир бойваччанинг чорбоғи-ку! — дея хитоб қилди у мамнуният билан тиззасига шапати уриб.

— Демак, Назира ўша ерда экан-да? — деб сўради Асад ҳаяжондан ўзини аранг босиб.

— Албатта-да! Лекин қизчаларингга қойилман! Икковидаям Худо берган ноёб хислат бор экан! Баракалла! Раҳмат, сизларга, она қизларим!..

Асад ўрнидан туриб, қизларини бошларидан силаганча бағрига босди. Кейин яна хоналарига қайтиб, дарс тайёрлашларини тайинлаб, уларга жавоб берди. Опасингил эшик сари йўналишларкан, Нафиса отасига Туркистондан Қўлдош Али Ҳожи ота қўнғироқ қилганию Шайх Тоҳир, Шайх Хожа Асрор ва Тилла Шайх болаларини тушида кўриб, дарров Назирахон ва бошқа набираларини йўқлагани Тошкентга йўлга чиққанини маълум қилди. Авлиёсифат бу олис қариндошининг номини эшитган Асаднинг дилига илиқлик югурди. Лекин ҳозир бу ҳақда бош қотириш мавриди эмас эди.

Собиқ синфдошлар тагин ҳоли қолишгач, Раҳматилла ниҳоятда жиддий қиёфада сўз бошлади:

— Беҳазил гапираяпман: вазият ўта мураккаб, ошна. Аён бўлдики, қизинг ўша Гулшода бону ва чамамда, яна бир маъданшунос олим билан бирга Амирнинг чорбоғида гаровга олинган. Тушунишимча, бойваччанинг мақсади жуда оддий: ўша сен билан биз билган ҳикмат тошини ўз ёвуз мақсадлари йўлида ишлатиш усулларини ўзлаштириш. Ушбу тошнинг имкониятлари қанчалик ҳадсизлигини у қайси гўрдан билган — бу фақат Худога аён. Лекин шуни аниқ айтишим мумкинки, нечоғли қалтис ва серкўлам ишга қўл ургангани у жуда яхши тушунади. Акс ҳолда катта бир алломани, анави элга танилган экстрасенсми ёки башоратчиними, айниқса, юртимиздаги энг нуфузли оилалардан бирининг фарзанди саналмиш қизинг Назирахонни гаровга олишга журъат қилмаган бўларди. Беҳазил гапираяпман, энди гап бундай, ошна: олдимизда икки йўл бор. Биринчи ҳолда Амир бойваччанинг чорбоғига пинҳона бостириб бориб, қизингни ва бошқа гаровга олинганларни ўз кучимиз билан қутқаришимиз лозим бўлади. Иккинчи ҳолда бу ишга миршабларни аралаштиришимизга тўғри келади. Бўлажак куёвинг Саидбекнинг эса, девор ошиб кўрғончага кириб олгани ва севган қизини қутқараман деб, ўзича алақандай тадбирлар

бошлагани ҳам аниқ. Лекин унинг болалик қилиб, қовун тушириб қўйиши, қош қўяман деб кўз чиқариши ҳам кундай аён нарса. Боз устига, беҳазил гапираяпман: бунақа болакайларни, ўйлаб ҳам ўтирмай, бир сониядаёқ белини синдиришади. Шунинг учун биз ҳозироқ аниқ бир қарорга келишимиз керак. Балки бирон ҳийла ишлатармиз. Фикр-да буям. Яна бошқа бирон таклифинг бўлса, айт, ошна, бор эътиборимни қўш қулоғимга жамлаб эшитишга тайёрман!..

— Менга қолса, ўша қизим қамалган қўрғончага ҳозироқ бостириб боришга тайёрман, — деди дўстини бутун вужуди билан тинглаган Асад бўлажак ўта кўнгилисимиз ҳодисалардан савқитабий бир овриқ туюб. — Лекин бу иш энди Саидбекнинг ҳам тақдирига бевосита дахлдорлигини назарда тутиб, унинг отаси — Саидмансур ака билан ҳам бамаслаҳат иш юритсак, фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

— Мана бу фикрингга юз фоиз қўшиламан, ошна! — деди Раҳматилла мамнуният билан бош ираб ўрнидан тураркан. — Бўлмаса, вақт йўқотмасдан ҳозироқ домланикига жўнаганимиз маъқул. У кишидан жўяли бир маслаҳат чиқиши турган гап...

Асад собиқ жангчи дўсти ортидан ташқарига отланаркан:

— Сен чиқиб машинага ўтиравер, орайни, мен уйдагиларга бир овиз гап айтиб, зумда ортингдан етиб бораман, — дея аёллар овози келаётган ошхона томонга йўнади.

Саидбекнинг ҳийласи

Йигит суви қуриб қолган ариқда аста ўрнидан тураркан, энгашганича жория аёл яшайдиган ва эшигининг пештоқидаги чироғи чор-атрофни нурафшон қилиб турган бир қаватли уй сари аста жила бошлади. У оёқлари остидаги ҳазонларни шитирлатмасликка интиланган сари улар багтар шитирларди, лекин бахтига, қутилмаганда пайдо бўлган шамол дарахт шохларини қисирлатиб, унинг қадам товушларини босиб кетди. Шу тариқа у шарпадай пусиб одимлаганча, жория аёлнинг уйдан йигирма одимча беридаги шохлари осмонга тарвақайлаб кетган кекса анжир тагида тўхтади-ю, нафасини ростлаб, яна атрофни кузатди. Шамолни ҳисобга олмаганда ҳаммаёқ жим-жит, «қилт» этган жонзот кўринмасди. Бу жой боғнинг ичкарасига нисбатан анча ёруғ эди. Чўнтақларини кавлаб, қороз-қалам қидира бошлади. Қўйин чўнтагидан уч варақли мақола чиқди. Унинг охириг бетининг ярмидан кўпи тоза, ҳеч нима битилмаганди. Саидбек тоза қисмини буклаганча, шошимай қирқиб олди-да, қорозни тиззасига қўйиб, аланималарни ёзишга киришди. Кейин номасини ёғоч парчасига ўраб, жория аёлнинг очик турган деразасидан ичкарига улоқтирди. Шу заҳоти хонада чироқ ёниб, қадам товушлари эшитилди. Лаҳза ўтмай, қирқилган сочлари елкаларига тушган, ичкўйлақдаги ўттиз ёшлар агрофидаги жувон деразадан бошини чиқарганча, овозини пасайтириб:

— Саидбек! — деб чақирди.

Йигит дарахтлар орасида беркинган жойидан чиқиб, аёлга юзма-юз келди.

Аёл қўли билан эшик томонга имо қилиб, яна ўша паст овозда:

— Ичкарига кир! Тезроқ! — деб буюрди.

Саидбек энгашганча, югургандай одимлаб, эшик томонга ўтди. Аксига олиб, эшик ичкаридан қулфланган эди. Айни дамда ҳовли юқорисидан този итларнинг ғазабнок вовулагани эшитилди. Улар ортидан югуриб келишаётганини пайқаган Саидбек эшикни секин тақиллатган эди, у шарақлаб очилди-ю, йигит шоша-пиша ўзини ичкарига урди. Эшикни яна қулфлаб олган аёл Саидбекни қўлидан тортқилганича, ётоқхонасига бошлади-да, дарҳол каравотнинг тагига яширинишни буюрди.

Бу пайтда ташқарида чинакам тўс-тўполон бошланган, бегона ҳидни сезган този ва қозоқи итлар уй атрофида гирдиқалак бўлиб айланишаркан, жон аччиғида вовулашар эди. Кўп ўтмай, алакимнинг итларни ҳайдаган бўғиқ овози қулоққа чалинди.

— Тш-шш! Ўчир овозларингни! Қани, уяларингга жўналаринг-чи!..

Итлар шу заҳоти ундан хафа бўлгандай ангилаганча, уйдан узоқлашишди. Бир неча фурсатдан сўнг овозлари ҳам ўчди. Лекин бир дақиқа ўтмай, каравот остида ётган Саидбек кимдир эшикни тақиллатаётганини эшитди. Ичкўйлақдаги аёл яна деразадан бошини чиқариб, совуққонлик билан:

— Нима гап, Боря? Итлар нега безовта бўлишяпти? — деб сўради.

— Мен ҳам шуни сўрамоқчи эдим, Дилфуз. Сен биров билан гаплашгандай бўлдинг чоғи?

— Мен итларни ҳайдамоқчи бўлдим. Ораларидан каламуш ўтди шекилли.

— Бу ерда каламуш нима қилади?
— Ҳа, энди юмронқозиқ ёки кўрсичқон ҳам бўлиши мумкин.
— Лекин боғда юмронқозиқ борлигини биламан. Тинчлик бўлсин-да, ишқилиб.
— Тинчлик, тинчлик. Бирон гап бўлса, аввало мен ўзим дод-вой кўтарардим. Бемалол дамнингни олавер.

— Ҳай, майли. Хайрли тун. Безовта қилганом учун кечирасан...
— Ҳечқиси йўқ, яхши ётиб тур, Боря.

Каравот остида ғужанак бўлиб ётган Саидбек ҳозиргина жория аёл билан гаплашган одамнинг залворли қадам товушлари олислаб, тобора пасайиб бораётганини эшитди. Охири у бутунлай тингач, дераза ёпилгани ва аёл кишининг ғудрангани қулоғига чалинди-ю, лаҳза ўтмай унинг чироғи ёнди. Қоронғига ўрганиб қолган Саидбек қўзлари қамашиб каравот тагидан кўрқа-писа юқорига қаради. У жория аёлнинг ётоқхонасига кириб қолгани кундай равшан эди. Аввал у узун ва хушбичим, қорамангиз оёқларни кўрди, сўнгра ичкўйлак этаклари... Хуллас, рўпарасида қадди-қомати келишган, ўттиз ёшлардаги қийғоч кўзли қаламқош аёл унга гинаомуз нигоҳ билан тикилиб турарди.

— Э, сендақа маҳбубдан ўргилдим, — деди у йигитчанинг қўлидан тортиб, каравот остидан чиқишига кўмаклашаркан. — Агар мактубингда Назиранинг қайлиғи эканлигини ёзмаганинда, анави итларга нақдгина ем бўлардинг. Пашша ҳам учиб киролмайдиган бу кўрғончага сен қандай келиб қолдинг ўзи? Осмондан тушдингми, нима бало?

— Йўқ, девор ошиб кирдим, — деди Саидбек, қизғиш парда тортилган дераза ёнидан энгашиб, пастдаги курсига бориб ўтираркан.

Жория аёл қўлларини белига тираганча хона ўртасида тураркан, паст овозда йигитчани суроқ қилишда давом этди:

— Сен шу аҳволингда чинданам Назирани кутқармоқчимидинг? Йўқ, ука, менга тўғриси айт: сен киминг ёки ниманга ишониб, бу қалтис ишга қўл урдинг? Сен кимлар билан ўйнашаётганини ҳеч қурса кўз олдингга келтироласанми ўзи? Бу қилишинг учун бир дақиқадаёқ калланг кетиши мумкинлигига ақлинг етадими? Бу ерга Ички ишлар вазири муовинлари ҳам ўйлашиб, етти ўлчаб, бир кесиб келишадими, ахир!..

— Опажон! — деди ниҳоят Саидбек, қўлини кўксига қўйганча, аёлга илтижоли боқиб. — Мен ҳеч нарсани билмайман, эҳтимол, билишни ҳам истамасман! Мен бу ерга юрак амрим билан қандай бўлмасин, Назирахонни тутқундан халос этиш учун келдим. Чунки мен уни севаман! Тамом-вассалом!

— Ҳа, балли, укажон, айна шу севгинг ҳаётингни сақлаб қолди, дейиш мумкин. Севги нималигини тушунмайди, деб ўйласанми? Ақс ҳолда, билмадим, ҳозир суякларингни қаердан қидиришга тўғри келарди...

— Севги нималигини тушунар экансиз, сиз менга ёрдам беринг, опажон!

— Жуда осон деб ўйлаяпсан, чоғи, бу ишни? Сенинг ҳаётингни ҳеч қурса бир кечага сақлаб қолганим ҳам мен учун нечоғли қимматга тушиши мумкинлигини ҳатто тасаввурингга ҳам сиғдиролмайсан, укажон! Мен, ахир, бахтиқаро ва шўрпешона бир аёл бўлсам... Қўшни жумҳуриятда лаънати ваҳҳобийлар сафига ўтмагани учун эримни оғзига кўрғошин қуйиб, сўнгра оёғидан осиб ўлдирилгани, бўмба остида қолган норасида гўдагимнинг кули кўкка совурилгани, иттифоқо тирик қолган каминани эса, ўтай отам укаларим очликдан ўлмасликлари учун ашаддий жиноятчиларга бир қоп унга сотиб юборганини сен қаёқдан билардинг, ахир!..

Бу гаплардан юраги ҳалқумига келган Саидбек сакраб ўрнидан турди-да, аёлнинг олдида тиз чўкканча, қўлини кафтлари орасига олди.

— Опажон! Мен сизни тушундим! Ўлай агар, тушундим! Бундан бу ён ўзингизга яна бир ука орттирдим, деб ҳисоблайверинг! Ўла-ўлгунимча хизматингизда бўламан! Лекин сиз менга ёрдам беринг! Ҳа-ҳа, Назирахонни бу ердан олиб чиқиб кетишимга ёрдам беринг!

Ташқарида қадам товушларини эшитдим, Дилфуза жон-пони чиқиб, шивирлагудай овозда:

— Секинроқ гапир! Жим!.. — дея шартга қўлини тортиб олиб, пастки девордаги чироқ тутмасини босди. Хона зумда қоронғулик оғушига чўмди. Кейин: — Лаънати, яна келаяпти, — дея минғирлаганча, каравотига бориб ётиб олди. Чинданам ташқарида биров келаётганди. Сал ўтмай, қадам товушлари тиниб, энди дераза тақиллагани эшитилди. Фира-шира ёруғда Саидбекнинг аста ўрнидан туриб, қия очик эшик орқали пусибгина ошхона томонга ўтганини кўрган жория аёл яна ўрнидан туриб, деразани очаркан, ҳовлидаги чироқ нурида қовунсимон боши йилтираб кўринаётган барзанги йигитга хавотир билан тикилиб сўради:

— Яна нима гап, Боря?

— Хонангда кимдир бор, эшикни оч, — деди барзанги эътирозга ўрин қолдирмайдиган ўта вазмин оҳангда. Овозида темир совуғи бор эди. Бундан эти жунжикиб кетган жория аёл довдираб, шоша-пиша бидирлай кетди:

— Вой, нималар деяпсан!.. Телевизўр кўраётувдим, эркак билан аёл гаплашаётувди... Шуни эшитгандирсан.

— Ярим кечаси телевизўр кўрмасдинг-ку? — энди дағдаға билан сўради Боря.

Дилфуза бир зум каловланиб турди-ю, шоша-пиша жавоб берди:

— Вой, қизиқ сериал бўлаётувди-да, шуни кўраётувдим...

Барзанги яна қатъий оҳангда:

— Бўлақол, тез эшигингни оч, — деди-да, бинонинг киравериш томонига йўналди. Иложсиз қолган жория аёл ошхона томонга ўтиб, у ёқдан-бу ёққа аланглади.

— Қаердасан, Саидбек? — деди шивирлаб.

Унга ҳеч ким жавоб бермади. Боря энди эшикни асабий тақиллата бошлаганини эшитди-ю, жон ҳовучлаб, жавонларнинг ичини бир-бир қараб чиқди. Саидбек ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Дилфуза қия очиқ қолган деразага қаради-ю, дарров ҳамма гапга тушунди. Ошиғич деразани ёпиб, ичкаридан кулфлади-да, йўл-йўлакай даҳлиздаги илгакка осилган халатини елкасига ташларкан, югурғудай бориб эшикни очди.

— Намунча чиқишинг қийин бўб кетди, — деди Боря, суллоҳлик билан остона ҳатлаб ичкарига ўтаркан. У аввал ошхонага кириб, электр қозонларнинг атрофларини айланиб чиқди. Жавонларнинг эшикларини ҳам бирма-бир очиб қаради. Кейин деразага яқинлашиб, илгаларга кўз югуртирди-да, шошилмай, жория аёлнинг ётоқхонасига ўтди. Беркиниш мумкин бўлган ҳамма жойларни — каравотнинг остигача назоратидан ўтказгач, сал ҳовуридан тушиб, Дилфузага юзланди:

— Ростдан телевизўр кўраётганмидинг?

Кўрқиб кетган аёл вазият юмшаганидан пича дадиллашиб:

— Ўлай агар, нега ишонмайсан? — деди гинаомуз оҳангда.

— Ҳай, майли. Яна бир марта кечирасан, Дилфуз. Хизматчилик-да энди...

— Ҳечқиси йўқ, Боря, тушунман... — деди жория аёл, елкасидан тоғ ағдарилгандай ич-ичидан хурсанд бўлиб, барзангини эшикка кузатаркан.

Яна бир неча сониядан кейин у эшикни ёпиб, зинғиллаганча ортига — ошхонага отилди-да, шоша-пиша дераза иллагини чиқариб, уни яна қия очиб қўйди. Шу заҳоти тоқчадан ошиб кирган Саидбекка қўлидан ушлаб пастга тушишига кўмаклашаркан, яна тезгина деразани ёпди-да, «жим» деган имо билан кўрсаткич бармоғини лабига босиб, йигитчани ётоқхонасига бошлади. У ерга кира солиб, чироқни ўчирди, сўнгра курсига ишора қилиб, тишлари орасидан «ўтир» деди, кейин чуқур «уф» тортиб, ўзини каравотига ташлади-ю, бир сония сукутга толди.

— Бошимга битган бало бўлдинг-ку, сен бола, — деди ниҳоят Дилфуза шивирлаб, ҳорғин овозда. — Ярим тунда уйқумни ҳаром қилганинг етмагандай, сени деб анани барзангидан ҳам балога қолаёздим. Унинг қўлига тушганинда борми, нақ пўстинга сомон тикарди. Омадинг бор экан, сени Худо яна бир асради. Хайр, майли, бўлар иш бўлди. Севгинг йўлида ўлимга ҳам юзма-юз чиқишдан тойинмайдиган йигитга ўхшайсан. Демак, ёмон йигит эмассан. Энди сенга хоҳласам-хоҳламасам, ёрдам беришимга тўғри келади шекилли. Лекин билиб қўй, болакай, — шундай дея жория аёл қаддини кўтариб, қоронғида Саидбекнинг шарпадай ғира-шира кўри-наётган гавдасига тикилди, — агарда бирон кор-қол юз бериб, мени бу ердан ҳайдаб чиқаришса, борар манзилим йўқ, нақ уйингга бориб ётиб оламан.

Бу гапдан Саидбек ҳам сал жонлангандай бўлди.

— Гап бўлиши мумкин эмас, опажон! Сиз учун уйимизда алоҳида хона бор. Жабрдийда аёл экансиз, ишонаверинг, онам сизни жон деб қабул қиладилар, у киши ҳам ёлғизлар, опа-сингиллари йўқ... — деди шивирлаб.

— Отанг қаерда ишлайди?

— Домла, университетда дарс беради.

— Менга бошқа иш топа оладиларми?

— Нега топа олмас эканлар? Отамни қўятуриб, мен ўзимоқ сизга иш топиб берман. Сиздай аёл учун, биласиз-ку, бизда иш йўқ эмас. Пропискангизни ҳам тўғрилаймиз...

— Бўлмаса, бундай қилсак: сен энди бу ерда бир-икки кун ёта турасан. Даҳлизга кираверишда ашқол-дашқоллар, идиш-товоқлар сақланадиган ҳужрача бор. Сенга ўша ерга полга жой қилиб бераман. Шу бир-икки кун ичида бизга озиқ-овқат ташийдиган будқа-машина келади, ҳайдовчиси Жўравой — яхши йигит. Ўшандан илтимос қилсак, будқа ичида сени қопга солиб олиб чиқиб кетади.

— Э, нималар деяпсиз, опажон! Ахир, мен Назирахонни... — дея йигит эътироз билдирмоқчи бўлган эди, аёл шартта унинг гапини бўлди:

— Бас қил, Назира билан кўришишни хаёлингга келтирма! Кечасими, кундузи-ми, эшикдан чиққан заҳотинг анави барзангиларнинг қўлига тушасан. Лънатилар шафқат нималигини билишмайди, коптокдай тепкилаб, устингга итларни қўйиб юборишади, улар эса ичак-чавогингни ағдариб, кўз очиб юмгунча суякларингни хомталаш қилиб ташлашади.

— Опажон, тушунсангиз-чи, ахир...

— Тушунмайман, тушунишни ҳам истамайман! Мен бундай мудҳиш воқеаларни ўз кўзим билан кўрган одамман, ахир! Сен, болакай, бу ерда севгинг йўлида қандайдир қахрамонлик кўрсатаман, деб хомтама бўлма! Назирани тутқундан Парвардигорнинг ўзи қутқармаса, бандасининг қўлидан келмайди бу иш!..

Шу пайтгача шивирлаб гапираётган Саидбек азбаройи қизишиб кетганидан беихтиёр товушини кўтарди:

— Опажон, илтимос қиламан!.. Ҳеч курса, Назирахонни шу ерга...

— Секинроқ! Ўчир унингни! — дея жеркиб берди Дилфуза, қўрқа-писа дераза томонга нигоҳ ташлаб қўяркан. Кейин бир зум ўйланиб қолди. — Сенга ҳужрага жой солиб бераман, қачондир ухлаш ҳам керак-ку, ахир!.. Назирани бу ерга бошлаб келиш масаласини бўлса, жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади...

Саидбек ҳам бўшашибгина ўрнидан туриб, ўйчан ва маъюс ҳолда жория аёлнинг ортидан эргашди.

Уни бутун чинакамига икки марта Худо асраган, лекин шундай вазият учинчи марта юзага келса, ўн саккиз минг олам Ижодкорининг ундан ўз марҳаматини яна бир карра дариф тутмаслигига ким ҳам кафолат бера оларди?..

Қўрғончага ҳужум

Соат эрталабки тўққизлар атрофида Амир бойваччанинг қўрғончаси дарвозаси олдида кабинасининг пештоқига «Талофат хизмати» деб ёзилган усти ёпиқ эски юк машинаси келиб тўхтади. Қуёш алақачон уфқдан бош кўтарган, унинг эрталабданок ўз нурларини оламга аямай сочаётгани бутун кун ҳаддан зиёд иссиқ бўлишидан дарак берарди. Машинанинг ўнг томонидаги эшиги очилиб, ундан Саидбекнинг собиқ синфдоши Акрам сакраб тушди-да, дарвоза олдида турган қизғиш костюмли, сочлари худди типратикондек тикка ўсган, оқ-сарик юзли, миқтидан келган йигит билан отбашара, қоп-қора мўйлови кўпчиб турган найнов кимсанинг истиқболига қараб юрди. Қўрғонча атрофида айланиб юрган икки-уч алпқомат йигитлар ҳам уларга сергак тортиб тикилишди.

— Келдингларми? — деди отбашара кимса Акрам билан қўл олишиб сўрашаркан. — Ярим кечаси иссиқ сув ҳам, совуқ сув ҳам бараварига ўчиб қолса бўладими, даюс! Нима бало, яна бирон жойда авария юз бердими, деб сизларни мен чақирувдим.

— Ҳеч қандай авария юз бермади. Ўзларингда бир гап борга ўхшайди: қудуқ ифлосланган... ёки уларнинг бирида мурват беркилиб қолган бўлиши мумкин, — деди Акрам бир мунча хавотирли овозда.

— Разве так бывает? — деди оқ-сарик юзли, миқтидан келган йигит юпқа чарм камзулининг чўнтагига қўлларини тиққанча, таъмирчилар гуруҳи бошлиғига шубҳа аралаш тикиларкан. — Если не ошибаюсь, год назад все здешние трубы ты же сам поменял?..

— Правильно, — деди Акрам рус тилини бузиб талаффуз қиларкан, пича саросимага тушиб, — у нас так часто бывает: новые распредране инагда заклинивает...

— Хўп, майли, братан, — деди қоп-қора мўйлови кўпчиб турган найнов йигит олдинга юраркан, амирона оҳангда, — нечта одамсизлар? Машинангизнинг орқа эшигини очинг-чи!

Акрам машинанинг орқа томонига ўтиб, эшигини тақиллатди. Табақалардан бири шу заҳоти тарақлаб очилди. Турли сан-техника асбоб-ускуналари, жиҳоз ва эҳтиёт қисмлари билан тўла кузовда ишчилар кийимидаги икки киши ўтирар эди. Найнов темир зинача орқали ирғиб машинага чиқди-да, ишчилар билан сўрашишни ҳам лозим топмай, кузов ичини синчиклаб кўздан кечирди. Сўнгра ўтирганларни ҳам бирма-бир синчковнигоҳи остидан ўтказди. Баланд бўйли, кўзлари чақнаб турган барваस्ताқомат йигитга шубҳа аралаш тикиларкан, буйруқ оҳангда сўз қотди:

— Қани, ўрнингдан тур-чи, чўнтакларингда нима бор?

— Э, сантехникнинг чўнтагида нимаям бўларди, ошна, — жавоб берди барваस्ताқомат йигит кинояли қулимсираб. — Беҳазил гапираяпман: ҳемиримам йўқ...

Кейинги воқеалар яшин тезлигида кечди. Қўрғонча қўриқчиси энгашиб, унинг чўнтақлари устини энди пайпаслашга киришганда, сантехник кўз очиб юмгунча қўйнидан тўппонча чиқариб, рақибнинг бўйнига тиради.

— Товушингни чиқарсанг, гумдон қиламан! — деди у тишлари орасидан газаб билан шивирлаб, кейин унинг ён чўнтагидаги пистолетни шартта суғуриб олиб, шу заҳоти ўрнидан туриб кетган шеригига узатди. — Тез ортингга ўтирил! — буюрди у Найновга тўппонча тутган қўлини пастга олиб, энди унинг биқинига тираркан. — Йигитларингга айт, дарвозани очишсин! Билиб қўй: озгина қилиқ қилсанг ҳам тепкени босаман!..

Найнов беихтиёр ортига ўтирилиб, машина эшигидан бошини чиқарганча, оқсарик кимсага бўйиқ овозда буюрди:

— Вася, отқрой ворота!

— Энди эшикни ёп! — дея шивирлади Раҳматилла тўппончасини унинг биқинига тешиб юборгудек ниқтаб. У эшикни ёпиши билан қўлидаги қуролини кескин юқорига кўтариб, зарб билан бошига туширди. Шилқ этиб оёқлари остига ағдарилган Найновни икковлон икки қўлидан тортиб кузовнинг тепароғига олишди. Кейин унинг қўлларини олдиндан тайёрлаб қўйилган арқон билан орқасига қайириб боғлаб, оғзига латта тикиб қўйишди. Шу пайт машина жойидан жилиб, қўрғонча ичкарасига қараб йўналди. Кўзлари чақнаб турган йигит ҳамроҳига кулимсираб тикиларкан, мамнун қиёфада сўз қотди:

— Бошланиши чакки эмас, Асадвой!

— Отанга раҳмат, Раҳматилла дўстим, қотирдинг! — деди файласуф ҳам беихтиёр жилмайиб, кейин тезгина юзига фотиҳа тортиб: — Бу ёғига Худойим Ўзи қўлласин! Омин! — деди.

Орадан бир неча фурсат ўтгач, машина чапга бурилиб, тўхтади. Раҳматилла асбоб-ускуналар солинган каттагина қора сумкани елкасига осиб, эшикни очди-да, зиначалар орқали сакраб пастга тушди. Кетма-кет Асад ҳам чиқиб келди. Собик жангчи шу заҳоти эшикни ёпиб, устидан кулфлаб қўйди.

— Акалар, энди анави қудуқнинг қопқоғини очишимиз керак, — деди зумда уларнинг ёнида пайдо бўлган Акрам атрофга олазарак назар ташлаб қўяркан.

Улар қўрғончанинг бир томонида мухташам уч қаватли бино, бир томони мевалари фарқ пишган улкан боғ, яна бир томонида кечагина Саидбек девор ошиб аранг яширинган Дилфузанинг бир қаватли олхонасидан иборат ҳовлиси ўртасидаги сув тармоғи қудуқларидан бирининг ёнида туришарди.

— Гап йўқ, начайлик, очамиз! — деди Раҳматилла ҳам у ёқ-бу ёққа зимдан назар солиб, елкасидаги сумкасини ерга қўяркан. Кейин баланд овозда ҳамкасбига мурожаат қилди: — Асадвой, дўстим, сумкани очиб, темир посангини ол.

Уч қаватли бино биқинидан кечаси билан жория аёл ва Саидбекни таъқиб қилиб чиққан ярқоқбош барзанги кимса чиқиб келганини пайқаган Раҳматилла темир посанги ёрдамида қудуқнинг қопқоғини очишга киришаркан, шерикларига пинҳона шивирлади:

— Анавиниям ими-жимиде тинчитишимиз керак, йигитлар. Сергак бўлинглар. Ишқилиб, бошқалар кўриб қолишмаса бўлгани...

Кейинги воқеалар янаям шиддатлироқ суръатларда кечди. Барзанги уларнинг қошига етиб келиб, ҳамма билан бирма-бир қўл узатиб, совуққина сўрашиб чиқди.

— Нима гап, оғайнилар? Юсуфбой қаёққа гойиб бўлди? — деб сўради.

— Сув-пув ичгани ошхонага кириб кетди чоғи, — деди Акрам тусмоллаб. Барзанги энди қудуқнинг тепасига келди.

— Сув шу ерда боғланган эканми?

— Ҳа-да, оғайни, — деди бу пайтда қудуқ устида энгашганча, қувурларни кўздан кечираётган Раҳматилла, шошилмай қаддини ростлаб. — Анави тақсимот кранини кўраялсизми? Ана шуни алмаштиришимиз керак.

Барзанги энгашиб, пастга ағрайиб тикилди.

— Ана, қудуқнинг энг тагидаги қувурлар туташган жойга қаранг-да, ошна. Ҳамма қусур ўша ерда экан.

— Уқдим, братан, — барзанги йигит худди бир нима тушунгандай бош ирғаб, янада пастроққа энгашганини билади, бўйни аралаш кўксига келиб тушган қақшатқич тепкидан уч газ нарига учиб кетди-ю, зарб билан машинанинг орқа филдирагига бориб уриди. Лекин ҳушини йўқотмади. Азбаройи газабга минганидан афти буришиб, тишларини фижирлатганча, аранг қаддини ростлади, сўнгра фанимига важоҳат ила қутурган филдай энди ҳамма қилмоқчи бўлган эди, кўққис устига маймундай сакраган Асад жаянга тўрт-беш мушт тушириб, яна уни оёқдан ағдарди. Гурсилаб қулаган барзанги боши билан қудуқнинг чўян қопқоғига «гуп» этиб урилди-ю, қимирлагани ҳам ҳоли етмай, ётиб қолди. Айни шу чоғ уялар томондан

този итларнинг негадир жон аччиғида вовулагани эшитилди. Раҳматилла бунга эътибор қилмай, хурсанд бўлиб:

— Маладес, Асадвой! — дея шивирлади-да, машинанинг орқа эшигини очаркан, ҳамроҳларига барзангини зудтар кузовга яшириш кераклигини уқдирди. Кўпчилик бўлиб, ҳаш-паш дегунча уни машина ичига тиқишди. Асад унинг ҳам қўлларини орқасига боғлаб, оёзига латта тиқиб қўйгач, сакраб пастга тушди-ю, машина эшигини тагин ёпиб, қулфлаб қўйишди...

...Биринчи қаватдаги Амир бойваччанинг қабулхонасида навбатчилик қилаётган хушбичим юзли чуваккина йигит бемаҳалда итларнинг вовулаганини эшитиб, деразага яқинлашди. Ҳовлидаги фавқулодда тўс-тўполонни кўриб, эхсонаси чиқиб кетди. Дарров изига қайтиб, ичкаридаги қўрғончада ишлаб турган бирдан-бир махфий телефон дастагини шоша-пиша қўлига олди-ю, кетма-кет тутмаларни босди...

...Учинчи қаватдаги меҳмонхона деразасига яқинлашган профессор Қаҳҳорий кутилмаганда сергак тортиб:

— Ие, пастда нималар бўлаяпти ўзи?! — дея хитоб қилди. Изма-из унинг ёнига етиб келган Назира билан Гулшода бону ҳам ҳайрат ва қўрқув билан пастга тикилишди. — Буни мафия тилида «разборка», яъни «ажрим» дейишади шекилли?..

Назира пастда ногаҳон отаси билан унинг дўсти Раҳматилла акани кўрди-ю, беихтиёр кўзлари чақнаб кетди...

...Ташқаридаги алақандай тапир-тупир овозлардан уйғониб кетган Саидбек ирғиб ўрнидан турди. Мўъжаз ва қоронғи ҳужрада кеча кечаси азбаройи чарчаганидан жория аёл ерга солиб берган тўшақда қилат этмай ухлаб қолган йигит бу ерда ёруғлик тушаётган бирдан-бир туйнук бўлмиш эшик қулфи тирқишидан ташқарига қаради. Даҳлизда нариги девордан бўлак ҳеч нимани кўрмади. Ҳовлида яна алланиманинг гул этгани, този итларнинг безовта вовулагани қулоғига чалинди-ю, дилига ғуғула тушиб, секин эшикни тақиллатди. Жория аёлдан садо бўлмагач, янада қаттиқроқ тақиллатган эди, енгил қадам товушлари эшитилиб, ҳужра эшигига калит суқилганини пайқади. «Шиқ» этиб очилган эшик остонасида ранги доқадай оқарган Дилфузани кўрган Саидбек алақандай фавқулодда ҳодиса юз берганини пайқади.

— Бу ёққа чиқ! — дея жория аёл ҳаяжон ичида йигитчани ётоқхонасининг ҳовлига қараган деразаси қошига етаклади. Кейин секин дераза пардасини суриб, саросимали овозда уқдира кетди: — Анави сантехниклар қандайдир бандитларга ўхшайди. Шўринг қурғур Боряни коптокдек уриб-тепкилаб, юмалоқ-ёстиқ қилиб машиналарига қамаб қўйишди. Домлаларга энди нонушта олиб чиқаётгандим, тўс-тўполонни кўриб, дарров изимга қайтдим. Нима қилишимни билмай, энди сени уйғотмоқчи бўлиб тургандим...

Саидбек дераза орқали ҳовлига тикилиб, аввал юк машинасини ва унинг ёнидаги ишчилар коржомаси кийган Асад билан Раҳматилла акаларини, кейин собиқ синфдоши Акрамни кўрди-ю, азбаройи суюниб кетганидан қичқириб юбораёзди. Лекин Дилфузанинг олдида дарров ўзини босиб, иложи борича хотиржам гапиришга уринди:

— Ахир, булар — Назирахоннинг отаси билан дўсти-ку! Улар қайлиғимни қутқаргани келишган. Мен уларнинг олдига кетдим, опагон! Сизга мингдан-минг раҳмат! Яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман!

— Тўхта! — деди жория аёл жон-пони чиқиб, унинг қўлидан тортаркан. — Улар бу ерга ҳар бир одамни текшириб киргизишади. Кираётганинда, улар сени кўришмаган. Демак, дарвозадан чиқишинг билан қўлга тушасан...

Саидбек аёлга каловланиб тикилди.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз... Сиз чиқиб, уларга менинг шу ердалигимни айтсангиз қандай бўларкин?

— Улар мени ҳам машиналарига қамаб қўйишса нима қиламан?

— Хотиржам бўлинг, қамашмайди, улар сизга умуман тегишмайди.

— Улар билан гаплашганимни Амир акамнинг одамлари кўриб қолишса, теримни шилиб, пўстимга сомон тиқишади-я!

— Нега энди?

— Улар билан тил бириктиргансан дейишади-да!

Бир зум ўйга толган Саидбек калласига ақлироқ бир фикр келди чоғи, бирдан жонлангандай бўлди.

— Бўлмаса, бундай қилсак: мен сизни каравотингизга ётқизиб, қўл-оёқларингизни боғлаб қўйсам-да, ўзим Асад акамларга ёрдამга борсам...

Жория аёл йигитчанинг бу таклифига иккиланибгина жавоб берди:

— Бу мен учун жуда қулай йўли экан-у, лекин сенга жабр бўлади-да, укажон.

— Мени қўяверинг! — деди Саидбек қатъий оҳангда. Боя ҳужрада арқон кўрув-

дим, мен ҳозир... — шундай деб, у гириллаб даҳлизга отланди-да, лаҳза ўтмай, қўли-да арқон кўтариб қайтиб кирди.

Дилфуза истар-истамас каравотига ётаркан, Саидбекка саросима ва хавотир аралаш тикилди.

— Хафа бўлмайсиз энди, опажон! — йигитча жория аёлнинг қўлларини арқон бидан гавдасига чирмаб бойлар экан, уни чин дилдан юпатишга уринарди. — Шароит шуни тақозо қилапти-да. Сизни шу ҳолда қолдирсак, ҳар ҳолда кейин ҳам гиди-пиди қилолмайди ҳеч ким. Биз сиз билан эса ҳали кўп кўришамиз, ҳа-ҳа, Художоласа, жуда кўп кўришамиз, опажон!..

Саидбек аёлнинг оёқларини ҳам оғриқ уйғотмайдиган даражада қисиб бойлади-да, унга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, ташқарига йўналди. Ошхона эшигини очиб, остона ҳатлаб ўтди-ю, саросимада беихтиёр ортига тисарилди.

Улуспир ташрифи

Ҳовлида энди чинакам жанг бошланган. Қўрғонча атрофида қўриқчилик қилиб юрган уч йигит уяларидаги бойлоғлиқ итларнинг бемаврид вовуллаганидан хавотирга тушиб, ичкарига югуришган ва «сантехниклар»га қарши ростмана ҳужумга ўтишганди. Дўсти Акрам бурни қонаганча ерда муккасидан йиқилиб ётар, Раҳматилла акаси бирданига икки барзанги билан мушглашар, учинчи қўриқчи эса, важоҳат билан Асад акасини дўппослаб, тепкилашга уринар, лекин бўлажак қайнотаси маймундай абжирлик билан унинг зарбаларига чап берар, ора-чора ўзи ҳам зарб бериш пайида бўлаётган эди.

Саидбек тез бурилиб, ошхонага кириб кетди. Лаҳза ўтмай, қўлида каттагина ўқлоғи билан қайтиб чиқди-да, югурганча жанг қилаётганларга қўшилиб кетди. Дахлаб у Раҳматилла акасига қарши уришаётган қўриқчилардан бирининг бошига бор кучи билан ўқлоғи туширди. Гандираклаб кетган ғанимининг бўйнига яна бир зарб бериб, оёқдан ағдарди. Собиқ жангчи эса, энди ёлғиз қолган рақибини дўппослаб, тепкилашга тушиб кетди.

Айни дамда оқ-сарик юзли яроқбош барзанги Асад акасини юк машинаси остига тикиб, тепкилай бошлаганини кўрган Саидбек унинг ортидан пусиб келиб, ўқлоғи билан елкаларига савалай кетди. Лекин у «қилт» этмай, жаҳолат билан бир юз саксон даражага бурилиб, ўзини Саидбекнинг устига отди. Йигитча қочаётиб, чирпираб айланиб ўзини четга олди-ю, ўқлоғисини визиллатиб ғанимининг жағига урган эди, у чалак бўлиб ортига йиқилди. Бироқ яна ўрнидан тураётганини кўрган Асаднинг тоқати тоқ бўлиб, ён чўнтагидан газ тўппончасини чиқарди-ю, нилини унинг оғзи-бурнига тўғрилаб, тугмасини босган эди, барзанги энди бутунлай ҳушдан айрилиб, ер тишлаб қолди.

Шу чоғ вовуллаган овозлар тобора кучайиб, фавқулодда уларнинг рўпарасида кимдир бўшатиб юборган катта-катта қора итлар пайдо бўлишди. «Тамом, — дея хаёлидан ўтказди Асад юраги орқасига тортиб. — Улар энди ростмана ичак-чавоғимизни ағдариб, суякларимизгача хомталаш қилишади...» Кутилмаганда итлар важоҳат билан вовуллаганча, ўзларини одамларга отишга шай ҳолда тўхтаб қолишди. Кейин, ажабо, ноҳос аланамадан кўрқиб кетгандай гингшиб-ангиллаб, секин-аста ортга тисарилла бошлашди...

Ниҳоят, Раҳматилла бошлиқ «сантехниклар»нинг қўли баланд келиб, қарийб жами рақибларини таслим этишга бир баҳа қолганда, ҳовлида қулоқни қоматга келтирувчи ўқ овози эшитилди. Жанг қатнашчилари зумда ҳаракатдан тўхтаб, турган жойларида ҳайкалдек қотишди. Ҳовли ўртасида худди Амир бойваччага ўхшаб қора костюм кийган, қади-қомати келишган, қоллари худди томири тортишиб қолгандай ҳаддан зиёд чимирилган навқирон бир йигит қўлидаги тўппончасининг нилини осмонга қаратганча, уларга қаҳр-ғазаб билан тикилиб турарди.

... Учинчи қаваддаги дераза орқали уни кўрган Назиранинг кўрқувдан жони бўғзига келаёзди. Бу — қизга кўп бахтсизликлар келтирган ёш йигит қиёфасидаги Улуспир лақабли Ер ва Коинотдаги жами шайтонлар ва инс-жинслар раҳнамоси Иблиснинг ўзгиниси эди-да, ахир! Унинг атрофида Нуж, Нут ва Яос номли инс-жинслар гирдикапалак бўлиб айланиб юришар, ёндош оламнинг бу дўзахий мавжудотларини Назира билан Гулшода бонудан бўлак ҳеч ким кўрмас, кўролмас эди.

Улуспирга кўзи тушган башоратчи аёлнинг ҳам кўзлари қинидан чиққудек олайиб кетган, азбаройи кўрқувга тушганидан танасига титроқ югурган эди.

— Тош ёрдамида дадамларга ёрдам беришимиз керак, Гулшодахон опа! — деди

Назира энтикиб, столдаги яшм тошини қўлига оларкан. — Лаънати Иблисининг қўлидан ҳар бало келади-да!..

— Йўқ! — деди Гулшода бону негадир ижирганиб, афтини буриштираркан, кескин бошини чайқаб. — Ҳеч қачон!..

— Нима-нима? Иблис?.. — деди ҳеч нимага тушунмаган профессор Қаҳҳорий кўзойнагининг четидан ушлаганча, зўр бериб пастга тикиларкан. — Қанақа Иблис?.. Қани у?..

Домланинг саволларини иккала аёл ҳам эътиборсиз қолдиришди.

— Йўқ деманг, опажон!.. — дея ялинишга тушди Назира башоратчи аёлга мўлтираб тикиларкан. Чунки бир ўзи тош ёрдамида ҳеч ниманинг уддасидан чиқолмас, отасининг гуруҳига кўмак бериши учун унга медиум, яъни руҳий воситачи керак эди. — Биргина жинларни ҳайдаш амалини ўтказсак, бўлди, улар тум-тарақай қочиб кетишади.

Гулшода бону энди қизни жаҳл билан жеркиб ташлади:

— Йўқ дедим-ку, ахир! Бас қил минғир-минғирингни...

— Нималар деяпсизлар ўзи? Қанақа жин?.. — баттар фиғон бўларди Қаҳҳорий.

— Гапирсам, барибир ишонмайсиз, — деди Назира домага, ётиғи билан тушунтиришга уриниб. — Қора костюмли анави йигит Иблис бўлади. Унинг атрофида инс-жинслар ўралашиб юришибди. Худо кўрсатмасин, улар анави барзангиларнинг таналари ичига кириб олишса борми, дадамларнинг шўри қуриди, деяверинг!..

Шу пайт Назира ҳовлида ёндош оламнинг баданлари терисини ҳаворанг жун босган, бурунлари шолғомдай, кўзлари пиёладай, катта офизларидаги сўйлоқ тишлари олдинга туртиб чиққан, бўйлари 3—3,5 газ атрофидаги яна алақандай мавжудотлари пайдо бўлганини пайқайди. Улар шундай бесўнақай қиёфалари билан ҳам қандайдир ёқимли, ўзларини ўраб турган муҳит билан уйғун кўринишарди. Уларни ҳам Назира билан Гулшода бонугина кўришаётганди, холос.

— Вой, Қўлдош Али Ҳожи отамнинг девлари-ку, булар! — дея хитоб қилди қиз азбаройи суюниб кетганидан терисига сиғмай. Лекин Гулшода бонунинг хўмрайган юзига нигоҳи тушиб, дарров тилини тишлади.

— Ҳа! — деди башоратчи аёл негадир нафаси ичига тушиб, заҳархандали оҳангда. — Лекин Улуспир ҳазратлари уларнинг ҳам суробини тўғрилаб қўяди ҳали!..

Назира унинг бу гапига унчалик эътибор бермади. Ўзича ўйга толди: демак, Ҳожи ота уйимизга ташриф буюриб, Қуръони карим дуолари воситасида мусулмон девларини бизга ёрдамга юборибдилар-да, деган хулосага келди.

Бир маҳал вовулаганча югуриб келаётган баҳайбат итларни кўрган девлар латиф оламни бошларига кўтариб, наъра тортганча, уларга ҳужумга ўтишди. Қўрқиб кетган итларнинг гингишиб, ортга чекинганини кўрган Назира хурсанд бўлганидан қарсақ чалиб юбораёзди.

— Ё тавба! Яна қанақа девлар?! — дея хитоб қилди профессор азбаройи ҳайратга тушганидан беихтиёр қошлари чимирилиб. — Мабодо, биз туш кўрмаямизми?..

— Э, қанақа туш, — деди Гулшода бону энсаси қотиб, ҳамон пастга тикиларкан.

Пастда, ҳовлида эса, воқеалар тобора авжга минаётганди. Айни чоғда қўрғонча-катта тезликда кетма-кет икки машина — ялтироқ алвонранг «Мерседес» билан қирмизи «Тайота» кириб, юк машинаси ёнига келиб тўхтаганди.

«Мерседес»нинг орқа эшиги очилиб, ундан биринчи бўлиб Амир бойвачча чиқди. Қирмизи «Тайота»дан қуроланган Болтабой, Тешабой ва Ўроқбойлар тушиб, бойваччанинг ортидан эргашинди. Улар Асад билан Раҳматиллага тўшпонча ўқталиб келишарди.

Ўроқбой тўпланганларнинг кўзини шамғалат қилиб, секингина уч қаватли бино эшигига ўзини урди. Бунга Саидбекдан бўлак ҳеч ким эътибор бермади.

— Вой-був!.. — деди Амир афтини буриштириб, залворли одимлар билан қора костюмли йигитга яқинлашаркан. — Нима бало, бу ерда қиёмат қойим қўптими дейман?! Нима гап ўзи, ўртоқ начайлик? Сиз ким бўласиз?

— Шаҳар коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Ёвқочди Ботировбўламан, — деди қошлари чимирилган навқирон йигит чўнтагидан қизил ҳужжат чиқариб, яна жойига солиб қўяркан. — Хонадонингизда жиноят содир бўлган. Ҳозир тезкор гуруҳ етиб келади.

— Ийе, Қодиржон акамиз ишдан кетдиларми? — деб сўради Амир ўзини ажаблангандай кўрсатиб. — Бу амалдор дегани тиниб-тинчиб, сира бир жойда ишламас экан-да?

— Ҳа, энди хизматчилик-да. Биз ҳукуматнинг аскарларидай бир гапмиз, қаёққа йўлласа, ўша ерда ишлайверамиз. Каминани ҳам у кишининг ўрнига тайинлашганига атиги уч кун бўлди.

— Табриклаймиз, ўртоқ начайлик! Нозирликдаги бошқармангиз бошлиғи Алибой ака билан улфатчилигимиз бор. Дилбар инсон. Ким билан гаплашаётганингизни билиб қўйинг демоқчиман-да.

— Э, Амирбой ака, сизни билмайдиган одам бор эканми? — деди қора костюмли йигит ялтоғланиб. Бу гапдан эриб кетган бойвачча энди амирона қиёфага кирди:

— Энди айтинг-чи, овайни, бу ерда нима юз берди ўзи? Анави лўттибоз сантехниклар кранларни тузатиш ўрнига бу ерда нима каромат кўрсатиб юришибди?!

— Тўғри айтасиз, Амирбой ака, улар — бир лўттибоз босқинчилар! Бировнинг уйига зўравонлик билан бостириб кириб, ҳаммаёқни остин-устин қилиб юбораёзишди.

— Бўлмаган гап! — деди Асад чидай олмай, қора костюмли йигитга юзма-юз келаркан. Унинг юз-қўллари шилиниб кетган, зўра оёқда турарди. — Анави бойвачча менинг қизим билан яна бир аёл ва кекса профессорни гаровга олиб, шу ерда тутқунда сақлапти!..

— Нима-нима? Сенинг қизингни? Яна бир аёл билан кекса профессорни, дейдими у?! Ё тухтаматингдан!.. Ўртоқ Ёвқочди ука, ишонмасангиз, офисимнинг учала қаватини ҳам хонама-хона ўзингиз текшириб чиқишингиз мумкин, истасангиз, ёнингизга анави лўттибозларни олинг, навбатчи йигитимдан ташқари бирон бегона одамни топсангиз, нақ калламини кесиб қўлингизга бераман!.. Марҳамат, эшиклар очик! Сенам бор, ҳой босқинчи!..

Қошлари чимирилган навқирон йигит билан Асад кетма-кет бинога кириб кетишди. Уларга Саидбек ҳам эргашди.

Амир синчков нигоҳини энди ўртада рўдайиб турган Раҳматиллага қадади. Унга юзма-юз келиб, дағдаға билан сўради:

— Сени илгари қаердадир кўрганман, ярамас! Қамалишингдан олдин билиб қўйай: кимсан ўзинг?

— Бир йил аввал Акрамжон бошчилигида шу ерда ишлаганмиз, янги қувурлар ўрнатганмиз, ака, дарров ёдингиздан кўтарилибди-да? — деди Раҳматилла ўзини гўлликка солиб.

— Кимни лақиллатмоқчисан, лўттибоз? Анави Асадга ким бўласан, демоқчиман?

— Унинг собиқ синфдошиман, — тўғриси айтди собиқ жангчи бу сафар.

— Билиб қўй: шу босқинчиликларинг учун икковингни ҳам камда ўн беш йилга қаматмасан, Амир бойвачча отимни бошқа қўяман!..

— Ҳа майли, ким кимни қаматишини Худо билади ҳали... Беҳазил гапираяпман... — деди собиқ жангчи аранг ўзини босиб.

Ҳазабга минган Амир юзи қийшайиб, бирон нима дейишга улгурмай, обдон калтак еб, афти-башараси шишиб кетган барзангиларнинг бири кутилмаганда бақириб юборди:

— Ахир, бу — Раҳматилла-ку! «Чорсу»даги спорт муаллими.

— Ийе, ҳали шунақа дегин? Йигитларимни катта пул эвазига каратэ, дзюдога ўргатадиган ўша Раҳматилла сенмисан ҳали? Қаердадир кўрганман девдим-а, — деди Амир рўпарасида турган рақибига бурни бурнига теккудек яқинлашиб. Тўппончасининг нилини ҳамон Раҳматиллага ўқталиб турган Болтабой ҳам янада яқинроқ келди.

Айни шу паллада уч қаватли бинодан чиқиб келган Улуспир вазиятни юмшатди. У бақиргудай овозда мамнуният билан сўз қотди:

— Чинданам, офисингизда навбатчидан бўлак ҳеч зот йўқ. Ҳатто ертўлани ҳам миридан-сиригача текшириб чиқдик.

Иблисининг изидан келган Асад билан Саидбек эса, хавотир ва саросимага тушиб қолишгандай эди.

— Мен гувоҳман: гаровга олинганларнинг учови ҳам шу ерда эди, — деди Саидбек милиция ходимига юзланиб. — Уларни анавиларнинг шериги, — у қўли билан Болтабойга ишора қилди, — қаергадир яширган!

— Сенда калла борми ўзи, ҳой лўттибоз! — ўдағайлади Амир оғзидан тупук сачратиб. — Бизда шу бинодан бўлак яширинадиган жойнинг ўзи йўқ, Ишонмасанглар, ана, ошхонани ҳам текшириб чиқинглар!

Шундай деб, у тез-тез одимлаганча, «тафтишчи»ларни ўнг томондаги ошхона томонга бошлади. Остонага етгач, намоийшкорона лутф билан ошхона эшигини очди-да, сохта манзират кўрсатиб уларга йўл бераркан:

— Марҳамат, ўртоқ начайлик! — деди.

Улуспир, Асад ва Саидбеклар кетма-кет даҳлиздан ўтиб, ётоқхонага киришди-ю, қўл-оёқлари боғлиқ ётган аёлни кўриб, таққа тўхташди. Амир ҳам, Иблис ҳам ўзларини ҳайрат ва ҳаяжонга тушгандай кўрсатиб, бараварига:

— Оббо, лаънати-лар-ей! — дея хитоб қилишди. Бундан иккови ҳам аранг кулгуларини босиб, бир-бирига айёрона қараб қўйишди. Аини дамда бойвачча Улуспирга зимдан кўз қисаркан:

— Шўрлик хизматчи ходимамга ҳам зуғум қилишибди улар! — деди ачинганнамо бўлиб, кейин Асад билан Саидбекка қарата дарғазаб қиёфада ўшқирди: — Бўшати-н-глар уни! Ҳе, сендақа зўравонларнинг энасини... — шундай деб, у болахо-надор қилиб сўкинди.

Саидбек қовоғини уйганча Дилфузанинг қўл-оёқларини бўшати.

— Хафа бўлма, синглим, сени зўрлашмадимми ишқилиб? — деб сўради Амир, бошини ҳам қилганча, аста ўрнидан туриб, увишиб қолган оёқларини уқалашга киришган жория аёлни-н-г елкасига кафтини кўяркан. — Кўрасан, бу муртадларнинг шунақанги додини берайликки, туғилганларига пушаймон бўлишади ҳали! Қасамёд қилиб айтаманки, қолган умрлари қамоқда чирийдил!..

— Ҳа-ҳа, — деди Улуспир бош ирғаб, Амирни қўллаб-қувватларкан. — Жиноят содир қилингани қундай равшан! Ҳамма далолатлар шундан дарак бериб турибди. Биз буларни ҳозироқ ҳибсга олишимиз керак!

Иблис тез-тез юриб, ташқарига йўналаркан, ортидан келаётган бойваччага бошини ним ўтириб:

— Сизда телефон бўлса керак, биродар? — деб сўради.

— Ҳа, машинада радиотелефон бор.

Улар ташқарида Болтабой билан Тешабойнинг тўпшончалари таҳдиди остида ни-ма қилишни билмай, ҳамон паришонхотир турган, юз-кўзлари мўматалоқ йигитлар даврасидан ўтиб, машинага яқинлашишди.

Асад билан Саидбек Раҳматилланинг ёнига келаётганини кўрган Болтабой жаҳл билан ўдавайлади:

— Яқинлашма! Нароққа ўтинглар!..

Бўлажак қайнота-куёв юк машинасининг олди-га бориб, ёнма-ён туришди.

Бу пайтда Улуспир «Мерседес» машинасининг очиқ эшиги ёнида телефонда алакимга бақириб кўрсатма бераётганди:

— Ҳа-ҳа, капитан, айтдим-ку, босқинчилик содир қилинган. Йўқ-йўқ, ҳозир-ча ҳеч ким ўлдирилмаган. Улар улгурмай қолишди. Чунки биз етиб келдик-да! Ким дейсанми? Биз — Ёвқочди Ботиров! Нима, сен Ботиров кимлигини билмайсанми? — Улуспир дастакнинг микрофони-ни кафти билан чала-ярим беркитиб, Амирга қарата кинояли кулимсиради: — Буни қаранг-а, Ички ишлар тизимида Ботиров кимлигини билмайдиган ходимларам бор экан, — кейин кафтини дастакдан олиб, дўқ-пўписа билан гапида давом этди: — Бўпти, капитан, сен билан ади-бади қилиб ўтиришга вақтим йўқ! Ҳали яна алоҳида галлашамиз. Қаерда бўларди, вазирликда-да! Ҳа-ҳа, айнан сен билан! Милицияда ҳамма ходимлар бошлиқларини номма-ном билишлари шарт! Уқдингми, галварс! Кўп имиламай, тезкор гуруҳни зудтар буёққа жўнат! Тезроқ жўнат!.. Ҳа-да, ўша ҳамма билади-ган Амир бойваччанинг қўрғончасига-да! Бўпти, жуда жонга тегдинг, капитан, сафсатани бас қил!..

Шундай дея у дастакни жаҳл билан жойига кўяркан, ёнида ҳузур билан илжайиб турган Амир бойваччага шикоят қилди:

— Э, биродар, бизда — мелисада баъзан шунақанги тутуруқсиз одамлар ишлайдики, бир гапни уқдиргунингча жонинг халқумингга келади. Бу қандай бедодлик, ахир!.. Энди, Амирхон ака, гап бундай: ҳозир тезкор гуруҳ етиб келади. Дарвоқе, жиноятчилар неча киши ўзи? Тўрттами? Ҳа, тўғри, бешта! Барини бир-бир ҳибсга олиб, тўғри эмведега ёки Тошгўрмага олиб бориш керак. Полковник Ёвқочди Ботировнинг буйруғи бу денг. Илоҳи бўлса, бу ишга ўзингиз бош-қош бўлинг. Ҳа-ҳа, ўзингиз бирга боринг. Чунки сизнинг нуфузингиз барибир бўлақча-да!.. Менга эса, ижозат, биродар, ҳозир машина келади, зарур ишларим жуда кўп ҳали. Йўқ-йўқ, кузатманг, мен кетдим!

Шундай деб шоша-пиша ташқарига йўл олган Улуспир бинонинг ортига ўтди-ю, тумандай ҳавога сингиб, зумда ғойиб бўлди.

Хотима ўрнида

Пастдаги варойиб ажримдан ҳайратга тушган профессор Қаҳҳорий ойнаванда девор ёнида оғзи очилганча аррайиб турар, Гулшода бону заҳархандали илжайганча, ҳовлидан кўз узмай курсида ўтирар, Назирагина қўрқув ва саросимага тушган, ўзини кўярга жой тополмай, тор йўлак бўйлаб у ёқдан-бу ёққа одимларди.

Бундан ярим соатча муқаддам навбатдаги тажрибаларини энди яқунлай деб турганларида кириб келган алпқомат бир ёш йигит ўтакаларини ёриб, тўппонча ўқталганча уларни пастга бошлаган, иккинчи қаватдаги ҳовлига қараган девор биқинидаги яширин тугмани босганча, сиртдан қараганда девордан фарқ қилмайдиган кўринмас эшикни очиб, уларни икки девор оралиғидаги узун даҳлизга қамаб қўйган эди. Бу ердан бутун ҳовли ва улкан боғ худди кафтдагидай аниқ кўзга ташланар, ташқаридан қараганда эса, тим қора ойнақдан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Деворларидан ўқ ҳам ўтмайдиган бу ғалати даҳлиз Амир бойвачча учун махфий ҳибсхона вазифасини ўтарди.

— Ахир, Ҳожи отамнинг девлари нега жим?! — деди Назира фиғон бўлиб ташқарига тикиларкан. — Нега улар «қилт» этмай туришибди. Анави инс-жинслар лаънати ака-укаларнинг жисмига кириб, қилар ишларини қилиб бўлишди ҳисоб. Энди дадам билан дўстларини жиноятчи сифатида мелиса олиб кетиши қолди, хос-лос. Ҳожи отамнинг девлари бўлса...

Назира гапини тугатиб улгурмай, қўрғонча ҳовлисига кетма-кет тўртта милиция машинаси кириб келганини кўрди. Улар йигитлар турган майдончадан юз газча нарида юк машинаси қўйилган жойни дарров доира шаклида ўраб тўхташди-да, шарақлатиб эшикларни очган миршаблар шошилишч ташқарига чиқишди. Кейин машиналари ортидан автомат ва тўппончаларини ўқталиб, тезда йигитларни қуршовга олишди. Назира охирги машинанинг ортки деразаси орқали унинг ичида фуқаролар кийимидаги яна икки одам ўтирганини кўрди. Синчиклаброқ тикилиб, уларнинг бири оқ сала ўраб, оқ яқтак кийган, оппоқ соқоллари кўксига тушган Қўлдош Али Ҳожи ота эканини пайқади-ю, азбаройи суюниб кетганидан қичқириб юбораёзди.

— Вой, Ҳожи отам келибдилар! — дея хитоб қилди у энтикиб. — Демак, дуоларининг кучи девларига олис масофадан таъсир қилмаган шекили. Бувамнинг кароматларини ана энди кўрамиз! У киши бизни ҳам энди албатта топадилар!

Афтидан, Қўлдош Али Ҳожи ота машинада аста тебранганича, чинданам Қуръони карим оятларини ўқир эди.

Кутилмаганда Гулшода бону безовта бўлиб қолди. У олазарак нигоҳини мўйсафид ўтирган машинадан узиб, ўрнидан турди-да, хонада у ёқдан-бу ёққа асабий одимлай бошлади.

Профессор Қаҳҳорийгина пастга аллақандай фаромуш ва ҳорғин нигоҳ билан тикилар, чунки у атиги бир неча соат вақт ичида шу даражада кўп ақл бовар қилмас воқеалар ва ҳар қандай мантиқ доирасидан ташқаридаги ғайриоддий гап-сўзларнинг гувоҳи бўлгандики, моддийчилик суяк-суякларигача сингиб кетган онги энди уларни ҳазм қилолмай гаранг эди.

— Вой, Ҳожи отамнинг ёнида ўтирган одам ҳам таниш-ку! — яна хитоб қилди Назира баггар қувониб. — Ахир, у киши — Саидбек акамнинг дадаси Саидмансур амаки-ку!..

Қаҳҳорий бамисоли уйқудан уйғонгандай жонланиб:

— Қайси Саидмансур ака? — деб сўради.

— Профессор Саидкаримов-да! — деди Назира ҳамон ўша кўтаринки кайфиятда.

— Э-ҳа! — деди домла ҳам хурсанд бўлиб. — Жуда яхши танийман. Халқаро нуфузга эга жамиятшунос олим. Биз дорилфунунда бирга ишлаймиз. Айтишим мумкинки, у киши — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта рол ўйнаган йирик шахс, улкан жамоат арбобларидан бири. Лекин ўз баҳосини олмаган, қадрини топмаган зот. Ҳаётда шундай олимлар ҳам бўлади.

Назира бу гапларга унчалик тушунолмаган бўлса-да, лекин профессорнинг кўнглини кўтариш учунми:

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, домла, — деб қўйди.

— Ҳақман, ҳақман! — бош ирғади Қаҳҳорий қатъий оҳангда.

Шу пайт икки девор оралиғидаги тутқунлар кўз ўнгида ғалати ҳодиса юз берди. Пастга миршаблар орасида турган полковник қўлидаги радио-карнайни оғзига яқинлаштириб, алланима деган эди, йигитлар орасидан Амир икки қўлини кўтарганча чиқиб келди-да, унга юзма-юз бўлди. Унинг Болтабой бошчилигидаги йигитлари эса, ўлганларининг кунидан миршабларга бирма-бир қуролларини топширишди.

Бойвачча миршаблар олдида ўзини ўта эркин тутар, алланималар дея илжайиб, кулиб қўяр, елкасини қисар, кейин бирдан ғазабга миниб, орқароқда турган Раҳматилла бошлиқ йигитларга ишора қилганча, яна нималарнидир гапириб, қўлини паҳса қилар эди.

— Агар бизни бу ердан топишолмаса, йигитларнинг ҳаммаси ҳибсга олинади, —

деди Гулшода бону алақандай пинҳоний бир севинч билан. Лекин буни ҳамроҳлари пайқашмади.

— Топишади! — деди Назира негадир ички бир ишонч билан.

Шу пайт тутқунлар ҳовлига яна икки нафар милиция машинаси кириб келганининг гувоҳи бўлишди. Улардан етти-саккиз миришаб кетма-кет чиқиб, тазкор гуруҳ турган жойга яқинлашди. Уларнинг бошлиғи — ўттиз ёшлардаги навқирон лейтенант тўғри полковникнинг истиқболига юриб, кафтини шапкасининг айвончасига тираганча, алланималар дея ахборот берди. Полковник негадир елкасини қисиб, бир нима деб тўнғиллади шекилли, лейтенант турган жойида дарров гир айланиб, ортига қайтиб кетди.

Назиранинг тахминича, булар машинадаги радиотелефон орқали бундан ярим соатча аввал Улуспир чақиртирган янги тезкор гуруҳ эди. (Кейинчалик аён бўлишича, Ёвқоҷди Ботиров деган кимса ички ишлар тизимида ҳеч қачон ишламаган, умуман, йўқ одам экан).

Ҳовлида Раҳматилла кутилмаганда оғзини очганча эснай бошлаганини кўрган Назира дарров ҳушёр тортди. Худди шу лаҳзада унинг ёнида турган Ҳожи отанинг девларидан бири ичига отилиб кирди-ю, собиқ жангчининг кўзлари косасидан чиққудек олайиб, борлиқ танаси безгак тутгандай қалтирай бошлади. Эснаш «касали» Асадга, кейин Саидбекка ҳам юқди шекилли, уларнинг жисмини ҳам зумда эгаллаган бошқа девлар йигитларни айнан Раҳматилланинг ҳолига солди.

Полковник ҳузурига чорлаганида, улар учови ҳам худди ҳеч нарса кўрмагандай бардам ва тетик кайфиятда эди. Милиция зобити аввал Раҳматиллани сўроққа тутди. Назира унинг ҳазил-ҳузил қилиб, алланималар дея кулганини, сўнгра ёнида турган Амирни қўққис белидан ушлаб, енгил ҳаракат билан осмонга отиб юборганини, ўн газча юқорига кўтарилиб қайтиб тушган бойваччини чаптастик билан олиб олиб, яна жойига қўйганини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Бу антиқа манзаранинг гувоҳи бўлган полковникнинг ҳам, буни сира кутмаган бойваччанинг ҳам эхсонаси чиқиб кетган, бошқа кузатиб турганлар эса, қийқириб, қарсак чалиб юборишганди.

Милиция зобити Асад билан гаплашаётганда ҳам фаройиб ҳодиса содир бўлди. Файласуф полковникнинг саволларига жавоб бера туриб, бирдан танасини шишира бошлади. Унинг озгингина бадани, оёқ-қўллари фавқулодда йўғонлашиб, одамларнинг кўз ўнгида йигит чинакам Алпомишга айланди. Бамисоли баҳайбат девга айланган бу одам гурсиллатиб у ёқдан-бу ёққа юрган эди, зилзила туриб, ер қимирлагандай бўлди. Бундан баттар саросимага тушган полковник қўлларини силтаганча, Асаддан бу қалтис ўйинга чек қўйишини талаб қилди.

Зобит энди Саидбекни ҳузурига чорларкан, аввалданок анча хавотирга тушиб қолганди. «Буниси яна қаңдай каромат кўрсатаркин?» — деган ўйда унга ташвиш билан тикиларкан, бир-икки савол берган бўлди. Жавобларидан қониқиш ҳосил қилди чоғи, энди унга кетишга ижозат бераётганди, Саидбек кутилмаганда бир сакраб, осмону фалакка кўтарилди-да, бамисоли қушдай парвоз қилиб, ошхонанинг томига бориб қўнди. Буни кўрган одамлар: «Э-воҳ!» — дея қичқириб юборишди. Айниқса, бизга таниш инс-жинслар таъсиридаги ака-уканинг юраклари така-пука бўлиб кетган, имкон туғилиши билан жуфтакин ростлаш пайига тушиб қолишганди. Саидбек томда турганча қўллари билан уч қаватли бинодаги тутқунлар сақланаётган девор оралиғини кўрсатиб, алланималар деб бақирарди. Шундан кейин Саидбек тиззаларини букиб, қўлларини худди сувда сузаётгандай олдинга чўзиб, бир силтанди-ю, тўғри ўша бино томонга учиб кетди.

— Ё фалак! Бунақасини умрим бино бўлиб биринчи кўришим! — дея хитоб қилди бу ҳодисани ойнаванд девор орқали кузатиб турган профессор, ўз кўзларига ишонмай. — Одамларнинг ҳавода парвоз қилишлари мумкинлиги жуда қадимги замонлардан маълум. Замоновий фан буни левитация деб атайди. Демак, левитаторлар латиф олам мавжудотлари ёрдамида учишаркан-да!

— Шундай бўлиши ҳам мумкин, домла! — деди Назира кўзлари ёниб, ўзлари томон учиб келаётган йигитга завқ билан тикиларкан.

Сал ўтмай, Саидбек улар қамалган девор оралиғи ёнига етиб келди-да, қопқора ойнаванд деворга орқаси билан чиппа ёпишиганча туриб қолди. Назира нариги томондан унинг ёнгинасига ўтиб, йигитнинг ўнг қўли билан деворни аста тақиллатганча, яна алланималар деб бақираётганини кўрди-ю, ўзи ҳам деворни ичкаридан тақиллатишга тушди. Унинг «дук-дук»ини эшитди чоғи, Саидбек секин бошини буриб, Назира томонга қаради. Лекин қора ойнак орқали ҳеч нима кўролмай, пастдагиларга яна алланималар деб кичқирди.

Шу пайт Раҳматилла полковник бошчилигидаги бир гуруҳ миришабларни уч

қаватли бино томонга бошлади. Амир бойвачча билан Асад ҳам миршаблар зобити билан ёнма-ён боришарди. Улар дўпир-дўпир одимлаб, иккинчи қаватта кўтарилишди. Махфий эшик жойлашган ва тутқунлар сақланаётган кўш девор ёнига етиб келишгач, Раҳматилла энгашиб, деворни пайпаслай бошлади. Гап нимадалигини тушунган Асад ҳам чўнқайиб ўтирганча унга кўмаклашишга киришди. Кетма-кет кириб келган Саидбек уларнинг жонига оро кирди. У кутилмаганда рўпарасидаги нуқтага кўрсаткич бармоғини босганча:

— Топдим! Мана у! — дея хитоб қилди. Шундай деб, устма-уст тутгани босди. Лекин махфий эшик очилиши у ёқда турсин, унинг шарпаси ҳам сезилмасди.

— Чироқ! — дея қичқирди Раҳматилла азот қаддини ростлаб, чор-атрофга олазрак тикиларкан. — Беҳазил гапираяпман: чироқ ўчиб қолибди...

— Уни кимдир атайин ўчириб қўйган! — деди Асад ҳам азбаройи ғайратининг зўрлигидан ўзини кўярга жой тополмай, у ёқдан-бу ёққа сакраркан.

Полковникнинг буйруғи билан миршаблардан кимдир бир чеккада ҳеч нима билмагандай турган навбатчи йигитни пастга олиб тушиб, озгина қийин-қистокқа солганди, у бир неча дақиқада чироқни ёқишга мажбур бўлди.

Раҳматилла шу заҳоти тутгани босган эди, ғириллаб эшик очилиб, ундан профессор, Гулшода бону ва Назиралар изма-из чиқиб келишди. Улар хурсанд кайфиятда жиламайшар, фақат Гулшода бонутгина андак маъёус кўринарди.

Асад ўқдай отилиб, қизини қучоқлаб олди.

Бу манзара таъсиридан кўнгли тўлишиб, жилмайиб турган полковник бирдан ўзига келиб, қатъий оҳангда миршабларга буюрди:

— Амир бойвачча йигитлари билан ҳибсга олинсин!

— Ўртоқ полковник! Сал ўзингизни босиб олинг! Кейин афсус чекиб юрманг тагин!.. — деди бойвачча гезариб, отдан тушса ҳам, эгардан тушмай. Лекин унинг бу луқмасига ҳеч ким эътибор бермади.

Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, қўлларига кишан солинган Амир ва унинг қўриқчилари — Болтабой, Тешабой, Ўроқбой ва бошқа йигитларини иккитадан миршаб ўртага олганча, кетма-кет ташқарига бошлади. Қўрғончада паст бўйли, чуваккина навбатчи йигит билан хушбичим юзли жория аёлгина дахлсиз қолдирилди...

Уч қаватли уй эшигидан ҳаммадан кейин чиқиб келган Асад бир ёнида қизи, иккинчи ёнида Қаҳҳорийнинг елкаларига қўлларини қўйиб, жилмайганча профессорга сўз қотди:

— Бу гаройиб саргузаштлар сизнинг ҳам пешонангизда бор экан-да, домла. Аммо-лекин сиз билан биз улуг иш қилдик: ёвуз жиннинг кўзадан чиқиб, бутун дунёни остин-устин қилишининг олдини олдик. Ана энди кристалл тошни манави сингилларингиз билан тажрибахонангизда ҳеч қандай тазйиқсиз, бемалол тадқиқ қилаверасиз!..

Профессор ҳам беихтиёр қулимсираб, гапни ҳазилга бурди:

— Тазйиқсизи қурсин, бойвачча атаган икки юз минг гонорардан қуруқ қолиб ўтирибман...

Уларни пастда Қўлдош Али Ҳожи ота, Саидмансур ака ва Акрамлар интизорлик билан кутишар эди...



БИР ПУКИЗА НУРЛА ШАШНАДУР КҮНГУЛ

Нозим Расул

Бу кўнгул тоғ бўлди — қоп-қора ва чўнг,
Бағрига яширди ганжу ранжини.
Дунёдан кечти у, кечти ўзидан,
Сақлади дил — горда севги — занжини...

Хаёллар аталмиш беқарор хешлар,
Сабр деган вазмин юкларнинг барин,
Армону аламлар залвори ила
Қувган, гоҳ келтирган — дил фори сари.

Бу инжиқ дилимнинг саркашлигидан
Безмади, нодўстдек бермади фириб.
Изидан боғ унди, энди бу боғда
Дунёни маст қилар минг гул кўкариб.

Бу гулнинг бир номи Оқибат бўлса,
Бошқаси Қадрдир, Ордир, Меҳрдир.
Аслида қоп-қора тошқотган дилда
Гулларнинг униши чиндан сеҳрдир.

Ёмғир ёғар...
Боғдаги бизнинг
Изимизга тўлар томчилар.
Деразадан термулган кўзга
Суратинг жимгина санчилар.

Оғригидан тўлғанар юрак,
Қароқларда дунёлар сузар.
Етим ишқнинг қаҳридан қўрққан
Булут кўкда ҳайрат-ла кезар.

Дунё ғариб, ғарибдир борлик,
Безовта чайқалар, қўл силкир дарахт.
Уйчан кўзим яширган шўрлик
Боғ мунғайиб термулар карахт.

Айрилиққа кўнади борлик,
Сўзсиз, сассиз шивирлар «оҳ»лаб.
Ёмғир ёғар...
Ҳижрон ғамида
Жим кўз ёшин тўқади шохлар.

Андижон

Ирода Сатторова

Тун қўйнида тўлғанган қишлоқ
Зулматларга ўқийди таҳсин.
Не учундир тортиб изтироб
Хотиралар термулар сокин.

Ўтмиш атрофида юриб маст
Юрагимга сас келар майин.
Деворлардан кўз тикиб турар
Болалигим аста жилмайиб.

Қадам қўяр хонам тўрига,
Кўзларимни айлаб нигорон.

Бош кўтарар дил тоқчасидан
Минг йилларки чанг босган армон.

Сўроқларин бошлайди бир-бир:
«Омонмисан, оҳ, менинг эркам?»
Жимгина, жим ўйга толаман,
Жавобимни кутиб турса ҳам.

Унутгандим дунёни буткул,
Ташвишлардан холи бир нафас.
Ҳатто сокин осмонга қараб
Уйгонганим қалбимда ҳавас.

Тонг ҳам отар, минг кўча кезган
Телба хислар кўйида вайрон.
«О, болалик, дил қолди сенда,
Ёдимдасан, кўрқма ҳеч қачон!»

У бошимни силади аста,
Жажжи кўллар кучоқлаб суйди.
Ташвишли бу оламга яна
Болалигим кузатиб кўйди.

* * *

Унутинг, азизим, унутинг энди,
Мен сизни унутдим аллақачонлар.
Маъюс нигоҳларни ютиб кетди тун,
Соғинчни тарк этмоқ энди муқаррар.

Кўлимга гул тутар сизмас, саратон,
Ҳамроҳим хаёллар — кўл етмас, баланд.

Жимжит боғлар аро кезаман шодон,
Хаёлим кўчасин қилмагайсиз банд.

Кўчага чиқаман гоҳида ёлғиз,
Нигоҳлар қаърига кетаман сингиб.
Сизни унутамаман, ёнса-да кўксим,
Мен шундай яшайман соғинчни енгиб.

Тўйтепа

Даврон Султон

* * *

Чинниток барг ёзди, қатқалоқ синди,
Бўз ерга тишини ботирди кетмон.
Тинмасак изғирин ҳовури тинди,
Иссиқ тўнин ечди ковақда илон.

Куюш пат кўйлагин суғурар беҳол,
Чақноқ кўзин қадаб ер ойнасига.
Сирли ҳуштак чалиб имлайди шамол,
Канизак оймомо хосхонасига.

Патлар камондай тортилган таранг,
Мусича бурнида бойчечак иси.
Қушлар қарсоғидан қулоғи гаранг,
Қирга қараб кетган йўл илон изи.

Дарахтни қитиқлаб уйғотар қушлар,
Сахарлаб шабнамга юз ювар сайҳон.
Тераклар учидан ой ерга тушмай,
Бағрига имлайди қомати камон.

Яхлаган қор сувин новвотдай шимиб,
Кўксин чаяберар шаддод адирлар.
Шамолдан сесканиб кўзини юмиб,
Бахмал чопон кийди уйғоқ қабрлар.

Лайлак уя қурган юлгунлар бўйлаб,
Имиллаб оқади эринчоқ дарё.
Майиб тирсагига таяганча кафт,
Чўккан тоғ овозин тинглайди дунё.

Чархпалак айланди, сувларда оқди,
Ҳолдан тойган ўтрук дунё ҳарсиллаб.
Осмонда чақмоқлар ногора қоқди,
Ёмғирлар урилди ерга тарсиллаб.

Яланглиқда эса шағирлаган сой,
Гирдоблар шовқинин ютган харсангтош.
Бунда тонг отгунча ботиб кетмас ой,
Бунда уйғоқ кезар кун бўйи куюш.

* * *

Сусамбил юртига равона ризвон,
Ишқингда ичиккан ясмин ялангтўш.
Қаддингни кучолмай армонда чакмон,
Сочингни соғиниб йиғлар тақяпўш.

Заҳроб салқиб оқса қатрон тулумдан,
Хўпласам ашқимга чоғишган ғамни.
Жонимнинг баҳосин сўрар ўлимдан,
Фаришта хаёлинг қувлаб аламни.

Даҳлизда пошнаси ейилган ковуш,
Оппоқ оёғингни ўполмай ғусса.
Ортингдан эргашган соями — исковуч,
Мусиқор юрагим қонини қусса.

Кипригинг кўзимга суқилган қуржук,
Суюб ўлдир мени, кучоғи анбар.
Юлдуз — кўк лабига сачраган учуқ,
Булутдан тобутим ичра гулчамбар.

Касби

Нодира Сиддиқова

* * *

Ҳазонлар кўмдилар эзгу хисларни,
Орзулар қатига бекинди армон.
Ялпиз таратганда ҳушбўй исларни,
Бахтлар ёлғизлатиб кўйди, онажон.

Чирт этиб узилди, энг сўнги япроқ,
Заъфарон тусидан вужудим ларзон.
Кузнинг рутубати солганда титроқ,
Баҳорлар унутиб кўйди, онажон.

Қаҳр найзалари жоним тиглади,
Саждагоҳ кўнгулнинг қаъбаси вайрон.
Рух дардин айтолмай ичда йиғлайди,
Меҳрлар унутиб қўйди, онажон.

Бокира туйғулар қордан-да оппоқ,
Қирмизи лолалар ястанган ҳар ён.
Биров эслаб қўйди исмиمنى шу он,
Кимдир унутди-я мени, онажон.

Гулнинг висолига етмаган бўлбул
Чаҳчаҳлаган кўйи чекадур афғон,
Бир покиза нурга ташнадур кўнгул,
Ишқлар унутди-я мени, онажон.

Томчилар тўқилди юракларимдан,
Нафратлар сўзлашга бермади имкон.
Меҳнатлар тутди-ей билакларимдан,
Роҳатлар унутиб кетди, онажон...

Бир ёниқ муҳаббат бор дейишади,
Шеърларда кўринса расмларингиз.
Бу ёнган юракка ким қайишади,
Дилимни ёндирса исмларингиз?!

Бир ёниқ муҳаббат бор дейишади,
Сизни эслаган он қувонса кўзлар.
Покиза ишқингиз ор дейишади,
Яна чўғ солади ҳақиқат сўзлар.

Бир ёниқ муҳаббат бор дейишади,
Дилни асир олса жоду сеҳрингиз.
Кўйи сөл айлаган тор дейишади,
Сатрларга сайқал берса меҳрингиз.

Бир ёниқ муҳаббат бор дейишади,
Муҳаббатки тенгсиз, қиммати ортиқ.
Етмиш икки томир дод дейишади,
Унга ширин жоним бўлганда тортиқ.

Бир ёниқ муҳаббат бор дейишади...

Фарғона

Комилжон Раҳимов

Инсон яшар экан ташвишлар бисёр,
Лекин, ҳаётнинг севинчлари бор.
Бевафо санамнинг ситамларию
Оқила қизларнинг севишлари ё.

Диллар завққа тўлар келганда баҳор,
Қалб меҳнат гаштига бўлади йўлдош.

Эзгу мақсад билан яшаркан инсон,
Ташвиш, қувончларга беради бардош.

Номарднинг тош отиши — оғрик,
Дўстларнинг ширин сўзлари — тиргак.
Ташвишу севинчлар бир-бирга боғлиқ,
Барча-барчасига чидайсан юрак.

Ҳазорасп

Башорат Бузрукова

Кўнгул боғчасида ардоқланган гул,
Наҳотки сўлади, наҳотки хазон?
Дилнинг дили сизни кўмсаган чоғда,
Қайларда юрибсиз, кўзлардан ниҳон?

Кўнгул боғчасида авайланган гул,
Наҳотки сўлади, наҳотки хазон?
Қишнинг аёзлари кучса ҳам мени,
Сизнинг хаёлингиз иситар ҳамон...

Сароблара сотманг мени, сиздан сўрар ўтинчим,
Ёлғонларнинг қули бўлиб, бузмангиз менинг тинчим.

Муҳаббат, о, муқаддасдур, ўйинлара хос эмас,
Севги — иссиқ, совуқлардан сақлагувчи ёпинчим.

Дилни дилга боғлагувчи ришта бўлурми дея,
Ўйламайин отилган сўз, бугун менинг ўкинчим.

Қароқчи ул кўзларингиз кўзларимни тутгайлар,
Қароғимда қалқиган ўт — нигоҳингиз юпанчим.

Севги қудрат, севги қушдир, паҳлавонлар чўккай тиз,
Севинчларим ичра севги энг севимли севинчим.

Жами жабру жафолардин жонима жафо жодир,
Дил шикаста бўлган чоғда, хаёлларим овунчим.

Башорат айлабон яна фолингиза ишониб,
Сароблара сотманг мени, сиздан танҳо ўтинчим.

Чироқчи

Абдужаббор Обидов

* * *

Аввалига қисқа танишув.
Сўнг эҳтирос, ҳислар тугёни.
Ипсиз боғлаб қўяр учрашув,
Чекинади қайгадир моне.

Ёрнинг фаттон, шахло кўзлари,
Сендан ҳечам узолмас назар.
Майин, аста айтган сўзлари,
Дил тубига чўқар муқаррар.

Шунда дийдор, васфга тўймай рост,
Айрилмасам дейсан бирор зум.
Висол вақти ниҳоятда оз,
Фироқ эса узундан-узун.

Бундан ортиқ нима керак, айт,
Ул ёр тамом севиб қолгандир.
Бу дунёда дайди муҳаббат,
Излаб-излаб сени топгандир.

* * *

Сен дедингки, муҳаббат базўр
Нур сочади ғариб кулбамга.
Хира ёруғ кўланкаси жўр
Бўлолмасди оташ қалбимга.

Пастда дарё тошқиндан-тошқин,
Қирғоқда суст турмоқда не сир?
Севилдингми, тўлқиндек жўшқин
Ҳислар тўфонига ўзингни топшир.

Истаганим жавзо тонгидек,
Ёришсайди кўнгул бутунлай.
Токи танда узум зангидек
Пўст ташлаган умидлар талай.

Нега қўрқмоқ довулдан, эй дил,
Тўлқинлар ғарқ қилмоқ истамас,
Шиддатларга дош бермай кўнгул
Саодатга етишган эмас.

Тошкент

Раҳим Отахон

* * *

Рухимда лолалар гуллади қийғос,
Муҳаббат битиклари жаранглар уз-у-у-ун.
Ясайман қизил гул, қип-қизил гул,
Ловуллаган оловдан.
Оҳим узра соҳир келадир,
Рўёдай кечиккан дунё,
Олам, осмон йиқилар ҳиссимга.
Мен ҳам, ахир, мири кам дунё,
Бир кўзим бир кўзимга ташламас соя.
Қовжираб қолмади туйгуларим,
Танҳо таёгин ғарчча синдирдим.
Хомуш тиғи эрир дамимда.
Соҳир жаранглар камалакнинг
Биллур, биллур товушлари.
Мен юрган қайғули, туйғули,
Сўқмоқлар тикланиб жаранглар оппоқ.
Мен яшил кўқардим, палак ёйдим,
Кувонч олтинларин ёғар кунларим.

* * *

Ловуллаб, жадирлаб ёнаёпти,
Қай минтақаларда бегуноҳлар?!
Норасида ҳислар, туйғулар ёнар,
Тафти куйдирыпти юрагим,
Кунларимга ўрлайди
Деворга зах ўрлагандай.
Юзим заҳил бўлганидай,
Заҳил бўлар кунларим.
Ташвишнинг ғуссали тутуни
Оёғимга қадоқ солган этикдай,
Қадоқ солар туйғуларимга.
Мен ҳам ловуллаб
Ёна бошладим энди.

Шовот

Қурбоной Жураева

* * *

Мана, сизга
соғинчнинг расми —
моҳирона юзимга солинган.
Мана, сизга
кутишнинг расми —
менинг кўзларимга солинган.
Мана, сизга
ишқнинг расми —
сочимдан то тирноғим қадар.

Мана, сизга
ҳижроннинг расми —
пора-пора
жигарим-бағрим.
Келинг, келинг,
томоша қилинг.
Келинг, келинг,
томоша қилинг,
Муҳаббатнинг жонли расмини.

* * *

Кўнглум,
бисотингда не бордур,
ижод ишқидан бўлак?
Кўнглум,
бисотингда не бордур,
Ҳақ сўздан бўлак?
Кўнглум,
бисотингда яна не бордур,
кўз ёшингдан бўлак,

ғамдан,
аламдан,
ситамдан бўлак?
Бисотингда не бордур
ишқдан,
соғинчдан,
орзудан бўлак,
кўнглум?..

Тошкент

Шойим Шерназар

* * *

Автоларнинг оқими.
Илғаб улгурмайсиз.
Бекат гавжум: қари, ёш...
Бир онахон аланглар, излайди муждасини. Ўғли кўйиб
кетганди: «Туратуринг, ҳозир келаман...»
Яна кимдир безовта: «Ҳаҳ, аблаҳ, алдади-я,
бугун келтирмоқчи эди қарзини, шу бекатда эди ваъдаси...»
Йўлни ногоҳ кесиб ўтар навниҳол бир қиз.
Яширмоқ бўлади эҳтиросларин — кўзлари турибди айтиб.
Соатига қарар дам-бадам.
Ўриндиқда анчадан бери ўлтиради жуссаси қотма бола.
Кўлида тугунча — бир ҳовуч олма.

«Болалар уйи»дан териб олганди.
Кўзлари жовдирар —
узоқ кутган соғинчнинг етмоқ истар дийдорига,
тушларида авайлаган, асраган хаёлий сиймонинг етмоқ
истар дийдорига,
аллақачон унут бўлаётган, кўзларда аста-секин сўнаётган
меҳрнинг етмоқ истар дийдорига.
Бу бекатда кимлар кутмаган...
Ким топгану ким йўқотмаган...
Автоларнинг оқими...
Бекат эса гавжум...

* * *

Уммон ўртасида қайиқ муаллақ,
Тўр ташлайди тирикчилик илинжида соҳиби.
Бузилиб боради денгиз авзойи.
Соҳилдан узоқлашиб кетганди қайиқ.
Балиқчи хавотирда, довул туради.
Ҳали укуви ҳам йўқ, биринчи ови.
Мияда айланар чирпирак фикр:
«Қирғоққа чиқмоқлик керак, қирғоққа...»
Юзида кўркувнинг ранглари:
«Ем бўлиб кетса-я балиқларга...»
Ҳали замон довуллар намоёиш этади қилиқларини,
тўлқинлар кўлида ўйинчоқ бўлар.
Чора излаш керак, энг сўнги чора —
олазарак кўзлари ҳаётга ташна...
Чақмоқдек «ярқ» этди мияда фикр:
«Қоплардан ясамоқ керак зўр елкан...»
Елкан тайёр, нажоткор елкан.
Балиқчи кўнгли ҳам топди пасанда —
довул ҳам писандмас, писандмас кўркув,
қирғоқ яқин, у ёғи Ҳаёт...

Навоий

Муҳайё Ҳайдарова

* * *

Ватан — юрагимда улкан бир гулсан,
Онамдек муқаддас, шабнамдек тоза.
Кўнгул кўчасинда илоҳий нурсан,
Тонглар олган асли сендан андоза.

Мунаввар манзиллар янада оппоқ,
Юзим тутадурман майин елларга.
Сен менинг суянчим, қўллари қадоқ,
Ёруғлик солгувчи оташ дилларга.

Олам тебранади мисли беланчак,
Гулгун боғларингга тўйиб боқурман.
Менинг наздимдадур нурли келажак,
Умид янглиғ қанот қоқурман.

Ватан — юрагимда унган бир гулсан,
Онамдек муқаддас покиза сўзсиз.
Асрлар кўйнида абадий хурсан,
Тонглар-да сен бирла чиройли, шаксиз!

* * *

Кутишларни қилганман одат,
Кўзларимга гоҳ қалқигаёй ёш.
Мен барига қилдим қаноат,
Азобларга бера олдим дош.

Ниятларим қайта тузмадим,
Кечиккандек негадир бахтим.
Умидимни ҳеч узолмадим,
Бузилмади паймоним, аҳдим.

Термуламан йўлларга маҳзун,
Аросатда қолган каби жон.
Юрагимдан ёғилади ун,
Етгайдурман орзумга қачон?..

Қарши

* * *

Оқ қушлар йиғлайди — йиғлари манимдур,
Ҳижронинг қийнайди — тиглари санингдур.

Заррамен куёшдан — чўғлари манимдур,
Ой сенинг жамолинг — суқлари санингдур.

Қийналди ишқда жон — азоблар манимдур,
Севгимга жавобинг — ғазаблар санингдур.

Йиғларим кўнгулда — дарёлар манимдур,
Сен қачон мағрурсан — дунёлар санингдур.

Ишқингда куйларам — наволар манимдур,
«Севмадинг», дегувчи даъволар санингдур.

Қўл силтаб, бепарво, керилмоқ санингдур,
Ўлди жон, гар севсанг — тирилмоқ манимдур.

* * *

Бор бўл оламда, эй диёнат,
Мен сенга қилмасман хиёнат.

Эзгулик яшаркан кўнглумда,
Мен сени асрайман ўнгимда.

Муҳаббат бор экан, сен борсан,
Бул хаста кўнглумга ҳамкорсан.

Кўкламнинг байроғи — лоладир,
Ҳар ённи гул иси оладир.

Мен обод айлайин ўзингни,
Ёлгонга берма ҳеч сўзингни.


Шодликка тўлдириб ўлкани
Сузмоқда эзгулик елкани.

Ёмонлар дунёда кўп дема,
Уйғоқдир, биз севган оқ кема.

Диёнат! Кўкламдек яшнайвер,
Сен бизни бағринга бошлайвер.

Бекобод





Абдурахмон Саъдий

Улуғ кишилар

Шарқ тараққиёт фикрияси тарихидан

Имом Ғаззолий

Таржимаи ҳоли. Ғаззолийнинг илми ва дунёга танилиши. Ғаззолийнинг асарлари. Ғаззолийнинг услуб ва ифодаси. Илм ва Ғаззолий. Ғаззолийнинг фалсафаси. Ғаззолийнинг тасаввуфи. Ғаззолийнинг руҳи ва руҳий ҳоллар ҳақида фикри. Шарқ фан тарбияси ва Ғаззолий. Ғаззолийнинг тарбияга қарashi. Ахлоқ тарбияси ва Ғаззолий. Ғарб матбуотида Ғаззолий. Ғаззолийнинг фалсафий шубҳаси, турк татар матбуоти ва Ғаззолий.

Шарқнинг энг улуғ одамларидан бири имом Ғаззолийдир. Ғаззолий улуғ бир тарбия олими ва ҳам энг буюк бир файласуф эди. Бу зот Хуросонда машҳур шаҳарлардан Тус шаҳри музофотида «Ғазола» қишлоғида ҳижрий ила 450 нчи йилда туғулиб, 505 нчида вафот булудир.

«Ғазола» қишлоғида туғулгани учун «Ғаззолий» аталиб ва шу от ила шуҳрат топибдир. Лақаби «Хужжат-ул-ислом», куняси «Абу Ҳамид»дир. Илмга бой булгон бу олимнинг отаси умрини фақирликда, жун йигирмак ила ўтқарибдир. Еш вақтида отасидан ўқисиз қолиб, азоб ва машаққатлар ичида фақирлик ва муҳтожлик қуруб илм таҳсил қилибдир. Бошланғич таҳсилни «Тус»да, буюкнинг Машҳад шаҳрида тамом қилгондан кейин фикҳ ва илми ҳуқуқ таҳсил қилишга бошлабдир. Мундан сўнг фалсафага кўнгил қўйиб «Нишобур» шаҳридаги¹ «Низомия»² мадрасидаги таҳсилга тутунубдир.

Бу мадрасада Ғаззолийга тарбия ва таълими жиҳатдан энг яхши таъсир этган олим, ул мадрасада ўтгуз йилча мударрислик қилгон Имом ал Хиромин Абу Алмоний бўлмишдир. 478 нчи йил ҳижрийда шу улуғ устози имом ал-Хиромин вафот булудир. Мана шундан сўнг Ғаззолий «Нишобур»дан чиқиб, «Сармандий» шаҳрига бориб, унда Низомулмулк ёнига йиғилиб, ҳар турли фанний ва алабий масалалари кўздан кечириб таҳқиқот ва тадқиқот ила машғул булуд тургон буюк олимларнинг мажлисларига қатнашибдир. Шу илмий мажлисларда Ғаззолийнинг илмий иқтидо-ри, истеъдоди, зийраклиги ва ўтқур ақли очик танилди.

Хусусан, Низомулмулк Ғаззолийнинг илмий кучига асир ўларок, ўзининг Бағдод шаҳридаги «Низомия» дорилфунунига³ мударрис тайин қилди.

Ғаззолий тўрт йил шу дорилфунунда ҳикмат ва фалсафадан дарс айтиб, қувваи илмияси ила шуҳрат топқон. Ниҳоят, унинг ҳикмат ва фалсафаси Шарқда бутун ислом мамлакатларига тарқалибдир. Олимлар, адиб ва хатиблар ҳосил калом ҳар бир олим ва ҳикмат ошиқи унинг хизматида туруб ундан кўб истеъфода қилибдирлар.

588 нчи ҳижрийдан эътиборан Бағдоддан чиқиб, «Ҳижоз тупроғин зиёрат қилгондан кейин, Дамашқ,... Вобит Алмоқдош» ва «Искандария» шаҳарларин кўруб, унда бироз тургон вақтида форс султони Юсуф бин Тошқиндан даъватнома олса-да, мазкур султоннинг вафоти сабабли

¹ Уқисиз Ғаззолийнинг Аҳмад отлиғи ўқаси ҳам бир олим булуд, дунёга чиқибдир.

² Муштабриқ «Кримский» мадрасани таъсис қилувчи Низомулмулкни форс деб ёзса-да, янглишадирки, Низомулмулк турк ўғли туркдир. «Нишобур» шаҳрида таъсис қилингон бу мадраса ҳам бояғи Низомулмулк томонидан бино қилингондир. У кўнларда «Нишобур» шаҳри бир илм маркази эди.

³ Бу мадраса салжук турклари подшоҳи Маликшоҳнинг вазири Низомулмулк томонидан Дажла шаҳрининг сул томонида, Бағдод шаҳрининг уртасида 459 нчи йилда бино қилинган эди. Узун шаклда ишланган икки табақалик шу мадрасанин ҳар табақаси 365 ҳужрадан иборат булуд, мадраса талабадан тулуд турмишдир. Бу мадрасада масжид ва қироатхона ва дарсхонадан бошқа музокара ва танаффус уринлари, тақи истироҳат ерлари ҳаммаси кенг уйлардан иборат булиб, бунинг устига маълум мадраса мудири ва носирларнинг ҳар бири учун уйлар белгиланган эди. Ошхона ва хастахоналари ҳар важдан мукамал булгонлиги тарих саҳифаларида маълумдир. Олти минг талабага ўрун берган шу мадрасанин сарфи учун Низомулмулк томонидан тайин қилингон вақфдан ҳар йили ярим миллион сумдан ортик пул дохил булуд экан. Жаҳон муҳорабасидан илгариги сум ҳисобига қарагонда, Низомулмулкдан қолгон шу вақф одатий у кўнларда буюк бир маблаг ташкил қилибдирки, шу вақф ҳақида ёзилгон маълумот ила тарих саҳифалари ҳар мамлакатда бу кўнларда безаниб турубдир.

Форсга бормасдан уз ватанига — Тус шахрига боради. У ерда тадрис утанлик ишлари ила машгул булуб тургон кунларида Низомулмулк угли томонидан яна Бағдод шахридаги «Низомия» дорилфунунига мударрисликга тайин қилинди.

Мадрасада бир неча замонлар дарс айтиб, ниҳоят, Тус шахрига қайтиб, шунда тасаввуф денгизида тамом гарк булудир. Газзолийнинг бир неча жондан иборат булгон оиласидан фақат қиз болалари қолибдилар.

Газзолийнинг илми ва дунёга танилғони

Табиёт, риёзиёт, ҳикмат ва фалсафа каби фанларнинг ҳаммасин таҳсил қилгон бу буюк зот у янглиг фанлар масаласидан таҳқиқот ва тадқиқот эгасидир. Газзолий ислом оламида қандай фавқуллода буюк бир дохий, асосли бир файласуф булуб шухрат олгон булса, Оврупа ва Амриқода ҳам ушандоқ улуг танилгон бир дохийдир.

Турги тушунганда, Газзолийнинг димоғи ҳар фандан асосли маълумот чашмаси булса, руҳи ва акли соғи маърифат ила тулгон бир бадиадир. Унинг асарлари ҳар хил илмлардан баҳс, қийматлик сузлар ила тулудир. Шарқ илмида фалсафа ва ҳикмати асосли ва тарафли тушундирган бу улуг зот Оврупа, Амриқода дохийларин ҳам узига қаратиб бош эгдирибдир.¹

Газзолийнинг асарлари

Урта асрда Шарқ оламида куб асарлар ёзгонларнинг бири Газзолий эди. Куб асарларини фикҳ, ҳуқук, ваҳдат ва тавҳид (илоҳиёт), ахлоқ ва тарбияга қаратиб ёзди. Ислом ҳикматин ва Қуръон сирларин очиб бериш турғисида ҳам ёзибдилрки, асарларининг ҳаммаси арабчадир. Бу кунларда ислом ва Оврупа кутубхоналарида у буюк дохийнинг 70 турлик асарларининг саломат сақланиб турулгонин ривоят қиладилар. Биз билган, тақи укуб истеъфода қилгон асарлари мана шулардир:

- 1) Ихё-ул-улум.
- 2) Мезон-ул-амал.
- 3) Мушкотол-анвор.
- 4) Файсол-ут-тафриқа.
- 5) Қустас-ул-мустамим.
- 6) Алмунқиз-миназ-залол.
- 7) Таҳофот.

Бағдод шахрида тургон замонларида бошлагон «Ихё-ул-улум» ном(ли) китобини «Дамашқ» шахрида ёзиб битирибдилрки, унинг асарларининг энг каттаси ва энг қийматлиги мана шу «Ихё-ул-улум» китобидир. Тарбияга махсус китоби эса «Мезон-ул-амал»дир. Турт жузв, икки жилддан иборат катта шаклда ёзилгон «Ихё-ул-улум» 1097 саҳифалик бир китобдир.

Милодий ҳисоби ила 1852 нчи йилда Оврупа матбаасида босилгон икки жилдик «Ихё-ул-улум» китоби ҳақида Оврупа донишмандларидан Пол Расин мана шу сузларни ёзадир:

«Дарҳақиқат, бу асар бир муҳит ал-маорифдир». Донишманд Қарро ундан қура ҳам гузал бир таъбир қўлайдир. Шундайки: «Бир ислом кутубхонасида Қуръондан кейинги урунда «Ихё» турруга тейишли».

«Ихё-ул-улум» турт қисмдан иборат турур: 1) Илм ва унинг навъаларига муаллим ва мутаълимларга оид вазибалар, унга таълим ва тарбия ақоидидан иборат;

- 2) Одати башария; 3) Маълумотга, ҳалоқатга суққилатургон ишлар ва ҳоллар;
- 4) Ваҳдадият ва қалбият.

Иккинчи таъбир ила виждоний ишлар ва фаоллар.

Шу сунги қисмларида Газзолий ҳаёти ижтимоияни бузулишдан сақлагувчи тақи инсонларни моддий ва маънавий тараққи ва такомилга бошлагувчи нарсалардан, иш ва ҳоллардан суз очадир. Ибодат ҳукмаларини ва фалсафий сирларни дуруст баён қилиши ила баробар, одам уллонлари орасидаги муомалаларнинг устин очиб курсатишда, тақи руҳни лозим даражада тарбия қилиб, уни то-

¹ Шимолий Амриқода Невиверов дорилфунуни професурлариндан «Драпер» ном(ли) мутафаккирнинг «История умственного развития Европы» («Оврупа тараққиёт фикриясининг тарихи») сарлавҳалик китоби мунга очик шохид турур. ж. 3. с 78—375.

АНГЛАШ ЙУЛИ...

Абу Ҳомид ибн Муҳаммад ал-Газзолий Шарқнинг улуг мутафаккирларидан бири булган. Ислом оламида энг гузал таърифни унга беришган эди: «Газзолийга ваҳий келмаган холос. Ваҳий келса, у пайгамбар буларди. Бошқа сифатлари етарли». Бизнингча, мутафаккирнинг салоҳиятини изоҳлашга бундан ортиқроқ таъриф топилмас керак. Унинг асарлари орадан туққиз аср утса ҳамки, уз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мазкур асарлар ислом дини моҳиятини асословчи билимлар ҳақида маълумот бериб, ишончли манба сифатида ҳали-ҳануз инсониятга хизмат қилиб келмоқда. XX аср бошларида «Инқилоб» журналининг 1923 йил 6, 7, 8 сонларида мунаққид Абдурахмон Саъдийнинг «Имом Газзолий» мақоласи босилган эди. Мақолада мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолияти кенг таҳлил ва талқин этилади. Узбек адабиётшунослигида ҳали ҳеч ким Имом Газзолий ҳақида бу қадар тулик ва кенг мулоҳаза юритмаганди. Адабиётшунослининг узи ҳақида гапирадиган булсак, у мазкур мақолагача Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий, Исфаҳоний Ибн Мискавия ҳақидаги битиклари билан жамоатчилик эътиборига тушган эди. «Шарқ тараққиёт фикрияси тарихидан» руҳни остида берилаётган ушбу мақолалар орасида «Имом Газзолий» мақоласи узининг қуламдорлиги, мазмуни билан ажралиб туради.

залаш ва такомил қилиши учун керак бўлгон қоида ва хислатларни ҳар жиҳатдан билдиришда «Иҳё» бирдан-бир қийматлик бир асардир. Унинг бошқа асарлари ҳам фалсафа, ваҳдати вужуд ахлоқ ва тарбияга, тақи илми руҳга оиддирлар.

Ғаззолийнинг услуб ва фалсафаси

Сузга усталлиги, хатиблиги, дадил ва мисолларга бойлиги унинг бошқача улуг бир тафтидир. Тил ва услубда, ифодасида сеҳрий бир жозибалик бордирки, унинг асарин тушуниб уқигон кишилар унга мафтун бўлмай қолмас.

Унинг услуб ва ифодаси тўғрисида турк мутафаккири Фаридиддин Ҳозим фаранг олимларидан бояғи Қарронинг шу сузларин кучуриб ёзибдир: «Фаранг тили қанча нозик ва фаранг тилининг майдони қанча кенг булса-да, Ғаззолийнинг сузларин таржима қилгонда, унинг уз ифодаси ва уз услубидаги чебарлик ва иничкаликларини йўқотмасдан таржима қилишга муваффақ була олмадим. Шунинг учун унинг асарларидан маол ва мафҳум жиҳатидангина иқтибосда бўлундим».

Шимол туркларининг адибларидан араб адабиёти мутахассисларидан саналгон Ризоуддин бин Фахруддин ҳам унинг услуб ва ифодада мумтозлигини уз асарларида очик айтиб утди.

Илм ва Ғаззолий

Ул ҳаётнинг бутун лаззатини илмда курадир: илм йулида кеча ва кундуз қаранмоқда, изланмақда, ҳар хил текшириш ва тушунишда тақи у янглиг лаззатни ҳосил қилгон хайрли илмларни амалга қўя олишда деб биладир. Шарқда мунга бутун виждони ила қаттиг инонгон файласуфлар орасида энг биринчи киши Ғаззолийдир. Бунинг баробарида унинг учун энг кайфлик нарса фан ва фалсафа эди.

Ғаззолийнинг фалсафаси

Фалсафада Ғаззолийнинг узигагина хос булгон бошқача бир хусусияти бор. У тамом узига хос булгон янги бир йул солди. Узидан илгари замонларда утган юнон ва ислом файласуфларига, тақи узи ила асрдош булгон файласуфларга пайров булмади, балки уларга узи раҳбарлик қилди. Тўғриси: урта асрда, истар эса Шарқда ва истар эса Ғарбда бошқа файласуфларга қарши танқидга киришган бирдан-бир философ Ғаззолий булди. Юнон файласуфларидан Букрот, Сукрот, Афлотун, Арасту каби зотларга, турк файласуфларидан ҳам Ибн Сино каби ҳақимларга қарши қаттиг танқид ила майдонга кирди.

Ғаззолийнинг энг ёмон курган душмани тақлид эди. Ул узига табиат томонидан тортуқ қилингон соф ақл ва табиий истеъдоднигина раҳбар деб таниди. Ҳосил ҳақиқат излаганда бутун яширин илмларни учуб айланиб кезмак учун унинг «балуни», аэрүплани» узининг ақли ва табиий истеъдоди эди. Мунинг икки қаноти эса ҳуррият ва истиқлолиятдир. Ақл, табиий истеъдод, ҳуррият, истиқлолият, чин илм ва амал мана шу айтилгонлар Ғаззолий фалсафасининг тамалларидир.

Унинг фикрича, инсонларнинг бутун саодати учун икки нарса шарт: 1) Илм. 2) Амал — иш. Ул илмсиз амалдан фойда, умид қилмағони каби, амалга ошмағон куруқ илми-да маънисиз бир нарса деб билиди. Ғаззолий бутун кучи ила ислом динин пок ва соф ҳолида ҳамда сақлаш тўғрисида қаттиг илтиҳод қилгувчи ва мунинг учун ҳам фан ва ҳам фалсафани ўткир курол эткувчи бир одам эди. Бир кишининг бахтлик булмоғи учун мутлақ илм керак, шунинг учун илм фарзидир, дейдир. Унинг фикрига қўра инсоннинг бахтлик булмоғи учун куруқ илмигина етмайдир, балки киши илми орқасида тан ва руҳи-руҳий ҳолларин чин маъноси ила тарбия қилишга бурчлидир.

Ғаззолий фалсафасининг энг муҳим бир қисми ваҳдати вужуд (пантеизм)га оиддир. Шарқда ваҳдати вужуд фикрларин сузлагувчи ва уни тарқатгувчиларнинг буюк бир қаҳрамони Ғаззолий эди. Тавҳид ва қалбнинг, тақи руҳнинг нимадан иборат эканлиги ҳақида «Иҳё» ва бошқа асарларидаги сузлари унинг ваҳдати вужуд ва мавжуд масалаларига қандай қарагонин бизга очик курсатадир.

Фақат ул ҳам ваҳдати вужуд масъаласин теран, тақи жуда иничка бир масъала деб биладир, шунинг учун у янглиг масъалани китоб саҳифаларида ёзиб ҳар қандай одамга англитишни лозим курмайдир. Унга тушунишни Ғаззолий «илм макошифа»га топшириб, узида шунда бир илм ҳосил

Абдурахмон Саъдий мақоласи жуда катта ҳажмда ёзилган булиб, бунга мундарижани куздан кечериш мобайнида ҳам амин булишимиз мумкин. Қизиги шундаки, адабиётшунос фақатгина Шарқ фалсафаси тарихида тутган урни ҳақида фикр юрийтибгина қолмасдан, балки Ғарб фалсафа тараққиётига курсатган таъсири тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотларни беради. Ғаззолий бир асарида шундай деб ёзган эди:

«Мен энг илгари «илм» деган нарсанинг узи нимадан иборат булгонин ва бошқа бутун нарсаларнинг ҳақиқатини билиш-англаш йулида борлиқ кучимни аямасликка қарор бердим». Ғаззолий уз ниятига етди. У тасавуф илмида узига хос мартабага эришган эди. Шунинг учун уз замонасидаёқ унга «Ҳажжат-ул-ислом» деган унвон берилган эди: «Агар Куръон йўқолиб кетганда ҳам уни Ғаззолий орқали тиклаш мумкин». Унинг фалсафаси Ғарбни ҳам, Шарқни ҳам ҳайратда қолдирди. Бу ҳайрат ҳозиргача давом этмоқда. Бу ҳайратнинг ХХ аср буйича изоҳини Абдурахмон Саъдий бошлаб берди. Гарчи ушбу маълумотлар ва талқинлар етарлича булмасада, улар алоҳида диққатга сазовордир. Чунки биринчи қадамини босиш ҳеч қачон осон кечмаган. Ишонамизки, ҳали Ғаззолий асарлари илмда кенг тадқиқ қилинади, аллома узининг етуқ таърифини олади.

Нилуфар МҶМИНОВА,
тадқиқотчи.

булгон дохийларга, Ҳаким Урбонийларгагина хос бир масъала қилиб қўйибдир. Бу ҳақда Ғаззолий фикрлари ила тўғридан-тўғри танишмоқ тилаган кишилар «Ихё»нинг 4 нчи, тақи 173—174 саҳифаларига мурожаат қилсинлар.

Ғаззолийнинг: «Булиши мумкин булгон нарсалар орасида булгониданда бадиийраги йўқ.» Ри-зоуддин бин Фаҳруддин зот қилдиги каби бошқа манбадан олиниб ёзилгон бир сўз эмас, балки Ғаззолийнинг аниқ уз сузидир. Бу сузнинг узи ҳам унинг ваҳдати вужуд, ваҳдати мавжуд фалсафасининг раҳбарларидан эканин англатиб турубдир.

Рух ва қалбнинг моҳияти ҳақидаги фикрларида унинг ваҳдати вужудчи булгонин очик курса-тадир, «Ихё» ж. 4. с: 182: «Мезон-ул-амал» с: 139, тақи «Мушкотол-анвар» («Нурларнинг тоқчаси»). Бу ерда мунда айтиб ўтишга тейишли: Ризоуддин бин Фаҳруддин узининг «Имом Ғаззолий» сар-лавҳалик рисоласида нима учундир Ғаззолийнинг қулидан тутиб, етаклаб ҳар хил таъвилларга ке-тиб, уни ваҳдати вужуд маслагидан тортиб чиқаришга тиришадир.

Бу ҳақда Ғаззолийнинг асаридан озгина сўз кўчуриб, уни-да аллақандай таъвилларга бурадир.

Ғаззолийнинг тасаввуфи

Умрининг сунг кунларида Ғаззолий тасаввуф йулин ихтиёр қилди, тақи суфийларнинг буюк устозларидан будди. Сунг кунлардаги ҳаётини дарвишлик ила битирган бу файласуфнинг тасав-вуф ҳақидаги фалсафаси яна узинчадир. Бошқа суфийлар ҳар хил илм, вахийларни таҳсил қили-шини чин суфийлар учун кераксиз билсалар, Ғаззолий тамом у йулининг тескарисин тутадир. Ҳақиқатан баҳс қилгон олимларнинг асарларин мутолаа қилишни лозим кўрадир. Ул илм ва фан-ларни, ҳикмат ва фалсафани таҳсил қилмасдан чин суфий булишни гайри мумкин ишларнинг би-ри деб биладир. Тасаввуфни илмсиз кици учун фойдасиз ва маънисиз нарса, балки зиёнли бир иш деб ёзадир. Унинг фикринча, тасаввуфдаги риёзат тан риёзати ила бирга, хусусий равишда руҳни асосли далилларга таандириб, илм ва ҳикмат суйи ила сугоришдан иборат булгон риёзат-дир. Ул илмсиз суфийларнинг бир хил маънисиз хаёллар ила неча йиллар овора булуб юришларин баён қиладир.

Унинг фикринча, усули уқуш ва урганиш, асосли илм керак, мана шундан кейингина дунёдан ва дунё халқидан юз угуриб, узлат қилиб, ваҳдат ва илоҳият денгизида ғаввослик қилишга мум-кин.¹ (Битмади.)

Идордан: Бизча мақолада мужиб ихтилоф ва қобил баҳс, нуқта ва моддалар булса-да, дарж қилгонимизнинг сабаби фикрларда бир галаён ва ҳаракат тугдирмоқдир. Мақоланинг аҳамияти эса тадқиқот тарихияси жиҳатидадир.

Воқе тарихия ва муносабат ижтимоиянинг маҳрики, мубориз ҳаёт мужодалат асноф деган бир мосликка мансубиятимиз жиҳатидан бу мосликка бегона булгон Ғаззолийнинг куб нуқталардаги фикр ва асослардан раду инкор қилсақда, Шарқ тараққиёт фикрия тарихидан ақлиқон даврининг буюк бир устунларидан булгон Ғаззолийни тавсиф этдик: бунинг-ла баробар, Шарқ тараққиёт та-рихи ошиқларига бу масъала устида мусодимаи афкор йулин тавсиф қилдик.

Ғаззолий одамда икки турлук руҳ кўрадики, бунинг бири жисмоний, дигари раббоний руҳдир.

Унинг фикрига кўра, жисмоний руҳ юракдаги ҳарорат сабаблик ҳосил булуб танда сайр қилиб юргувчи латиф бир оқим ёки баҳр (буғ)дир. Тан томирларида бу руҳ таннинг ҳамма аъзосида юра-дир. Жисмоний ҳаёт мана шундан иборатдир. Унингча, жисмоний руҳ шамъ булса, инсоний ҳаёт шамъдан уй ичига тарқалгон нур кабудур, шундайки таннинг ҳамма ерларига сочиладур, ҳамма нуқталарига таъсир қиладир.

Табии-духтурлар эса, Ғаззолийча, руҳ сузидан мана шу маънони ирода қиладулар.²

Аммо раббоний руҳ, Ғаззолийча, илоҳий ва латиф бир кутдики, инсоннинг ҳақиқати, инсон-лиги, асл борлиги шундан иборатдир. Бу руҳ азалий ва ибтидоийдир, бу руҳни «қалб» деб ҳам ай-тадилар. Бунинг ҳақиқати инсонга маълум эмас.³ «Ал-руҳ мин амр робби» (Рух худонинг амри бил-дан)дан мурад шу руҳдир.

Ғаззолийнинг димоғ, тасаввур, хаёл, хотира, тафаккур ва ирода ҳақидаги тадқиқотлари замо-нимиздаги илми руҳ олимларининг тадқиқотларига ухшайдир ёки шунга яқиндир. Ғаззолий шу юқорида мазкур руҳий кутлар учун инсоннинг димоғида яширин уялар ва марказлар борлигин ҳам баён қилгон. Ғаззолий шу юқорида мазкур руҳий кутлар учун инсоннинг димоғида яширин уялар ва жумлаи асбиё, яъни, димоғ, сезиш аъзолари, сезиш томирлари ва аъзолар ҳақида қисқа булса ҳамдир ҳақиқат фанний ва тузук маълумот берган. Болаларда таъсур, онг, фикр ва илм ҳосил булишида ишнинг жуда тадрижий бориши, болаларда назарий маълумотнинг жуда сунгта қолиб ҳосил булиши тўғрисида берган маълумоти яна асослиқдир.

Ғаззолийча, инсондаги фикрнинг самараси илм ва инсондаги турлук ҳоллар ва амаллардир. (Ғаззолий фикрнинг нимадан иборат булушин гузал таъриф этиб, шуни мисоллар ила изоҳ қила-дир). Лекин унингча фикрнинг асл самараси фақат илмдангина иборатдир. Аммо руҳда илм ҳосил булса, унингча руҳий ҳолларда ҳам узғариш натижасида инсоннинг иродаси ва амаллари ҳам узгармасдан қолмайди. Шул ҳолда, Ғаззолийча, амал-иш руҳий ҳолларга, руҳий ҳоллар илмга, илм яна фикрга эргашиб юрадир. Фикр унингча ҳар турлук хайрли ишларнинг бошлиги, суяниши ҳам очкичидир. Қисқаси, ақл ва фикрга Ғаззолий ҳар нарсадан ортиқ аҳамият берадир: кишининг бутун турмишида ақлни ишончлик раҳбар, бирдан-бир таянч деб танийдир.

Бу жиҳатдан ул урта асрда Шарқнинг ақлчи ва фикрчиларидандур. Оврупача айтқонда, интел-лектуалист ҳам рационалистардан булуб, шу фалсафий назарияни Шарқда асосли суратда урнаш-диргонларнинг биридир.

Унинг фикрига кўра, инсоннинг руҳий ҳоллари алмашингон ва янгиланган сайин тан ва аъ-

¹ «Ихё», жилд. 4, саҳифа 4.

² «Ихё», ж. 3, с. 3.

³ «Ихё», ж. 3. с. 196.

золарининг хизматлари ҳам бошқа ранг олиб узгара борадир. Фикрнинг миқдорин, улчовин, инсонда унинг ҳар ёнин, хилларин, тафаккурнинг аслда нимадан иборат эканин очиқ аниқ айтиб беришга инсоннинг кучи етмайди. Фикрнинг ҳад ва ҳисоби йўқдир. Унинг натижа ва самараларининг ҳудуди ҳам йўқ, ул андозанинг фавқиндадир, тафаккурнинг фойдаси илм ва маорифнинг қупайишидир. Рухда илм ва маърифат йиғилиб, бири дигари ила узига махсус бир тартиб узра уюшқондан сунг, шулардан тагин бошқа турлук илмлар ва маърифатлар туға берадир. Булар яна бирга туллана ва боғлана борадилар. Қисқаси, инсонда ҳосил этилган ҳар маърифат узидан илгари ҳосил этилган маърифатларнинг натижаси булуб, бу ниҳоятсиз улароқ ҳамон шул равишда борадир. Инсонда илм ва маърифатнинг шу тарзда бири дигаридан туғуб орта бориши фақат улим илагина узулуб туғтайдур. Бундан саксиз юз йил илгари руҳий ҳоллар ҳақидаги Ғаззолийнинг юритган шу тадқиқоти, берган шу маълумоти туғри айтқонда, бу кунларда «Оврүпа» мутафаккирлари тарафидан берилиб тургон маълумотнинг «матн»ию хулосасидир (суз узайтмоқдан сақланиб хотира ҳақидаги тадқиқотларин бунда ёзмадик.)

Ғаззолий айтадир: куб кишилар илмнинг қупайишидан қурқадирлар; куб илм таҳсил қилишдан бошқаларни ҳам манъ қиладилар. Уларнинг бу ишлари узларида илм ва маърифатдан туб ва асосий сармоя йўқлигидан; ёки илмлари бўлса-да, шуни ишлата билмаганликларидан ишланадир. Ул шундай бир маориф сармосидирки, унинг соясиди илмлар уз-узидан туға борарлар эди. Бунинг мисоли нақ бир пулсиз фақир кишидир. Бундай йўқсул киши пулдор киши каби топиш ва фойда кура олмайди. Ёки у янглиг одам ақчаси бўлса-да, тижорат ва саноят йулин билмаган бир кишига ухшайдики, бу хил одам албатта пулдан, сармосидан фойда кура билмас.

Нақ мана шул киши каби узиди ҳосил қилингон асл маърифатларни истемол қила билмаганлик ҳам у маърифатларни барин узариш-ла уюштириб, шулардан матлуб булгон натижаларни туғдира билмаганлик сабабли одам илм ва маърифатнинг лаззатини ҳам билмайди, шунинг учун илмга душман буладир.

Инсоннинг узиди сармоя ҳукмида булгон туб маърифатни қандай йул ила қуланмоқ, ундан қандай натижа ва самаралар чиқармоқ йулларин билмак учун бир неча турлук йул булушга мумкин; лекин куб вақтда бу тарбия ва таълим орқасиндангина урганилади.¹

Бу ерда шуни ҳам ёзиб утушни лозим топамиз. Ғаззолий қувваи фикрия ва бошқа ҳамма руҳий ҳолларнинг ҳайвонларда ҳам борлигин, инсон фақат қувваи фикрия ва ақлиясининг даражаси бирлагина бошқа ҳайвонлардан айрилгонин очиқ баён қилгон.² Шунга қўшимча қилиб, инсонларда қувваи фикрия ва бошқа ҳайвонларда қувваи матхила борлигин ёзгон.

Умуман, бошқаларнинг руҳий ҳолларин англамоқ учун энг ул узингдаги руҳий ҳолларнинг ҳаммасин билмакни, турлук йуллар ила шуларни тажриба қилмоқни «Мезон-ул-амал» ва бошқа асарларида лозим топадир.

Шарқ фан тарбияси ва Ғаззолий

Шарқ фан тарбияси тарихида Ғаззолий Оврүпа тарбия фани тарихида «Руссо»нинг урнин тутадир. Тарбия масаласида «Руссо» Оврүпада қандай таъсир қурсатган бўлса, Шарқда Ғаззолий ҳам шундай таъсир қолдиргон. Ҳижрий ҳисоб ила 5 нчи аср бошларида Шарқда фан-тарбия мутахассисларидан икки буюк тарбия олими (педагуғ) утубдир. Уларнинг бири Исфажоний, дигари бин Мискавиядир.³

Ғаззолий эса шундоғ педагуғларнинг учинчисидир. Ислому ва ҳам Оврүпа олимлари Ғаззолийни фақат бир файласуф, фикҳ ва тасаввуф устози деб танийдир. Ҳатто Шарқда Шарқнинг уз буюк одамларин танитмоқ учун бутун умрин сарф қилгон муҳаққиқ Ризо қози (Ризоуддин бин Фахруддин) ҳам «Имом Ғаззолий» унволик китобида Ғаззолийнинг «педагуғ»лигига ва улуг бир тарбия олими эканлигига оз ва юмшоқ диққат берубдир. Унинг куб фанний ҳам асосий тарбия назарияларига ва ҳатто энг аҳамиятликларига бу зот ҳам, нима учундир, эътибор ила боқа билмаишдир.

Ҳолбуки, Ғаззолийнинг Ғаззолийлигин бизга очиқ курсата билган жиҳатининг бири унинг Оврүпа маъниси ила катта бир тарбия олими ва чин бир Шарқ «педагуғи» булмоқлигидир. Унинг «Иҳе»си, хусусан «Мезон-ул-амал»и Шарқ фан-тарбияси тарихида гоят аҳамиятлик бир асардир.

Айниқса, «Мезон-ул-амал» чин маъниси бирла фан-тарбия китобидир. Бу китобда Ғаззолийнинг тарбия назариялари, қонунлари, қоидалари, ургатиш йуллари хулоса қилингон.

Қисқаси, Ғаззолий ҳам жисмоний ва ҳам руҳоний тарбияга оид куб қийматлик асослар баён қилиб утганларнинг биридир. Шарқ илми руҳида ҳам бу олимнинг буюк хизмати бор, шунинг учун илми руҳ олими саналса ҳам ҳақликдир.

¹ «Иҳе», ж. 3, с. 96, 3.

² «Мезон-ул-амал», с. 26.

³ «Иҳе», ж. 4, с. 3, 6, 7.



Расул Носиров,
фалсафа фанлари доктори,
Тоҳир Каримов,
фалсафа фанлари номзоди.

Беруний: билишда холислик ва ҳақиқат мезони

Илмий тадқиқотларда холислик ва нохолисликнинг ўрни масаласи Марказий Осиё халқлари илк ўрта асрлар даври фалсафаси ва табиатшунослиги машҳур вакиллари илмий тафаккурининг диққат марказида турганлиги бизга маълум. Уларнинг бу муаммонинг ижобий ҳал этилишига жиддий қизиқишларининг боиси шундаки, ҳодисалар, нарса — буюмлар ички моҳиятига янада чуқурроқ ва ҳар томонлама кириб боришнинг янги истиқболлари ушбу масалага қандай тарзда ёндашишга, унинг илмий-амалий аҳамиятига нақадар даражада эътибор қаратилишига боғлиқдир.

Масалан, улуг аллома Абу Наср Форобийнинг таъкидлашича, тадқиқотчи ниятининг поклиги ва унинг назарий тафаккурга содиқлиги воқеий ҳодисалар хосса, хусусият ва моҳиятини холисона баён этилиши ва илмий жиҳатдан тушунтириб берилишини энг муҳим ва ҳал қилувчи шартларидан биридир: Бунинг сабаби шундаки, табиий ва ижтимоий ҳодисалар тўғрисида кўп ва хилма-хил маълумотларга эга бўлишнинг ўзи ҳам яхши фазилат ва бу муайян шахснинг қизиқиши ва эҳтиёжлари доирасининг кенглигини кўрсатади. Лекин кўп билишнинг айнан ўзи имом ҳам чуқур мулоҳазалар юритиш, кераклик назарий ҳулосалар чиқариб олишга тўғри, хато ва камчиликлардан холи йўл кўрсатиб бера олмайди, албатта. Форобийнинг эътиқодига кўра, тадқиқотчи шахснинг назарий баркамоллиги аниқ даражада ўз ҳамкасбларига нисбатан баъзан холисона ва адолатли муносабатларда бўлишда халақит берадиган унинг салбий сифатларини бирмунча юмшатиб ёки яшириб кетиши мумкин. Агар тадқиқотчининг шахсий камчиликларига назарий хомакилик ҳам қўшилса, табиийки, у ҳақиқий тадқиқотчи бўла олмайди.

А. Эйнштейннинг фикрича, тадқиқотчида биринчи гада у эришган илмий ютуқлар, натижалардан кўра унинг юксак ахлоқий фазилатлари қадрланмоғи лозим. «Эҳтимол, ҳозирги авлод ва бутун тарихий жараён учун соф интеллектуал ютуқлардан кўра машҳур шахснинг ахлоқий фазилатлари беҳад катта аҳамиятга эгадир».

Бундан кўринадики, тадқиқотчи томонидан қўлга киритилган ҳар қандай ижобий натижа муҳим аҳамият касб этади. Лекин шунга қарамасдан, илм ҳақиқий эътиқодга, ахлоқий идеалларнинг шаклланишига бевосита хизмат қилса, илм ахлоқий камолотнинг самарали ҳосиласига айланса, у ўзининг ҳақиқий маърифий бурчини бажара олган бўлади.

Буюк олим Берунийнинг бу борада баъзи тадқиқотчиларнинг виждонсизлигидан келиб чиқиб айтган сўзлари диққатга сазовордир. «Душманлар, — дея ёздади олим, — ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Улардаги норозилик кўзи рақибда учрайдиган айбларни, камчиликларни ошкор қилишга, хаёлий қусурларни сезишга доимо тайёр турадилар. Дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар эса, аксинча, ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалал этадиган (йўлни) тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар». (Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I-том. Т., Фан, 1968. 74-бет).

Одамларнинг ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларига таъна тошларини отишлари ва бу икки хил қарашларда баъзан ҳаддан ошиб кетишлари ноқулайликларга сабаб бўлади.

Берунийнинг ўз устози Абу Саҳл Абу ал-Маним ибн Нуҳ ат-Тифлисий билан бўлган суҳбати беҳад даражада ибратлидир. Олим устози ҳузурига кирганда, у киши муътазилийлар¹ ҳақида асар ёзган бир кишининг китобини ўқиб, унда муътазилийларнинг сўзларидан айб топиб таҳқирлашини ёқтирмаганларини сезиб юрар эди. Лекин Беруний даврида ўз муҳолифлари фикр-мулоҳазаларига, далил-исботларига бунчалик даражада беҳурматлик билан муносабатда бўлиш, холисона баҳолашдан четга чиқиб кетиш, тарафашлик дардига берилиш тасодифий бир ҳол эмасди. Холислик, илмий муаммоларни тушунтириб беришда холисона ҳулоса чиқариш назарий методик тамойили кўпчилик тадқиқотчилар учун муҳим дастуруламалга айланмаганлиги олим учун ҳеч қандай сир эмас эди.

Шунинг учун Беруний ички бир изтироб билан устозига қуйидагиларни айтади: «Ўз мазҳабига рақиб бўлган ва қарши кишилар йўлини ҳимоя қилишда шундай йўл тутмайдиган киши кам учрайди». (Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. II том. Т., Фан, 1965. 27-бет). Бундай йўл тутиш турли мазҳаблардан бир динда тўпланган кишиларда равшанроқ кўринади, чунки ўз-ўзидан маълумки, у мазҳаблар бир динда тўпланганидан бир-бирига яқин ва аралаш бўлади. Аммо, турли халқлардан, айниқса, асос ва шохобчаларида бир-бирига ҳамкорлиги бўлмаган динлардан келиб чиққан мазҳабларда «бундай йўл тутилганлиги билинмайди ва махфийроқ кўринади», чунки ундай мазҳаблар бир-биридан узоқ ва уларни ўрганиш бекиқдир.

Олимнинг таъкидлашича, ўша даврда битилган кўплаб китобларда ҳақиқат ва ёлгон-яшиқ бири-бири билан шу даражада қоришиб кетганки, уларни бир-биридан осонликча ажратиб олишнинг

¹ Муътазилийлар (арабга ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) илк исломда илоҳиёт оқимларидан бирининг тарафдорлари.

имконияти йўқ ҳисоб. Улардаги ихтилофлар, инсонни ҳайратга соладиган ўринсиз мулоҳазалар, тумтарақай хулосалар ҳақиқий тадқиқотчини таажжублантиради. Натижада, у асарлардаги аҳволни билмаган киши, «агар фазилат арбоби бўлса, уларни ўқитганида бундай эътиқод аҳли ва у эътиқодлардан воқиф кишилар олдида уялишдан бошқа фойда ҳосил қилолмайди: агар паст табиати киши бўлса, у мазаҳбадигиларга ёпишиб олиб, оёқ тирашнингна ҳосил қилади». (Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I том, 86-бет).

Берунийнинг сўзларига қараганда, «Вақтларни аниқлаш» («Мўъжаз алмавоқид») китоби муаллифининг муайян халқларга ён босиши, унинг тарафқашлиги янглиш хулосаларга келишига асосий сабаб бўлган. Бунда олим унгагина хос самимият ва холислик билан маъзур муаллифнинг ютуқ ва камчиликларини батафсил кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Унинг: «Чорак кунлардан каҳиса тузувчи румликлар ва бошқалар ўз тарихларини аввалига Куёшнинг — апрель, сунрияликларча найсон бошида ҳамал буржиги киришини кўйганлар», деган сўзларини рост ва дуруст бўлибгина қолмасдан, балки зарурга ўхшашлигини эътироф этади.

Лекин Беруний унинг ҳиндларга ҳамду сано ўқиб, юнон олимларини камситишни ўринсиз деб билади. Унинг: «Румликлар йилларининг боши ва ўз жойидан силжиганини сезгач, ҳиндлар йилларини ишлатишга мойил бўлдилар. Улар иккала йил ўртасидаги тафовутни ўз йилларига қўшдилар, шунда Куёш қайтадан найсон бошида ҳамал буржининг аввалига кирди. Агар биз ҳам шундай қилсак эди, найсон ўзининг аввалги ҳолига қайтган бўларди», деган сўзларига Беруний кескин эътироз билдиради, чунки у ўз давросига мисол келтирди-ю, уни тамомлай олмади. Бунга унинг қудрати етмади ва ўзининг билимсизлигини кўрсатди. Шундай қилиб, бу муаллиф ўз ҳикоясида румликларга қарши ўринсиз муҳолифатда бўлиб, бошқага ён босди, келиб чиқадиган хулосани сохталаштирди.

Ҳиндларга эргашувчи бу киши қайси кеча-кундуз бараварлигини кўзда тутганлиги ва бу муаллиф ҳикоя қилган нарсани румлик олим қачон ишлатганлиги маъхумдир. Бундан ташқари, румликларнинг астрономик кузатувларда ҳинд олимларига тақлид қилишларига ақл бовар қилмайди. Шунинг учун асосли равишда «румликлар геометрия ва астрономия илмини чуқур ўрганиб, мантиқий далиллар билан иш қилганларидан кейин, ҳийлалар ишлатишдан чарчаб, ҳужжат талаб қилинганда, усул ва қойдаларини ваҳий ва илҳомга нисбатан берувчи кишиларнинг сўзларига илтижо этишдан жуда узоқландилар». (Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I том, 87-бет). Муаллиф томонидан бу оддий ҳақиқатни тушунмасликнинг сабаби шундаки, у румликлар яратган асарларни кўрмаган ва уларни ҳиндларнинг «Зиж синдхинд» деб шуҳрат топган энг машҳур китоби билан солиштирмаган.

Берунийнинг эътиқодига кўра, воқеликни холисона баён этиш ва таҳлил қилиш, уни илмий жиҳатдан асослаб бериш учун тадқиқотчи оғир меҳнат ва изланишларини қадрсизлантирадиган ғаразгўйликка қарши доимий кураш олиб бориши беҳад даражада зарурдир. Изланишларда муаллифларга нисбатан беғаразлик тамойили талабига кўра, «муаллифга нисбатан нафратдан келиб чиқиб биронта нарсани ташлаб ўтиш ёки сохталаштириш, муаллифнинг бошқа масалалар юзасидан йўл қўйган янглишлари туйфайли ҳақиқатдан воз кечиш» тубдан зиддир.

Буюк аллома илмий тадқиқотнинг туб иллоти бўлган ғаразгўйликни қоралаб, у «кўрар кўзларни кўр, эшитар кулоқларни кар қилиб, ақл эътироф этмайдиган нарсаларни қабул этишга қақиради», деган ҳаққоний хулосага келадики, бу ўғит барча илм аҳлига намуна бўлмоғи лозимдир, албатта.

Бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Мулоқот» ойномасида чоп этилган «Тарихий хотирасиз келажақ йўқ» деб аталган мақолаларидаги баъзи фикр-мулоҳазаларга эътиборни қаратмоқчимиз. Тарихни, шу жумладан тарихий-фалсафий жараённи ўрганишдан мақсад кишиларни руҳий қувват билан қуроллантиришдир. Бунинг учун эса ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммосидир. «Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ». (Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. «Мулоқот» журнали. 1998. № 5, 13-б.).

Бунинг учун тарихий воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, мантиққа асосланган фикр-мулоҳазалар, нурли ғоялар, холисона назарий хулосалар, ақл тарозисида таққосланган илмий умумлашмалар яратиш лозим. Шу йўл билангина «хар бир халқ ўз тарихини хар хил таъсир ва таъжувлардан асраши керак. Беғараз бўлмаганга, турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверадилар. Ҳатто чет элда ҳам чиқариши мумкин. Дунёда дўст бор экан ганимлар ҳам бўлади», деб огоҳлантирадиган ўша мақолаларида Президентимиз Ислоҳ Каримов.

Беруний воқеликни илмий тадқиқ этишда холислик тамойилига риоя қилган тадқиқотчилар фаолиятига юксак баҳо беради. Олим Закарий ар-Розийнинг устози, диний мазаҳаблар тўғрисида рисолалар битган нишопурлик Абул Аббос Эроншаҳрий шаънига илиқ сўзлар айтади. Абул Аббос Эроншаҳрийдан бошқа оғишмай ва икки юзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман, дейди Беруний. Бунинг сабаби сифатида у кишининг ўз китобларида бирорта ҳам динга очикдан-очик ёки пинҳона равишда тарафқашлик ёки қаршилиқ қилмаганлигини кўрсатади.

Мутафаккир қолдирган маълумотларга қараганда, Абул Аббос Эроншаҳрий яҳудийлар ва насороларнинг динларини, Таврот ва Инжилнинг мазмунини яхши ҳикоя қилган, ҳатто йўқ бўлиб кетган дин ва халқлар хабарини тўлиқ ва ишончли қилиб ёритиб берган. Лекин ҳиндлар ва шаманийларга келганда, «Абул Аббоснинг ўқи нишондан четга кетиб, охир бориб Зуркон номли китобга теккан».

Беруний илмий тадқиқотлар натижаларидан чиқарилган барча хулосаларнинг холислиги учун кураш олиб бориб, улар олдига қўйилган илмий мақсадни чалкаштирадиган ва қутилган натижада эришишга ҳалақат берадиган барча шакл-шамойиллар ва воситаларни қоралайди. Мақсад муайян фикр-мулоҳазаларнинг қай бири ҳақиқат, қай бири эса ноҳақиқатлигини аниқлаш зарурати эканлигини чуқур ҳис қилган мутафаккир, баҳслашувчи томонларнинг қарашларига шундай холисона ёндашиш лозимки, токи улар бизда ғаразгўйлик ва ёлгончилик кўриб, дилларига шубҳа туғилиб, биздан юз ўгирмасинлар, деган оқилона хулосага келади. Шунинг учун унинг ўзи муҳолифларининг қарашларига қарши ўринсиз ҳужум қилмайди ва уларнинг фикр-мулоҳазалари ўзининг қарашларига зид келиб қолган тақдирда ҳам мисол тариқасида кўрсатиб ўтишни маъқул ҳисоблайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, олимнинг бегаразлигини, холислигини ҳеч қачон фактларни оддийгина баён қилиниши, муайян назарий хулосалар чиқаришдан чекинишга асосланган объективизм рўҳиятида талқин қилмаслик лозим. Ўз ғояларини ҳар томонлама асослаб беришда у бепарволикка эмас, балки ижодий жўшқинлик, бунёдкорлик ғайрат-шижоатига амал қилган мутафаккирдир. Шунинг учун у доимо ҳам муҳолифини ўринли тарзда танқид қилишдан ўзини тийиб туриш фойдали ишга пугур етказиш деб билади. Вақти-вақти билан, «аниқ зарурият» сезилган пайтда, аёвсиз танқид воситасига мурожаат қилиш беҳад даражада муҳим ва кераклидир. Бу борада Беруний ҳамма жиҳатдан ҳақлидир, чунки биздан аввалги аждодларимиз қолдирган бекиёс даражада кадрли ва қимматли меросни, илмий маълумотларни танқидий «ҳазм» қилмасдан туриб, илмий билиш позициясида мустаҳкам мавқега эга бўлиш мумкин эмас.

Мутафаккирнинг илм-фан жабҳасидаги жонбозлиги, унга хос бўлган танқидий руҳ, объективлик тамойили олим илмий меросини ўрганувчи тадқиқотчилар томонидан тезда пайкаб олинган эди. Масалан, мутафаккирнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Хронология») ва «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» («Ҳиндистон») каби асарларини илк бор тадқиқ этган олим Э. Захау унинг «Ҳиндистон» асаридаги «танқидий руҳ» тўғрисида гапириб, «уни бу борада бутун Яқин ва Урта Шарқда биронта нарса билан қиёслаб бўлмайди, уни аслида XIX асрнинг танқидий руҳи билан қиёслаш мумкин», деб ёзган эди. Таниқли рус шарқшуноси В. Розен Беруний тафаккурининг ижодий услуби ва новаторлик маҳорати тўғрисида илқ сўзлар айтиб, юқори баҳо беради. Унинг мулоҳазаларидан келиб чиқадиган бўлса, мутафаккир «диний, ирқий, миллий ёки кастачиликка хос хурофотлардан ва тасаввурлардан бутунлай ўзини эркин ҳис қилган, янги фаннинг энг қудратли куроли бўлган қиёсий методни юксак маҳорат билан эгаллаб олган, илм чегарасини очик-равшан тушунадиган, сукутни кўпгина фактларга асосланмаган ёки етарли даражада текширилмаган фактларга асосланган хулосалардан афзал кўрган бегараз, эҳтиёткорона кейинини ўйлаб иш тутадиган танқиднинг нафаси уфуриб туради» (Ханна ал-Фахурий. История арабской литературы. Т. 2. М., 1961, с. 231).

Хозирги замон араб тарихчиси Ханна ал-Фахурий ўзининг икки жилдан иборат «Араб адабиёти тарихи» китобида Форобий, Беруний, Ибн Синодек буюк қомусий олим ва мутафаккирларга атиги бир қанча саҳифа жой ажратган, ҳолос. Лекин бундан қатъий назар, ал-Масъудий (вафоти 940 й.) асарлари тўғрисида фикр юритаётган экан, куйидагиларни ёзади: «Унинг рисолаларида ҳақиқий маълумотлар уйдирмалар билан қоришиб кетган, чунки ал-Масъудий аслида тадқиқотчи эмас эди ва ал-Берунидан фарқли ўлароқ, ҳақиқий, ишончли маълумотларга асосланишга уринмаган. У афсоналар ва уйдирмалардан ҳазар қилмай, юзак маълумотлар билан қониқиш ҳосил қилган. Фактлар ва воқеаларни унинг томонидан баён этилишида мантқиқий изчиллик учрамайди, ҳикоя қилиб бериш турли-туман чекинишлар билан тўлдирилган» (Ханна ал-Фахурий. История арабской литературы. Т. 2, М., 1961. с. 231).

Аммо Э. Захау, В. Розен, Ханна ал-Фахурий ва бошқаларнинг юксак баҳо ва хулосаларига қарамасдан, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Беруний тадқиқотчилардан илмий фаолиятда бегаразлик ва адоватдан ҳалос бўлишни талаб қилган бўлса-да, унинг ўзи ундан бутунлай қутила олган, дея олмаيمиз. Биринчидан, ҳақиқий илм-фан ўзи тўғрисида журъатсизлик билан кишиларни хабардор қилаётган бир вақтда олимлардан объективлик тамойилига сўзсиз амал қилишни талаб этди шунинча, албатта. Иккинчидан, Беруний ўз кадр-қимматини биладиган, кўнгул нозиктаб, ўринсиз муомиладан дили ранжийдиган инсон эди. Эҳтимол, шу тўғрисида бўлса керак, у ўзининг «Фармакология» («Китоб ас-Сайдана фи-т-тиб») асарида, гарчи «Тиб қонуни» ўзининг оригиналлиги билан «Фармакология»дан устун бўлса-да, Ибн Сино номини бирон марта ҳам тилга олмайдди. Хоразмлик олим, ал-Байҳақийнинг фикрича, ўзининг Ибн Синога берган саволларида файласуфга эмас, балки, ҳатто, оддий кишиларга қилинмайдиган муомалада мурожаат қилади. (Багиров С. Г. Сочинение «Татимма сиван ал-хикма» ал-Байҳақи как образец средневекового энциклопедического справочника. Т. Фан. 1987, с. 40). Бундан ташқари, уларнинг илк ёзишмаларида берилган саволларга Ибн Синонинг аниқ даражада манманлик ва дағаллик билан жавоб қайтариши ҳам муайян рол ўйнаган бўлиши мумкин. Кўпгина маълумотларга қараганда, 1002 йили Ибн Сино Хоразм олимлари томонидан ҳурмат-эҳтиром билан қутиб олинганлиги тўғрисида хабар қилинади. Лекин Ибн Сино ҳаётининг Хоразмда яшаган даврида (1002—1013) у билан Беруний ўртасида қандай муносабатлар шаклланганлиги ва улар қандай характер касб этганлиги қанчалик муҳим ва қизиқарли бўлмасин, ҳозирча бу биз учун сирлигича қолмоқда.

Беруний давридан анча вақт ўтгандан кейин ҳар қандай илмий тадқиқотнинг дастлабки муҳим талабларидан бўлган холислик, ҳақолик, бегаразлик, ҳаққонийликнинг ижобий аҳамияти тўғрисида машҳур инглиз файласуфи Ф. Бэкон (1561—1626) ҳам ўз асарларида куйинги гапирга бошлади. Ф. Бэконнинг фикрича, «фаолиятдаги ҳаққонийлик ва тўғрилик инсон табиатининг иззатнафсини ташкил этади ҳамда уларга ёлгон-яшиқни қўйиш олтин ва кумуш чақалардаги аралашмага ўхшайди; бу, эҳтимол, металл ишлов беришни яхшилар, лекин унинг софлигига пугур етказди». (Бэкон Ф. Сочинения. Т. II. — М., 1978. с. 355).

Мана шунинг учун «Унутилган ҳақиқат. Метафизик муаммоларнинг сабаби ва уни бартараф этиш» китобининг муаллифи Г. Кастнернинг фикрини ўринли дейишга ҳеч қандай асосимиз йўқ. Унинг таъкидлашича, Фарб тафаккурига борлиқни объектив тарзда асослаб бериш майли хосдир, Шарққа эса, аксинча, борлиқни мустақил тафаккур воситасида ёритиб беришга ҳаракат қилиш умумийдир. Бу майлларнинг иккалasi ҳам муаллифни қониқтирмаганлиги тўғрисида у ўз олдига объективлик тафаккурининг «ақидапараст»лигини танқидий тарзда бартараф этиш мақсадини қўяди. Пировард натижада Г. Кастнер И. Кант фалсафасига қайтишни ягона реал имконият деб даъво қилади.

Хуллас, буюк аллома Беруний томонидан илмий тадқиқотда холислик, бегаразлик тамойиллари масаласига алоҳида эътибор билан қаралиши муҳим фалсафий аҳамият касб этди, уларнинг қомил ишонч билан назарий тафаккур соҳасига кириб келиб, мустақил мақомга эга бўлишини таъминлаб берди.

Инсон тафаккури тарихи қадимдан ҳақиқат билан янглишиш, эзгулик билан ёмонлик ўртасидаги чегарани аниқлаб олиш мақсадида самарали воситани излаб топишга қараб йўналгани ва ривожланиб борганлиги маълум. Табиийки, бундай восита қўлланмасиз илм-фанда, билиш жараёнида истикбол сари илгарилаб бориш мумкин эмас.

Беруний бундай заруриятни чуқур ҳис қилган мутафаккирдир. У бундай мезоннинг мавжуд эканлигига қомил ишонч билан қараган. Олим ҳиндларнинг «Одитья-пурана» китобида Меру

тоғининг баландлиги, унинг шарқ томони тилладан, ғарб томони қумушдан, жануб томони қизил ёқут ва шимол томони эса хилма-хил қимматбахо тошлардан иборат эканлиги ҳақидаги маълумотларни шубҳа остига олади. Бу тоғнинг ҳаддан ташқари катталиги Ернинг ҳажми миқдорида таърифланмаганда, дейди у, «муболага четланмай, «Патанжали» китобига шарҳ ёзган киши каби муболага билан сўзловчига ёлғончилик эшиги очилар эди».

Лекин бундай муболага билан сўзловчининг ёлғон-яшиқ, турли хил янглишишлар, хато ва камчиликларни бартаграф этиш имконияти йўқ эмас. Бунинг учун ҳар қандай фикр-мулоҳаза, ҳукм, хулосанинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлай оладиган ягона ҳолис мезон ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш зарур, чунки мунозарали масалаларни баҳслашувчи томонларнинг кўпчилик овози билан ҳал этиш доимо ҳам ижобий натижага олиб кела бермайди. Ҳақиқат кўпчилик овоз билан тантана қилади, деювчи баъзи олимларнинг фикри Берунийни қониктирмайди. У аксарият тадқиқотчиларнинг, агар араблар ва эронликлар ўзро метеорологик ҳодисалар тўғрисида ҳамжиҳат фикрда бўлсалар, ёлғончиликлар борасидаги тахминлар ишончли кучга эга бўлар эди, деган ҳомхаёл мулоҳазаларини кескин танқид қилади.

Ҳақиқатан ҳам йилнинг ҳар хил кунларида турлича қадир бўладиган метеорологик ҳодисаларнинг аниқ сабабларини белгилаб олиш беҳад даражада мушкул масаладир. Лекин бу қийинчиликка қарамадсан, Берунийнинг методологик мақсади ва унга эришиш восита ва йўллари аниқ. У ҳар қандай масалани узил-кесил ҳал этишни тажриба, синов ғарданга юклаш лозим деб ҳисоблайди. Тадқиқотчилар ўзларининг аниқ хулосаларига келишларидан олдин йилнинг, фаслларнинг, ойларнинг хусусиятлари, ҳоссаларини, бу пайтда иссиқ ва совуқлик, ёлғончиликнинг миқдорини таҳлил қилмоқлари ва ақл-фаросат билан иш тутмоқликлари лозим. Агар уларнинг тахминлари астрономия фани асослари ва талабларига мувофиқ келса, қутилаётган ҳодисаларнинг содир бўлиши имконияти кўпроқ бўлади, акс ҳолда эса бундай тахминлар ўзини оқламайди, қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Олим ҳақиқатни асослаш масалаларида тажрибанинг ҳал этувчи аҳамиятини эътироф этар экан, уни ҳатто кўпчилик кишилар яқдиллиги ва ҳамфикрлиги билан исботлашга бўлган уринишларини рад этади. Беруний учун икки мутахассис гувоҳлар — Абу-л-Фараж Иброҳим ибн Аҳмад ибн Халаф Зайжоний ва Абу-л-Мансур ибн Абд-ар-Раззоқ беришган гувоҳлик кўпчилик гувоҳларнинг эътирозидан кўра ҳақиқатга ниҳоятда яқиндир. Фикр-мулоҳазалар, ҳукмлар ва хулосаларнинг ҳақиқий эканлигини оддий кўпчиликнинг қўллаб-қувватлаши орқали аниқлаб олишни масофани ихчамлаштириш мақсадида уни қисман қисқартириб ёки узайтириб қабул қилишга қиёслашга ўхшайди. Лекин бундай ҳақиқий масофанинг қимматига путур етади. Кўпчилик фикрини эътиборга олиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш — бу «ҳақиқатни ўрнатишининг йўли эмас», аксинча, муаммони янада чигаллаштиришдан бошқа нарса эмас, чунки ҳар қандай фикр-мулоҳаза ўз моҳиятига кўра, чин ёки янглиш, нотўғри бўлиши табиийдир.

Демак, фикр-мулоҳазанинг тўғри ёки янглиш эканлиги пировард натижада кишиларнинг субъектив қарашларига боғлиқ эмас. Ҳар қандай илмий ғоянинг исбот этилиши ёки рад қилинишидан аввал анча вақт ўтади. Баъзан шундай бўладики, янги ихтиролар, кашфиётлар, илмий ғоялар илгариларига ўхшамаганлиги ёки уларга зид бўлганлиги сабабли кўпчилик томонидан қабул қилинмайди. Аввалги муҳолифлар оламдан кўз юмганларидан кейингина, янги ғояларни тан олишга, уларнинг тантанасига кенг йўл очилади, ҳолос. Шунинг учун фикр-мулоҳазалар, ҳис-туйғулар, кайфиятлар кураши ҳақиқатни излаш жараёнида фаол иштирок этса-да, асли ўз ҳолича илм-фан соҳасида билимнинг аниқ ва ҳақиқий эканлигини исбот эта оладиган ёки уни рад этишга қодир объектив мезон вазифасини бажара олмайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, воқеликни билиб олишда янглишишлардан қутилиш ва хатоларга йўл қўймасликка интилиш, ўта эҳтиёткорлик, чидам-бардошлик Беруний шахсига хос кам учрайдиган юксак фазилатдирки, унинг илмий фаолиятидаги бу муҳим жиҳатни турк тадқиқотчиси А. Сайили зўр эътибор билан тилга олиб ўтади. Олимнинг ҳақиқат мезонига бунчалик даражада масъулият билан қарashi уни кўпгина мураккаб муаммоларга ўзгаларга нисбатан бошқача ёндашишга, янги ечимлар яратиш, илмий масалаларни рўйроқ кўйишга олиб келди.

Берунийдан аввал Форобий ҳам илмий ғояларнинг асосланишига ва ёлғон-яшиқ тасаввурларнинг раддига беҳад даражада катта эътибор билан қараган. Унинг фикрича, фикрнинг равонлиги, унинг мантиқ илми талаблари асосида тўғри тузилиши билимнинг ҳақиқатлиги, шубҳасизлигига далолат берувчи муҳим шартлардан бири эканлигини таъкидлаган. Ҳар қандай ҳукм аслида икки хил мазмунга эга бўлиши мумкин, яъни, у ҳақиқий, аниқ билим ёки янглиш, ёлғон-яшиқ шаклларида намоён бўлиши мумкин. Мантиқ илмидан беҳабар киши турли хил фикр-мулоҳазаларни эшитар экан, улардан қай бири тўғрию қай бири нотўғри эканлигини пайқаб ололмайди, ақл «тарози»сининг қайси томонига мойиллик билдиришга қийналади, тўғрисини танлаб олишда шубҳаланади. Натижада, мақолда айтилганидек «кечаси ўтин ёрамыз». Табиийки, бундай кишининг ўзининг қатъий далилларга суянган шахсий фикрига эга бўлиши мумкин эмас, у кимнинг фикри жозибалироқ ва ўзига ром эта оладиган даражада бўлса, унинг асл мазмуни ва моҳиятидан қатъий назар, унга қўшилиб қўя қолади.

Ибн Синонинг сўзларига қараганда эса, ҳар қандай билим авваламбор ақл «тарози»сида сигналмоғи шартдир. «Ақл тарозисида чамаланмаган ҳар қандай билим ҳақиқий билим бўла олмайди». Модомики, ақл билан иш юритадиган барча соҳаларда тушунчалар, атамалар, ҳукмлар, хулосалар хато ва камчиликлардан холи эмас экан, мантиқ фани талабларига амал қилиш аподиктик соҳалар (исбот-далил талаб соҳалар) учун шартдир. Биз мантиқ фани қонун-қоидалар талабларига риоя қилган ҳолда, аввал, билиб олган нарсаларимизга асосланмас эканмиз, ҳеч вақт янги билимни қўлга киритишда унинг ҳақиқий мазмунини аниқлай олмаймиз.

Форобий ҳақиқатни исботлашда соф шаклий-мантиқ воситаларидан фойдаланиш билан чекланиб қолмайди. У бу борадаги бепарволик, илмий тадқиқотлардаги парокандалик нотўғри тасаввурларга олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди. Кўпгина ақли расолар фикр-мулоҳазалар, ўз-ўзини синаб кўриш, баҳслар, ўзаро тортишувлар, масалани ҳар томонлама кўриб чиққандан сўнг бир жойга тўпланишар эканлар, уларнинг исбот этилган ва яқдиллик билан маъкул деб топилган эътиқодидан тўғрироқ бошқа нарса бўлмайди. Бундан келиб чиқадикки, Форобий ақл, тафаккурнинг шубҳага ўрин қолдирмайдиган қонунларига ҳар томонлама асосланган ва уларга амал қилган ҳолда фаннинг муҳим ижтимоий вазифаларини тушунган, ўз илмий изланишларида улардан келиб чиққан.

Дарҳақиқат, илм аҳли ўртасида ҳалол, ҳолисона баҳс, мунозаралар юритиш имкониятлари

бўлмас ёки чекланар экан, табиийки, ҳақиқатни янглишидан, ёлгон-яшиқдан фарқлаш, уларнинг чегарасини белгилаш масаласи ҳам ўзининг ечимини топа олмайди. Ҳақиқатни турли далиллар, ашёвий исботлар асосида аниқлаш жараёнида тадқиқотчининг бевосита иштироки, шахсининг характери, қолаверса, унинг эҳтироси, кайфияти, ҳис-туйғуси, унинг фанда эришган реал мавқеи ҳам аниқ аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бир хил доно фикрни аслида донишманд ва ёш бола забонидан ҳам эшитиш мумкин. Лекин у донишмандда донолик муҳри билан муҳрланган бўлса, болада эса у тасодифан айтилган, ҳеч қандай эътиборга лойиқ бўлмаган сўзлар йиғиндисидан иборатдир.

Лекин Форобий билиш таълимотида эришган қатор муҳим ютуқлари, башоратлари, муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама талқин қилишига қарамасдан, у ҳақиқатни янглишиш, ёлгон-яшиқдан фарқ этишга қодир бўлган объектив мезон мавжуд эканлигини сезмади. Мутафаккир кўп ҳолларда шахарларда ва уларда истикомат қилувчи кишиларнинг «амалий фаолияти» ва ҳар қандай илмий ечимини қабул қилишдан аввал амалга ошириш зарур бўлган кузатувларнинг муҳимлиги тўғрисида катъият билан мулоҳазалар юритса-да, аслида тажриба ва кузатув ҳақиқатнинг асоси ва мезони сифатида олинмайди. Муҳокама ва эътиқод бошқа мавжуд муҳокама ва эътиқодга мос келган тақдирдагина ҳақиқий бўлади, деб ёзади Форобий.

Муайян билимини асослашда Беруний ҳам фикрнинг формал жиҳатдан тўғри шаклланиши муҳим талабларига риоя қилади. Олим анъанавий мантиқ фани қоидалари ва қонунларига оғишмасдан риоя қилиш ҳар бир жиддий илм-фан намоёнчаси томонидан ифода этилган гоёларнинг тўғри ва аниқлигига қафолат берувчи муҳим шартларидан биридир. Ҳар қандай билим тушунча ва атамда акс этган бўлиб, у мантиқ талаблари синовидан ўтмоғи лозим. Одамлар илмий ва диний муаммолар юзасидан ўзларининг муҳолифлари билан баҳс-мунозараларга киришар эканлар, уларнинг мантиқан тўғрилигига мурожаат қиладилар.

Бахшлашувчи томонлар ўз нуқталарининг тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатиб берувчи ҳолис гувоҳга муҳтождирлар. Мантиқ гувоҳлигида шубҳа туғдирувчи тасдиқ текширилиб кўрилади ва ўрни жоиз бўлса тuzатилади. Мантиқ илмининг яратилиши тасодифий бўлмасдан, балки ҳақиқатни янглишишдан фарқ қила оладиган мезонга бўлган амалий эҳтиёждан келиб чиққан. Инсоннинг ақлий фаолиятида доимо ишлатиладиган қиёслар (силлогизмлар) фикр йўналишини янглишишга элтадиган ёлгон ва алдовга буриб юбориладиган таъсирга берилиши ёки ҳақиқат йўлини чароғон қилувчи шўълага айланиши ҳам мумкин. Мантиқ бахшлашувчи томонларга муайян қонун-қоидалар асосида тўғри фикрлашга, аниқ, шубҳасиз билимнинг ноаниқ, шубҳа туғдирадиган билим билан аралашиб кетишининг олдини олишга хизмат қилиши лозим.

Лекин ўз ҳўлича фикрнинг соф шаклан тўғрилиги унинг ҳақиқат ёки ёлгон-яшиқ эканлиги масаласини узил-кесил ҳал қилиб беришга қодир эмас. Баъзан у билан меъёрдан ташқари машғул бўлиш, унга чексиз даражада берилиш, «жисмларни билиш етарли эмас, уларнинг номларни билиш муҳимдир», деган хулосага олиб келиши мумкин. Натижада тадқиқотчи фanning долзарб муаммоларидан қалғиб, унга хос бўлмаган схоластик машқлар, енгил-елпи ивланишлар жозибасига ром бўлиб қолади.

Ҳар ҳолда шуни ҳам асло унутмаслик керакки, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби ўз даврининг буюк мутафаккирлари илмий билиш жараёни мантикий изчилликсиз рўёбга чиқиши ақлга эиддир, деган хулосага келадилар ва ўзларининг муҳолифларига хос иррационализм, мулоҳазалардаги мантикий ноизчиллик қораланади. Шу билан бир қаторда енг аввалига Беруний билан Ибн Сино фалсафа ва табиатшунослик жаҳон тарихида биринчилардан бўлиб, гарчанд мантиқ фани инсон яратган фавқулодда муҳим, қудратли восита бўлса-да, у мустақил равишда ҳақиқат мезони ғносеологик вазифасини бажара олмаслигини ўқиб оладилар. Бунда уларга хос бўлган ақлзаковатнинг сергаклиги, узокни кўра билиш, ўз ўтмишдошлари ва замондошлари яратган меросга танқидий ёндашиш, айримликда умумийликни ҳис этиш интуицияси, энг муҳими — замон талаб ва эҳтиёжини чуқур мушоҳада қилиш яққол намоён бўлади.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, қадимги юнон фалсафаси, умуман фани, табиатни аниқ ўрганиш куртақлари, илм-фан, маданият эришган муайян ютуқларга қарамасдан, инсон билимининг ҳақиқатлигини аниқлайдиган объектив мезон бўлиши мумкин эканлигидан беҳабар эди. Гарчи Арастуда, масалан, «тажриба» тушунчаси тез-тез учраб турса-да, у «муайян нарса тўғрисидаги кўпгина хотиралар» сифатида талқин қилинади. У бундан келиб чиқиб, Ерниинг барқарор ҳаракатсиз эканлигини, худоларнинг мавжуд эканлигини эътироф этади. Худоларнинг мавжудлигига далил тарихида уларга кўнлаб халқларнинг, жумладан, варварлар ва эллиларнинг илохий кучларга сиғинишлари асос қилиб олинади. Форобий Арастудан фарқли ўлароқ билимнинг муҳим методи ва шакли ҳисобланган тажриба тушунчасидан унумли ва самарали фойдаланди. Лекин тажриба унинг учун инсон билимларининг ҳақиқий мезонига айланмади.

Ибн Синонинг асарларида эса тажриба етакчи ўринни эгаллайди. Тажриба ҳар қандай билимларнинг ҳақиқийлигини аниқловчи асосий мезон сифатида талқин қилинади. Ифодаланаётган фикрнинг равшанлиги, билимларни тушунтириб бериш ва уларни бошқаларга етказишнинг соддалиги гарчи жуда ҳам муҳим бўлса-да, улар ҳақиқатни исбот қилиб бериш учун асос бўла олмайди. Масалан, қадимги замонда файласуфлар ва табиблар юрак бажарадиган ишга ҳар хил нуқтаи назардан туриб ёндашганлар. Кўпчилик файласуфлар фикрига кўра, юрак инсон баданининг шундай аъзосики у муайян қобилиятнинг бошланиши бўлиб, уни бошқасига узатади. Табиблар эса бундай фикрга қарши чиқадилар. Синчиклаб текширилиб чиққанда кўпчилик файласуфларнинг фикри тўғри эканлиги аниқланади. Лекин бир қарашда табиблар фикри равшандек туюлади.

Ибн Синонинг ҳақиқат мезони сифатида тажриба, кузатув, синонга мурожаат этиши мусулмон шарқ халқлари фалсафий ва табиий-илмий фикр тараққиёти тарихида муҳим воқеа эди. Олим ундан методологик дастуруламал сифатида фойдаланиб, тиббиёт соҳасида кўпгина амалий ва назарий натижаларга эришди, табиатшуносликда турли хил хурофий тасаввурларни илм-фанга киритишга бўлган уринишларга зарба берилди, илмий билиш таълимотини янада ривожлантирди.

Лекин шунга қарамасдан, тажрибадан самарали фойдаланишда, уни ҳақиқатнинг асоси ва мезони деб талқин этишда ҳеч бир мутафаккир Беруний даражасига ета олмади. Олимнинг тасаввурларида ҳеч қандай моддий ёки маънавий восита тажрибаниннг илм-фан соҳасидаги асосий мезонлик вазифасини бажара олмайди. Шунинг учун «тажрибада текшириб куришдан бошқа си-наб кўрилган ҳеч қандай кўрсаткич, ютуққа элтадиган биронта дастуруламал йўқ». Унинг фикрича,

хабар етказувчиларнинг берган маълумотлари тўғри эканлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди, чунки улар одатда ўзлари билган нарсаларни бошқаларга на охиригача етказишни истамайдилар, кишиларни алдаш мақсадини кўзлаб уларни яширадилар, ўз манфаатларига мувофиқлаштириб ҳикоя қиладилар. Натижада муайян масалалар борасида ўринсиз миш-мишлар тарқалади, хабарларга бўлган шубҳа вақт ўтган сари ошиб боради. Кўпинча уларни бартаураф эта оладиган ишончли восита топилаб қолмайди. Мана шундай мураккаб вазиятда тажрибага мурожаат этиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундан келиб чиқиб, тажриба билиш таълимнинг муҳим тамойили эканлигини эътироф этиш илмий тадқиқотларнинг натижаларини олдиндан белгилаб беради. Беруний: «Биз бу тамойилдан ҳеч қачон чекинмаймиз», дейиши билан, ўзининг ҳақиқат мезони бўлган тажрибага муносабатини аниқ ва равшан намоён қилади.

Ҳақиқат мезони Беруний амалга оширган илмий изланишларда, билимларни турли-туман хурофотларга қарши қўйиш масалаларида самарали натижа берди. Уша даврда ҳатто олимлар орасида хурофотга ишониш, жисмларга ғайритабиий хосса ва хусусиятлар хос деган соддадил тасаввурлар кенг тарқалган эди. Берунийнинг ўзи гувоҳлик беришча, ўша даврда яшаган ва ижод этган олим Абу Наср ал-Утбий ўзининг асарларидан бирида ҳар бир нарса ўзининг азалий яширин илоҳий қисматига кўра унгагина хос хусусиятга эгадир, деб таъкидлайди. Масалан, зумраднинг таъсири тугайли жинлар кўзларининг қорачиқлари оқиб тушар, у илон захаридан кишиларнинг захарланишининг олдини олишда беҳад даражада фойдали, зумрад унгагина хос куч билан сомонни ўзига тортиб олар ва ҳоказолар эмиш деган узунқулоқ гаплар тарқалган эди. Аммо Берунийнинг ишончли далиллар асосида гувоҳлик беришча, бундай ҳикоятлар ва афсоналарни тарқатувчиларнинг яқдиллигига қарамасдан, уларнинг ҳақиқий эканлиги кўплаб тажриба, синов ва кузатувлар томонидан асло тасдиқланмайди.

Ҳўш, нега хабарларни бир хил яқдиллик билан кишиларга етказиб берган тарқатувчиларнинг барча маълумотлари олимнинг тажриба ва кузатувларида бирин-кетин барбод бўла борди? Эҳтимол, Беруний уларнинг ҳақиқий бўлиб чиқишидан эмас, балки, аксинча, муаммонинг салбий ҳал этилишидан манфаатдордир? Шунинг учун у қандай бўлмасин масалани сохталаштиришга ёки ҳеч бўлмаганда чигаллаштиришга уриниб кўргандир? деган саволлар тугилиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин масалани илмий тадқиқ этиш Берунийнинг муаммонинг ижобий ёки салбий тарзда ҳал этилишидан шахсан манфаатдор эмаслигини, унинг илмий ҳақиқат ҳар қандай эътиқоддан, муайян қарашлардан, ҳаттоки, бутунлай шаклланган илмий тамойиллардан ҳам юқори туради. Ҳар қандай эътиқод ҳар сафар мураккаб вазият юзага келганда, ўзини яна бир карра синовдан ўтказмоғи лозим бўлади.

Беруний табиат ҳодисаларининг сир-асрорини очиб беришда тарафкашлик, адоватга ён босмасдан, балки тажрибага ошно бўлади. «Мен шу қадар кўп синовлар ўтказдимки, бундан ортик синовлар олиб бориш мумкин эмас. Мен илонни зумрад шодалари билан ўраб қўйдим, у солинган сават тагига зумрадларни селиб ташладим, илонлар олдида илга тизилган зумрадларни силкитиб турдим», дейди олим ўзининг «Қимматбахо маъданларни билиш учун маълумотлар тўплаш» асариде. Зумраднинг илоннинг кўзини хиралаштиришга фаол таъсирини аниқлаш борасидаги тажрибалар тўққиз ой давомида иссиқ ва совуқ пайтларда мунтазам равишда олиб борилди. Олиб борилган тажрибаларнинг объективлиги, уларнинг барча талабларга тўла мувофиқ тарзда уюштирилганлиги ва амалга оширилганлигига шубҳа йўқ. Лекин шунга қарамасдан, Абу Наср ал-Утбийнинг асариде қайд этилган табиат ҳодисалари тўғрисидаги миш-мишлар тўғри бўлиб чиқмади. Зумрадга алоқадор деб ҳаёл қилинган хосса ва хусусиятлар уйдирмадан иборат эканлиги исботланди. У илоннинг «кўз нурини ўткирлаштирган бўлса бордирики», лекин унга мутлақо салбий таъсир кўрсата олмади. Ушбу масала оддий фикр-мулоҳазалар орқали эмас, балки объектив мезон бўлган тажриба асосида ўз ечимини топди.

Берунийнинг ҳақиқат мезони бўлган тажрибага муносабати ўзига хос илмий аҳамиятга эга. Гап шундаки, олим тажрибага ахён-ахёнда эмас, уларнинг кўплаб тақдорланишига мурожаат қилади, бундай тажрибаларнинг натижалари ҳар қандай тасодифий ҳоллардан, юзаки тақлидчиликдан тубдан фарқ қиладди. Бундай йўл тутишга уни фавқулодда эҳтиёткорлик ва ҳалоллик мажбур қилди, масъуляти ҳиссиёти ўз навобатида муҳим натижаларга олиб келди.

Қомусий олим барча илм-фан ҳал этиши лозим бўлган соҳаларда ҳеч қандай истисносиз «тажрибага таянмоқ лозим», деярг экан, у тажрибанинг қандай муайян шароитда ижобий натижалар бериши мумкин эканлигини ҳам кўрсатиб берган. Тажриба, синов натижаларига ишонч билан қарашнинг асосий шарти қуйидагилардан иборат: а) тадқиқотчининг ўз илмий фаолиятида тўғри йўлдан бораётганлигига комил ишонч билна қараш; б) уни ром этган илмий муаммолар пуч ва бачкана масалалар бўлмасдан, балки кишиларга амалий эҳтиёжларни қондириш, ёмонликдан қутулиши ва эзгуликка эришишига кўмаклашиши шубҳасиз бўлмоғи лозим; в) илмий тадқиқотнинг натижаларидан хотиржамлик. Бу хотиржамлик аслида тадқиқотнинг турли жиҳатларини сира ҳам яширмасдан, уни тўла-тўқис баён этишни тақозо этади, чунки уни сир сақлаш, «муаллифнинг ўз иши натижаларига ишончли эканлигига бўлган энг кучли гумонлардан бири ҳисобланади». Тажрибанинг юксак тафаккур этиш маданияти билан ўзвий алоқаси шартини изчиллик билан амалга ошириш илмий фаолиятнинг истиқболли эканлигини таъминлайди ва қулган натижаларга элтади.

Шу муносабатда олимнинг тутган нуқтаи назари аниқ ифодаланган. Унингча, «инсон агар илмий амалиёт билан машғул бўлган ва тадқиқотларда аниқликка амал қилгандагина, фанинг муайян соҳаси тўғрисида фикр юритишга ҳақлидир». Фикримизча, буюк мутафаккирнинг бу ажойиб мушоҳадаси гўёки бизнинг ҳозирги давримизда илмий тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчиларга қаратилган қаҳриқ бўлиб, илм-фанга беғараз хизмат қилиш намунасини шакллантиради, чунки ҳақиқий фан биринчи галда ўзининг ўтмиши, ҳозирги ва келажақ даврлари билан ажралиб турмасдан, фан аҳлининг ҳолислиги, ҳалоллиги, беғаразлиги, ҳақиқатпарварлиги идеали билан фарқланади.

Қуллас, Берунийнинг ўзига хос методологик талаблари ҳозирги мустақиллик шароитида янгидан шаклланиб келаётган тафаккуримизнинг камол топишида фаол иштирок этиши шак-шубҳасиздир.



ФУРҚАТ МЕРОСИ ВА ХИТЮЙ МАНБАЛАРИ

Зокиржон Холмуҳаммад угли Фурқат ҳаёти ва ижоди ҳақидаги манбаларда унинг араб ва форс, кейинчалик эса рус тилини мукаммал урганганлиги қайд этилган. Шоирнинг ҳинд тилидаги «Песаи ахбор», «Ҳабл улматин» газеталаридаги маълумотларга муносабат билдириб мақолалар ёзганлиги унинг бу тилни ҳам яхши билганлигини курсатади. Фурқат ижоди билан куп йиллар давомида шуғулланган профессор Шариф Юсупов шоирнинг «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асарини урганиш натижасида унинг хитюй тилини ҳам анча пухта эгаллаганлиги ҳақида тахмин қилади. Олим «Гулистон» журнаlining 1987 йил 8-сонида эълон қилинган «Фурқатнинг сунгги асари» мақоласида уз тахминини қуйидагича асослайди: «Чунки Фурқат уз асарини яратишда биринчи манба сифатида фойдаланган китоб хитюй автори Гуанг Шуйнинг қаламига мансуб бўлиб, у эндигина ёзиб тугалланган ва ҳали у вақтларда Фурқат билган бошқа тилларнинг бирортасига ҳам таржима қилинмаган эди».

Дарҳақиқат, Фурқатнинг «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асари шоирнинг хитюй тилидан ҳам хабардор бўлганлигини исботлайди. Мазкур асар ҳақида дастлаб профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг «Зокиржон Фурқат» монографиясида маълумот берилди. Олим асардан урин олган фарзандларнинг ота-она олдидидаги бурчлари, ака-укаларнинг узаро муносабатлари, шунингдек, қандай кишини узига дуст сифатида яқин тутиш лозимлиги ҳақидаги фикрлардан иқтибос келтирди ҳамда шундай хулосага келади: «... (шоир қайси манбани изоҳлаётган бўлишидан қатъи назар, узининг ахлоқий-дидактик қарашларини ҳам баён этаётганлигига шубҳа билдирмаса ҳам булади».

Профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг мазкур монографияси 1977 йилда чоп этилган. Устоз Шариф Юсуповнинг зикр қилинган мақоласи 1987 йилда ёзилган. Шундан кейин утган ун уч йилдан кўпроқ вақт мобайнида Фурқат ижодиётининг тамомила янги қирраларини кашф этиш имкониятини бериши мумкин бўлган мазкур асар ҳақида ҳеч нарса эълон қилинган эмас.

Фурқат Еркентдан «Туркистон вилоятининг газети» бош муҳаррири Н. П. Остроумовга йўлланган, ёзилган санаси курсатилмаган бир мактубида «Ушбу дафа хат бирлан бир китобким, шул вақтдаги Чин давлати хонининг вафот топқон отаси Чунгхон уз таъйин тасниф қилгон экан, яхши зарурлик сўзлари бор учун хизматингизга юбордим», — деб ёзган эди. (Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, фонд 1009, ҳужжат № 115, 136-бет). «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» мазкур газетанинг 1905 йил 22 декабрь сонидан босила бошлаганлиги эътиборга олинса, Фурқатнинг мактуби 1905 йилнинг урталарида ёзилган бўлиб чиқади. Орадан бир йилча вақт утгандан кейин, демак, 1906 йилда йўлланган яна бир мактубида (бунинг ҳам ёзилган санаси курсатилмаган) шоир «утган йилда Хитюй хони тасниф қилгон бир китоб бирлан бир мактуб хизматингизга юборуб эрдим. Ани бориб теккан ва тегмаган сабабидин ҳеч хат ёзмадингиз. Лозимдурки, илтифот қилиб бир мактуб ёзгайсиз» — деб ёзади. (Ўзбекистон МДА, фонд 1009, ҳужжат № 115, 149-бет).

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» газетанинг 1905 йил 22 декабр № 50, 1906 йил 1 январ № 1, шунингдек, 15, 22 феврал 7—8-сонларида эълон қилинган. Маълум буладики, асар «Туркистон вилоятининг газети»да эълон этилган бўлишига қарамай, орадан бир йил утса-да, Остроумов Фурқатга газетанинг мазкур сонларини юбориш тугул унга бир огиз хабар беришни ҳам лозим кўрмайди. Шунинг узиеқ Чор ҳукуматининг Туркистондаги эътиборли вакилларидан бири, миссионер Остроумовнинг шоир Фурқатга булган «хурмати» нечоғлик эканлигини ҳис этиш имконини беради. Газетанинг 1906 йил 22 феврал 8-сонида «бақияси бор» деган қайд бўлишига қарамай, кейинги сонларида асарнинг давоми босилмайди. Асарнинг бизга маълум қисмида Хитюй қондалари («Қавоиди Чин») ҳақида анча муфассал маълумот берилган. Номланishiдаги «умуроти сиёсий» (сиёсий ишлар) атамасига кура унинг Хитюй сиёсий ҳаётига оид қисми бизгача егиб келмаган қуринади. Профессор Шариф Юсуповнинг юқорида зикр этилган мақоласида ҳам худди шундай тахмин илгари сурилган.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам, бадияти билан ҳам қимматли асардир. Фурқат таъкиллашича, Хитюй подшоҳи Гуанг Шуй одамларни беш қисмга булади. Биринчи қисм — подшоҳлар ва катта-кичик мансабдорлар. Иккинчи қисм — ота ва болалар. Учинчи қисм — эру хотинлар. Туртинчи қисм — оға ва инилар. Бешинчи қисм — эру дустлар. Асарда мамлакат тинч, эл-юрт фаровон бўлиши, одамлар уртасидидаги муносабатлар юксак маънавиятга асосланиши учун мазкур беш тоифа инсонлар амал қилиши зарур булган қондалар баён қилинади. Фикр таъсирчанлигини ошириш учун ҳикоятлар келтирилади. Жумладан, биринчи қисм ҳақида муаллиф шундай ёзади: «...катта-кичик мансабдорлар чин кўнги ва яхши эътиқод бирла подшоҳнинг фармонини тутуб, жонларини фидо қилиб, хизматда устувор бўлмоқликдур. Ва умум раое ва фуқаролар ҳамма вақт чин ихлослари билан подшоҳнинг давоми давлати ва бақои салтанатини Худованди карим даргоҳидин талаб ва истидъо қилмоқликдурким, фуқароларнинг осойиши подшоҳнинг давлати барқарорлигига манут ва марбутдур».

Дарҳақиқат, ҳамма замонларда ҳам мамлакат тараққийси подшоҳ, катта-кичик мансабдорлар ва фуқаро муносабатлари даражасига мутаносиб булган. Катта-кичик мансабдорлар мамлакат раҳбари фармонларининг ҳаётга таъбиқ этилиши учун «жонларини фидо қилиб хизматда устувор булсалар», ҳеч шубҳа йўқки, бундай юрт обод булади. юксак тараққийга эришади.

Иккинчи қисм — ота ва угил муносабати ҳақида ёзар экан, муаллиф ота-онанинг «угул ва қиз фарзандини яхши тарбиятлар бирла боқиб, илму хунар таълим бериб, молу пуларини нисор қилиши, охир умрида мулку ашёларини мерос қўлиб кетиши»ни таъкиллайди. Фарзандларнинг ҳам «ота-онасига уринлуқ вафо қилиши» зарурлигини, уларга «либос ва хурук воситаси бирла хизмат

еткуруб, дуо олмоқлик ва аларнинг фармонини подшоҳнинг фармонини тутқондек тутуб, эҳтиёт қилмоғлиқлари» шарт эканлигини қайд этади.

Айниқса, асардаги қуйидаги фикрларнинг тарбиявий аҳамияти бениҳоя катта. Муаллиф ёзди: «Ва яна угул бола хотун олса, ота-онасига вафо қилмоқни ул хотунга таълим бермоқликдур. Ва агар келин қайнота ва қайнонасига вафодорлик қилмаса, гуноҳ угулга булғай. Ва агар угулни(нг) ўз онаси вафот булб, отаси бошқа хотун олса, анго ҳам ўз онасига вафо қилгондек вафо қилмоқлиги лозимдур». Ушбу сўзларга қатъий амал қилиш оилавий муносабатлардаги жуда куп муаммоларни ҳал қилган булар эди.

Асарнинг қоидалар баён қилинган қисмида Хитой қоидаларининг узига хос жиҳатлари яққол намоён булади. Жумладан, «Угул ва набира ўз ота-онасини ва бобо-момосини дашном берса ва хотун киши ҳам қайнота ва қайнонасини ва қайинбобо ва қайинмомосини дашном берса, андоқ кишини(нг) жазоси — Хитой қавоидида бугуб улдурадур». Кейинги қоида буйича ота-она ва бобо-момони урган угул, набира ёхуд келин қилич билан чоғиб улдирилиши таъкидланади. Бу бизнинг ўлчов-мезонларимиз жиҳатидан қаралганда, бениҳоя шафқатсиз қоидалар булб туюлиши аниқ. Лекин, бу қоидалар замирида ота-онани ва бобо-момони ҳурмат қилиш фарзанднинг ҳам, келиннинг ҳам бурчи эканлиги, уларга дашном бериш ёхуд кул кутариш осийлик билан баробарлиги каби юксак инсоний фазилатлар мужассамлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Учинчи қисм — эру хотинлар ҳақида ёзар экан, муаллиф улардан ҳар бирининг оила бахт-содатини таъминлашдаги ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат эканлигини бирма-бир баён қилади. Эр ҳар доим хотинга мардона булиши лозимлиги, хотини хоҳ соҳибжамол, хоҳ баднамо булсин, бир кунгилда булиши зарурлиги, агар баднамо хотин олиб қолса, Худонинг иродасига буйсуниши кераклиги, хотин эрнинг ота-онасига густоҳлик қилса, унга аввал насихат қилиб, шундан кейингина танбеҳ бериши мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланади.

Ўз навбатида хотин ҳам эри хоҳ бой, хоҳ камбағал булсин, ношукурлик қилмай, Худо берса яхши кун курамыз, деб, яхши ният қилиши, қайнота ва қайнонасини ўз ота-онасидай кўриб, уларнинг хизматини бажонудил адо этиши зарурлиги уқтирилади.

Асарда ака-укалар ва ёру дўстлар муносабатлари ҳақида ҳам бениҳоя ибратли мулоҳазалар баён қилинган. Ҳатто бу ҳақда Хитой хоқони махсус фармонлар чиқарганлиги ҳақида маълумот берилган. Шунинг баробарида, асар ёзилган пайтда ушбу қоидалар амал қилмаётганлиги, уларга сал аввалроқ риоя этилганлиги маълум булади. Фурқат бу ҳақда «Холо хоқон — мансабдор бу қоидаларни мужро қилмайдур» — дея таъкидлайди.

Умуман, Фурқат ижодий меросини тулақонли тасаввур этишда мазкур асарнинг тутган ўрни катта. Лекин, таассуфлар бўлсинки, ўқувчилар оммаси шу пайтга қадар «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»ни мутолаа қилиш имкониятига эга булган эмас. Чунки асар матни жорий имлода нашр этилмаган, шу пайтгача эълон қилинган Фурқат «Таъланган асарлар»ининг бирортасига ҳам кирмаган. Шуларни эътиборга олиб, асар матни биринчи марта ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Асар ёш авлод маънавиятини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қушади, деган умиддамыз. «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»ни араб имлосидан таъдил қилишдан утган саҳву хатоларни асар мутолаа қилган нуктадонлар авф қалами билан тузатсалар, миннатдор булар эдик.

Нурбой Абдул Ҳаким,
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
филология фанлари номзоди

Фурқат

ҚАВОИДИ ЧИН ВА УМУРОТИ СИЁСИЙ

Ушбу Чин қоидасини ҳурматлик газет ўқиғувчиларга маълум ва равшан қилмоқ учун Ёрқанда турғувчи Мулла Зокиржон Фурқат деган шоирнинг юборган мактуби.

Хоқони Чин, яъни Хитой подшоҳи Гуанг Шуй хоннинг ушбу 1905 йили салтанат тахтига жулус қилғониға ўттуз биринчи йилдир. Зиҳи подшоҳи бовиқор ва адолатосордур. Ва омони давлати васиъ ва пояи салтанати рафиъ. Ушбу хон сўзларидурким, одам беш қисмдур: биринчи қисм — подшоҳлар ва катта-кичик мансабдорлардур. Иккинчи қисм — ота ва болалардур. Учинчи қисм — эру хотинлардур. Тўртунчи қисм — оға ва инилардур. Бешинчи қисм — ёру дўстлардур.

Бу беш қисм иш дунёда катта зарурлик ишдур, ҳар бирининг тафсили бор. Яъни, биринчи — подшоҳлар ва катта-кичик мансабдорлардурким, аввал катта-кичик мансабдорлар чин кўнгул ва яхши эътиқод бирла подшоҳнинг фармонини тутуб, жонларини фидо қилиб, хизматда устувор бўлмоғлиқдур. Ва умумраоё ва фуқаролар ҳамма вақт чин ихлослари бирлан подшоҳнинг давоми давлати ва бақои салтанатини Худованди карим даргоҳидин талаб ва истиъдо қилмоқлиқдурким, фуқароларнинг осойиши, подшоҳнинг давлати барқарорлиғига манут ва марбутдур.

Иккинчи қисм — ота ва ўғулдурким, ота-она ўғул ва қиз фарзандини яхши тарбиялар бирла боқиб, илму хунар таълим бериб, молу мулкини нисор қиладур. Ва охири умрида мулку ашёларини мерос қўйиб кетадур. Бас, лозимдурки, ўғил ва қизлар ота-она-



ларига ўрунлуқ вафо қилмоқни икки ҳираф бирла бажо келтуруб, одоб м а р о с и м и н и кўргузмоқликдур. Ўғил-қиз ҳар ҳолда ота-онасини(нг) меҳру муҳаббатини хотирида маҳкам тутмоқликдур. Ва ота-онасига либос ва хўрок воситаси бирла хизмат еткуруб, дуо олмоқлик ва аларнинг фармонини подшоҳнинг фармонини тутқондек тутуб, эҳтиёт қилмоқликдур.

Ва, яна, ўғил бола хотун олса, ота-онасига вафо қилмоқликни ул хотунга таълим бермоқликдур. Ва агар келин қайнота ва қайнонасига вафодорлик қилмаса, гуноҳ ўғулга бўлмай.

Ва агар ўғулни(нг) ўз онаси вафот бўлиб, отаси бошқа хотун олса, анго ҳам ўз онасига вафо қилгондек вафо қилмоқлиги лозимдур.

Учунчи қисм — эру хотинлар иши-

дурким, эр киши хотунига мардона бўлмоғлик. Агар хотуни соҳибжамол бўлсун, хоҳ баднамо бўлсун, бир кўнгулда бўлмоғлик. Агар баднамо хотун олиб қолса, Худонинг иродасига бўйсунмоқликдур. Агар хотуни қайнота, қайнонасига густоҳлик қилса, анго аввал насиҳат қилиб, иккинчи танбеҳ қилмоғликдур.

Ва агар қиз бола куёвга тегса, хоҳ ғаний бўлсун ва хоҳ фақир бўлсун, ўз бахти толейидин кўрмоғлик. Агар фақир куёвга тегиб қолса, бедиллик қилмай, Худо берса яхши кун кўрамиз, деб яхши ният қилмоғликдур.

Қиз бола қайнота ва қайнонасини ўз ота-онасига ўхшаш кўруб, аларни(нг) хизмат ва фармонида бўлмоғлик ва либос ваҳидиң фақир куёвини хижолат қилмаслиғдур.

Тўртунчи қисм — оға-инилардурким, бир ота, бир онадан туғулгон оға-инилар бири бири бирла иттифоқ бўлиб, иззат ва ҳурмат бирла бўлмоқлик ва ҳар икки ўғул бир-бирига шафқат қилмоғликдур. Мундоқ бўлса, ота-она фарзандидин хушнуд бўладур.

Бешинчи қисм — ёр-дўстлар ишидурким, бир киши яна бир кишини дўст тутмоқда кўп шароит ва одоблар бордур. Чунончи, бир кишини дўст тутарда рост сўзларни орага солиб, аҳду паймон боғламоқлик. Аввал керакким, бадасл ва нодон кишини дўст тутмағай. Боядки, волоғуҳар ва содикул қавл, вафодор кишини дўст тутғай. Агар дўсти номурод ва фақир бўлуб қолса, аввалғидек муомала қилиб, балки зиёдароқ лутфу шафқат ва меҳру садоқат кўргузмоғликдур.

Агар дўсти вафот бўлса, узатиб, анинг аҳлу авлодидин хабар олмоғлик. Агар дўсти ёмон иш қилса, насиҳат қилиб, қайтармоғлик. Агар дўсти дармонда бўлса, пулу мол бирла дастгир бўлмоғлик. Агар дўсти бир ишга буюрса, ҳаттал — имкон саяй ва кўшиш бирла бажо келтурмоғлик. Ва агар ул ишдин ожиз келса, мулойимлик бирла узр баён қилмоғликдур.

Ота-онасига ва оға-инисига вафо қилмағон одамни дўст тутмағойким, бегона кишига албатта вафо қилмайду.

Лақаби — Вонг, номи — Шонг. Бул одам ниҳоят вафодор одам экан. Қиш уни ўғай онаси касал бўлуб, балиқ емоқни орзу қилибдур. Ул вақт ер ва сувлар ҳаммаси музла-

ган экан. Мазкур Вонг Шонг музни(нг) устида ётиб, кўнглида бир балиқни тутуб олиб бориб, онамни хушнуд қилғой эрдим, деб туруб эрди, ногоҳ муз ёрилиб, ул сув ичидан бир балиқ ўйнаб чиқти. Дарҳол тутуб, онасига берди. Онаси еб, касалдан соғайди. Ўғай ўғлидин кўп хушнуд бўлди.

Кунг Шукриннинг шогирди, лақаби Финг бул одам вафодор одам экан. Ўз онаси ва фот бўлуб, отаси бошқа хотун олиб, икки ўғил топибдур. Ўғай онаси муни яхши кўрмади, ўзи туққан болаларини(нг) чофониға пахта солиб, онинг жомасига қамишни(нг) фофугини солиб берибдур. Отаси бозорға чиқарда буюрубдурки, галтак аробани ясоғил деб. Бечора Финг совуққа чидамай титраб, аробани қилолмабдур. Отаси қамчи бирла урчб экан, чафони йиртилиб, ичидан қамишни(нг) фофуги кўрунубдир. Отаси воқеаи ҳолини фаҳмлаб, ул хотунни чиқормоқчи бўлғонда, вафодор Финг йиғлаб, отасига илтижо қилибдурки: «Жоним ота, бу онамни чиқормағил, ҳоло совуққа тўнглаган бир одамдур, ман. Агар онамни чиқорсанг, учовлон тўнглайдурмиз», — дебди. Анда отаси қабул тутуб, ул хотунни қолдурубдур. Аммо, Финг деган бир калима сўз кўб ишларға далолат қиладур. Они оқиллар биладур.

1. Ўғул ва набира ўз ота-онасини ва бобо-момосини дашном берса, ва хотун киши ҳам қайнота ва қайнонасини ва қайнбобо ва қайнмомосини дашном берса, андоқ кишини(нг) жазоси — Хитой қаваоидида бўғуб ўлдурадур.

2. Ўғул ва набира ўз ота-онасини ва бобо-момосини урса ва агар хотун киши қайнота ва қайнонасини ва қайнбобо ва қайнмомосини урса, андоқ кишини қилич бирла чопиб ўлдирадур.

3. Агар ўғул ва набира ўз ота-онасини ва бобо-момосини ўлтурса ва хотун киши қайнота ва қайнона ва қайнбобо ва қайнмомосини ўлтурса, андоқ одамни бошоб ўлтурмоқ келадур.

4. Агар ўғул ва набирани ўз ота-онаси ёки бобо ва момоси бир хизматға буюрганга, унаманса, андоқ одамни катта фалоқда бир юз фалоқ урадур.

5. Агар ўғул ва набира ўз ота-онасини(нг) ва ёки бобо ва момосининг емоқ, ичмоқ ва киймоқларини берманса, андоқ одамни ҳам катта фалоқда бир юз фалоқ урадур.

6. Агар бир киши ўзидан катта акасини ва эгачисини дашном берса, андоқ одамни катта фалоқда бир юз фалоқ урадур.

7. Агар бир киши бир ота-онадан туғулғон акасини ва эгачисини урса, андоқ кишини катта фалоқда тўқсон фалоқ уруб, икки ярим йиллик қарорда Сибир қиладур.

Мабодо уруб, қўл-оёғи ва боши-кўзини каттароқ жароҳат қилса ва ёки синдурса, уч минг йўллик жойга Сибир қиладур. Ҳар бир йўл бир чақиримға яқиндур. Ва агар пичоқ бирла жароҳат қилғон бўлса, андоқ одамни бўғуб ўлтурадур. Мабодо ул мажруҳ — ўлуб қолса, пичоқ урғувчини(нг) бошини тандин жудо қиладур.

8. Агар бир кишини(нг) ота-онаси ўлса, яъни, ўлгучи кишини(нг) мотамини(нг) қароси тамом бўлмасдан анинг ўғли хотун олса ва қизи эрга тегса, аларни катта фалоқда бир юз фалоқ урадур.

Агар бобоси-момоси ва акаси ўлса, қаро ичида эр хотун олса ва хотун эрга тегса катта фалоқда саксон фалоқ урадур.

9. Бир кишини(нг) ота-онаси ўлса — бир йилғача дафн қилманса, андоқ кишини чўнг фалоқда саксон фалоқ урадур.

10. Бир кишини(нг) ота-онаси ва бобо-момоси ҳаёт туруб, ўғул ва набира бошқа жойга кўчуб бориб ўлтуруб, мерос улашса, андоқ ўғил ва набирани катта фалоқда бир юз фалоқ урадур. Агар ота-она ўлуб, бо-



лалар қароликни(нг) ичида мерос улашамиз деб, бўлак жойда ўлтурсалар аларни катта фалоқда саксон фалоқ урадулар.

ХОҚОНИ ЧИННИ(НГ) СЎЗИДУРКИМ;

Бир ота-онадин туғулгон одамлар ҳаммаси иттифоқ бўлсунлар. Ва аларнинг ичида олтин-қумуши борлари пули йўқлариға ёрдам берсунлар. Пули йўқ одамлар пулдорларға хабардорчилик қилсунлар. Ва чўнглари кичикларини бошлаб хабар олсунлар. Ва кичиклар чўнглари иззат қилиб, хизматида бўлсун. Ва касал бўлгонларини дору бериб ёқсун. Агар танглик тортиб қолса, мадад қилсун. Агар яқин туққон бўлсаму ва йироқ туққон бўлсаму, тавр бўлуб, бир ота-онадин туғулгонға ўхшашдир. Мисоли бир дарахт-ни(нг) шохи ва яфроғи бир бўлмагон билан томири бирдур.

Ва яна бир мисоли шулки, оққон сувни(нг) ҳар аригини(нг) оққони бир-бириға ўхшамейдур. Ва лекин келган йўли бирдур. Ва ҳамма халқ бу қаваид расмини билса, бир ота-бободин туғулгонлар иттифоқ бўладур. Агар буларнинг ичида иттифоқи бўлмаса, Лий қондининг тариқи кейиндур.

Иқлимнинг чўнг мансабдорларидан лақаби Фун ўлгандин кейин хон анго Ван Чинг деб оқ қўйбдур. Ул мансабдор ўзи яхши саховатлик киши экан. Ўз уруқ-туққонларини(нг) ҳаммасини ўхшаш қўруб, ўз пулиға ер ва ҳовли олиб, жойи йўқларға жой ва оши йўқларға ош берибдур. Алҳолғача яхши оти ва қилгон хайроти жорий бўлиб тураду.


11. Бир киши акасини ва эгачисини дашном берса, агар уч ой қора тутадургон бўлса, кичик фалоқда эллик фалоқ ураду. Ва беш ой қора тутадургонни олтмиш фалоқ ураду. Мабодо она йўллуқ кишини мундоқ қилса, бир ҳисса ураду.

12. Агар бир киши ўз эгачисини урса, уч ой қора тутадургон бўлса, катта фалоқда бир юз фалоқ ураду. Ва агар беш ой қора тутадургон бўлса, олтмиш фалоқ ураду, бир йиллик қарор билан юз йўллуқ жойға Сибир қиладу. Ва тўққиз ой қора тутадургон бўлса, етмиш фалоқ уруб, бир ярим йил қарорда беш юз йўллуқ жойға Сибир қиладу. Мабодо ота йўллуқ кишини мундоқ қилса, они бир ҳисса ураду. Агар уруб жароҳат қилса они бўғуб ўлдуродур. Мабодо ўлдуруб қўйса, ул одамни чопиб ўлдуродур.


13. Бир киши акасини ва эгачисини дашном берса ва ё урса, андоқ кишини Лий қондаға мувофиқ жазо бериладур.

14. Агар ўғил ва набира ўз ота-бобосини ҳақида атаб қўйгон йигирма таноб заминни ўғурлаб сотса, йироқ жойға Сибир қилоду. Ва ул Сибирда қаттиқ хизматга солоду. Ва агар ота-бобосини(нг) ясаб қўйгон заватанг жойидин бир уй миқдорича сотса, ул кишини кичик фалоқда етмиш фалоқ ураду. Ва агар уч уйнинг миқдорича жойни яширунча сотса, бир ҳисса гуноҳ, катта фалоқда бир юз фалоқ уруб, уч йиллик қарорда беш юз йўллуқ жойға Сибир қиладу.

Гуноҳ ҳиссасининг шакллари булдур:



Тўрт ҳисса гуноҳ



Уч ҳисса гуноҳ



Икки ҳисса гуноҳ



Бир ҳисса гуноҳ

Ушбу қиёсда гуноҳқор бўладур.

15. Бир ота-бободин туғулгон уруқ туққоннинг болаларини бир-бириға олиб бергали бўлмайду. Мабодо олиб берган кишини ва икки тарафни олтмиш фалоқдин уруб, ажратиб юбораду.

16. Агар бир бегона кишини(нг) боласини бир киши бола қилиб боқиб олса, ямондур. Чароки, уруғи алишиб қоладур. Ул болани боқиб олғувчи одамни катта фалоқда олтмиш фалоқ ураду. Ва боласини ўзига қайтариб бераду.

17. Бир кишини(нг) замини ва пул-амволи қўб бўлса ва баъзи қариндошлари фақир булса, аларға бир мунча замин бериб ва эккан ғалласидин берса, андоқ кишини ўз еридаги мансабдор улуғ хондин ул одамга илтифот тилаб, илтифотга етқараду.

18. Бир киши атаб қўйгон ерни ўғурлаб сотса, подшоҳлик ерини ўғурлаб сотқонға ўхшашдур. Андоқ кишини қаттиғ нимарса билан боғлаб, кўпқаттиғ жазо бераду.

Ўтнинг ҳарорати ва сувнинг бурудатининг қуввати аслийсини(нг) даражаси ҳукамолар ижод қилган асбоблар воситаси бирла маълумдур. Бул ўт бирла сув ҳар қайси ўз марказида ниҳоятда кучлиқдур. Тағйири ҳаво ва табдили макон бирла қуввати аслияларига нуқсон етиб, филжумла ожиз бўлулар. Аммо ожиз бўлмоқлари оризийдур. Ва на зотий кўрмоқ керакким, аносири арбаъаким, оташ, ҳаво, об ва хокдур. Оташнинг маркази ҳаммани(нг) устида, фалакка яқиндур. Ул оташни(нг) марказида қайдоқ бақувватлиги ҳукамоларға аёнду. Ва лекин ерда ўз марказида бўлгондек қувваи ҳарорати йўқдур. Му-

нинг сабаби табдили макондур. Ва яна қиш кунларида ёз фаслидагидек қувваи ҳарорати йўқдур. Мунинг сабаби тағйири ҳаводур.

Ва сувнинг ҳам ўз марказида қувваи бурудати зиёдадур. Ҳар гоҳ ўз марказидин интиқол қилса, қувватига нуқсон етадур. Сабаби табдили макондур. Ва яна ёз кунларида қиш фаслидагидек қувваи бурудати йўқдур. Мунинг сабаби тағйири ҳаводур.

Бас, оқил ва хушмандлар, керакким, ҳар нимарсани ўз қувваи аслий ва феъли зотийсига мулоҳаза ва фикр қилғойлар. Табдили макон ва тағйири ҳавоким, фоили оризийдур. Ва на зотий эътибор қилмасалар керак. Чунки, ўт бирла сувнинг феъли зотийсига табдили макон ва тағйири ҳаво бирла ҳақиқатан нуқсон етмайдур. Ўт бирла сувнинг манфаати минбаъд зикр топадур.

ИҚЛИМИ ХИТОЙ ПОДШОҲИ, ҲОҚОНИ ЧИННИНГ СЎЗЛАРИ

19. Уй тутуб ўлтургон ҳамма одамнинг ҳамсояси бор. Олар эрта-оқшомда бир-бирлари билан кўрушганда иттифоқлик билан кўрушунлар. Бир-бирлари билан уруш-талаш айлаб, даъво қилишмасун. Ва муборакбодлик иши бўлса, муборакбод қилсун. Агар бир кишини(нг) уйини сув босса, боғлашиб берсун ва агар ўт кетса ўчурушиб берсун. Агар бир кишини(нг) уйига ўғри келса, қаболашуб берсун. Оз ишда фалонийнинг обрўси бор экан, манинг обрўйим йўқму, ман арзон одамму деб нафсоният қилиб, риштаси кесилмасун. Ва дахи ман зўр киши деб ювош одамларни анойи қилмасун. Пули йўқ ҳамсоясига ёрдамлик еткурсун.

Мундоқ бўлгонда иттифоқ бўлмагани қайдоқ?! Агар иттифоқ бўлмай, бир-бирини ғийбат ва шикоят қилиб, ҳақорат қилишиб, даъво ва жанжал бирла юрса, тирикчиликдан қолиб, пуллари тугаб, соф бўлгандин кейин ўрунлуқ ишларидин адашиб кетодур. Аларни(нг) бу қилгон гуноҳларини(нг) жазоси кейин келодур.

20. Агар бир кишини беузр ҳақорат қилса, кичик фалоқда ўн фалоқ уруладур. Ва агар ҳар иккиси бир-бирини ҳақорат қилишса, ҳар иккисини кичик фалоқда ўн фалоқдин уруладур.

21. Агар икки киши бир-бири билан муштлашиб ёки тефишиб урушса, ҳар иккисини кичик фалоқда йигирма фалоқдин уруладур. Ва агар бир-бирини захмдор қилса, кичик фалоқда ўттуздин уруладур. Агар бир-бирини таёқ бирла уриб урушса, аммо захмдор бўлмасалар, кичик фалоқда ўттуздан уруладур. Агар захмдор бўлсалар, қирқдин уруладур.

Мабодо бир тишини ёки бир тирноғини ёки бир кўзининг атрофини жароҳат қилса, чўнг фалоқда бир юз фалоқ уруладур. Ва агар икки тишини ёки тирноғини чиқариб қўйса, чўнг фалоқда олтмиш фалоқ уруб, бир йиллик қарор билан беш юз йўллик жойга Сибир қилодур.

Бир киши бир кишини уруб қабурғасини синдурса ва ёки икки кўзини ғубор қилиб қўйса, чўнг фалоқда саксон фалоқ уруб, икки йиллик қарор билан юз йўллик жойга Сибир қилодур.

Агар қўлини, оёғини синдуриб қўйса, чўнг фалоқда бир юз фалоқ уруб, уч йиллик қарор билан беш юз йўллик ерга ҳайдайдур. Мабодо уруб ҳамма баданини мажруҳ қилгон бўлса, чўнг фалоқда бир юз фалоқ уруб, уч минг йўллик ерга ҳайдаб юбориладур.

22. Агар неча одам бир кишини уруб, ўлдуруб қўйса, аларнинг ҳаммасини бўғуб ўлдуруладур. Ва агар ул одам кўнглида ниятини бузуб, бир кишини қасддан ўлдурса, они чо-



пиб ўлдуруладур. Агар беш нафар одам бир кишини ўлдурмоққа қасд қилиб, жон чиқар жойига уруб, жароҳат қилса, ул оғир бўлса, урғувчи одамни бўғуб ўлдуруладур. Қолгон ёрдамчиларини ҳолига боқиб жазо берилладур. Аммо бу ҳукмлар Фу Ти ва Фанг Ти деган катта мансабдорларнинг ҳукмига қарашлиқдур. Бошқа боболарга ҳам мулоҳаза қилинадур.

23. Бир киши бир кичик болага пул қарз берур бўлса, уч фунг (Хитой пул бирлиги — Н.А.Х.)дин зиёда бермайдур. Яъни, бир фунг бир мисқол кумушнинг ўндин биридур.

Агар бир киши бир кишидин қарздор бўлиб, пул беролмаса, қарзхоҳ қистаб, хотинингни ёки қизингни ва ё ўғлунгни берғил деса, они катта фалоқда бир юз фалоқ уруладур. Ва пул олгон кишини беш юз йўл ерга ҳайдаб юборилладур. Мабодо қарзхоҳ қарздордин пул ололмай, онинг хотинини зўрлик бирлан зино қилиб, ул хотунга соҳиб бўлиб олса, ул одамни бўғиб ўлдуруладур.

24. Агар бир киши оз иш учун бир кишига сўз ўргатиб, даъво қилдурса ва ё сўз қўшуб хат ёзиб берса ва ё кишидин пул олиб, анинг учун ёлгон даъво қилса, ул одамга қаттиғ жазо берилладур.

25. Аскар ё фуқаро даъво қилиб, тубанғи мансабдорга арза тутмай, юқориғи мансабдорга тутса, агар рост арза бўлса ҳам ул одамни кичик фалоқда эллик фалоқ уруб, ондин кейин арза сўраладур.

26. Одам таом емаса оч қоладур ва либос киймаса тўнглаб (совуққа қотиб) қоладур. Агар оч қолмай деса, зироат эксун. Агар совуққа тўнгламай деса, пилла қурти боқсун. Зироат қилмоқ эр кишининг ишидур. Чунончи, ғалла жинсларини эқмоқ ва мевалик дарахтларни солмоқ ва сабза нимарсалар эқмоқдур. Ушбуларнинг эмоқ-ичмоғи кенг ва восий бўладур. Пилла қурти боқмоқ хотунларнинг ишидур. Одамга биринчи лозимлиқ ва зарурлиқ ифакдур.

Агар киши пилла уруғини тозасидин тутуб, яхши кўшиш қилса, либослиғи фаровон бўлур.

Агар кишининг эмоғи ва киймоғи фаровон, яхши бўлса, тирикчилиги яхши бўладур. Агар кишининг эмоғи ва киймоғи бўлмаса кўнглида ёмон ишларни фикр қиладур. Мунинг гуноҳини(нг) тариқи кейин келадур.

Бул хусусда камина Зокиржон Фурқат ўз тарафимдин айтадурманким, дарвоқе пилла кўб манфаатлик нимарсадур. Азбаски, ўткан 1904 йилда Қошғарда турғувчи ҳарматлик бонка бошлиғи Ёрканд ва Хўтан тарафларга қарийб икки минг кути пилла уруғи юбориб ва арзон баҳода сотилиб, шаҳар ва саҳро одамлари олиб тутуб, пиллалари ҳам ҳийла яхши бўлуб, кўпманфаат кўрдилар. Ушбу 1905 йилда ҳам ушбу тарафқа пилла уруғи келиб, кўб одамлар тутуб, зиёда манфаат кўрдилар. Ва ҳам ул хурматлик мундин уч йил муқаддам неча юз пуд Амриқон пахтаси уруғини муфт (бепул, тухфа сифатида) юбориб, Комилжонбой оқсоқол ани саҳро халқиға таркатиб бериб, Ёркандда пахта ниҳоятда яхши бўлди. Ёрканд халқи кўб манфаат кўрдилар ва қарзларидин халос бўлдилар.

Чунончи, саҳро халқининг расмлари ул эрдики, ижорахўр хитойлардин ва ҳиндий бойлардин фойдага пул ва мол олиб, ғалла вақти бўлгунча онча фойдаси кўпайиб, тан пули бирла баробар бўлуб, бир мунчасини бериб, бир мунчаси қолиб, иккинчи йилдаги ғалла вақтигача фойдаси яна замлайиб (кўшилиб, кўпайиб) бул бечоралар оғир қарздор бўлуб қолиб, ночор ерларини сотиб, берур эрдилар.

Ҳоло (ҳозирги пайтда) саҳро халқлари ўрус тобеъи савдогарлардин насия мол олиб, пахта бермоққа тилларидин васиқа бериб, ерларидин пахта чиқонда келтуруб бериб, қарздин халос бўлдилар ва фойда бермоқдин ҳам кутулдилар.

Бул тариқа ишлар Ёрканд халқиға ниҳоятда катта ионат (ёрдам)дур. Хурсанд бўлмоқлари лозимдур. Хоқон тобеъи савдогарлар ҳам пахта тўғрисидин кўп манфаат кўрдилар. Худо зиёда қилсун.

27. Агар бир киши сустлик қилиб, ўз ериға экин эқмай бўш қолдурса, беш фунт ҳисобда тўхтатиб, ҳар бир фунтлик ул кишини кичик фалоқда йигирма фалоқдин уруладур. Бир фунт кам экса, бир фунт гуноҳ қиладур. Агар эқилмай қолса ҳам тўхталган ван лангни, яъни подшоҳлик ғалласини берадур.

28. Эқилгон ердаги буғдой, шולי ва бошқа ошлиқ меваларни бир киши ўғурласа ани пулга ҳисоблаб, ул пулга мувофиқ гуноҳ тўхтатиб, ул одамга ўғри қаторида жазо берилладур.

Агар тоғнинг ичида беном ердаги гиёҳ ва ўтун йиғоч ё тошни бир киши ажр қилиб олиб, бир жойда йиғиб қўйса, ани бошқа киши ёшурунча олиб кетса, бул одамга ҳам аввалгига ўхшаш ўғри қаторида жазо берилладур.


Агар бир одам аввал дафъа ўғурлуқ қилиб тутилса, ўғри деб ўнг билагига икки тамға босиб қўйуладур. Иккинчи дафъа тутулса, чап билагига тамға босиб қўйуладур. Учинчи дафъа тутулса, бўғуб ўлдуруладур. Агар бир юз йигирма сар кумуш, яъни, юз сўм миқдори нимарса ўғурлаб тутулса, биринчи, иккинчи дафъага қарамай бўғуб ўлдуруладур.

Ҳоло хоқон — мансабдор бу қоидаларни мужро қилмайдур.

(Бақияси бор)

**«Туркистон вилоятининг газети»
1905, 22 декабр, № 50,
1906 йил 1 январ № 1,
15, 22 феврал № 7—8.**

Нашрга тайёрловчи: Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ



„Шарқ юлдузи“ СЭВИМИ ЖУРНАЛ

Хусниддин Шарипов

ХАЛҚ ЖҮНЪЛИНИНГ ЧИРОҒИ

Мени «Шарқ юлдузи» журнаlining шеърият бўлими мудирлари лавозимига 1962 йил августда таклиф қилишди. 1969 йили, саломатликни ўйлаб, ижодий мақсад билан бўшаган эдим. Барибир, бўлмади: 1976—1977 ва 1982—1983 йилларда қайта-қайта чақириб, бурнимни ерга ишқаб ишла-тишди. Кўп йиллар тахририят аъзоси бўлдим. Бунинг учун миннатдорман, чунки журнал жамо-асида ўтган йилларимни умримнинг энг фаол, сермазмун ва ёрқин бўлаги деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, тахририятда қилинадиган юмушларни одатий идора иши деб бўлмасди. Ма-салан, менинг ўзим, оқиб келаётган юзлаб шеърларни раавирдан ўтказаятганда, ўзимни кўпроқ бўлим мудирлари эмас, балки шеъриятнинг авра-астарини титқилашни яхши кўрадиган ишқибоздай ҳис этардим. Эрталабки салом-алиқдан кейиноқ ходимлар гапни кеча келиб тўхтаган жойидан давом эттириб, танқид бўлими ходимлари прозаикларни, прозачилар шеърият аҳлини, шоирлар танқидчи ва очеркнависларни «қитқилаш»га тушиб кетишарди. Ҳаммамиз бир бўлиб, журнал масъул котибини исканжага олардик. Котиб инжиқликлари оша, гап айланиб, жаҳон адабиётига бориб тақаларди. У пайтларда Эрнест Ҳемингуэй сингари чет эл ёзувчиларининг китоблари эн-дигина рус тилида пайдо бўлиб, уларга эргашаятган ёшларимизни биров ундоқ, биров муңдоқ баҳолаб, журнал ходимлари эса воқеликни янгича идрок этаётган ва ҳақиқатга яқинроқ тасвир-лаётган ижодкорларга йўл берибгина қолмай, кейинча таҳлилий мақолаларда уларни қўллаб-қув-ватлаб ҳам туришар эди. Дарвоқе, худди ўшанақа суҳбатлар жараёнида «повесть» атамаси «қис-са»га, «цикл» «туркум»га, «поэма» эса «достон»га айланганди.

Хусусан, шеърият ҳақида гапирадиган бўлсак, мен ҳозир адабиётга ўша пайт ёпирилиб кир-ган ёшларни санаб ўтирмайман. Эринмаган ўқувчи профессор Озод Шарафиддиновнинг «Замон. Поэзия. Қалб» китобини varaқласа, бу ҳақда тўла тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Мен фақат янги достончилик устидаги эски баҳсларни енгилгина эслаб ўтаман, холос. Олтмишинчи йиллар аввалида ҳаётимизга устоз Миртемирнинг «Сурат» достони кириб келди. Унда шоир ошиқ ва маъшүқа ҳаётини бир ҳикоя каби баён этмай, ички кечинмалар силсиласи сифатида ифода этган эди. Ёшлар, жаҳон шеъриятидаги услублар ранго-ранглиги билан таниш бўлганлари учун, бу йўлни тез «илиб» кетишди. Бирин-кетин янгрок, янгича лирик достонлар туртила бошлади. Улар яхши кутиб олинди. Лекин айни вақтда, ёш ижодкорларни сюжет тузишни билмасликда айблаб, достонларни узун шеър сифатида баҳолагувчи ҳакамлар ҳам пайдо бўлишди. «Инкор»чиларга чинакам шоирона тимсол нималигини оғзаки ва ёзма тушунтириб юрган ўша вақтларимни эсла-сам, ҳозирги шеъриятимизнинг бағри нақадар кенг бўлиб кетганидан қувонаман ва бу нарсада «Шарқ юлдузи»чилар ҳиссаси ҳам бор деб ўйлайман. Бу — биринчидан...

Иккинчидан, ҳозир газета ва журнал varaқлаганда, ёрқин, ҳалол, билиб айтилган шоирона фикрлар билан бир қаторда, кўп мингир-мингирларга, тақрор ва кўчирмаларга дуч келиб, кўнглингиз оғрийди. Бунақа касаллик, чамамда, ҳамма вақт бўлган. Масалан, олтмишинчи йиллар бошида Султон Акбарийнинг «Менинг маҳаллам» достони катта муваффақият қозонганидан кей-ин бошқа дуп-дуруст шоирлар ҳам ўзлари туртилиб ўсган кўча-кўйларини қофияга солишга ту-шиб кетишди. Уларга бир журнал бир гапни қайта-қайта чайнаши ножоизлигини, бу нарса ўқувчига жабр эканини тушунтириш, вой, шунақа қийин бўлардики! Ушанда анча-мунча дўстларга ёмон кўриниб кетган бўлсак ҳам ажабмас, лекин не чора...

Ҳарҳолда, сўзимизни ўтказишга кучимиз етарди: ахир, бош муҳарриримиз Ёзувчилар уюш-маси раисининг муовини, кўпчилигимиз эса уюшма кенгашларининг жамоатчилик асосидаги коти-блари эдик. Бирор ижодий анжуман журнал ходимлари иштирокисиз тайёрланмасди. Ўша пайтларда бош муҳарриримиз Асқад Мухтор эса биздан «шеърият қонуншунослари» бўлишни талаб қилар, адабиёт аҳлига ўз тушунчаларимизни узун-қисқа гаплар билан эмас, балки аввало ўз ижодимиз орқали етказишимиз кераклигини уқтирар, бирор ижод боғига текин йўланма

чикиб қолса, ҳатто ишдан жавоб бериб юборар эди. Менинг «Ота ўғли» номаи қиссам ана шундай бахтли тасодифнинг мевасидир.

Гоҳо бунинг акси бўлиб қолар, яъни янги асар туғилишига бўлим ходимларининг ўзлари туртки бериб юборишарди. Бунга мисоллар кўп. Мен фақат биттасини келтираман.

1966 йил 26 апрел зилзиласидан кейин академик Хадича Сулаймонова кўчасидаги уйи бузилиб кетган «Шарқ юдузи» Навоий кўчасидаги 30-уйда омонатгина умргузaronлик қилаётган пайт. Кунларнинг бирида бош муҳаррир Ҳамид Фулом хонамизга бош суқди-ю:

— Ҳусниддин, журналнинг бу сонини сизлар очасизлар, —деб, жавоб ҳам кутмай, ғойиб бўлди.

Ўзингиз биласиз, журнал одатда бирор янги роман ё қисса билан, сиёсий ҳаёт йўналишига қараб, бош мақола ёки зарбдор шеър билан юз очади. Асосий материаллар терилиб, саҳифалана бошланаётган, яъни буюртмани бажариш учун жуда қисқа муддат қолган шароитда бундай масъулиятли вазифани ҳаммага юклаб бўлавермайди: бу ўринда сафсатабозлик ҳам, мижғовлик ҳам кетмайди, таҳрир устида баҳслашиб ўтиргани ҳам вақт йўқ.

Ҳўш, нима қилайлик? Ўйлаб-ўйлаб, оҳиста 4-қаватга кўтарилидим. Эркин Воҳидовни топдим. У Фафур Фулом номидаги нашриётда, Мавлон Икром бўлимида оддий муҳаррир бўлиб ишларди. Аҳволни тушунтирдим. Ўша кунлардаги энг долзарб мавзу зилзила экани ҳақида ҳам фикримиз бир ердан чиқди. Эркин дарҳол ишга киришиш учун ваъда берди. Ростдан, орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, бир эмас, беш-олти шеър билан журнал идорасига кириб келди. Уларни, ёлғиз қолгач, бир ўқиб, сўнг, жойларини ўзгартириб, яна ва яна ўқидим. Юрагим жиз этди. Дарвоқе, шунанга бир вазияти одатим бор: кўпроқ шеър кўлимга тушиб қолса, худди қарта жуфтлаб-чилпигандай, ўрнини ўзгартиравераман, токи бир-бири билан туташиб, қандайдир тимсолий қиёфа касб этмагунича... Фикрни равшанлаштириш учун ҳар бир туркум тепасига умумий ном қўйиш ҳам ўша вақтлардан қолган одат. Хуллас, озми-кўпми ўйлагандан кейин, яна 4-қаватга кўтарилидим. Эркин Воҳидовким биландир жўшиб шахмат суришаётган экан. Секин четта тортиб, шеърларини қўлига тутқаздим:

— Давлат қайтди...

Эркиннинг ранги сал ўзгаргандай бўлди. Мен гапнинг индаллосига ўта қолдим:

— Шеърлар мана шу тартибда турса, назаримда, худди каттароқ, мустаҳкамроқ, кенгроқ иморатнинг олдиндан қатор қилиб ўрнатилган устунларига ўхшаяпти. Хуллас, устунлар бор. Энди, ўша устунлардан фойдаланиб, қурувчилик қилишга кайфиятингиз қалай? Аммо чўзадиган муддатимиз йўқ. Шундай сибоб юбораверишимиз ҳам мумкин.

Миядаги уйроқ илҳом тўлкини ҳануз жўшиб турган бўлса, қарор лаҳзада қабул қилинади.

— Бўлди... бўлди! — деди Эркин ўйлаб ўтирмай. Менинг кўнғлим ёришди. Шахмат қолиб кетди. Яна бир неча кундан кейин эса ҳозир ҳаммамизга маълум ва маъқул бўлган «Палаткада ёзилган дoston» кўлимизга теги, ўша заҳоти териш учун босмахонага тушириб юборилди. Яна бир оз вақт ўтгач, дoston шов-шув кўтариб, журнал билан дарсхона ва мажлисларга кириб борди. Садоси зилзила оқибатларини бартараф этаётган ҳалқимиз овози билан қоришиб кетди.

Мен бу воқеани Эркин Воҳидовнинг таржимаи ҳолини кенгроқ қилиб ёзадиган бирор олимга қор келиб қолар деб келтирдим. Бошқа қизиқарли йилларни, Худо хоҳласа, «Шарқ юдузи»нинг навбатдаги юбилейларида айтиб бераман.

Бу кунги журнал, менимча, ҳозирги давр имкониятлари даражасида чиқиб турибди: ҳажм жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам. Шеъриятда жуда кўп янги номлар бор. Кўпгина битиқлар бинойидек. Кимдир эл-юрт қувончини ифодалаб, баланд пардаларда куйлайди. Кимдир халқ дардини айтмоқ ниятида маҳзун тор чертади. Тилак Жўра каби асл шоирлар ижодини олганда, бу нарса ҳар ҳолда тушунари, оқибати изоҳлаб турибди. Лекин ҳали боши тошга тегмаган анча-мунча ёшларнинг дудмал мисраларини кўрганда, бу одатий албўмбоп нарса-ку, деган ўйга ҳам бориб қолиш мумкин.

Назаримда, адабиётга катта ният, катта ҳаётий тажриба ва таассуротлар билан кириб келган, унда барқ уриб яшаётган ва ўз ҳаётини (арзигани учун, албатта) шеърга айлантира олаётган навқирон шахслар, ҳа, шахслар йўққа ўхшайди. Бор бўлса, баъзилари ёстиқ остида ҳайқириб ётгандир балки, бошқалари эса ўзини кўрсатгани майдон топа олмаётгандир. Шу ўринда атрофимга бир қараб олгим келди: ҳўш, гап фақат ёшлардами? Ҳаёт мактабини озми-кўпми ўтаб қўйганларда ҳам пича совуқонлик бор. Ерга урсанг кўкка сапчийдиган, эшик ёпилса деразадан янги фикр кўтариб кириб келаверадиганлар кўп эмас. Мана, ўйланг: айрим газеталар бир неча ҳафталаб чиқмай қолаёттир. Журналлар икки ойда, уч ойда бир марта чиқиши одат тусига кирди ҳисоб. Яқинда бир газетачи дўстим билан суҳбатлашсам, бунга қороз қимматлиги ва камчилиги сабаб эканини айтди.

Қороз эъзозталаб нарса, лекин унга қараб номоз ўқийдиган даражада эмас, ҳар ҳолда, қорозни одам яратади. Ҳозир ҳамма гап яратишда: бу соҳага алоқадор хўжалигимизни тартиблаб, республика қороз саноатини яратишда!

Агар эртани ўйлайдиган бўлсак, эҳтимол, хом ашё сифатида фақат гўзапоя, қамиш ёки қороз чиқиндиларига термилиб ўтирмай, ўзимизда қорозбоп дарахт ва бута турларини кўпайтира бошлаш, ҳатто бу мақсадда қишлоқ хўжалик тизимига қарашли Ўрмон хўжалик бош бошқармаси заминида целлюлоза ва ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини барпо этиш ҳам керак бўлиб қолар. Калламга бу фикр асл қорознинг ватани ўрмонсиз, ярим чўл ҳисобланган Хитой эканини ўйлаганимда келди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, бир этак невараларим бор. Уларнинг битта-яримтаси қачондир ижодкор бўлиб қолса, қийналиб юрмасин дейман-да!

Шу ва шунга ўхшаш муаммолар ечилиб, китоб, газета ва журналларимиз сифатли ва арзон бўлса, ўқувчилар ўз ҳалол ишлаб топган пулларига қиммат қороз эмас, балки шеърят сотиб олган бўладилар, ижодкорнинг меҳнатини, ақли ва юрагини сотиб олган бўладилар. Қаерда ижодий меҳнат қадри баланд тутилса, ижодкор эса бир ҳурматли инсон сифатида ижод қила оладиган бўлса, табиийки, у ерда албатта чинакам истеъдод соҳиблари, бугун ҳамда мангулик учун энг зарур гапни айта биладиган ёшлар кўпроқ камол топадилар. Хуллас, кўзларим йўлда.

ЮЛДУЗ ДОИМ ЧОРЛАЙДИ

«Шарқ юлдузи» миллионлаб ўзбекни маърифат ва маънавиятга чорлаб, бошлаб келганидан ташқари, менинг шахсий ҳаётимни белгилаб берган журнал.

...1972 йил. Мен уқувсизлигим туфайли уй-жой қуролмай, қаерда уй берса, ўша жойга бориб юрган эдим. Худога шукр, Жомбой туманида уйлик иш топилиб қолди, шундай ишлаб юрсам, Самарқанддан кимдир келиб (кимлиги эсимда йўқ, узр), Тошкентга, Носир Фозиловга қўнғироқ қилар экансиз, деди.

Хайрон бўлдим.

Носир ака мени унча хуш кўрмас эди, сабаби: мен талабалик йилларида «Раъно» деган қисса ёзган эдим. Ваҳоб Рўзиматов, раҳматлик Шухрат домла жуда маъқуллашган бўлса ҳам, Носир ака чиқармаган. «Шаир, шеър кўп экан», деган. Лекин, барибир 1970 йилда чиқарган. Чиқаргандаки, ҳамма шеърни олиб ташлаб, чиқарган. Шундай одам мени эслаб, Тошкентга чақирибди.

Келдим. «Шаир, бирга ишлаймиз», деди Носир ака. Мирмуҳсин акага учрадим. Мени ишга қабул қилишди.

Шундан бери тошкентлик бўлиб қолганман. Бу гапларни эътироф этмасам, ношукрлик бўлади.

«Шарқ юлдузи»да Абдулла Орипов, Суннатилла Анорбоев, Зоҳир Аълам, Ойдин Ҳожиева, Хайдарали Ниёзов билан бирга ишлаганмиз. Менинг бевосита раҳбарим — Носир Фозилов. Худога шукр, қўлимиздан келганча адабиётимизга хизмат қилдик.

Тақдир тақозоси билан бошқа жойларда ҳам ишладим. Лекин нима ёзган бўлсам, «Шарқ юлдузи»да чиққан.

Кейин яна «Шарқ юлдузи»га қайтиб келдим. Омон Мухтор, Ўткир Ҳошимов, Икром Отамурод билан бирга ишладик. Яна Носир Фозилов раҳбарлигида. Шундай қилиб, Оллоҳ менга «Шарқ юлдузи»нинг эллик, олтмиш ёшларида шу даргоҳда хизмат қилишни насиб этган.


Айрим истеъдодсиз шоир ва ёзувчилар, асар чиқариш учун фақат Тошкентга бориш, Тошкентда туриш керак, деган гапни тарқатиб юради. Ўзбек адабиётига жиндай хизматим сингган инсон сифатида холисанилла айтишим лозимки, бу гапларга ҳеч ким ишонмасин, биз доим яхши асар ўқисак, муаллиф ким, қаердан эканлигига қарамай, бир-биримиздан суюнчи олиб, ўша асарни чиқарганмиз.

Ўзбекистон, ўзбек адабиёти бор экан, «Шарқ юлдузи» порлаб, чорлаб тураверади. Бир кунлар журнал жуда катта нашрда чиқар эди. Ўзбекман деган одам ўзбек адабиёти билан энг аввало шу журнал орқали танишар эди. Ҳозир ҳам фақат «Шарқ юлдузи» орқали танишади.

«Шарқ юлдузи» Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухтор сингари буюк адиблар қадами теккан жой.

Бугунги кунда ҳам журнал Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Одил Ёқубовдек улкан адиблар, улардан кейинги авлодлар, жуда кўпистеъдодли ёшлар ижодининг доимий кўзгусидир.

«Шарқ юлдузи» бутун Шарққа зиё таратиб тураверсин. Иншаоллоҳ.



Саид Анвар

ЖАҲОНГА ТЕЛЕФОН

Ҳажвия

Хотин киши эркакнинг еттинчи умуртқасидан яратилган, дейишади. Бу гапга унча ишонмай кўйдим. Хотин зоти аслида эркакнинг жағидан ясалган бўлса керак. Икки жағига яқинроқ умуртқасидан...

— Бўлди-э, кавшанаверманг! Жўнанг ишингизга. Ҳа, мен тайинлаган нарсаларни олиб келиш эсингиздан чиқмасин! Яна самовар-памоварда адашиб кетманг.

Адашмасдан уйни топиб келсам ҳам жағи тинмайди:

— Келдингизми?! Ётиб қолавермабсиз-да! Ўзи сизни иш деб яратган. Бирор кун эртароқ келсангиз нима бўларкан-а?! Нега миқ этмай турибсиз, гапиринг?!

Оғиз очиб кўринг — қулоғингиз эрталабгача жағининг тагида қолади.

Уйдаги бундай қулоқоғриқларга баҳолиқудрат чидаб юрардим.

Ишхона деган жойнинг борлигига шукроналар айтиб, қулоғимни дам олдириб келардим. Уйга телефон туширдим-у, ишхонадаги оромим ҳам осмонга учди. Хотиннинг тонгги дийдиёси қулоғим остидан кетмай туриб, телефондагиси бошлади:

— Ҳм, етиб бордингизми? Мунча имиллаб йўл босмасангиз! Икки марта кўнғироқ қилибман, йўқсиз. Ўтиравермасдан ёнингиздаги дўконга кириб чиқинг. Палон нарса олинг!

Дўконга кириб чиқмасимдан яна кўнғироқ.

— Эснаб ўтирибсизми?! Ҳа, ҳалиги мен айтган нарсани олиб чиқдингизми? Э,

бекор қилибсиз, палон нарса омборда бор экан. Яхшиси пистон нарсага алмаштириб чиқақолинг.

Тўйиб кетдим. Уйдаги телефоннинг микрофонини, яъни жағини олиб томга отиб юбордим. Ҳе-ҳе, юрган эканман, тинчидим-қолдим. Телефон жиринглайди, дастакни кўтараман, аммо ҳеч қандай буйруқ эшитмайман.

— Гаплашамизми ё жим тураверасизми? Уйда нима янгиликлар, нима керак, гапирмайсанми, хотинбой! Қанақа топшигинг бўлса, айтавер. Бажарамиз. Гапирмаясан, демак бизга ҳозирча топшириқ йўқ. Унда хайр! — деб хотиннинг жигига тегиб ҳам қўяман. Унинг гапларимни эшитиб нечоғлиқ жиғибийрон бўлаётганини кўз олдимга келтириб, куламан ҳам.

Осуда кунларимнинг бирида бошлигимиз кулиб кириб келди.

— Оббо, Қосимбой-ей! Бало экансиз-ку! Ажойиб ихтиро қилибсиз, бизни хабардор ҳам қилмайсиз. Биласизми...

Билсам, бошлигимизнинг хотинлари ҳам «жағдан яратилган»лардан экан. Бошлиқнинг ҳожатини чиқардим — унинг телефони ҳам жағсиз бўлди. У хурсанд, мен хурсанд... Аммо касбдошларимнинг қовоқлари кундан-кунга осилиб кета бошлади. Ҳатто менга ошқора газаб билан қарашиб, гўлдираб қўядиган бўлишди. Зимдан суриштирдим. Ҳе-ҳе! Бошлигимиз ихтирочилиқда мендан ўтиб кетибди. Ходимларнинг жамики телефонларини жағсиз қилиб ташлабди.

Телефоннинг жағсизлигидан хабарсиз, унга Олимбой рўпара бўлибди.

— Олимбой! Ойлик ҳисобот бугуноқ менинг қўлимда бўлсин, тушунарлими?

— Ўйлаб гапиряпсизми, хўжайин. Ойни энди бошладим, қанақа қилиб унинг якуни тўғрисида ҳисобот тайёрлайман. Ўйлаб гапиринг, хўжайин!

— Нега индамайсиз? Айтадиган гапингиз бўлса, айтинг. Жим туравериш билан иш битмайди, ука, — деган овоз эшитилибди.

— Гапиряпман-ку, гапимни! Янги ойни энди бошладик, қанақасига якуни ҳақида ҳисобот ёзаман, ўйлаб гапиринг, дедим!

— Бир оғиз ҳам айтадиган гапингиз йўқми?

— Э, ойни энди бошлаган бўлсак, унинг якуни тўғрисида қанақа қилиб ҳисобот ёзаман, ўйлаб гапиринг!

— Гапирмайсиз, демак сизга ҳаммаси тушунарли. Хўп, ишга киришаверинг унда!

Олимбой анқайиб қолибди. Бошлиқнинг хонасига чопибди.

Дардини дoston қилмоқчи бўлган экан, бошлиқ. «Вақтни беҳуда сарфлаб хонамга келишингиз шартми? Бугундан кейин телефонда айтинг, қанақа дардингиз бўлса?!» дебди. Олимбой телефонда бошқатдан дардини айтаётса, ундан: «Гапирасизми ё жим тураверасизми?» деган овоз эшитилибди. Тахта бўлиб қотиб қолибди Олимбой тушмагур! «Ё бошлигимиз ақлдан озган ё мен...», деб ўйланиб телефонга қараса... жағи йўқ эмиш! Бошлиқ жамики телефонни жағсиз қилиб олиб, уни астойдил синовдан ўтказётган экан.

Бошлиқнинг иши фақат буйруқ беришдан иборат бўлиб қолди. Биз бечоралар мингта дардимизни жағсиз телефонга айтиб ишляпмиз! Каминага янги ихтиролардан йўқми, мабодо, дегандай бошлигимиз елкамга қоқиб чиқиб кетишни кўймайди.

Ҳатто юқоридан келган бошлиққа мақтовимни «том бўйи» қилиб юбордилар. У кишиям елкамга қоқиб кетдилар.

Эртасига бошлигимизнинг қовоғидан қор ёғиб қолди. Биз билан фақат телефон орқали гаплашарди, хонасига тўплаб йиғилиш қилди. Елкамга қоқиб кўйиш одатини ҳам унутиб қўйди. Қайтанга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди. Билсам... Юқоридаги бошлиқ телефонини жағсиз қилиб кетган экан!

Ишхонадан паттамни қўлимга тутқазишди. Аммо тушкунликка тушганим йўқ. Яна ихтиролар билан шуғулланаяпман. Мана, янгиси, жағи бору қулоғи йўқ. Яъни, дардингизни уч кун дoston қилсангиз ҳам, эшитаверади. Фақат дардингизга малҳам бўладиган бирорта товуш эшитмайсиз. Аммо янги телефон аппаратимизга харидор чиқмайроқ турибди. Хотин бўлса:

— Кутаверманг деб сизга юз марта айтаманми?! Кутиб овора бўласиз! Ихтиро қилишда кечикдингиз.

Ҳозирча бу жағдан яратилган нарса бўлса, жаврайверади-да, деб унинг гапи-га парво қилганим йўқ.

ХАНДАЛАР


Чой ва нондан берақолинг

- Паловингиз қанчадан?
- Икки юз эллик сўм.
- Яримта нон ва чой билан қанча бўлади?
- Ҳаммаси шу икки юз эллик сўм.
- Тушунмадим?
- Ҳурандаларни кўпроқ жалб этиш учун нон ва чой бизда бепул.
- Унда менга палов сузманг, чой билан нондан берақолинг.

Эртага билиб келаман

Ҳисоб муаллими ўқувчисидан сўради:

- Даданг 12 минг сўм иш ҳақи олиб келди, дейлик. Ойинг 7,5 минг сўмини олса, дадангга қанча қолади?
- Ҳеч қанча!
- Қанақасига?
- Ойим дадамдан борини шилиб оладилар, дадамда бир сўм ҳам қолмайди.
- Даданг индамай тураверадими?
- Йўқ, ишга кетишда ҳар куни тўрт юз сўмдан қайтариб оладилар.
- Ушанда ойингга қанча қолади?
- Эртага билиб келаман, домла. Ойимда яна нимадир қолса керак...



Сўзсиз сурат

Қичиган қўл

Биз олдинлар уяли телефонни билмасдик. Ҳозир ёш боланинг қўлида ҳади кўрасиз. Майли-да! Лекин гоҳ қизиқ ҳолга тушиш мумкин. Ана, кўча ўртасида бир одам қотиб турибди. Ўзи-ўзи билан гаплашяптими десам, уяли телефонда бақираётган экан:

— Кейинроқ телефон қил! Бандман...

* * *

«Кўлинг қичияптими?» деган гап бор. Буни ўзини тутолмаган одамга айтишди. Аслида, баъзан қўлнинг қичиши хурсандчилик: қўлга пул киради! Айтмоқчиман, одамнинг ҳар ери қичигандан қўли қичигани яхши...

* * *

Қайсидир мутафаккир айтган экан: баъзи бировлар учун қўл билан оёқнинг фарқи йўқ...

* * *

Бир дўстим оёғи оғриган таниш жувонни кўрмай юриб, катта даврада тасодифан учратганида, шошиб сўради:

— Хоним! Оёқларингиз яхшими?!

* * *

Бир кишини билардим, оддий гапни айтишдан ҳам кўрқарди. Безори болалар кўчада муштлашаётган эди. У бўйнини қисиб, пичирлади:

— Ёшларимиз ақли...

* * *

«Қўли узун» ёки «қўли ҳаммаёққа етади» деган гапни эшитсам, қўл ўрнида симёғоч кўз олдимга келади.

* * *

Қўл асосан, бошни қашиш учун берилган, деган экан бир ҳазилкаш...

ЗАМОНДОШ

Тирик балиқ

Замондош «синглим», «жоним» деган сўзларни кўп ишлатишга одатланган эди.

Бир куни бошлиқ билан гаплашаётиб, беихтиёр «синглим» деб юборди. У ўзининг бу «гуноҳ»ини қандай ювишни билмай юрган эди, бир даврада бошлиқнинг хотинига юзлашаётиб, бехос «жоним» деган сўз оғзидан чиқиб кетди...

* * *

Дарё бўйида таниш бир жувон Замондошга:

— Мен яхши сузаман. Сувда балиқ бўлиб кетаман, — деди.

— Унда мен қармоқ солиб, сизни илантиришим керак, — деди Замондош.

* * *

Замондош бировнинг олдида бўш келишга ҳеч тоқати йўқ эди.

У бир куни таниши билан суҳбатлашиб ўтирарди.

— Мен ёшлиқда анча оғир касал бўлганман, — деди таниши.

— Мен ўшанда ўлганман! — деди Замондош.

* * *

— Сизга ковурилган балиқ ёқадими, пишганими?! — деб сўради Замондошдан хотини.

— Тирик балиқ ёқади, — деди Замондош.

ЗАМОНДОШНИНГ ЗАМОНДОШИ



АДАБИЙ БОШҚОТИРМАЛАР

Биринчи фаслдаги журналда икки томондан ҳам бир хилда ўқиладиган сўзларни келтирган эдик. Бизга кўнғироқ қилган журналхонлар ўша рўйхатга қуйидаги сўзларни кўшиб қўйишни сўрашди:

кўк, ана, нодон, оббо, азиза, ақиқа.

Янги ва кутилмаган мисоллар топсангиз, бизга ёзиб юборинг.

* * *

Энди, икки томондан ўқиганда икки хил маъно чиқадиган сўзларни эслайлик:

**Бобур — рубоб, Ироқ — қори, муз — зум, хўш — шўх,
роз — зор, новот — товон, рух — хур, шом — мош.**

Тилимизда бундай сўзлар ҳам бир талай. Янги мисоллар изланг.

* * *

з	а	ғ	и	з	ғ	о	н
қ	о	р	а	я	л	о	к

Қолган катакларга яна қайси қушларнинг номини «сиғдира» оласиз? Ёзиб юборинг.

* * *

										К
А										

Тўғрига қараб:

номига қимматбаҳо сифат қўшилган, гарчи ҳаётда ўзи бўлмаса ҳамки, машхур, эртақларга кирган мавжудот.

Юқори қатордаги ҳарфларни қўшган ҳолда, пастга қараб:

С. Айний асари; «Хамса» қахрамонларидан бири; жой номи, вилоятнинг бўлаги, табиат ҳолати; ўтган асрдаги шоир; исм, камёб мазмунидаги сўз; буюк шоир ва саркарда; Отелло образини яратган таниқли актёр; «сазovor» сўзининг шакли; газета номи; барча амал қилиши керак дастур.

Сизга ўқиш ўнғай бўлиши учун икки бурчдаги ҳарфлар белгилаб қўйилди.

Юқоридаги ва бу бошқотирмага жавоб топган журналхонга муаллиф дастхати билан китоб совға қилинади.

АДАБИЁТ ДАРСИ

1. Плевака ўзи ким ва унинг номи ўзбек адибларидан кимнинг асарига кирган?

2. «Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётконинг қани?»

Нега оқ илон? Нега ойдинда ётибди?!

* * *

Куйидаги, кам ишлатилган ёки умуман ишлатилмаган қофияларга асосланиб, кичик бир шеър ёзсангиз. Шеър табассум билан ёзилиши шарт.

ҳалқа — халққа, қудуқ — худуд,
бисёр — биз бор, ҳар на — барно,
шамс — рамз, даъвогар — савдогар,
бу қиш — ўқиш, намуна — камина...

Муваффақиятли чиққан шеър журналда эълон қилинади.

* * *

Кўприкни ким қуради?

Остида ким туради?

Устида ким юради?

Эски қўшиқ руҳидаги шу сатрларни эпиграф қилиб, «Кўприк» деган бир бет ҳикоя ёзсангиз. Табассум билан, беозор руҳда.

Таҳририятга маъқул келган яхши ҳикоялар журналда босилади.

Мундарижа

АДАБИЙ ҲИЛЛАР

Иброҳим Ғафуров. Қаҳрамонимизни қаердан топамиз?	3
Сабоҳат Сафоева. Аёл олами	7

БИР СОҒИНЧ ҚАШҚАДАРЕ

Дониёр Бегимқулов. Самимият ёғдулари	10
Абдулла Орипов. Ҳамма гап шунда. Шеърлар	13
Руйиддин Раҳимов. Ҳаёт ҳикоялари	15
Омон Мухтор. Сўзнинг машаққатли йўли	18
Бекзод Нормурод ўғли. Юрт қайғуси. Шеърлар	21
Абдунаби Абдиев. Тилсим. Қисса	23

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Охунжон Ҳаким. Бу кўнгулни яшнатиб. Шеърлар	35
Жамшид. Дил очдинг ишқ насимиға. Шеърлар	38
Муҳаммад Исмоил. Кўзларингдан гўзал ҳусн йўқ. Шеърлар	39
Собира Бўлдиева. Тонгларга мақтадим ишқ офтобини. Шеърлар	40

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиакбар Шайхов. Самовий муҳаббат. Илмий-фантастик роман	43
---	----

АДАБИЙ ДАВРА

Бир покиза нурга ташнадур кўнгул. Мушоира	126
---	-----

ТАБАРРУК ТУПРОҚ

Абдурахмон Саъдий. Улуғ кишилар	133
Расул Носиров, Тохир Каримов. Беруний: билишда холислик ва ҳақиқат мезони	138
Нурбой Абдул Ҳаким. Фурқат мероси ва хитой манбалари	144
Фурқат. Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий	145

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 70 ЙИЛЛИГИГА

Ҳусниддин Шарипов. Халқ кўнглининг чирогои	151
Машраб Бобоев. Юлдуз доим чорлайди	153

ГУЛҚАЙЧИ

Саид Анвар. Жағсиз телефон. Ҳажвия	154
Севар Каримов. Ҳаңдалар	156
«ЗАМОНДОШ» БУРЧАГИ	
Адабий бошқотирмалар	157
Адабиёт дарси	159

Безовчи рассом Абдухалил Турсунов

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. * Обунага монельлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 30.05.2001 й. Босишга руҳсат этилди 9.07.2001 й. Қоғоз формати 70x1081/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1800 нусха. Буюртма № 1980.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.